

Қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш технологияси

САМАРҚАНД -2013

С.Ю.Юсупов , С.Б.Сатторов, С.Р.Базаров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш технологияси

(Укув кулланма)

САМАРҚАНД -2013

Ушбу касб-хунар коллежлари учун “Қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш технологияси” фанидан ёзилган укув кулланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 11 майдаги 192-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури талаблари асосида ёзилган бўлиб, бунда соҳани модернизациялаш ва илмий-техник тараққиёт ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш йўли билан қоракўлчилик ривожини жадаллаштириш масалаларига, янги технологиялар асосида қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тартиби ва унинг ўзига хос томонларига, яйловлардан унумли фойдаланиш технологиясига кенг таъриф берилган. Қоракўл қўйларнинг пода таркиби меъёри, ферма ва комплексларда ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш масалалари, хўжалиқдарнинг ташкилий-иқтисодий асослари атрофлича таърифланган. Ихтисослашган комплекслар, турли мулкчиликга асосланган ҳар хил тоифа қоракўлчилик хўжаликлар, хусусийлаштирилган фермер хўжаликлар шароитида қоракўл тери, жун, гўшт ва қоракўлча ишлаб чиқариш технологияси асослари ҳам етарлича таърифланган.

Укув кулланма қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари укувчилари учун мўлжалланган бўлиб, мазкур қўлланма бўйича таклиф ва эътирозлар қуйидаги манзилгоҳга юборилишини сўраймиз:

140154, Самарқанд шаҳри. М.Улуғбек кўчаси 77уй, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Учебное пособие написано согласно утвержденной учебной программы «Технология выращивания продукции каракулеводства» и направлена на обучение модернизации отрасли и внедрения достижений научно-технического прогресса, способствующего ускорению использования новых технологий, видоизменяющих и ускоряющих процессы производства высококачественной продукции каракулеводства. Внедрения экологически безопасных систем использования пастбищ, укрепления и создания прочной кормовой базы, описаны безотходные технологии хранения и использования кормов. Раскрыты вопросы оптимизации структуры стада, механизации трудоёмких процессов на специализированных фермах и комплексах, охарактеризованы специфика технологий производства каракуля, шерсти, мяса на специализированных комплексах, фермах при разных формах собственности. Учебное пособие предназначено для учащихся сельскохозяйственных средне-специальных профессиональных колледжей

Авторы с благодарностью воспримут от читателей отзывы, критические замечание и предложение по адресу 140154, г. Самарканд ул. М.Улугбека 77, СамСХИ.

This teaching manual is written according to the confirmed curriculum of “the technology of production of karakul sheep – breeding products” and is meant to teaching the methods of modernization of the branch and inculcation of the achievements of scientific-technical progress, contributing to the speeding - up the application of new technologies, modifying and improving the processes of production of high quality products of karakul sheep – breeding, inculcation of ecologically safe systems of application of pastures, strengthening and creation of stable fodder supply, there are described the wasteless technologies of storage and application of fodder . There are revealed the matters of optimization of the structure of the flock, the mechanization of laborious processes on specialized farms and complexes there is characterized the specific character of the technology of production at different forms of ownership.

The teaching manual is meant for the students of agricultural professional colleges, bachelors, masters, stage – researchers of higher educational establishments, students of faculties of improvement of qualification of stock – breeding trend on specialties: “zootechnics”, the technology of production karakul shup-brudeng products and also it is meant for the heads and specialists of karakul sheep-breeding farms.

The authors will accept with gratitude the readers opinions, critical comments and suggestions to the address: 140154 Samarkand city, Mirzo Ulugbek street, 77 Sam.Agricultural Institute.

Муаллифлар: Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суратбек Юнусович Юсупов, қ. х. ф. н. Субхон Бобоқулович Сатторов, қ. х. ф. н., доцент Соли Рахматович Базаров.

Такризчилар; Самарканд қишлоқ хўжалик институти “Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Д. Холмирзаев.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси институти директор муовини қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим А. Газиёв.

МУНДАРИЖА

Кириш

1 боб. Қоракўлчиликни республика халқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистонда, МДХда ва бошқа хорижий давлатлардаги қоракўлчиликни тарихи ва халқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти, ҳолати ва истикболлари.

II. боб. Қоракўл қўйларининг келиб чиқиш тарихи.

Қоракўл қўйларининг келиб чиқиш тарихий эволюциясининг назарий ва амалий асослари, ундаги руй берган узгаришлар ва уларга таъсир курсатган омиллар. Қоракўл қўйларини биологик хусусиятлари ва улардан амалиётда фойдаланиш.

III. боб. Қоракўл қўйларини экстеръери, интерьери конституцияси.

Экстеръерни, интерьерни ўрганиш усуллари ва амалиётда қоракўл қўйларини баҳолашда фойдаланиш. Экстеръер, интерьер ва конституцияни қўйлар маҳсулдорлиги билан боғликлиги, қоракўл қўйлар ёшини аниклаш.

IV. боб. Қоракўл қўйларидан олинадиган маҳсулотлар тавсифи.

Сут, гушт, жун, тери, нури каби қоракўл қўй маҳсулотларини тавсифи ва улардан фойдаланиш. Қўйлар жун киркимини ташкил қилиш ва ўтказиш.

V. боб. Қоракўл қўйларини типлари, уларни табакаланиши, экологик ва географик хиллари (чўл, ярим чўл, тоғ ва тоғ олди) ва уларни тавсифи.

Қоракўл зотли қўйларини табакаланиши, экологик ва географик хиллари ва уларни тавсифи.

VI. боб. Турли тусдаги(ранг) қоракўл қўйларини завод типлари.

Турли тусдаги (ранг) қоракўл қўйларини завод типлари (нурота, конимех, қизилқум, гузор, боботог, нишон, ва х.к.) ва уларни тавсифи.

VII. боб. Турли тоифадаги қоракўлчилик хўжаликларида селекция наслчилик ишларини олиб бориш асослари.

Қўйларни танлаш, саралаш, қўзиларни бонитировка қилиш ва эн солиш усуллари ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш.

VIII. боб. Қоракўл қўйларини кўпайтириш техникаси.

Кўпайтиришга тайёрланиш ва ўтказиш, қўйларни сунъий кочириш ва кўпайтириш усуллари (соф холда, чатиштириш, дурагайлаш) ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш.

IX. боб. Қоракўл қўйларни қўзилатиш.

Қоракўл қўйларни қўзилатиш, унга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш техникаси. Сакмонларни ташкил этиш, қўзиларни хисобга олиш, асраш ва парвариш қилишни ташкил этиш.

X. боб. Қоракўл қўйлар сурувларини ташкил этиш.

Қоракўл қўйларини такрорий ишлаб чиқариш сурувларини ташкил этиш, қўзиларни ажратиш муддатлари ва амалиётда уларни қўллаш.

XI. Боб. Қоракўлшунослик асослари.

Қоракўлчиликда теришунослик асослари, эмбрионда жун жингалакларини ҳосил бўлишини назарий ва амалий асослари ва унга таъсир этувчи омиллар.

XII. боб. Қоракўл қўйларидан олинадиган тери маҳсулотлари.

Тери турлари, хиллари ва табакаланиши. Териларга бирламчи ишлов бериш.

XIII. боб. Қоракўл қўй ва қўзиларини ёз ва киш ойларида меъёрлар асосида озиклантириш.

Озиклантириш учун кулланадиган озикалар, уларни туйимлилиги, озикаларни жамгариш ва уларни едиришга тайерлаш. Қўйларни яйловда боқиш, сугориш техникаси, усуллари ва яйловлардан унумли фойдаланиш. Хўжаликни озикага бўлган талабини аниклаш ва унинг аҳамияти.

XIV. боб. Қоракўл қўйларини касалликлари, турли технология жараенларини механизациялаштириш.

Қоракўл қўйлар касалликлари, уларни даволаш ва олдини олиш борасида зооветеринария тадбирлари. Қўй ва қўзиларини суйиш, терисини шилиш, сугориш, озика жамгариш, едиришга тайерлаш ва турар жойларини тозалаш каби технологик жараенларини механизациялаштириш.

ИЛОВА:

1. Изохли лугат.

Кириш

Қоракўлчилик мустақил Ўзбекистон яйлов чорвачилигининг муҳим ва салмоқли тармоғи бўлиб бепоеън чўл яйловларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи, шу ҳудудда яшайдиган 3,0 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминловчи, жаҳон бозори талабларга мувофиқ хилма-хил маҳсулот етиштирувчи соҳа дур.

Соҳанинг равнақи, унинг ривож топиб кенгайиши, қоракўлчилик фанининг ҳолати билан бевосита боғлиқ. Шу фаннинг асоси бўлган “қоракўлчилик маҳсулотларни етиштириш технологияси” фанининг мақсади- қоракўл кўйларини урчитишни кўпайтиришни, озиқлантиришни, наслчилик ишларни олиб боришни, уларни баҳолашни, олинаётган маҳсулотларни республика иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, уларнинг сифатини ошириш чора тадбирлари ҳамда янги технологиялар асосида маҳсулот етиштиришни ва уларга дастлабки ишлов бериш, сақлаш ва сотишни ўрганади.

Аниқроғи қоракўл кўйлардан олинадиган, миллий ифтихоримиз деб қабул қилинган турли ранг ва рангбарангли қоракўл териси, турли хил гилам ва кийгизлар тайёрлашга ишлатиладиган жун, пархез гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотларни шаклланиш қонуниятларини, улардан самарали фойдаланишни ўрганувчи фандир.

Яйлов чорвачилиги соҳасида фаолият кўрсатишга киришган еш мутахассис қишлоқ хўжалик чорва моллари биологик хусусиятларни, маҳсулдорлигини, ўрчитиш ва кўпайтириш хислатларини, генетикаси, селекция-- наслчилик ишлари борасида қанчалик юқори илм савиясига эга бўладиган бўлсалар, қоракўлчилик маҳсулотларни етиштириш технологияси соҳасида ҳам шундай билимлар доирасига эга бўлишлари лозим.

Бу фаннинг вазифаси – турли таифадаги хўжаликларда қоракўл кўйларини кўпайтириш, уларни наслини ва маҳсулдорлигини такомиллаштириш, кўйларни яйловда боқиш, асраш, парваришлаш, табиий

серпуштлигини ошириш борасида наслчилик ишларини олиб бориш, улардан кўп ва сифатли қорақўлча, қорақўл-қорақўлча, қорақўл, жун, гушт, тери каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон андоза талабига мувофиқ, табақалаш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, қўйларни сақлаш жараёнида зооветеринария талабларини ўтказиш, маҳсулот ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илғор тажрибасини ҳамда технологияларини қўллашни ўргатишдан иборат.

Бошқа турдош фанларга ўхшаш, қорақўлчилик маҳсулотларни етиштириш фанидан таълим олиш ҳам назарий ва амалий билимлар тизимидан иборат.

Мазкур ўқув қўлланмаси айнан қорақўлчилик маҳсулотларни етиштириш фанининг асосан назарий қирраларини камраб олган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашдан кўзлаган асосий мақсад, зоотехния таълим йўналишида касб-хунар колледжлари талабларига турли хилдаги яйловларида қорақўл қўйларини ўрчитишни, кўпайтиришни, озиқлантиришни наслчилик ишларни олиб боришни, олинаётган маҳсулотларни баҳолашни, республика иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, уларнинг сифатини ошириш чора тадбирлари ҳамда саноат асосида маҳсулот етиштиришни ва уларга дастлабки ишлов бериш, сақлаш ва сотишни ташкил қилишга оид масалалар билан таништириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва самарали фойдаланиш ўргатиш дур.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, барча соҳада таълим бериш тизимида ўқув қўлланма каби ёш авлодга муаян билимларни лўнда содда, мукамал ва кетма – кет етказувчи энг қўлай восита бўлиб ва турли хил мавжуд ўқув воситалари орасида ўз аҳамияти жиҳатидан муҳим ўрин эгаллайди. Энг муҳими, муаллифлар ҳаёт тажрибаларига асосланиб ўз соҳаларига оид ўқув қўлланма тузишга киришар эканлар, улар асосий мақсади талабларга билим ва тегишли маълумотларни баён қилиш билан бирга ҳозирги касб-хунар колледжлар талабларни ва еш мутахассисларни мустақил ва мунтазам

ўқишга, изланишга, жумладан керакли ўқув метариалларини мустақил излаш ва топиш, амалий фаолиятида қўллаш, ижодий қобилиятларини мунтазам ривожлантира бариш, энг зарури- касбий, ҳатто кунлик ҳаётий муаммоларни ечишга тайёр бўлишларига каратишга интилдилар. Ўқув қўлланма касб-хунар колледжлар талабларига мустақил фикрлаш, бажариш кўникмаларни шаклландиради ва изланувчилик қобилиятларни ривожлантиради деб муаллифлар умид қиладилар.

Ушбу ўқув қўлланмаси давлат тилида илқ бор чоп этилаётганлиги туфайли айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий шу туфайли ҳурматли китобхонлар ўқув қўлланма ҳақида ўз фикр ва мулоҳазарини билдирадилар деб умид қиламиз ва уларга олдиндан ўз минлатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ўқув қўлланма ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларингизни Самарқанд ш., М. Улуғбек кўчаси, 77. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти яйлов чорвачилиги ва к/х ҳайвонларини озиклантириш технологияси кафедрасига юборишингизни сўраймиз.

I боб. Қоракўлчиликни Республика халқ хўжалигидаги тутган ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистонда, МДХда ва бошқа хорижий давлатлардаги қоракўлчиликни тарихи ва халқ хўжалигидаги ўрни , аҳамияти, ҳолати ва истикболлари.

Қоракўлчилик Ўзбекистон чорвачилигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, кескин ўзгарувчан иқлим минтақасида жойлашган бепоён сахро ва чўл ҳудудларидан унумли фойдаланишда, халқ хўжалигининг қоракўл териларига, жунга, қўй гўшти ва сутига, пўстинбоп териларига, чарм хомашёсига ва ширдонларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда чорвачилик соҳаси жадал ривожланиб, унинг иқтисодий ва ташкилий асослари барқарорлашиб бормоқда. Ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий база яратилган – Олий мажлиси томонидан қабул қилинган “Наслчилик тўғрисида”ги ва “Селекция ютуқлари туғрисида”ги қонунларни мисол келтириш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи фермер ва деҳқон хўжаликларда чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 308-сонли ва 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 842 сонли қарорлари соҳани ривожлантиришда янги истикбол йўллари очиб берди ва чорвадорлар учун катта имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қоракўлчиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги 250-сонли (13.04.1998) қарорини қабул қилиниши соҳани янгитдан ривожланиши учун имкониятлар очиб берди. Бу қонун ва қарорларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш соҳанинг

ривожланишини, етиштириладиган қоракўлчилик маҳсулотларининг сифатини сезиларли ошириш, унинг экспортбоплиги, жаҳон мўйна бозорида рақобатбардошлиги ва умуман олганда ўзбек қоракўлининг шуҳратини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради.

Қоракўлчилик қишлоқ хўжалик фани, объекти сифатида у ўз мавзуи ва текшириш услубларига эга бўлиб, қоракўл зот қўйларининг келиб чиқиши ва шаклланиши тарихини, зотнинг такомиллашиш спецификасини, селекция ва наслчилик иши усулларини, урчитиш техникаси ва ҳоказоларни ўрганади.

Революциядан илгари 20 асрнинг бошида Ўрта Осиёда қоракўл қўйларининг умумий сони тахминан 4 миллионга етарди. Буларнинг ярмидан кўпи Ўзбекистонда урчитилар эди.

Бу қўйларнинг 80% и ва ўтлоқларнинг кўп қисми бойларга қарашли эди. Чор Россиясида қоракўлчилик қолоқ ҳолда бўлиб, қоракўл қўйлари йил давомида қўйхонасиз очиқ ҳавода сақланарди. Ветеринария ва зоотехника тадбирлари асло қўлланилмасди. Чўпонлар учун маданий ва маиший шароит мутлақо яратилмасди. Табиий офатдан, озиқнинг етарли бўлмаслигидан, юқумли касалликларнинг кўплигидан, ёпиқ қўйхоналарнинг йўқлигидан ва чўпонлар аҳволининг оғирлигидан ҳар йили минглаб қоракўл қўйлари нобуд бўлиб кетарди. Масалан, 1892 йилда Нурота атрофида қўйларнинг 90-95% и, Қоракўл ва Бухоро атрофида эса 90% и қирилиб кетган. Октябр революцияси даврида Бухоро амири ўз амалдорлари билан 1 миллионга яқин энг яхши қоракўл қўйларини чет давлатларга ҳайдаб кетган. Агар 1912 йилда қоракўл қўйларининг сони Бухоро ва Хива хонликларида 4,1 миллион бошга яқин бўлса, 1924 йилда 1,1-1,4 миллион бош қолган эди (М.Карпов маълумотидан).

Ўзбекистонда ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ташкил этилганлиги туфайли қоракўл қўйлар туёғи (ҳатто урушнинг оғир йилларида ҳам) тўхтовсиз кўпая бошлади. 20 асрнинг 40 йиллар охирида бу соҳа айниқса жадал ривожланди.

1932 йилда Ўзбекистонда 634,0 минг бош қоракўл қўй бўлган бўлса, 1940 йилда 1917,0 минг, 1946 йилда 2946,0 минг, 1955 йилда 3947,7 минг, 1960 йилда 5045,9 минг, 1965 йилда 4336,2 минг, 1975 йилда 4223,1 минг, 1980 йилда 5126,3 минг бошга етди.

Ҳозирги кунда қоракўлчилик Республика халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллайдиган соҳалардан ҳисобланиб, 17,5 млн. га чўл яйловларидаги барча категориядаги хўжаликларда (шаркат, деҳқон, фермер) 5,5 млн. бош шу жумладан “Ўзбекқоракўли” компанияси тизимидаги хўжаликларда 2,5 млн. бошга яқин қоракўл қўйлари урчитилади. Қоракўл зотининг насл захираси жуда бои. Унинг таркибида 10 га яқин ранг 30 дан зиёд ранг-барангликлар, 4 гул, 4 конституция типларига мансуб қўйлар мавжуд. Ушбу зот билан узок йиллар давомида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш тизими, турли ранг, ранг-баранглик ва гул типидagi қоракўл қўйларининг 31 янги завод типлари яратилиб, патентлар билан ҳимояланган, яйловларни яхшилаш технологиялари ишлаб чиқилган.

Соҳа республика миқёсида йилига 17000,0-18000,0 тонна гўшт, 750-800 минг дона қоракўл терилари ва 3000,0 тонна атрофида жун ишлаб чиқаришни таъминламоқда.

Қоракўлчиликнинг насл базаси кучли. Республика миқёсида ҳозирда 29 наслчилик заводлари ва хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда ва зот миқёсида 31 юқори ирсиятли завод типлари мавжуд. Барча завод типлари қоракўлчилик институтининг илмий ходимлари ва амалиётчилар ижобий ҳамкорлигининг маҳсули ҳисобланиб, уларнинг ирсияти қора, кўк, Бухоро, Қорақалпоқ, Сурхондарё сурлари, оқ, гулигаз рангларидаги, турли гул типли (қаламгул, ясси, қовурғасимон) юқори сифатли қоракўл терилари ишлаб чиқариш бўйича селекцияланиб, мустаҳкамланган.

“Қоракўлчиликда гул типларига асосланиб наслчилик ишларини юритиш тизими” соҳада селекция натижадорлигининг кескин ошишини таъминлаганки, бу йўналиш бўйича асосий илмий-тадқиқот ишлари олимлар

ва амалиётчилар томонидан “Қорақум” ва “Муборак” наслчилик заводида ўтказилган. Ушбу ишланма учун Ўзқчэит институтнинг бир гуруҳ олимлари А. Р. Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлар.

Охирги йилларда бозор талабининг қовурғасимон ва ясси гуруҳларидаги қорақўл маҳсулотига томон ўзгариши соҳада селекция наслчилик ишларининг йўналишини ўзгартиришни, яъни қайд этилган типлардаги қўйлар селекциясига эътиборни кучайтиришни талаб этди. Бунга жавобан олимлар ва амалиётчилар республиканинг, “Қизилқум”, Абай номи, “Сарибел” ва Амир Темур номи Г.Гулом ва “Конимех” наслчилик заводларида сур қўйларининг, “Тўртқўл”, “Ўзбекистон”, “Сарибел” ва “Бухорои-шариф” наслчилик заводларида мутахассислар билан ҳамкорликда қора рангли қовурғасимон типли қорақўл қўйларининг “Авазчўл” ва “Сарижол” типларини яратдилар ва ушбу типлар 2005-2009 йиллар оралиғида Давлат патентлари (ZAP 00011, 00012, 00013, 00014, 00015, 00016) билан ҳимояланди.

Соҳани Республикада ривожлантиришда бирдан-бир муаммо-бу қорақўлчиликда кузатиладиган озуқа танқислигидир. Шу ўринда инқирозга учраган яйловларни яхшилаш, сув манбалари ташкил этиш ишларини амалга ошириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, истиқболда республикада қорақўлчиликни ривожлантириш бўйича вазифаларни ечиш мақсадида Республика Президенти ва ҳукумати соҳага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.

Шунга жавобан чорвадорларининг чўл регионининг оғир экстремал шароитига, озуқа танқислигига, яйловлар ҳосилдорлигининг ўта пастлигига қарамасдан тинимсиз меҳнат қилиши эвазига республика миқёсида охирги йилларда мол бош сонининг маълум даражада ўсиши кузатимлмоқда

“Ўзбек қорақўли” компаниясининг асосий кўрсаткичлари

1-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1990	1995	2000	2012
Ширкатлар	сони	127	127	127	103

Майда шохли моллар сони	минг бош	3382	3098	1945	2210
Маҳсулот ишлаб чиқариш					
қоракўл	минг дона	851	811	440	205
Жун	минг тонна	5,2	3,0	2,9	3,0
Гўшт	минг тонна	39,9	28	18	19,4

Ҳозирги вақтга келиб республикамизда қоракўл зотини урчитиш билан 103та ихтисослашган ширкат ва юзлаб фермер хўжаликлар шуғулланмоқда, қоракўл териларига ишлов берувчи қоракўл заводи ва ўнлаб майда хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон қоракўл зотининг азалий ватани ҳисобланади ва унинг бепоён яйловларида 5,5 млн.га яқин қоракўл қўйи асралмоқда. Республикамиз вилоятларида ширкатларда асралаётган қўйларнинг бош сони ҳақидаги маълумотларни 2-жадвалда келтирдик:

2-жадвал

**Қоракўл қўйларни вилоятлар ширкатлари бўйича жойлашуви ва
яйлов миқдори**

	Қўйларнинг бош сони м бош	Яйлов миқдори м га	1 бош қўйга яйлов миқдори, га
Қорақалпоғистон	181,9	1124,8	6,2
Бухоро	219,2	2058,7	9,4
Жиззах	186,9	378,9	2,0
Навоий	890,6	4941,3	2,0
Қашқадарё	367,7	865,4	5,6
Самарқанд	187,7	525,3	2,8
Сурхондарё	74,1	262,1	3,6
Жами:	2108,1	10186,5	4,8

Бу жадвалда фермер ва деҳқон хўжаликлари мол бош сони инобатга олинмаган.

Айтиш ўринлики, республика Президенти ва ҳукуматининг эътибори натижасида соҳа йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва унинг халқ хўжалигида тутган ўрни мустаҳкамланмоқда.

Келгусида соҳани янада ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштрилмоқда:

1. Илғор селекцион технологиялар ва тадқиқот натижаларини қўллаш асосида бозор талабидаги қорақўл маҳсулоти берувчи қўйларнинг массивини кенгайтириш.

2. Қорақўлчилик регионидида чўл яйловларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш. Яйловлардан барча мавсумларда фойдаланиш мақсадида уларнинг ўсимлик қопламини бута (саксовул) ва ярим бута (изен, чоғон, қуйровуқ ва бошқалар) турлар билан бойитиш.

3. Қорақўлчиликнинг озуқа базасини ҳудудларда мавжуд бўлган сув манбаларидан фойдаланиш асосида мустаҳкамлаш.

4. Қорақўлчилик фани ютуқларини тарғиб қилиш ва илғор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш.

Ушбу вазифаларни бажариш йўналишида мақсадли иш олиб бориш, ўйлаймизки, республиканинг чўл регионидида қорақўлчиликни янада ривожлантириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, селекция жараёнида самарали усулларни қўллаш янги ранг, рангбаранглик, гул типлари, серпуштликка, юқори ҳаётчанлик ва мослашиш хусусиятларига эга бўлган қорақўл қўйларининг юқори маҳсулдор зот ва завод типлари яратилдики улар зотнинг бозор талабидаги қорақўл маҳсулоти етиштирувчи генофонд таркибини сезиларли бойитиш имконини берди.

Туркменистон қорақўлчилиги. Республика территориясининг 85% ни Қорақум чўли эгаллайди. Бу ерда қорақўл қўйлар ва туялардан бошқа ҳайвон турларини урчитиш мақсадга мувофиқ эмас.

Туркменистоннинг қорақўл қўйлари бирмунча йириклиги, гавда тузилиши курук ва уйгун (келишган)лиги билан ажралиб туради, яхши ифодаланган зотдорлик ва қимматли наслдорлик хусусиятларига эга. Улар терисининг товарлик сифати анча юқори.

Туркман қорақўл терилари асосан йирик (1570-1700см²), вазни бирмунча огирроқ (350-420 г), мездраси пишик ва ўртача калинликда (0,8-1,1 мм), гули чиройли бўлади. Жингалаклари ва ранги терининг бутун майдонига бир текис тарқалган.

Қозоғистон қорақўлчилиги. Қозоғистоннинг чўл зонасидаги яйловлар 36 млн гектардан ортик майдонни эгаллайди. Ушбу яйловларни узлаштириш учун утган асрнинг 30-йилларидаёқ бу ерга Ўзбекистон ва Туркменистондан қорақўл қўйлар олиб келина бошланган эди. Чимкент, Жамбул, Кизил Урда ва Гурьев вилоятларида қорақўлчилик бошқа жойдан олиб келинган қорақўл қўйларни иқлимлаштириш ва соф ҳолда урчитиш, шунингдек, уларни маҳаллий думбали-дагал жунли қўйлар билан чатиштириш йули билан ривожлантира бошлади.

Янги экологик шароитда вужудга келган қорақўл қўйлар типии бирмунча йириклиги (буйдорлиги), кенг тушли ва вазндорлиги, кўп жун бериши ва табиий серпуштлиги (100 бош совлиқдан 116-120 қўзи олинади) Билан характерланади. Республиканинг уз наслчилилик базаси вужудга келтирилган.

Қозоғистон қорақўл терилари асосан йирик (1500-1700 см²) бўлиб, вазни бир оз огир (450-500г), мездраси калин (0,3-1,1 мм), жуни узун (12-16мм), жингалаклари ўртача йирик ва калта, терининг бутун юзаси буйлаб нисбатан бир текис тарқалган бўлади.

Тожикистон қорақўлчилиги. Бу ерда қорақўл қўйларни урчитиш билан кадимдан шугулланиб келинади, аммо уларнинг сони кўп бўлган эмас.

Кейинги йилларда катта- катта яйлов массивларининг пахта ва бошқа техника экинлари учун узлаштирилиши сабабли ёз даврида қоракўл қўйлар тоғ ва баланд тоғ яйловларига, 400-500 км олис масофага хайдаб кетиладиган бўлди, бу эса Ушбу тармоқнинг ривожланишига ёрдам берди. Баланд тоғ яйловларида қўзилар ёз даврида яхши усиб, ривожланди, совлиқларнинг серпуштлиги ва сути кўпайди, жун киркими орта борди (16-21%) . Бу қоракўлчилик ишлаб чиқаришининг шу соҳа тарихида тамомила янгилаш ташкил этилиши бўлиб, у қоракўл қўйларнинг хилма-хил шароитга ниҳоятда мослашувчанлигига асосланган.

Тожикистонда 400 минг бошдан ортиқ қоракўл қўйлар бўлиб, улар республиканинг жанубида боқилади. Республикада қоракўлчиликни ривожлантиришга актив таъсир курсатаётган «Кабадиён» давлат наслчилик заводида қора ва Кўк қоракўл қўйларнинг энг яхши типлари чиқарилган.

Тожикистоннинг қоракўл қўйлари жуссаси йириклиги, гавдаси бир оз узунчоқлиги, гармоник тузилиши ҳамда оёқлари курук ва мустаҳкамлиги билан фарқ қилади. Совлиқларнинг тирик вазни 48-52 кг, қўчқорлари 65-75 кг келади; жун киркими – совлиқларида 3,1-3,5 кг ва қўчқорларида 3,4-4,0 кг. Тожикистон қоракўл терилари бирмунча йирик (1500-1800 см²), енгил (280-350 г), мездраси юпка ва пишик (0,6-0,8 мм), Тим қора пигментацияли, жуни кучли ва нормал ипаксимон, жингалаклари узун ва ўртача узун, ловиясимон бўлиб, чиройли оригинал нақш ҳосил қилади ва терининг бутун майдонига бир текис тарқалган.

Қоракўл зотли қўйлар кам микдорда Калмикистон, Украинада ва Молдова Республикаларида ҳам урчитилади.

Чет элларда қоракўлчилик. Қоракўл қўйлар зоти чўл, чала чўл ва курук даштлар зонасида қўйлар йил буйи яйловда боқиладиган шароитда вужудга келган. Бошқа табиий муҳитда қўйлар иқлимга тез мослаша олмайди. Шунинг учун чет элларда қоракўлчилик Афғонистон, Намибия ва Жанубий Африка Республикаси сингари мамлакатларида энг кўп тарқалган.

Афғонистон қорақўлчилиги. Афғонистонда қорақўлчилик факат XIX асрнинг иккинчи ярмида хўжаликнинг бир тармоги сифатида шаклланди. Бу даврда Амударёнинг чап соҳилидаги кенг яйловларга ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон ҳудудларидан кўп сонли подалари бўлган чорвадорлар утиб кета бошлаганлар. XIX асрнинг охирларида Афғонистон Россия бозорига ҳар йили атига 80 минг дона, Ғарбий Европа мамлакатлари бозорларига эса 30 минг дона соф зот ва метис қорақўл тери чиқарар эди. Ушбу мамлакатдаги қулай шароитда қорақўлчилик шиддат билан ривожлана бошлади ва XX асрнинг бошларида Афғонистондаги қорақўл қўйлар ҳамда уларнинг чатишмалари салкам 1 млн бошга етди.

Фукаралар уруши йилларида йирик узбек ва туркман бойлари ҳамда Бухоро амири 850-900 минг бошга яқин қорақўл қўйни Афғонистонга хайдаб кетдилар. Ушбу подалар Афғонистонда қорақўлчиликни қайта ташкил қилиш ва қорақўл қўйлар туёғини кўпайтириш учун асос бўлди. Уларни боқиш ва урчитиш учун Хиндикушдан шимолроқдаги районлар ажратилди. Афғонистоннинг шимолий ва шимоли - ғарбий районлари яйлов ем- хашак шароити жихатидан Туркменистон ва Тожикистон асосий қорақўлчилик районларидан фарқ қилмайди.

Ҳозир Афғонистонда 3-4 млн. бош чамаси қорақўл қўй бўлиб (жами қўйларнинг 30%), шундан 35-40% қора, 50-55% кўк ва 56-10% сур қорақўл қўйларидир.

Жанубий Африка (Намибия ва Жанубий Африка Республикаси) қорақўлчилиги. 19 асрнинг охири йилларида Бухородан Намибияга (Жануби - Ғарбий Африкага) бир неча бош қорақўл совлиқ ва қўчқорлар олиб кетилган. Аммо аввал улар иқлимга яхши мослаша олмаган. Кейинги йилларда Россия ва Европа мамлакатларидан наслдор қўйлар оз миқдорда яна олиб кетилган.

Шундан кейинги йилларда маҳаллий зотларни муйнали тери берадиган дурагайларга айлантириш иши авж олиб ривожланди. 1919 йилда мамлакатда қорақўлчилар иттифоқи ташкил этилди. Бу иттифоқ наслчилик китоби таъсис

этди, қоракўл кўзиларини бонитировка қилиш қоидаларини ишлаб чиқди, ягона терминология жорий этилди.

Намибия фермаларида қоракўл кўйларнинг серпуштлиги юқори эмас ҳар 100 бош совлидан 80-95 тадан кўзи олинади. Эгизак кўзилар жуда кам - 2-5 % тўғилади.

Намибия қоракўлчилари тўрт хил типдаги қоракўл кўйларни урчитади: қоракўлчасимон тип - "востерсилк" - жуда калта, ипаксимон жунли, аник ифодаланган муар (товланувчи) нақшли тери беради; кўп жихатдан қоракўлчага ўхшаб кетади, деярли эмбрионлик босқичидаги каби ясси жингалакли тип жуни калта ипаксимон майин; жингалаклари узун юза тулкинлар шаклида жойлашган, узунлигининг $1/3$ қисмигача буралган. Асосан узун, аник ифодаланган тулкинлар шаклида жойлашган, яхши ривожланган ясси ёки ковургасимон жингалакли тери берадиган тип; улар орасида ковургасимон ёки тула ривожланмаган ясси қаламигул (узунлигининг $1/3$ - $2/3$ қисмигача буралган), ораликлари (чоқлари) аник куришиб турадиган жингалаклар ҳам учрайди. Жуни ўртача узун ва калта, майин, боши томонга қараб жингалакланган;

найча шаклидаги ловиясимон жингалакли тери берадиган тип. Одатда, бундай жингалаклар узун, деярли ёпик ёки ярим доирасимон ёпик калам шаклида бўлиб, ораликлари (чоқлари) аник сезилиб туради. Жуни ўртача узунликда, майин (кайишқоқ), бошига томон йуналишда жингалакланган.

Фермерлар дастлабки икки типдаги қоракўл кўйларни афзал курадилар. Қоракўлчилар иттифоқи мақсадга мувофиқ йуналишдаги наслчилик ишлари олиб бориш туфайли подаларда қаламигул жингалакларни саклаб қолган.

Жанубий Африка кўзиларининг териси ёки фотосуратлари диккат билан куриб чиқилса, барча кўзилар ва терилар учун умумий бўлган бир белгини пайкаш кийин эмас. Бу жингалакларнинг параллел - тугри шаклдаги гуллар ҳосил қилиб бутун тери юзасида стандарт тарзда жойлашганлиги, яъни орка кирраси оркали утиб, иккинчи томонда ён чизигига қараб тушганлигидир. Сонларида эса жингалаклари кундаланг, тугри йуналишда бўлиб, думгаза

қисмида икки йуналишнинг тўқнашуви натижасида илон изи чизиклар вужудга келади. Барча барра типларида ва хдмма хил сортли териларда ана шундай гул учрайди. Фарқи фақат жингалаклар шаклидир: муар типда - тулкинсимон, ясси типда - лента деб аталувчи, ковургасимон типда - тула буралмаган қалами жингалаклар учрайди. Фақат найчасимон тип узининг лирасимон гули билан алохида ажралиб туради.

Фойдаланилган дастлабки зотлар тугрисидаги материаллар шундан аниқ далолат берадики, қорақўл қўйлар зоти чатиштириш махсулига Африканинг абориген (махаллий) қўйларидан кура камроқ таъсир курсатган. Жанубий Африка қорақўли учун гоят характерли бўлган жуда калта жун коплами узун параллел- тугри ҳолатда жойлашган ёйилувчан оқимлар ҳосил қилади. Жанубий Африка зотининг узига хос белгилари шаклланишига экологик шароит ҳам таъсир этганлиги шубҳасиздир. Буларнинг ҳаммаси Жанубий Африканинг қорақўл қўйларини ҳозирги вақтда оригинал ва модали терилар бераётган янги зот вакиллари деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бу зот қорақўл қўйлар зотидан фойдаланиб яратилган, шунинг учун ҳам унга ўхшаш, лекин айнан бир хил эмас.

Намибия қорақўл териларининг вазни енгил, юзаси катта бўлиб, уларда қорақўлчасимон типдаги нақшдор жингалаклар кўпчиликни ташкил этади, жуни жуда калта ва ялтироқдир. Бундан ташқари, Жанубий Африка қорақўлнинг умумий маҳсулотида қорақўлча ва қорақўл - қорракўлча терилар 15-20% ни ташкил этади, бу эса унинг ўртача реализация қилиш қимматини оширмаслиги мумкин эмас. Кўк қорақўлнинг ўртача реализация нархи қора қорақўлникидан 20% юқори, рангдор (жингар ранг) қорақўлники эса 25% пастдир.

Жанубий Африка республикасида қорақўлчилик яқиндагина ривожлана бошлади. 1917 йилда бу ерга Намибиядан 80 бошга яқин зотли совлиқ ва кўчқор олиб келинган эди. Аммо қорақўлчилик жуда секин ривожланди. Бу мамлакатнинг қорақўл терилари биринчи марта 1943 йилда жаҳон бозорига чиқди.

Хозир хар йилги қоракўл экспорти 0,8 млн донадан 1,2 млн донагача етади. Келгуси да Жанубий Африка Республикаси наслдор қоракўл қўйлар ва қоракўл тери етиштиришда маълум даражада Намибиянинг ракобатчиси бўлиб қолиши мумкин.

Австрия қоракўлчилиги. Австрияда қоракўл қўйларни товар қоракўл етиштириш мақсадида урчитиш билан шугулланилмайди. Аммо бу ерда кўпгина мамлакатларга қимматли қоракўл зот қўчқорлар етказиб берилади.

1894 йилдаёқ Молдавиядан Австрияга қоракўл қўйларнинг кичик бир гурухи олиб келинган эди. Уларнинг сифати ўртача бўлиб чикди ва кузланган мақсадни оқламади. Орадан уч йил уттач, бу ерга Бухородан қоракўл қўйлар олиб келинади. Уларни махаллий қўйлар, хусусан, тоғ қўйлари билан чатиштириш ниҳоятда истикболли бўлиб чикди. Шундан кейин 1904 йилда Л. Адамец 20 бош қоракўл совлиқ ва 4 бош қўчқор сотиб олади, 1907 йилда эса доктор Дюрени яна бошқа наслдор қўйлар харид қилиш учун Бухорога боради. Дюрс айна қўзилаш даврида 296 бош энг яхши сифатли тери берадиган наслдор қўчқорларни танлаб олиб келади. Ана шу қўчқорчалар Австрияда наслдор қоракўлчиликни ривожлантиришга асос булди.

Наслчилик ҳисоб- китоби йулга қўйилганлиги ва зот устида илмий асосда олиб борилган селекция - наслчилик ишлари туфайли австриялик қоракўлчилар дунёнинг кўпгина мамлакатларида қоракўлчиликнинг ривожланишига таъсир курсатиш имкониятига эга булдилар. Хар йили Австриядан Жанубий- Ғарбий Африкага, Аргентина, Мексикага ва бошқа мамлакатларга наслдор қоракўл қўчқорлар олиб кетилади.

Германия қоракўлчилиги. Германия Республикасида товар маҳсулот олиш мақсадлари учун қоракўл етиштирилмайди, аммо у ерда қоракўлчиликнинг илмий асослари ишлаб чиқилади.

Галладаги Мартин Лорен номидаги университетнинг қишлоқ хўжалик кафедраси профессори Юлиус Кюннинг ташаббуси билан 1902 йилда бу ерга Бухородан 5 бош қоракўл зот қўчқор ҳамда 20 бош совлиқ олиб келинади.

Уларнинг бир қисми Линдхенда (Ю. Кюн хўжалигида) қолдирилади, қолганлари Калау районига юборилади. Юлиус Кюн қорақўлнинг сифати ташки шароитга боғлиқми ёки у ирсий характерга эгами, деган масалани ҳал қилмоқчи бўлади. Олимни қорақўлнинг сифатига чатиштириш қандай таъсир курсатиши кизиқтирар эди.

Ю. Кюннинг 30 дан ортиқ қўй зотларини узаро чатиштириш юзасидан олиб борган тажрибалари тадқиқотчиларда Африка китъасида, хусусан, Олмониянинг уша вақтдаги мустанлакаси бўлган Жанубий - Ғарбий Африкада қорақўлчиликни вужудга келтириш фикрини тугдирди.

1907 йилда Галладан Жанубий- Ғарбий Африкага икки бош қорақўл зот қўчқор ва ун бош совлиқ жунатилади. Ана шу ҳайвонлар устида олиб борилган тадқиқот ишлари Ю. Кон, Т. Торер ва Фон Линдеквсистнинг назарий тахминларини тасдиқлади ва янги ҳудудда қорақўлчилик авж олиб ривожлана бошлади.

Аргентина қорақўлчилиги. 1911 йилда Австриядан Аргентинага турт бош қорақўл қўчқор ва 16 бош совлиқ олиб борилиб, Буйнос - Айрес вилоятидаги "Сан Пиканор" фирмаси ихтиёрига топширилган эди. Бу ерда улар дагал жунли, линкольн ва меринос қўйлар билан чатиштирилди. Кейинчалик бу ерда турли мамлакатлардан яна 387 бош совлиқ ва қўчқор олиб келинади ва улардан чатиштириш учун кенг фойдаланилди. Ҳозир мамлакатда 350 минг бош соф зот ва дуругай қорақўл қўйлар бўлиб, улар қорақўлчилар ассоциацияси аъзоларига тегишлидир.

Аргентина ҳар йили жаҳор бозорига 130-150 минг бош тузланмай қурилган қорақўл тери етказиб беради. Аргентина қорақўли жингалакларининг типи ва характери жихатидан Ўзбекистон, Жанубий Африка ва Афғон қорақўлидан анчагина фарқ қилади. Аргентинада қорақўлчиликнинг ривожланиш истикболлари маълум эмас.

Ангола қорақўлчилиги. Ангола Намибиянинг шимолий қўшнисини бўлиб, бу ерда қорақўл қўйлар Намибиядан кириб келган. Ангола

қорақўлчилар ассоциацияси қўйларни урчитиш ва наслдор ҳайвонлар сотиб олишда фермерларга ёрдам курсатиб туради.

Эрон қорақўлчилиги. Бу мамлакатга қорақўл қўйлар Ўзбекистон ва Туркменистондан утган. Айрим жойларда қорақўл қўйлар соф ҳолда урчилган, аммо кўпинча маҳаллий қўйлар билан чатиштирилган. Ҳозирги вақтда Эрон территориясида қора ва кўк қорақўл қўйлар урчитилади. Эроннинг кўк қорақўл териси узига хос нақш ва тусларга эга бўлиб, қимматбаҳо ҳаво ранг ва қумуш ранг терилар ҳам учрайди. Жуни юмшоқ, жингалаклари бир оз бушроқ, очик, типда, қайишқоқ эмас; калта калам, ловия, халка ва пармасимон жингалаклардан ташкил топган.

Эрондаги қорақўл қўйлар сони 1,5 млн бошдан ошади. Бу ерда ҳар йили 100 минг донадан ортиқ кўк ва 250-300 минг дона қора қорақўл тери тайёрланади. Кейинги йилларда мамлакатда қора ва кўк қорақўлнинг муйналик сифатларини яхшилаш устида иш олиб боровчи давлат станциялари тармоқлари ташкил этилди. Эрон қорақўл қўйларни урчитишнинг истикболли райони бўлиб қолиши мумкин.

Монголия қорақўлчилиги. Монголия Республикасига қорақўл қўйлар собик Марказий Осиёдан олиб борилган. Бу мамлакатда 40 минг бошга яқин соф зот ҳамда 1,2 млн бош турли хил генерацияли дурагай қорақўл қўйлар бўлиб, йилига 200 минг донадан ортиқ қорақўл тери тайёрланади, улар асосан ички бозорда ва қисман (барра терилар) жаҳон бозорида сотилади. XX асрнинг бошларида Ироқ, ва Туркия ҳам қорақўл қўйларнинг кичик - кичик гуруҳлари келтирилади. Гарчи мазкур мамлакатларнинг яйлов - ем - ҳашак шароити ва иқлим қорақўл қўйлар боқиладиган асосий районларникига ўхшаш бўлсада, бу ерда қўйчиликнинг ушбу тармоғи ривож топган эмас.

Франция, Польша, Италия ва бошқа Европа давлатларига, шунингдек, АКШ га олиб борилган қорақўл қўйлар экспериментал қўйхоналарда асралади ва тажриба мақсадларида соф ҳолда урчитилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойда, ички Монголия районларида ҳам қорақўлчилик билан шугулланила бошланди, бу жойларга ҳам

қоракўлчилик билан шугулланила бошланди, бу жойларга қўйлар маҳаллий совлиқлар билан чатиштириш учун Марказий Осиёдан олиб кетилган.

Австрия, Олмония ва Франциядан қоракўл қўйлар Чад Республикасига (Марказий Африка) ва бошқа Африка мамлакатларига ҳам етиб борган, аммо бу жойларда ушбу тармоқ бошланғич ҳолатда бўлиб, ниҳоятда секин ривожланмоқда.

II. боб. Қорақўл қўйларининг келиб чиқиш тарихи.

Қорақўл қўйларининг келиб чиқиш тарихи эволюциясининг назарий ва амалий асослари, ундаги руй берган узгаришлар ва уларга таъсир курсатган омиллар. Қорақўл қўйларини биологик хусусиятлари ва улардан амалиётда фойдаланиш.

Қорақўл қўйлар энг қадимги зот, улар барча барра тери ли зотларнинг уруғбошиси ҳисобланади. Улар вужудга келгунча ҳозирги Ўрта Осиё территориясида яшаган қорақўлчи-чорвадорларнинг кўп асрлик меҳнати сарфланган. Мамлакатимиз азалдан қорақўл зотининг ватани ҳисобланиб, мазкур зот қўйларнинг бош сонига, етиштирилаётган қорақўлнинг ранг-баранглигига кўра жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Одамлар қадим замонлардан бошлаб ўзларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида жун, гўшт, тери ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга уриниб кўрганлар.

Қўйларнинг келиб чиқиши тўғрисида олимларнинг фикрлари турличадир. Кўп олимлар ёғли думли ва ориқ узун думли қўйларни архардан келиб чиққан деб фараз қиладилар. Қорақўл қўйлари ҳам ёғли думли бўлгани учун уларнинг аждоди архар ҳисобланади.

Қорақўл қўйлар Ўрта Осиёдаги қадимги зотдир. Қорақўл қўйларининг келиб чиқиши ҳақида олимларнинг фикри турлича. Масалан, профессор П.Н. Кулешов: *“Қорақўл зотини мен қадимги зот деб ҳисоблайман, бу қўйларни етиштириш учун минг йиллаб наслчилик ишлари олиб борилган”*, деб таъкидлайди.

П.Н.Кулешов шу билан бирга фақат танлашгина эмас, балки онгли равишда жуфтлаш иши ҳам қадим замонлардан бери олиб борилганлигини тасдиқлайди.

Машҳур олим академик М.Ф. Иванов: *“Қорақўл қўйларининг ҳақиқатдан ҳам қадимий зот эканлигини тасдиқловчи белги, уларнинг наслий кучидадир, буни айниқса, бошқа зотлар билан чатиштирганда*

биринчи бўғиннинг ўзидаёқ қоракўллашиб кетишда кўриш мумкин” – деб ёзади.

Профессор А.А.Рахимов ёзишича Ўрта Осиё чорвадорлари асрлар мобойнида ўз меҳнатлари билан қоракўл қўйларини такомиллаштириб, тери сифатини яхшиладилар.

Маҳаллий аҳоли қўй маҳсулотидан кенг фойдаланган, шу билан бирга, яхши нав чугурмабоп терилар етиштириш мақсадида селекция ишлари олиб борганлар. Чугурмабоп тери 3-3,5 ойлик қўзидан олинади. Чугурмалар рангининг чиройлилиги, қунғироқли коқилчаларнинг гўзаллиги ва товланиш жиҳатдан қимматли ҳисобланади. Илгариги вақтда янги туғилган қўзиларни сўйиш “гуноҳ” ҳисобланар эди. Европаликлар келиб қўзи терисини сотиб ола бошлагача 1-3 кунлик қўзиларни терига сўйишга бошлади. Чорвадорлар қоракўл қўзиларининг гулли чиройли ва жингалакли бўлишига аҳамият берганлар. Шунинг учун танлаш қўзи терисининг сифатига қараб юритилган. Ҳозир ҳам Хоразм воҳасида наслдор қўчқорлар янги туғилган вақтида терисининг сифатига қараб сотиб олинади.

Қоракўл қўйлари жуда қадимги зот бўлса ҳам уларнинг қўзилари барра тери олиш учун сўнгги асрларда сўйиладиган бўлди.

Туркманистондаги Анау шаҳрида ўтказилган археологик қазишлар вақтида олинган маълумотлардан бу жойда эрамыздан 6 минг йил илгари қоракўл қўйларига яқин бўлган ёғли думли қўйлар яшаганлиги аниқланди. Аммо бу қўйларнинг жуни қандайлигини билиб бўлмади.

Қоракўл қўйларининг бизгача етиб келган ҳозирги тури ўша замонларда мавжуд бўлган қоракўл қўйларини кўпгина думбали-дағал жунли зотлар билан чатиштириш натижасида вужудга келгандир, зотан, янги туғилган қоракўл қўзилар жун қопламининг ранги ғоят хилма-хил ранглар йиғиндисидан иборат эканлиги ана шундан далолат беради.

Адабий манбалардан шу нарса маълумки, Бухоро ва Хива билан Эрон ва Россия ўртасида савдо алоқалари ривож топа бошлаган XVIII асрнинг ўрталарида савдогарлар қоракўл терининг мўйналик сифатларига эътибор

бера бошлаганлар ва кўп ўтмай уларни Бухородан Астрахань, Қозон, Сибирга, Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга олиб кета бошлаганлар. XIX аср ўрталарида қоракўл қўйларни соф ҳолда урчитиш ва улар ёрдамида бошқа барра тери берадиган қўй зотларини яхшилаш мақсадида улар Россиянинг Европа қисмига олиб кетила бошлаган.

XIX асрнинг охирларида қоракўл териға бўлган талаб тўхтовсиз ўсиб борганлиги сабабли Намибияда ўз фермерлари бўлган немис қўйчилари (у ернинг яйлов шароити Ўрта Осиёниқига ўхшайди) қоракўл қўйларини урчитиш, уларни маҳаллий (абориген) қўйлар билан чатиштиришға киришдилар ва нисбатан қисқа муддат ичида анчагина муваффақиятларға эришдилар.

Шундай қилиб қоракўл қўйлар кўпгина мамлакатларға олиб кетилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон, Афғонистон ва Намибия, шунингдек, Жанубий Африка Республикаси қоракўл қўйлар урчитиладиган марказ ҳисобланади. Эрон, Монголия ва яна 40 яқин мамлактларда ҳам қоракўл қўйлар урчитилади.

Қоракўл қўйлар дагал жунли қўй зотларига киради. Каму тли чўл ва чала чўл яйловларнинг қаттиқ иқлим шароитида вужудға келтирилган бу қўйлар курук ва мустахкам конституцияға эға; суяклари мустахкам, мускуллари бакувват, ниҳоятда ҳаракатчан ва чидамлидир. Анна шу биоэкологик сифатлари уларни иссик тропик иқлимдан тортиб, киши қаттиқ совук бўладиган кескин континентал иқлимли районларгача бўлган хар хил табиий-иқлим шароитида урчитилиб кўпайтиришға имкон беради.

Қоракўл қўйларнинг ишлаб чиқариш хизмати муддати ўрта ҳисобда 6-7 йил (тишлари едирилгунча), аммо яхши боқиб, яхши асралса, 12 ёшгача яшайди. 1,5-2 ёшида биологик етўқлик даври бошланади. Табиий серпуштлиги юқори эмас: одатда, хар 100 бош совлиқ ҳисобига 105-110 бош Қўзи олинади. Аммо боқи шва асраш шароити бир оз яхшиланиши биланок қўйларнинг серпуштлиги Ўрта Осиё республикаларида 18-25% га, Украинада

40-45% га, ошади.Қоракўл қўйлар 3 ёшдан 6 ёшгача энг юқори даражада махсулдор бўлади.

Хонакилаштирилган қўйлар ёввойи аجدодлардан кўп жиҳатдан фарк қилади. Қўйлар ўтлоқларга жуда мослашган бўлади. Зах ерларда улар турли касалликларга йўлиқиб, нобуд бўлиши мумкин.

Қўйнинг тумшуғи учли бўлиб, лаблари юпка ва серҳаракатдир. Кесувчи тишлари ўткир, бақувват ва овал шаклида бўлиши туфайли, дашт ва чўллардаги бўйи паст, майда ва сийрак ўтларни жуда яхши узиб олишга мослашган. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг бошқа турлари ўтлаб тўймайдиган жойларда қўйлар бемалол озикланиб юради.

Қўйларнинг асосий биологик хусусиятларидан бири ёзги энг иссиқ ва қишки совуқларга бардош бера олишидир. Қўйлар қорамолларга нисбатан кўп хил ўт ейди. Тажриба қилиб кўрилганда қорамоллар ўтлоқдаги ўт турларининг 34% ини, қўй ва эчкилар эса 62% ини ейиши аниқланган.

Йилнинг ем-хашакка бой фаслларида думбали ва ёғли думли қўйлар яхши семиради. Йилнинг озик кам фаслларида, яъни ёз ва қиш ойларида эса организм учун зарур озик моддалар шу запасдан сарфланади. Шароити оғир бўлган жойларда яшайдиган думбали ва ёғли думли қўйларнинг бу қимматли биологик хусусияти бир неча юз йиллар мобайнида табиий танланиш натижасида руёбга чиққан.

Қоракўл қўйлари қишнинг совуқ кунларида нормал боқилса, ориқларига қўшимча ем-хашак, қолганларига кечалари пичан бериб, кундузлари далада ўтлатиб, семизлиги ўртачадан пасайиб кетмаса, жун қуруқ бўлса улар қишда нобуд бўлмайди. Қоракўл қўйларининг яна бир ажойиб биологик хусусияти шундаки, улар семизлиги ўртачадан паст бўлмаса, қишнинг совуқ кунларида ҳам қор тагида қолиб кетган ўтларни туёқлари билан очиб ея олади.

Қоракўл қўйлари фақат баҳорда кўк ўтга тўяди, қолган даврларда ўтлоқда боқилади. Қўйнинг оғзи кўкка тегиши билан у пичан ва даладаги қуруқ ўтларни ҳам емай қўяди. Бу вақтларда тажрибали чўпонлар қўйларни

кўпинча кечаси боқа бошлайди. Кечалари қўйлар яхши кўрмаганлиги сабабли, учраган ўтни аралаш еб кетаверади. Қиш илиқ келиб, ўсимликлар майса урганда қўйни кўкка тўйдириш яхши, бироқ қўй кўкка тўйган вақтларда бирданига ҳарорат пасайиб, қалин қор тушиб, ер юзини ва ундаги ўсимликларни қопласа, қўйлар қўлдан берилган пичанни асло емай қўяди. Бу ҳолда қор узок турса, қўйлар очлик ва шамоллашдан нобуд бўлиши, бўғоз қўйлар эса боласини ташлаб қўйиши мумкин. Қўйларнинг бу хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Қоракўл қўйлари тўғри боқилса ва асралса, ўртача семиз, соғлом ва ҳар хил касалликлардан холи, жуни қуруқ, ўсиқ ва қалин бўлса, қишнинг ҳар қандай каттиқ кунларига бардош бера олади.

Баҳор серёгин бўлса ер серўт бўлиб, қўзилар тез етилади, қўйлар яхши семиради ва сут маҳсулоти ортади. Кўклам эрта келиб, серўт бўлса, қоракўл қўзиларининг (янги туғилганларининг) жуни анчагина ўсиб гуллари катта, териси қалин бўлади. Кўклам кеч ва қуруқ келган йилларда эса қўзилар териси қовурғали, майда гулли ва сийрак жунли бўлиб туғилади. Бу хусусият барча қоракўл зотларига хос белгидир, аммо қоракўл тери сифатининг пасайиши жакет нав териларининг кам чиқишига ҳам сабаб бўлади, натижада хўжаликлар жуда катта иқтисодий зарар кўриши мумкин. Кўкламда об-ҳавонинг қандай келишига, ўтлоқларда ўсимликларнинг кўп-оз бўлишига қараб, чорвадорларимиз қўйларни ҳар хил йўсинда боқишлари керак.

Бизнинг шароитимизда қиш охирлари ва баҳор бошларида туғилган қўзиларгина вояга етганда соғлом, бақкуват, йирик ва маҳсулдор бўлади. Кеч туғилган қўзилар етарли миқдорда кўкат емаганлиги учун юқоридаги хусусиятларга эга бўла олмайди. Бу эса нозик конституцияли, кам жун қўйларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, организм билан атрофдаги муҳит ўртасидаги муносабат бузилади. Организм табиатига баҳор жуда мос келиши туфайли қўйлар яхши семиради. Бу даврда қўйларнинг думида, териси остида ва бошқа жойларида кўп миқдор ёғ тўпланади. Баҳорда тўпланган бу запас ёзнинг энг оғир кунларида сарфланади.

Баҳор тез ўтиб, ёз бошланади. Кўм-кўк ўтлар ҳам қовжирай бошлайди. Ёз фаслида ҳарорат қишдагига қараганда 10 барабар юқори бўлиши аниқланган, энг кам намлик эса июлнинг кундузги соатларида 8-10% бўлган. Ёзда бир кеча-кундуз ичида ҳарорат кескин ўзгаради. Бунда эрталабки ҳарорат билан кундузги ҳарорат ўртасида фарқ+25⁰ га етиши мумкин. Ҳароратнинг бу қадар кескин ўзгариб туришига ҳам қорақўл қўйлари мослашган. Бироқ ҳаво ҳар қандай иссиқ бўлса-да, чўлларда кечаю кундуз шабада эсиб туради. Шунинг учун тажрибакор чўпонлар ҳаво исиган пайтларда қўйларни, кўпинча, шабадага қарши ҳайдаб боқадилар. Шабадага қарши боқилса, қорақўл қўйлари ҳар қандай иссиққа бардош бера олади ва тез чарчамайди. Шунинг учун тажрибакор чўпонлар “Қўй боқсанг, бошқариб боқ, бошқариб боқмасанг эркинлатиб боқ!” дейдилар. Агар шабада юрган томонга ҳайдалса қўй қизийди, тез чарчайди, иштаҳаси камайиб, ўтлашдан ҳам тез қолади. Ёз фаслида шабада секундига ўртача 2,47 м, энг кучли бўлганда (августда) 6,39 м гача, июл ойида эса кундузлари 8 м гача тезликда эсади. Кун жуда исиган ойларда тажрибакор чўпонлар, кўпинча қўйларни кечалари боқиб кундузлари ҳам қизиган соатларда шабада яхши эсадиган тепалик жойларда дам берадилар ёки шабадага қарши ҳайдаб боқадилар. Шамолнинг доимо эсиб туриши ўсимликларни қовжиратиб қўяди, лекин ўсимликларнинг томири ҳаётини сақлайди. Бу жойларга шувоқ жуда яхши чидайди. Агар ёз фаслида шароит жуда оғир бўлса, нобудгарчилик ҳам рўй беради. Шунинг учун қўйларни ёз фаслида сунъий экилган ўтлар ёки тоғ яйловларидаги кўкатлар билан боқиш чорасини ҳам кўриш лозим.

Қорақўл қўйлари сувсизликка чидамлилиги жиҳатидан (туялардан сўнг) иккинчи ўринда туради. Қорақўл қўйлари, асосан, қудуқ сувлари билан суғорилади. Қорақўл қўйларининг сувсизликка чидаш хусусиятидан фойдаланиб, қудуқдан 10-15 км узоқликдаги ўтлоқлардан ҳам фойдалана оламиз. Қорақўл қўйлари озиқ қидириб, узоқ масофаларни (20-25 км ни) ўтади. Бу эса уларнинг муҳим биологик хусусияти ҳисобланади. Ҳатто Ўрта Осиё республикаларида урчитиладиган думбали қўйлар ҳам қорақўл қўйлари

яшаган жойлар шароитига чидай олмайди. Ёзда қоракўл қўйлари, асосан ўтлоқларда боқилади.

Эфемер хашаклар ва уларнинг уруғлари ёз мавсумида қоракўл қўйлари учун энг қимматли озиқ бўлади. Бироқ ердаги қуруқ хасларни териб ейиш учун ёзнинг иссиқ ҳарорати анча ҳалақит беради. Агар ёз кунлари шабадасиз бўлса, қоракўл қўйлари эрталаб соат 10-11 дан, кеч соат 5-6 гача ўзини оғир сезади. Ҳарорат таъсирида иштаҳаси пасайиши туфайли, энг иссиқ вақтларда оч бўлса ҳам ўтламай қўяди.

Кун жуда исиган вақтларда қоракўл қўйлари жуни қизиб кетиши сабабли танасида ҳосил бўлган иссиқликни етарли миқдорда ташқарига чиқара олмайди. Олимлар текширишига кўра, қоракўл қўйлар нафас йўлларининг намланган сатҳидан ажралиб чиқадиган ҳовур ҳисобига иссиқламайди. Шунинг учун иссиқ вақтларда қоракўл қўйлар ўпкасида ҳаво алмашинуви (5-6 карра) кучаяди.

Қоракўл қўйлари бу қимматли биологик хусусияти билан дунёдаги барча қўй зотларидан фарқ қилади. Агар шу хусусият бўлмаганида бу қўйлар Ўрта Осиёнинг оғир шароитида чидамай қирилиб кетган бўларди. Кузда қоракўл қўйларни далада боқишга ўтилади, чунки бу вақтда намлик ортади ва қуёшнинг кучи анча камаяди.

III. боб. Қоракўл қўйларини экстерьерни, интерьерни, конституция типни.

Экстерьерни, интерьерни ўрганиш усуллари ва амалиётда қоракўл қўйларини баҳолашда фойдаланиш. Қоракўл қўйларини хиллари ва амалиётда улардан фойдаланиш. Экстерьер, интерьер ва конституцияни қўйлар махсулдорлиги билан боғлиқлиги.

Аввало қўйларнинг конституцияси дейилганда, худди бошқа чорва молларидаги каби, организмнинг ташқи кўринишини, саломатлиги, махсулдорлиги ва умуман ҳаёт фаолиятини (барча функцияларини) белгилаб берадиган ташқи тузилиши шакллар ҳамда ички хосса ва белгиларнинг биологик бирлиги тушунилади.

Конституция хусусиятлари наслдан наслга ўтиб боради ва ирсиятга боғлиқ. Махсулдорлиги жиҳатидан ҳар хил йўнанашишга мансуб қўйлар суяклари, мускул тўқимаси, териси, тери ости бириктирувчи тўқимаси, ички органлари (овқат ҳазм қилиш органлари, ўпкаси, юраги ва хоҳазо)нинг яхши ривожланганлиги, яъни конституцияси жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади.

Конституциясининг шаклланишига ирсият билан бир қаторда ташқи муҳит, айниқса қўйларни боқиш шароити ҳам бир мунча таъсир этади. Тегишли боқиш усуллари қўллаш йўли билан модда алмашинув жараёнларининг боришини бошқариш ва уларни керакли томонга йўналтириш мумкин.

Генотип ва муҳит - қўйлар конституциясининг шаклланишини белгиловчи омиллардир.

Асосий маҳсулоти барра тери бўлган ката ёшдаги қоракўл қўй зоти ўзининг конституция хусусиятига кўра қўйидаги типларга бўлинади. Конституция типини аниқлаганда қўйларнинг жун хусусиятлари асос қилиб олинганлиги учун жун-конституционал типни дейилади.

Мустаҳкам - «Ғўзамой» бу типга кирадиган қўйлар қимматли бўлиб, урчитиш шароитларига яхши мослашган, меъёрида ривожланган, суяклари бақувват бўлади. Жун қоплами қалин, тигис, ўртача катталиқдаги толимчалардан ташкил топган, толимчалари жунининг $\frac{1}{3}$ қисми ёйилиб туради, қўйлардан кўпинча 1-2 класс жун қирқиб олинади. Боши, қорни, оёқлари жун билан яхши қопланган. Бундай ҳайвонларнинг энг кўп фойзини ўртача гул ўлчамли жингалакли қўйлар ташкил этади.

Қўпол —«Оқ гул»типдаги қўйлар анча кучли ривожланган, жуда суякдор, боши қўпол, жуни анча оқарган, дағал бўлади. Жунида дағал, узун қилчиклар кўп, толимлари йирик, кам буралган ёки тўғри, охиригача ёйилиб туради, жунининг узунлиги 6-14 см, сифати 2 класс, бу типдаги қўйлар ғўзамойдан кўра кўпроқ жун беради. Бу ҳайвонлар бир мунча йирик вазни 48-54 кг. Улар тез семиради, аммо сер ўтловларни талаб қилади ва озиқ етишмай қолганда тез озиб кетади. Бу гурҳга кўпроқ йирик гул ўлчамдаги жингалакли қўйлар киради. Қўпол типдаги қўчқорлардан наслчиликда фойдаланилмайди.

Нозик— «нозик» типдаги қоракўл қўйлар нозиклашгани билан ғўзамойдан фарқ қилади, суяклари бир мунча нозик жуни анча ингичка, бир мунча қалин текис, сифати жихатидан кўпинча 1 классга киради, тивит ва оралиқ толалари кўп бўлади. Жунининг узунлиги 4-11 см, бир қисми ярим дағал тоифага киради.

Ўта нозиклашган- «қирриқ» - бу типдаги қўйларнинг жуссаси кичик, суяклари нозик, жуни анча ингичка, қалин, қалта (3-4 см), асосан 1 классга киради, жунида тивит ва оралиқ толалари кўп.

Вояга етган қўйларнинг жун-конституция типи ҳайвонларнинг нечоғлиқ ривожлангани, соғлиғи, боқиб-урчитиш шароитларига мослашгани ва жун махсулдорлигини таърифлаб берадиган кўрсаткичдир. Жун конституция кўрсаткичларининг талабга мувофиқ бўлмаслиги ҳайвонни яроқсиз пучакка чиқаришга асос бўлади.

Қоракўл қўзиларининг конституция типлари.

Қорақўл қўзилар туғилганида қай даражада ривожланганлигига, конституциясига қараб баҳоланади ва уч гуруҳга бўлинади: мустаҳкам, қўпол ва нозик. Қўзиларни шу тариқа гуруҳларга бўлиш учун қўзи жуссасининг катта-кичиклиги, суяклари ва оёқларининг нечоғлик ривожланганлиги, бошининг катта-кичиклиги, шакли, терисининг калинлиги, гул ўлчамлигига ва бошқаларга асосланади.

Конституциясининг қай даражада ифодаланганлиги қўзининг она қорнидаги ривожланиш шароитларига, буғоз совлиқнинг ориқ-семизлигига, ёшига, қорнида нечта боласи борлигига кўп чихатдан боғлиқ. Бироқ конституция, асосан, ҳайвоннинг табиатига, унинг ирсиятига боғлиқ бўлади. Ривожланишнинг вақтинча сусайиб қолганини кейинчалик боқув шароитларини яхшилаш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Мустаҳкам тип - бундай қўзилар меъёрида ривожланган, тирик вазни 4,0-4,5 кг келадиган, суяклари бакувват, тана тузилиши мутаносиб, териси юпқа ёки бироз қалинлашган, пишиқ, жун қоплами ипаксимон, ялтироқ, гул ўлчами йириклашган, лекин ўртача ўлчамда бўлиши ҳам мумкин, тананинг иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиши етарсиз.

Қўпол тип – бундай қўзилар йирик, тирик вазни 4,5-5,0 кг суяги оғир (салмоқдор) ва қўпол бўлади. Дўнг пешоналигилиги кучли ифодаланган. Териси қалин, пишиқ ёки бўш. Жингалақларининг кўпинча йирик. Боши ва оёқлари сержун.

Нозик тип - бундай қўзилар майда, вазни 3,0-3,8 гача, суяклари ихчам, боши юз қисми ҳисобига узун тортилган, тор, тумшуғи тўғри ёки сал ботиқ, оёқлари ингичка, нисбатан узун, гавдаси ихчам, териси юпқа, гул ўлчами асосан майда, гоҳо ўртача, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қопланиши яхши, баъзан бироз сийрақроқ бўлади, терисининг заҳираси кам.

Янги туғилган қўзилар конституцияси профессор С.Юсупов томонидан ишлаб чиққан услубга биноан жуннинг гистологик тузилишига қараб 90-95 % гача аниқлик билан аниқланиши мумкин.

Қоракўл қўйларининг экстерьеры,интерьеры. Ҳайвонларнинг ташқи тузилиши *экстерьер* дейилади. Экстерьер ҳайвонлар конституцияси ва маҳсулдорлигини кўрсатувчи белгилар тўпламидир. Бу, бир хил конституция типига кирувчи қўйларни ҳам бир-биридан фарқ қилиш учун ёрдам беради. Агар мустаҳкам конституцияли ҳайвонни бир-бирига таққослаб кўрсак, бирининг кўкраги кенг, тарракий этган ва чуқур бўлса, иккинчисидан бу белги кам бўлиши мумкин. Биргина шу белгисига қараб, иккинчи ҳайвонни бошқа тип конституцияга ўтказиб бўлмайди, лекин биринчи ҳайвон юқори баҳоланади. Ҳайвонларнинг гўштдорлиги ҳам *экстерьер*га қараб баҳоланади. Ҳайвоннинг сонлари, орқаси, кўкраги ва думбасининг яхши авж олганлиги экстерьерига қараб баҳоланади. Қўйларни бонитировка қилишда ҳам улар экстерьеры ва бошқа айрим органларнинг яхши –ёмонлиги ҳам назарга олинади. Бу ҳайвон билан иккинчи ҳайвон ўртасидаги тафовут уларнинг тана тузилиши ва ўлчамлари билан аниқланади.

Тадқиқот ишлари олиб боришда бир нечта ҳайвонни бир-бири билан ёки дурагайларнинг ҳар хил бўғинларини ўзаро чапиштириб кўришда ҳам ўлчамлардан кенг фойдаланилади. Қўзилар экстерьерини ўрганишда қўйидаги ўлчамлар олинади.

- 1) бошининг узунлиги (бош тепа суягининг орқа чуқурлигидан тумшуғининг учигача);
- 2) бошининг ён узунлиги (қулоқ чаноғининг орқа қиррасидан то тумшуғининг учигача);
- 3) пешана узунлиги (бош тепа суягининг орқа чуқурлигидан то кўзларининг ички бурчаклари юқорисигача, пешана суягининг ўртасидан);
- 4) пешананин кенг ўлчами (кўз косачаларининг четки қирғоқларидан бошланади);
- 5) қулоқ узунлиги (қулоқ тубидан учигача, ташқи томонидан);
- 6) қулоқнинг кенглиги (ташқи томонидан энг кенг жойи олинади);
- 7) шохлар оралиғи (ички томони олинади);

- 8) шохнинг эгри узунлиги (бурма шохнинг олдинги қирраси бўйича);
- 9) шохнинг тўғри узунлиги (тубидан учигача);
- 10) шохларнинг учки оралиғи;
- 11) шохларнинг йўғонлиги (тагидан);
- 12) кўкрак кафаси айланаси (курак суяклари орқасидан);
- 13) болдир ёки илик суяги айланаси (олдинги илик суяк айланасидан);
- 14) қарчиғайнинг баландлиги (энг баланд жойидан ерга қадар);
- 15) орқа чўкки баландлиги (ёнбош чўққиларининг ўртасидан ергача тик);
- 16) олдинги оёқлари баландлиги (тирсак бўғининг учки нуқтасидан туёқнинг пастки қиррасигача);
- 17) тананинг эгри узунлиги (елка суягининг олдинги дўнгидан, ўтирғич суягининг орқа дўнг қисмигача);
- 18) кўкрак кафаси чуқурлиги (қачиғайдан курак суяги орқаси билан кўкракнинг пастки қиррасигача);
- 19) кўкрак кафаси кенглиги (елка-кўкрак суяклари орқа оралиғи);
- 20) орқа эгри узунлиги (қўймич суякнинг орқа энг дўнг қисмидан бақалоқ суягининг энг дўнг қисмигача);
- 21) дум узунлиги (энг юқори ҳаракатчан умумртқасидан учигача);
- 22) думнинг кенглиги (ёғ босган энг кенг жойидан);
- 23) дум айланаси (энг йўғон жойидан) ўлчанади.

Бу ўлчамларнинг ҳаммасини олиш шарт эмас, балки энг муҳимларидан хулоса чиқариш ҳам мумкин. Ўлчаш учун ўлчов асбобларидан фойдаланилади.

3-жадвал

Қўзиларнинг тирик вазни ва экстерьер ўлчамларининг ёшига қараб ўзгариши

Кўрсаткичлар	Туғилган вақтида	Онасидан ажратилганда	12 ойлигида	18 ойлигида
Тирик вазни (кг)	4,68	25,64	36,65	42,77
Яғринигача	36,54	56,04	64,43	65,86

баландлиги (см)				
Гавдасининг қия	30,85	56,43	63,36	66,41
узунлиги (см)				
Думғазагача	38,03	57,93	64,80	66,31
баландлиги (см)				
Кўкрак	14,55	23,62	28,66	30,05
чуқурлиги, см				
Кўкрак кенглиги	9,36	13,40	15,78	17,03
(см)				
Сағрисининг	7,17	12,04	14,83	16,38
кенглиги (см)				
Бошининг	12,05	19,48	20,98	21,91
узунли (см)				
Кўкрак айланаси	40,26	68,01	77,72	84,17
(см)				
Поча айланаси	5,75	7,04	7,69	7,99
(см)				

Қоракўл қўйлар ҳайтининг турли даражада гавдасининг қисмлари бир хил тезликда ўсмайди. Туғилганидан то 4,5 ойлик бўлгунича қўйлар жуда тез ўсади, шундан кейин бирмунча секинланиш даври бошланади.

Қоракўл қўйларининг гавда тузилиши индекслари. Гавда тузилиш индекслари экстерьер ўлчамлари асосида белгиланади ва мучаларнинг нисбий ривожланишини аниқлашга имкон беради. Асосан: узунёқлик, чўзиқлик (бўйдорлик), салмоқдорлик, кўкракдорлик, суякдорлик индекслари ўрганилади.

Келтирилган деярли барча индекслар бўйича қоракўл қўйларнинг жингалаклари йирик-майдлигини ҳисобга олган ҳолда таққосланиб кўриладиган группалари ўртасида аниқ фарқ йўқ. Бироқ кониституция

типлари бўйича олиб қаралганда, узунёқлик, бўйдорлик, кўкрдорлик, ва суякдорлик индекслари бўйича аниқ фарқ кўзга ташланади.

Гавда тузилиши индекслари қорақўл қўйларининг жинс, ёш ва конституция хусусиятларини характерлаш мумкин. Типларга, завод типларига хос бўлган ва бошқа хусусиятларни таққослаб кўриш йўли билан улар ўртасидаги фарқни процентларга ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Қорақўл қўйлар интеръери. Интеръер деганда, ички морфологик ва физиологик хусусиятларнинг ҳаммаси тушунилади. Интеръерни характерлаб бериш учун гавда температураси, нафас олиш тезлиги, қоннинг морфологик ва физиологик кўрсаткичлари, органлар ва тўқималарнинг макро ва микро тузилиши ҳамда ҳайвоннинг соғлигидан ва тўқималарнинг макро ва микро тузилиши ҳамда ҳайвоннинг соғлигидан дарак берувчи бошқа кўрсаткичлар ўрганилади. Интеръер кўрсаткичларини ўрганиш организмда кечадиган, ҳайвонларни баҳолаб турадиган мураккаб процессларни билиб олишга ёрдам беради.

Қорақўл қўйлар ёшини аниклаш. Қорақўл қўйлар ёшини тишларига қараб аниклашни йуқорида айтиб утган эдик. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, қорақўл қўйларида 32 та тиш бўлиб, шундан 24 таси жағ тишлар ва 8 таси курак тишлардир. Юқори ва пастки жағларда 12 тадан ҳар томонда 6 тадан жағ тишлар жойлашган. Курак тишлар пастки жағнинг олдинги қисмида жойлашган; юқори жағда курак тишлар ўрнида қаттиқ, мускулдор гуллача бўлади. Ички бир жуфт курак тишни омбур тиш деб, иккинчи жуфтни ички ўрта курак тишлар деб ва туртинчи жуфтни четки курак тишлар деб юритилади. Олдинги учта жағ тиш сут жағ тишлари деб, учта ортки жағ тишлари эса чин жағ тиш деб аталади.

Қўзилар тишсиз тўғилади ҳаётининг иккинчи ҳафтаси бошларида омбур тишлар ёриб чиқади, биринчи ойнинг охирига бориб қолган ҳамма курак тишлар ҳамда сохта жағ тишлар пайдо бўлади. Уч ойлик бўлганда жағ тишларнинг биринчи жуфти, тўққиз ойликда эса иккинчи жуфти ҳам чиқади. Қўйлар бир ярим яшар бўлганда омбур тишлар доимий тишларга

алмашинади ва охирги жуфт жағ тишлар, (озик тиш) ёриб чиқади. Икки ёшга етгандан кейин жағ тишлар, ички ўрта курак тишлар алмашинади. Шундай қилиб, қоракўл қўйлар турт ёшга етганда доимий оқ, йирик, бир – бирига зич ёпишиб турадиган тишларга эга бўлади.

Турт ёшдан ошган қўйларнинг ёши тишларининг шаклига, уларнинг канчалик едирилганлиги ва ораси очилиб қолганлигига қараб аникланади.

Беш ёшда курак тишлар милқдан олдинга туртиб чиқа бошлайди, уларнинг ташки чети едирилади, аммо тишлар милқда мустахкам урнашиб туради. Олти ёшда курак тишларнинг ораси очилиб қолади, тишлар искана шаклга киради, саргаяди, кимирлаб туша бошлайди. Етти ёшда олдинги тишлар едирилиб кетади ва бундай қўйлар брак қилинади (тиши брак қўйлар), чунки улар тез утлай олмайди ва ориклай бошлайди. Бироқ бу ёшдаги қўйлар оғилда боқилганда яхши семиради, тирик вазни 10-12 кг ортади.

IV. боб. Қоракўл қўйларидан олинадиган маҳсулотлар тавсифи.

Сут, гушт, жун, тери, нури каби қоракўл қўй маҳсулотларини тавсифи ва улардан фойдаланиш. Қўйлар жун киркимини ташкил қилиш ва ўтказиш.

Қоракўл қўйларининг асосий маҳсулоти барра қўзи териси ҳисобланади. Қоракўл қўйларда хомиланинг она қорнида ривожланиши 148-155 кунга боради. Хомиланинг ҳомила ривожланиш муддатларига ва қўзиларнинг ёшига қараб хар хил: тақир, қоракўлча, қоракўл-қоракўлча, қоракўл, ёқабоб, барра ва пустинбоп деб аталувчи тери хомашёси олинади.

Тақир ҳомила ривожланишнинг 115-128 кунлик босқичидан чала туғилган хомиладан шилиб олинган теридир. Бундай терилар майда бўлиб, бутун юзаси силлик, анча калта, сийрак, ёпишиб турадиган муар накшли жун билан копланган бўлади. Агар сагриси ва орка кирра соҳаси яхши сезилиб турадиган жун билан копланмаган булса, у ностандарт тери жумласига киритилади.

Қоракўлча ҳомила ривожланишнинг 127-134 кунлик босқичидаги хомилалар териси бўлиб, бир мунча майдароқ, калта, мездрага ёпишиб турадиган ёки эндигина кутарилиб келаётган ялтироқ, ипаксимон жун билан копланган, озми-кўпми ифодаланган чиройли гули бор, аммо жингалаклари хали яхши шакилланмаган бўлади. Ёлгулларининг белгиларини ҳамда чала ривожланган қаламигул жингалакларини пайкаш мумкин, лекин жун толаларининг учи хали жингалак ичига кайрилмаган бўлади. Тери юзасида жингалак накшлари канчалик ифодаланганлигига қараб, улар навларга ажратиб баҳоланади.

Қоракўл-қоракўлча ҳомила ривожланишнинг 134-140 кунлик босқичида бўлган хомилалардан шилиб олинган теридир. Улар бирмунча йироқроқ бўлади. Тери сирти асосан кутарилган, аммо хали калта буйли ипаксимон, ялтироқ жун билан копланган. Терининг бутун юзаси буйлаб чала ривожланган ингичка жингалаклар жойлашган; жун толаларининг учи

жингалаклар ичига кайрилиб кирмаган, аммо ингичка қаламигул жингалаклар билан ингичка ёлгулларнинг типлари яхши билиниб туради.

Қоракўл тери қоракўлчиликнинг асосий маҳсулотидир. У янги туғилган кўзилардан олинади. Терининг сирти зич кайишқоқ, ипаксимон, ялтироқ жун билан копланган. Жун толалари гаройиб шаклда эгилиб, хилма-хил жингалаклар ҳосил қилади.

Сур ранг жингалагидаги ҳар бир жунда пигмент буйича қараб нотекис таксимланганлиги билан характерланади. Бундай кўзиларнинг қиммати шундаки, жунининг асоси ва учки қисмининг ранги яхши ифодаланган (ажралиб турадиган) бўлади. Сур рангнинг ифодаланганлиги ва ранги бирданига (кескин) узгариши унинг чиройлилиги, антикалиги, жозибадорлиги ва қиммат баҳолигини ифодалайди.

Кўйларнинг келиб чиқишига қараб сур ранги, бухоро сурхондарё ва қоракалпоқ типларига ажратилади.

Б у х о р о с у р и қоракўл териси хоссаларига ва товарлик сифатларига кура қора қоракўлдан факат кўпроқ ипаксимонлиги ва яхши ялтироқлиги билан ажралиб туради. Бухоро сурида кумуш ранг, тилларанг, бронза ранг, сирен ранг, олмос ранг ва бошқа хил нақшлар фарк қилинади.

Кумуш ранг сур жунининг асоси тўқ қўнғир ёки қора бўлиб, учи кулранг ёхуд кумуш ранг жунлардан ташкил топади.

Тилло ранг сур жунининг асоси тўқ жигар ранг ёки тўқ долчин ранг бўлиб, учига борганда биридан оч тилла рангга ўтиши билан характерланади.

Бинафша - сирен ранг сур жунининг асоси жигарранг бўлиб, аста – секин оч сарик рангга ёки учи кулранг тусда бўлади.

Олмос ранг сур асоси тўқ қўнғир ёки қора бўлиб, учига борганда бирданига платинасимон оқ рангга ўтадиган жунли бўлади.

С у р х о н д а р ё с у р и. Сурхондарё сури бухоро суридан жингалагининг бир оз йириклиги, жуни узунроқ ва оқ рангдаги учи ҳам узунроқ ва кескин контрастлиги билан фарк қилади. Унинг платина, бронза, кахрабо, червон ва антрацит каби нақшлари учрайди.

Бронза ранг сур жунининг асоси тўқ жигар ранг бўлиб, учи бронза тусда бўлади.

Платинасимон сур жунининг асоси тўқ кофе ёки деярли қора ва учи платина рангда эканлиги билан фарк қилади.

Бронза сур асоси долчин рангда ва учи бронза рангда бўлади.

Қахрабо сур жунининг асоси жигар ранг тусда бўлиб, оч (ёркин) сарик тусга ўтади.

Червон сур жунининг асоси тўқ долчин ёки тўқ жигар ранг бўлиб, учига борганда алюминий рангга киради.

Қ о р а қ а л п о к с у р и олти хил нақшга булинади: пулати сур, шамчирокгул, ўрик гули, қамар, шабдар ва чақир.

Пулати сур жунининг асоси қора бўлиб, учига борган сари пулат рангга кира бориши билан фарк қилади.

Шамчирок гул сур жунининг асоси қора, учи эса оқ рангда бўлади.

Ўрик гул жунининг асоси қора ёки тўқ жигарранг бўлиб, ўрта қисмида жигарранг тусга ўтади, учи эса оқ ёки заргалдоқ рангда бўлади.

Қамар сур жунининг асоси қора – қўнғир, учи эса тилла ранг – кизил рангда бўлади.

Шабдар сур жунининг асоси қўнғир тусда ва учи сут ранг оқ тусда бўлади.

Гулигаз ранг – Пушти ранг оқ ва жигар ранг жунларнинг миқдорий нисбатига ва уларнинг узунлигига қараб, нақшлар оч пуштидан тўқ пуштигача ўзгаради. Гулигаз қоракўлнинг бир тури бўлган бириллиантсимон нақшда жигар ранг жун зонал рангда – асоси қорамтир ва учи анча оқиш рангда бўлади. Ўртача тусдаги бириллиантсимон нақшли териларда жунлар нисбати қўйидагича бўлади: пигментлашган жунлар- 56 % пигментлашмаган жунлар- 44%; қорамтир тусдаги териларда улар 65-33%ни, оқиш (оч) тусли териларда эса 24-76%ни ташкил этади.

Гулигаз терилар ниҳоятда хилма-хил бўлишидан ташқари, бундай қўзилар терисининг айрим қисмлари ва жунлари бир текис пигментлашмаган

бўлади. Шунингдек терисининг четлари оқиш ёки қорамтир хошияли ҳамда ёнбошида қорамтир ёки оқиш доғлар шаклидаги нақшлари бўлган «халили» типдаги қўзилар ҳам учрайди.

Қоракўл қўйлардан оладиган маҳсулотларини тавсифи. Сут, гушт, жун, тери, нури каби қоракўл қўй маҳсулотларини тавсифи ва улардан фойдаланиш. Қўйлар жун киркимини ташкил кили шва ўтказиш.

Қоракўл қўйларининг асосий маҳсулоти барра қўзи териси хисобланади.

Сут маҳсулдорлиги. Қўзилар териси учун суйиб юборилиши сабабли совлиқларнинг ярмидан кўпроғи бола эмизишдан ҳоли бўлади. Яхши яйловларда бундай совлиқлар кунига 2 марта эрта тонгда ва кечқурун соғилади. Қоракўл қўйларининг сути қадим замонлардан бери ёғ, пишлок, бринза ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади. Қўй сутининг озиклик қиммати юқори эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз: Унинг таркибида 17,9% қуруқ модда, 6,7 % ёғ, 5,8 % оқсил, 4,6% сут шакари ва 0,8 % минерал тузлар бор. 1 кг сутнинг тўйимлилиги 1060 ккал каллорияни ташкил этади.

Қўй сутининг калориялилиги сигир сутиникидан 1,5 баровар юқоридир. Унинг таркибида қуруқ экстрактив моддалар 1,4 марта, ёғ ва оқсил 1,8 марта, казеин 2,4 марта кўп бўлади. Пархезлик хоссаларига эга бўлган қўй сутидан эмадиган моллардаги ошқозон касалликларини даволашда фойдаланилади. Қўй сутида 0,92 мг/л В₁, 2,86мг/л, В₂ витамини ва шунингдек А витамини бор.

Совлиқларнинг серсутлиги тирик вазнига ҳамда конституцияси типига боғлиқ. Бир лактация даврида (40-45) кун соғиб олинган сут миқдори нозик конституцияли қўйларда 55-60 кг ни, мустаҳкам конституцияли қўйларда 65-75 кг ни, дағал конституцияли қўйларда 60-70 кг ни ташкил этади. (С.Юсупов 2005).

Қоракўл қўйларининг серсутлиги ёшига, синфига ва қўзилатиш муддатига боғлиқ. Одатда 3-6 ёшдаги семиз қўйлар серсут бўлади; биринчи

туққан, ёш ва айниқса ориқ қўйлар камсут бўлади. Агар ёзги иссиқ барвақт бошланиши натижасида яйловларнинг ўти қовжираб кетса, совлиқларнинг сути камайиб кетади. Ўтлар ўсиб чиқиш билан совлиқларнинг сути кўпая бошлайди ва лактация муддати 12-25% узаяди. Қоракўлчиликда қўзичаси тери учун сўйиладиган мари совлиқлар ҳам соғилади. Украинанинг яйловлари Ўрта Осиё яйловларига нисбатан анча серўт бўлган жанубида ва Молдавияда 123 кунлик лактация даврида ҳар бир бош совлиқдан ўрта ҳисобда 57,7 килограммдан сут соғиб олинади ва суткалик ўртача сут миқдори 662 г га тўғри келади.

Гўшт маҳсулдорлиги. Ўзбекистон Республикасининг гўшт балансида қоракўл қўйлар гўштининг салмоғи 25-42% га етади. Асосан брак қилинган қари совлиқ ва қўчқорлар (тишига кўра брак қилинган), шунингдек, қоракўл терисининг сифати қониқарсиз бўлган қўзи ва ахта қўчқорлар гўштга топширилади (М. Зоқиров ва бошқ 1991) вазни, нимталанган вазни, сўйилган вазни ва қилган юки билан, нимтасидаги лаҳм гўшт, ёғ ва суякларнинг нисбати, қўйларнинг ва гўштнинг семизлик категорияси, нимтасидаги ҳар хил сорт гўшт миқдори билан, гўштнинг тўйимлилигини ва пархезлик хоссалари билан белгиланади.

Қоракўл қўйларнинг сўйишдан олдинги тирик вазни гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда энг муҳим кўрсаткичдир. Жинси, ёши, семизлиги, конституция типи ва ранги ҳар хил бўлган қўйларнинг сўйилган гўшт миқдори ва унинг химиявий таркиби турличадир.

4 жадвал

Қоракўл қўйларининг тирик вазни ва сўйилгандаги нимта ва ёғнинг миқдори. (П.Г.Забоев маълумоти)

Ёши ва жинси	Ўртачадан юқори семизликдаги қўйлар	Ўртача семизликдаги қўйлар	Тирик вазнига	Ўртачадан паст семизликдаги қўйлар
--------------	-------------------------------------	----------------------------	---------------	------------------------------------

	Тирик вазни, кг	Тирик вазнига нисбатан, %		Тирик вазни, кг	Тирик вазнига нисбатан, %			Тирик вазнига нисбатан, %	
		нимта	ёғ		нимта	ёғ		нимта	ёғ
6-8 ойлик ахта кўзилар	-	-	-	25	43,8	7,4	30	40,1	5,0
16-18 ойлик кўзилар	43	42,4	9,5	41	42,1	6,8	37	40,1	5,7
Катта ёшдаги совлиқлар	50	43,1	6,7	48	39,9	6,0	43	37,2	4,4

4жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қўйларнинг ёши катталашган сари гўшт ва ёғ миқдори сезиларли даражада ортиб боради. Ахта қўйлар нимтасининг вазни совлиқларникидан анча юқори, семиз қўйлар ориқ қўйларга нисбатан гўшт ва ёғни кўпроқ қилади.

Нимта - бу қўйларнинг ички органлари, қуйруғи (думбаси), калласи ва оёқлари олиб ташланган гавдасидир. Оёқлар нимтадан ажратиб олинади, шунинг учун олдинги оёқлар тизза бўғимидан, орқа оёқлар эса сакраш бўғимдан кесиб ташланади. Қоракўл қўйининг семизлигига қараб думба ёғ миқдори 2,0-5,5 кг га, чарви ёғи 0,5-2,5 кг га етади.

Жинсий етўқ қўйлар гуруҳига кирадиган ва бунинг устига ҳар хил шароитда боқиладиган қоракўл қўйларда лахм гўшт, суяк ва пайлар миқдори ҳар хил бўлади.

5 жадвал

Лахм гўшт, суяклар ва пайларнинг нисбати.

Жинси	ва	Нимта	ва	Шу жумладан
-------	----	-------	----	-------------

ёши	ёғнинг вазни, кг	Гўшт ва ёғ		суяклар		пайлар	
		кг	%	кг	%	кг	%
Яйловда боқилганда							
5 ойлик ахта қўзилар	13,4	9,8	73,3	3,3	24,7	0,25	1,8
6 ойлик ахта қўзилар	14,1	10,2	72,9	3,5	24,9	0,26	1,8
12 ойлик ахта қўзилар	15,0	10,7	71,1	4,0	26,7	0,30	2,0
18 ойлик ахта қўзилар	19,1	14,5	75,9	4,3	22,2	0,32	1,7
Оғилда боқилганда							
12 ойлик қўчқорлар	18,9	14,9	79,4	3,5	18,6	0,34	1,8
18 ойлик ахта қўйлар	22,6	18,5	82,0	3,6	16,1	0,39	1,7
6-7 ёшдаги совлиқлар	22,8	18,6	81,5	3,8	16,9	0,27	1,2

Истеъмол қилинадиган қисмлари вазнининг суяклар вазнига нисбати гўшторлик коэффиценти деб аталади. Бу коэффицент, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, қоракўл қўйларнинг жинсига, ёшига, семизлиги ва боқиш шароитига боғлиқ. Ахта қўзиларнинг ёши катталаша борган сари гўшторлик коэффиценти ортиб боради.

Нимтадаги 1 кг суякка тўғри келадиган гўшт миқдори қўчқорларда 4,26 кг, ахта қўйларда 5,14 кг, совлиқларда 4,79 кг ни ташкил этади, бу гўштор зотлар кўрсаткичларидан анча пастдир.

Қоракўл қўйларининг гўшти химиявий таркиби ва калорияси жиҳатидан ҳисори ва бошқа гўштор-серёғ зот қўйларнинг гўшт маҳсулотига тенглаша олмайди Ш.Абдуваитов.(1992).

Қўйларнинг ёши ошган сари гўштнинг калорияси сезиларли даражада ортади; ахта қўйларда бу кўрсаткич совлиқ ва қўчқорларникига қараганда анча юқоридир.

Яйлов ҳайвонлари бўлган қоракўл қўйлар берилган қўшимча ем-хашакни (айниқса оғилда боқилганда) яхши қоплайди. Қоракўл қўйларнинг семириш хусусияти юқори эканлигини эътиборга олиб, тишига кўра брак қилинган совлиқлардан қоракўлча олиш учун фойдаланила бошланди, бундай маҳсулот олишнинг ишлаб чиқариш усули 20 асрнинг 70 йилларида ишлаб чиқилган (А.Рахимов 1967)

Гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг сифати қоракўл тери маҳсулотининг сифатига боғлиқ эмас. Шунинг учун гўшт маҳсулоти сифатини оширишга қаратилган ҳар қандай селекция ишлари қоракўлнинг сифати ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин. Гўшт маҳсулотини оширишга эса тишига кўра брак қилинган қоракўл қўйларини қоракўлча олиш мақсадида семиртириб боқиш, ахта қўзилар ва катта ахта қўйларни бўрдоқига боқиш йўли билан эришиш мумкин.

Кузда брак қилинган бир қисм совлиқлар бўрдоқичилик хўжаликларида қочирилиб, боқувга қўйилади ва бўғозлигининг 130-133 кунда гўштга суйилади. Бунда сифатли гўштдан ташқари қоракўлча ва қоракўл қоракўлча тери ҳам олинадик, бу каттагина қўшимча даромад келтиради. Ахта қўзилар ва қўчқорчалар 7-8 ойлигида тирик вазни 30-35 кг лиликда гўштга топширилади.

Шу билан биргаликда қўйлардан қўшимча маҳсулот сифатида ширдон, ичак, шох ва қўзилар қон зардоб, табиий ўғит сифатида кенг фойдаланиладиган нури ҳам олиш мумкин.

Жун маҳсулдорлиги. Қоракўл қўйларининг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган маҳсулоти халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган дағал жундан иборат. Қоракў қўйлар жуни мамлакатимизда тайёрланадиган жами дағал жуннинг 80% дан кўпроғини ташкил этади ва дағал мовут, гилам, кигиз, намат ва кигиз пойабзал тайёрлаш учун фойдаланилади. Гиламдўзлик

саноатида қоракўл қўйлар жуни юксак кадрланади, чунки ундан тўқилган буюмлар сифати ва пишиқлиги билан ажралаб туради.

Жун терининг специфик маҳсули бўлиб, таркибида олтингугурт сақловчи моддалар-кератинлардан иборат.

Қоракўл қўйларда беш хил типдаги толалар фарқ қилинади: тивит, оралик жун, қилтиқ, қуруқ ва ўлик жун.

Тивит ўзак қатлами бўлмаган энг майин (ингичка) жун толалари бўлиб, ҳалқасимон типдаги тангачалар билан қопланган. Бўйи калтароқ, буралган шаклдаги бу толалар жун қоқилчанинг пастки қисмини ташкил қилади.

Оралик жун толасининг ингичкалиги ва узунлиги ўртача, бир оз буралган жун. Ўзак қатлами кам ривожланган, кўпчилиги узук-узук бўлади. Япоғи жун қоқилчасида ўрта қисмини ташкил қилади.

Қилтиқ энг узун ва йўғон, кам буралган ёки тўғри жун, жун қоқилчалари устки қисмини ташкил этади. Қилтиқ тангачали, пўстлок қатламлар ҳамда ўзакдан иборат бўлади.

Қуруқ жун устки ярми ёғли теридан маҳрум бўлган узун қилтиқдан иборат. Шунинг учун ҳам қуруқ жун ташқи факторлар таҳсирига кўп учрайди, у қаттиқ, синувчан бўлиб, ялтироқлиги ва пишиқлигини нормал қилтиққа нисбатан тез юқотади. Қоқилчада бундай типдаги жун борлиги қоракўл териларининг жингалаклари шакли ўзгарганидан (деформациядан) далолат беради.

Ўлик жун жуда дағал, қаттиқ синувчан, ойнасимон ялтиоқ ва ранг олмайдиган жун толасидир. Газламалар тўқиш учун ярамайди. Бундай толалар аралашган жуннинг қиммати кескин пасайиб кетади. Ўлик жун бўлиши авлоднинг жингалаклари шакли ўзгарганидан далолат беради.

Тақир жун қоракўл қўйларнинг оёқларида юз қисмида, баъзан бўйнида, думи ва қорнида учрайди. Бундай жун толаси жуда калта ва йўғон бўлади. Бу хил жун саноат аҳамиятига эга эмас.

Тақир жуннинг ранги доимий эканлиги катта ёшли рангдор қўйларни баҳолашда қўшимча (бонитировка маълумотларига) курсатгич бўлиб хизмат қилади.

Ҳар хил жунли ҳар қандай қўйлардаги каби қоракўл қўйларда ҳам иссиқ кунлар бошланиши билан жун ўсишидан тўхтайди, энг ингичка толалар тўкила бошлайди. Ёввойи аждодлардан мерос бўлиб ўтган бундай биологик хусусият мавсумий туллаш деб аталади.

Жун қирқилгандан кейин анча тез ўсади, чунки терининг нафас олиши, моддалар алмашинуви яхшиланади, буларнинг ҳаммаси биргаликда терининг озикланишини яхшилайди. Об-ҳавонинг совиши ҳам жуннинг ўсишини тезлаштиради. Яйлов ўтларининг яхши бўлиши жун қирқимининг оширувчи энг таъсирчан омилдир.

Қоракўл қўйларининг жуни йилига икки марта: апрелнинг охирида, баҳорги туллаш олдида ва сентябр-октябрда-қочириш компаниясидан олдин қирқилади. Баҳорги жун қирқими ўртача йиллик қирқимнинг 60-72% ни ташкил этади.

Қоракўл қўйларининг жун маҳсулдорлиги уларнинг ёшига, конституциясиги, жинси ва рангига боғлиқ бўлади. 7-8 ойлик кўзидан 0,6-1,0 кг жун қирқиб олинади ва кўзи жуни деб аталади. Бир яшар кўйдан 0,8-1,2 кг, 2-5 ёшдаги катта қўйлардан икки қирқимда 2,5-4,0 кг дан, 6 ёшдан ошган қўйлардан эса 2,5-3,2 кг дан жун олиш мумкин. Дағал конституцияли катта қўйлардан 2,5-3,5 кг ва нозик конституцияли қўйларда 1,8-2,6 кг дан жун олинади. Наслдор қўчқорлардан совлиқларга қараганда 5-10% кўп, сур қўйлардан эса қора қўйларга қараганда 10-15 % кам жун олинади.

Қоракўл қўйларининг ўртача йиллик жун қирқими қоракўл тери хоссаларига ва қоракўл тери маҳсулотларига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли сержунлик коэффицентини оширишга қаратилган селекция ишлари уларнинг зот ва маҳсулдорлик сифатлари яхшиланишига олиб келмайди. Фақат боқиш шароитини яхшилаш йўли билан жун маҳсулотини кўпайтиришга эришиш мумкин.

Қоракўл қўйларини жун қирқимини ташкиллаштириш ва ўтказиш. Қоракўл қўйларининг жун қирқими маъсулиятли ва меҳнатни талаб қиладиган мавсум ҳисобланади. Жун қирқимини ўтказиш ушбу таъдбир режасини тузишдан бошланиб хўжаликдаги қўйлар сонига, жун қирқимини ўтказиш пунктлари сони, қанча жун қирқиш агрегатлари ва малакали жун қирқимчилар сонини ҳисобга олишдан бошланади ва сурувларнинг рақами, бош чўпонларнинг фамилияси, қўйлар сони, жинси, ёш гуруҳи, отарларнинг қирқимхонага келиш навбати, бир бош қўйдан ва отарлар бўйича олинadиган жун миқдори қирқим режасида кўрсатилади. Жун қирқиш режада қўйларни келтириб туриш навбати ва уларни ҳайдаб келтириб ҳамда ишловдан ўтказишнинг календар муддатлари кўзда тутилади. Режада бир қирқимчига бир кунда 50-60 бош қўй қирқиш кўзда тутилади. Жун қирқиш одатда энг кам қиммат тишга кура брак қилинган ёки ахта қўйлардан бошланади шундан кейин ўтган йили туғилган ёш қўйлар, наслдор қучқорлар сунгра қўзили қўйлар совлиқ қўйлар сурувнинг жунини қирқишда биринчи навбатда йирик совлиқлар ундан кейин ўрта сакмондагилар ва охирида майда сакмокдаги совлиқлар қўлдан чиқарилиш керак. Жун қирқишдан қирқилган жунни синфларга ажратиш ва ўраб тайёрлашдан олдин намлиги 16-17 га келгунича қуритилиши керак. Қоракўл қўйлари икки марта-эрта баҳорда табиий тулаш вақти келиши билан ва кўзда қирқилади. Жун қирқиш ишларига жуда ката аҳамият берилади ва олдиндан тайёргарлик қурилади. Ҳар бир сурувнинг аҳволи олдиндан аниқлаб чиқилади. Хўжаликнинг барча зооветеринария мутахассислари иштироқида режани қуриб чиқади сурувларнинг навбат тартиби белгиланади жун қирқиш учун қўйлар ўтлатиладиган яйловга яқин жойда қучирилади.

Жун қирқиш муддатлари ҳар бир хўжаликда баҳорги жун қирқиш муддати об-ҳаво шароитига қўйларнинг ва улар жун қопламининг ҳолатига қараб белгиланади. Одатда баҳорги жун қирқишга ҳаво илиқ қўйларнинг жунни япоғлашган яъни тобтга келган табиий тулаш бошланай деб турган вақтда бошлади. Қоракўл хўжаликларида баҳорги жун қирқиш қўзилатиш ва

бонитировка тугагандан кейин одатда 20 апрелдан 10 майгача ўтказилади.

Кузги жун қирқиш то совуқ бошлангунча қўйларнинг жуни анчагина ушиб улгурадиган муддатларда утказилади сентябрда.

Жунни синфларга ажратиш учун буйи 2,5 м ва баландлиги 0,8 м бўлган махсус столлардан фойдаланилади. Уларнинг устки юзасига 2x2 см катталиқда бўлган метал тур рамкага тортиб ургатилган. Ўзбекистонда қўй қирқимда ЭСА – 12- ишлатилади. Бунда ҳаммаси бўлиб 25-26 киши ишлайди. Шундан қирқимчи -12 т қўйларни тутиб келувчи – 2 қирқилганларни йиғиштирувчилар – 2 механик чархчи-2 ва бошқалар.

Маълумки малакали жун қирқувчиларгина қўйлар терисини кесиб ёки япоғини бурдалаб юбормасдан жунни яхшилаб қирқиб олиши мумкин. Бундай қирқувчи бита қўйнинг жуннини қирқишга 4-5 минут вақт сарфлайди холос етарли тажрибаси булмаган қирқувчилар эса 20-25 минут сарфлайди. Шунинг учун барча хўжаликларда ҳар йили жун қирқиш компанияси олдида 1,1,5 ҳафталик семинарлар ўтказилиб мутахасислар булғуси жун қирқувчиларни жун қирқиш техникаси билан таништирадилар. Юқори малакали мутахасислар ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар, урганадилар. Семинар ўтказилаётган даврда тингловчилар жун қирқиш машинаси электромотор эгилувчан ўқ тузилиши билан таништирилади. Ҳар бир жун қирқувчи машинани қисимларга ажратиш ва қайта йиғишни биладиган бўлиши, агрегат қисимларининг ўзаро биргалиқда ишлашини ва созлашни айниқса жуфлашни, пичоқ билан тароқни созлашни билиши керак.

Жун қирқувчилар машинкани ишлатиш қоидаларини, жун қирқиш усулларини ва изчиллигини ўзлаштириб олишлари жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қўйни тўғри ётқизиш ва ортиқча куч сарфламай керакли ҳолатда тутиб туришни ўрганиб олиш ҳам муҳимдир. Қўй тўғри ҳолатда ётиши унинг жуни тоза олишини таъминлайди. Терисини кесилишидан сақлайди. Ҳар бир усулни аниқ машиқ қилиш тартибга изчиллигига ката роия қилиш машинканинг унумсиз ҳаракатларини имкони борича камайтириш ва қўйни

усталик билан тутиб туриш орқали маҳоратга эришилади. Буларга эса дарҳол етишиб булмайди.. балки йиллар давомида ўзлаштирилади. Шунинг учун жун қирқувчи қадирларини авайлаш, уларнинг назарий ва амалий қуникмаларини ошира бориш муҳим аҳамиятга эга. Уларни жун қирқувчилар кенгаши ва конкурсларга юбориб туриш лозим. Жунни синфларга ажрататувчилар бизнинг шароитимизда хўжаликларнинг товаршунослари бажаради улар жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикасидаги доимий ишловчи жуншунослар курсларида тайёрланади.

Тажрибадан маълумки семиз қўйларнинг жуни узун, ёғли, тер миқдори кўп япоғиси пишиқ бўлиб қирқилганда яхлит бўлиб чиқади. Семиз қўйларнинг терисида аниқ куришиб турадиган бурмалари, қаватлари жойлари йўклиги туфайли жун қирқиш вақтида териси деярли кесилмайди. Шунинг учун тажрибали чўпонлар оғир келган қишловдан чиққан ва қўзилаб бўлган қўйлар тез семириб юқотган вазнини тиклашга ҳаракатланади.бунинг учун улар фақат кундузи эмас балки тунда ҳам ўтлатилади.

Жун қирқиш тартибига мувофиқ қўйларнинг жунини қирқишни осонлаштириш ва бино ичини озода сақлаш мақсадида жун қирқиш бошлашдан 24 соат олдин қўйларга ем-ҳашак бериш ва 12 соат олдин суғориш тухтатилади.

Жун қирқиш олдидан қўйларни чўмилтириш. Баҳорда дағал жунли қўйлар жунида 30 % гача ёғ аралашмалар бўлади улар жун нормал қирқилишини қийинлаштиради. Жун қирқиш агрегатининг кесувчи аппаратлари бузилишига сабаб бўлади. Бунда ифлос жунни қайта ишлаш корхоналарида ташиш уринсиз ҳаражатлар билан боғлиқдир. Хўжаликларда жун қирқишдан олдин қўйларни чумилтириш жундаги ифлос аралашмаларни камайтишига ёрдам беради.

Қўйлар ҳаво илиқ бўлиб турган вақтда чумилтирилади. Бунинг учун сувнинг температураси 15 °C га бўлган сой ҳовуз чучук сувли кул орқали ҳайдаб утилади ёки узунлиги 15 метр бўлган цемент хавзаларда 2 марта 10 минутдан чумилтирилади.

Ифлосланган сув хавзаларнинг таги орқали чиқарилиб юборилади. Хавза қайтадан тулдирилади. Чумилтириб чиққан қўйлар қуруқ об – хавода камида 14 соат ўтлатилади. Иккинчи ёки учинчи кунда қўйлар жунни қирқиш жойига ҳайдаб келтирилади. Хўжаликда жун қирқимини ўтказиш технологик ҳаритасини тузишдан бошланиб бу иш билан хўжаликнинг бош мутахассислари шуғулланишади.

Режа тузишдан мақсад хўжаликда мавжуд қўйларнинг тури, жинси, ёши ва бошқа кўрсаткичлари бўйича сонини, олиниши мўлжалланган жун миқдорини ҳисобга олган ҳолда лозим бўладиган қирқим асбоб ускуналарининг турини, миқдорини, улар учун керакли захира қисмларини аниқлаш, қирқимни ўтказиш нуқталарини белгилаш, қирқим пунктига керакли ишчи-ходимлар сонини ҳисоблаб чиқиш, бир сўз билан айтганда режада барча керак бўлган тайёргарлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Қирқим олди тайёргарлик ишларни қаторига қирқим пунктларини таъмирлаш, юқумсизлантириб оқлаш, қўйларни чўмилтириш нуқталарини таъмирлаб ишчи ҳолатига келтириш, ферма, бўлимларнинг қирқимни ўтказиш режа ва жадвалларини тузиш, қирқим пункти учун лозим бўладиган барча асбоб-ускуналарни жой-жойига ўрнатиб ишга шай қилиб қўйиш, қирқимчи ва ходимлар учун барча маиший шароитларни яратиш чораларини кўриш, қирқим жараёнида амалга оширилиши мўлжалланган ветеринария таъдбирларига тайёргарлик кўриш каби қатор таъдбирлар киради.

Ҳозирги кунга келиб қирқим пункти ишчи ходимларининг қирқимчилар 30-40 фоизи янгиланиб туриши одат тусига кирди. Шу туфайли ҳам хўжаликнинг ўзида қирқимчиларни жунни хилловчиларни 3-5 кунлик курсларда ўқитиб чиқариш айтиш муддао бўлади. Бу курсларда қирқимчилар қирқим аппаратларининг тузилиши, уларни сошлаб тобиға келтириш қоидалари билан танишадилар, қўйнинг жунини тўғри қирқиш қоидаларини ўзлаштирадилар бунда уларга “қийқим” жун чиқимининг зарарли эканлиги япоғининг узилишига, бузилишига йўл қўйиб бўлмаслиги атрофлича

тушинтирилади. Жун хилловчилар эса мазкур худудда асралаётган турли турдаги чорва молларидан қирқиладиган жунларга амал қилувчи Давлат стандартларининг мазмуни билан танишадилар жунни хиллаш ва сотишга тайёрлаш тартибини ўрганадилар.

Қорақўлчиликда баҳорги қирқимни бошлаш муддати қатор омилларга боғлиқ бўлиб улардан аоосийлари Республика об-ҳавони кузатиш хизмати марказининг апрел ва май ойларида табиат инжиқликларининг бўлиш эҳтимоли ҳақидаги маълумоти ва қўйлар жун қопламининг "тобига" келиши пат кўтариши яъни ундаги ингичка жун толаларининг (асосан тивит толалари) туллаши оқибатида толимлар асосидаги тивит минтақасининг тери сатҳидаи узилиб, 1-1,5 см юқорига кўтарилишидир. Тивит кўтарилиши юз бермаган қўйлар жунини қирқиш бир томондан меҳнат унумдорлигини кескин пасайтирса, иккинчи томондаи кўп миқдорда "қийқим" тола чиқиши эвазига жун хом ашёсининг иллатланиши юз беради. Жун қопламининг тобидан ўтиб кетиши япоғининг парчаланиши ва тўкилиб кетиши эвазига қирқим миқдори кескин пасаяди.

Қирқим пунктининг ускуналари ва кун тартиби қирқим пунктида ишлатиладиган асбоб-ускуналар тури, қирқиладиган қўйларнинг бош сонига қараб танланади. Қорақўлчилик амалиётида қирқим мавсумини 12-15 кунда тугаллаш режалаштирилади. Масалан, 10000 бош қўйи бўлган хўжалик, бўлим ёки фермада қирқимни 12 кунда тугаллаш учун ҳар куни 834 бош қўйнинг жуни қирқилиши лозим бўлади. Ҳар куни 834 бош қўйнинг жунини қирқиш учун ўртача 60 бошдан қўйнинг жунини қирқа оладиган 14 қирқимчи ишлаши керак бўлади.

Ҳозирги пайтда ЭСА-12, ЭСА-18, КТО-24, КТО-48 маркали қирқим агрегатлари мавжуд бўлиб биз юқорида мисол тариқасида таърифлаган хўжалик учун ЭСА-18 маркали қирқим агрегати тўғри келишини таъкидлаш лозим

6-жадвал

**Қирқим агрегати таркибига одатда қуйидаги қирқим ускуналари
киради.**

1	МСО-775 ёки АСА-012-210 маркали жун қирқиш машиналари	18 дона
2	ПГШ-1,05 маркали жун тойлаш ускунаси	1 дона
3	Бир дискали ТА-I, ДАС-350, ПЭН-60 маркали чархлаш аппаратлари	1 дона
4	СКШ-200А маркали жун хиллаш столи	1 дона
5	РП-500Ш-13Б маркали жун тойлари оғирлигини ўлчаш тарозиси	1 дона
6	Элект қуввати берувчи двигател ёки трансформатор	1 дона
7	Қирқилган жунни ташувчи ТШ-0,5 ёки ТШ-0,5А маркали транспортёр	1 дона
8	Қирқим пункти асбоб ускуналари учун захира қисмлар	керагича

Қирқим пункти бир маромда ишлаши учун ишчи-ходимлар билан етарлича таъминланган бўлиши лозим

7-жадвал

Қирқим пунктида тахминан қуйидаги лавозимлар бўлади.

1	Қирқим пунктининг мудир	1 қиши
2	Қирқим агрегатларининг бошлиғи- электрик	1 қиши
3	Қирқимчилар	18 қиши
4	Чархчи-созловчи	1 қиши
5	Қирқимчиларга қўй тортиб берувчи ишчилар	2 қиши
6	Қирқилган жунларни йиғновчилар	1 қиши
7	Жун хилловчи	1 қиши
8	Жун хилловчининг ёрдамчиси	1 қиши
9	Жунни тойловчи	2 қиши
10	Тойга ёзувчи ва пункт ҳисобчиси	1 қиши
11	Пункт фарроши	1 қиши

12	Пункт ошпази ёки чойхоначиси	1 қиши
----	------------------------------	--------

Қирқим пункти фаолияти учун мақбул бўлган кун тартибини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

8-жадвал

Пунктнинг кун тартиби қўйидагича бўлгани маъқул.

Қирқим пунктини ишга тайёрлаш	5-45	6-00
Қўйларнинг жунини қирқиш	6-00	9-30
Эрталабки нонушта	9-30	10-15
Қўйларнинг жунини қирқиш	10-15	13-00
Тушлик танаффус	13-00	14-30
Қўйларнинг жунини қирқиш	14-30	17-00
Тушлик танаффус	17-00	17-30
Қўйларнинг жунини қирқиш	17-30	19-00
Пунктни супуриб-йиғиштириш	19-00	19-30

Жуни қирқилган қўйларни асраш.

Жуни қирқилган қўйлар ташқи муҳитга нисбаттан чидамсиз бўлиб қолади ва уларнинг баҳор ҳавосига мослашиши учун 7-10 кун вақт лозим бўлади. Шу туфайли ҳам қирқимдан кейинги дастлабки 4-5 кун ичида уларни ўта эҳтиёткорлик билан асраб, ўз вақтида қор, ёмғирдан, совуқ шамоллардан ҳимоялаш лозим бўлади. Жуни қирқилган қўйларнинг қор, сел, жала ва ёмғир тагида қолиб кўп миқдорда нобуд бўлганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жуни қирқилган қўйлар ана шу муддат ичида осмон булутсиз бўлган пайтлари усти ёпиқ қўралар яқинида боқилиши ва осмонга булутлар чиқабошлаши биланок қамаш учун қўра томон ҳайдалиши лозим. Бу пайтда чўпонлар ва ветеринария ходимлари қўйларнинг қирқимдан олган жароҳатларига дорилар суркаб қўйиши жароҳатларнинг шамоллаб, қуртлаб кетишини олдини олишни унутмасликлари лозим.

Қирқимдан кейин 7-10 кун ўтгач қўйлар креолин эритмаси билан тўлғазилган хавзаларга чўмилтирилади юқимсизлантирилади. Бу таъдбир таъсирида қўй териларидаги турли хил каналар, касаллик қўзғатувчи микроблар зарарсизлантирилади.

Қўйларнинг тери маҳсулдорлиги. Қўйларнинг териси пўстинбоп, мўйнабоп ва кўн турларига бўлинади. Пўстинбоп териларга барча дағал ва ярим ҳар хил толали, жунининг узунлиги 2 см дан 6 см гача узунликда бўлган терилар киритилади.

V.боб. Қоракўл зотли қўйларни табақаланиши, экологик ва географик хиллари ва уларни тавсифи.

Қоракўл қўйларини типлари, уларни табақаланиши, экологик ва географик хиллари (чўл, ярим чўл, тоғ ва тоғ олди) ва уларни тавсифи.


Бухоро воҳасида урчитиб келинган қоракўл қўйлар ўтган асрнинг ўрталаригача кўп ўзгармай бир хил бўлиб келди. Кейинчалик эса қоракўлчилик

жуда кенг чўл, чала чўл, чўл-дашт, шимолий дашт, тоғ олди ва тоғли текислик ҳудудларига тарқалди.

Худди кутилганидек. Ушбу ғоят кенг ҳудудларнинг хилма-хил яйлов-табiiй шароитида бу ерга урчитиш учун олиб келинган қоракўл қўйларга, бир томондан, ташқи муҳит факторлари ва иккинчи томондан, юксак тери маҳсулдорлиги белгиларини сақлаб қолган энг кўп мослашган ҳайвонларни танлаб олишда селекциянинг ўзгартирувчи роли таъсир кўрсата бошлади. Узок давом этган табiiй ва сунъий танланиш ҳар бир зонанинг ўз экологик типи шаклланишига олиб келди. Ҳар бир табiiй зонада вужудга келган экологик типларининг белгилари тобора аниқ намоён бўла бошлади. Уларнинг ҳар бири доираси ичида завод типлари, линиялар ва оилалар вужудга келтирилди. Қоракўл қўйлар зоти мураккаб структура кашф эта бошлади.

Қоракўл қўйлар зотининг **структураси** деган тушунча унинг экологик (зонал)типларга бўлинишини ифодалайди , бундай типлар ичида эса завод типлари, линиялар ва оилалар яратилган.

а) з о т – бу келиб чиқиши умумий бўлган, муайян хўжалик шароитида инсоннинг ижодий фаолияти таъсирида ташкил топа, “ўз ичида” урчитиш учун етарли сонда бўлган, танлаш ва хиллаш, парвариш қилиш йўли билан, шунингдек уни муайян турга мансуб бўлган бошқа ҳайвон зотларидан ажратиб турадиган морфологик, физиологик ҳамда хўжалик учун фойдали хоссаларининг узига хослиги туфайли сақланиб келаётган ҳайвонларнинг яхлит бир гуруҳидир.б) з о т г у р у ҳ и – муайян хўжалик ва табiiй шароитда бир зотнинг завод типини соф зотни урчитиш ёки хўжалик ва наслдорлик қимматига эга бўлган бошқа зотлар (турлар) билан чатиштириш йўли билан вужудга келтирилган, танлаш, хиллаш ва парвариш қилиш йўли билан сақлаб келинаётган, узига хос морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ҳамда хўжалик учун қимматли бошқа хоссаларга эга бўлган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари гуруҳини ўз ичига олади.



Зот гуруҳи урчитиш зонаси шароитига мослашган, муайян генеалогик структурага эга бўлиши керак, шу билан бирга зот гуруҳи узок вақт давомида “ўз ичида” урчитиш учун етарли даражада кўп сонли эмас. Янги зот гуруҳидаги хайвонлар сони мажбурий чатиштиришларсиз “ўз ичида” урчитишни ва бунда юксак наслдорлик ҳамда маҳсулдорлик хоссалари, шунингдек, ўзига хос сифатлари сақланиб қолишини таъминлайдиган минимал чегараларга етиши билан у апробация қилинади (маъқулланади) ва янги зот деб қабул қилинади.

в) э к о л о г и к (зонал) ёки зот ичидаги тип деб зотнинг бир қисми бўлган, маълум бир-иқлим шароитида вужудга келтирилган, зот учун умумий бўлган хоссаларидан ташқари, ўз маҳсулдорлик йўналишининг ишончилик специфик хусусиятларига, гавда тузилиши ва конституцияси типига, урчитиш ҳудудининг шароитига мослашганлик, касалликларига чидамлилиқ ва юксак иқтисодий самарадорлик жиҳатларига ҳам эга бўлган хайвонлар гуруҳига айтилади.

Қорақўл қўйларнинг зонал ёки экологик типлари:

Жанубий қумли чўл типли;


Жанубий соз тупроқли, гипслашган чўл типли;


Қоракўл қўйларнинг экологик типлари вужудга келган шароитини таърифлаш учун қўйида улар урчитиладиган ҳудудлар таснифини келтириб ўтамиз.

Жанубий кумли чўллар— Каспий денгизи билан Копетдоғ, Помир-Олой, Тяньшань ва Қоратов тоғлари оралиғида жойлашган ҳудуд. Бу ҳудуднинг катта қисмини Қизилқум чўллари эгаллаган. Иқлими мўътадил, совуқ, қиш ва иссиқ курғоқ ёзи билан характерланади. Йиллик ўртача ёғин миқдори 80-160 мм. Улар асосан қиш-кўклам фаслларида ёғади: кўклам энг сернам мавсумдир. Ёз ойларида ҳавонинг температураси 40-48 даражагача кўтарилади, тупроғи 70-80 даражагача қизийди.

Ўсимликлар қоплами каторига қўйидаги ем-хашак ўсимликлари: шувоқ, бир йиллик шўрак ўтлар, эфемерлар ва эфемероидлар, кумларда эса саксовул, қандим, черкез ва бошқа буталар киради. Гидротермик шароит қулай келганда, кўпинча қиш даврида яйловларда ўт ўсиб чиқади.

Жанубий гипсли чўллар қўйлар ва туяларнинг йилнинг исталган фаслида ўтлатиш учун яроқлидир. Аммо ем-хашак запаси катта эмас – гектарига 1-1.2 ц га қўйлар ейдиган қуруқ озиқни ташкил этади. Бир бош қўйни йил бўйи боқиш учун камида 6 га яйлов керак бўлади. Кумликларнинг бўлак-бўлак дўнгли-тизмали рельефи қиш даврида ҳайвонларни совуқ шамоллардан химоя қилади. Шунинг учун кумлар бағри очиқ текисликлардан кўра иссиқроқ бўлади.





Қумликларда ҳатто қурғоқчилик йилларида ҳам ўсимликлар ўса боради, чунки қумли тупроқнинг ички қатламларида нам тўпланади ва сақланиб туради. Қумли яйловлар қароқўлчилик учун айниқса қимматлидир. Бу ерларда, одатда, ер бети яхмалак бўлмайди, қор қалин эмас ва узоқ турмайди. Қумли яйловларнинг ўсимликлари сийрак ва рельефи паст-баланд эканлиги сабабли қўйлар ем-хашакка бўлган ўз эҳтиёжини қондириш учун катта масофаларни босиб ўтишга мажбур бўлади: уларнинг қудуқдан олислаб кетиш (ейилиш) масофаси суткасига 15-25 км ни ташкил этади. Табиийки, бундай шароитда қўйларнинг эгизак бола бериши юқори эмас -5% га етади.

Жанубий гипслашган тупроқли чўл. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида катта массив ҳолида жойлашган Рельефи. Одатда, текис ёки бир қияроқ: гипслашган кул ранг-кўнгир тупроқларда шувок-эфемер ўсимликлар комплекслар ҳолида ҳамда шўрхоқ тупроқ ўсимликлари билан биргаликда кўп учрайди. Асосий ем-хашак ўсимликлари сершоҳ бурган – шувок; эфемероидлар – ранг, қорабош, кўнгирбош; эфемер-бошоқдош ўсимликлар – арпағон, ялтирбош, шунингдек, ҳар хил икки паллали эфемер аралашмаларидан

иборат.Шўрхоқ ерларда шўрдошларнинг бир йиллик турлари – осетра, куёнчик , баликкўз, донашўр, хардандон кабилар ўсади.Агар бу зонадаги яйловларда эфемерлар, бурган(шувок), шўракўтлар ўсса. Улар турли мавсумларда икки марта кўклам ва ёз даврида ҳамда куз ва қиш даврида қайтадан фойдаланиш учун яроқли бўлади.Ўртача йллик ўт (ем-хашак0 запаси, икки мартадан ўтлатишни ҳисобга олганда 3,6 га/ц дан ёки 1,5% га/ц озиқ бирлигидан ошмайди, бу эса ҳар 100 га майдонда йил бўйи 30-32 бош қўй боқишни таъминлайди.Очиқ текисликдан иборат соз, гипласшган тупроқли яйловларда иқлим шароити кумли яйловлардагидан кўра каттиқроқ бўлиб, қўйлар кўпинча ноқулай об-ҳаво таъсирига дуч келиб туради. Кучли шамол ва совуқ, баъзан эса яхмалак туфайли бир йилда 20-30 кун қўйларни ўтлатиб бўлмайди. Бундай пайтларда улар кўтонда ёки кўтон-ййлов шароитида асралади. Жанубий гипслашган тупроқли чўлда қўйларнинг бир суткада қудуқдан нарига ёйилиш масафаси 8-10 км ни ташкил этади. Қўйларнинг табиий эгизак болалаши бу ерда 4-8% га тенг. Қўзилар ниҳоятда ипаксимон, кучли пигментлашган ва жуда ялтироқ жунли бўлиб туғилади. Жунининг узунлиги ва ингичкалиги ўртача, жингалаги пишиқ. Тери тўқимаси ўртача пишиқ бўлади.

Т оғ о л д и ч а л а ч ў л и соз тупроқли қир адирли тоғ этаклари бўйлаб жойлашган адир ва тоғ олди ён бағирларидан иборат. Тоғ этаги минтақаси асл тоғларни шувок-эфемер ва шувок ҳамда шўрак ўсимликлар ўсадиган чўл текисликларидан ажратиб туради. Тоғ этакларида йилига 350-400 мм миқдорига ёғин (асосан кўклам ва қиш даврида ёғади. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Йиллик ўртача температураси 10 даража атрофида, қишқи минимум – 30 даражагача этади, ёзги максимум + 40 даражадан ошади.

Ўсимликлари асосан эфемероидлар – йўғон пояли шўрак (ранг) ва эфемерлар, янтоқ, каррак аралаш қўнғирбош ўтлардан иборат. Бута ва чала бута ўсимликлар йўқлиги характерлидир.Об-ҳаво шароити ўртача бўлган йилларда тоғ олди чала чўл яйловининг ем-хашак запаси 3-5 ц/га қуруқ массани ташкил этади, аммо бу миқдор катта доирада ўзгариб туради. Об-ҳаво қулай келган йилларда тоғ этаклари қўйлар учун энг яхши баҳорги ва ёзги яйлов

ҳисобланади. Асосий ем-хашак ўсимликлари эфемерлар ва эфемероидлардан иборат бўлиб, вегетация даврида 100 кг курук ем-хашак таркибида 80 дан ортиқ озиқ бирлиги сақлайди. Ўсимликлар қуриб қолгач, ем-хашак запаси камайиб, унинг тўйимлилиги (озиклик қиммати) кескин пасайиб кетади, бунинг орақасида қўйларни куз ва айниқса қиш даврида ўтлатиб боқиш имконияти камаяди.

Баҳорги ва ёзги яйловларда тўйимли ем-хашак запаси кўп бўлиши қўйларни узоқ масофаларга ўтлаб кетишдан қутқаради, мана шу вазият бу ерда гавдаси бир мунча бўшроқ тузилган, дағал, қалин ва ёғли терга бой жунли қорақўл қўйлар шаклланишига олиб келган.

Қорақўл тери типлари қўзилар туғилгандан кейинги дастлабки кунларда аниқланади, чунки қўзилар ўсиб, ривожланган сари, айниқса, жуни ўсган сари жингалаклари бузила боради ва натижада қўзининг муайян қорақўл тери типига мансублигини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Янги туғилган қўзиларнинг қорақўл тери типи зотнинг асосий белгиси бўлган қаламигул (қаламигулли) жингалак хилларига қараб аниқланади.

Жакет тип – ярим доирасимон буралган, қалами гулли жингалаклари кўп, улар орасида ловиягулли жингалаклар ҳам учрайди.

Кавказ тип – бир оз ўсиқ жунли, ярим доира тарзида буралган, қаламгулли ва ловиягулли жингалакли бўлади.

Қовурғасимон тип – қовурғасимон қалами гулли жингалак ва ёл гуллар ёки бошқа шаклдаги жингалаклар ёл гуллар билан аралашган ҳолда учрайди.

Ясси тип – ясси қалами гулли ёки ясси қалам гуллар ёлгулли жингалаклар билан аралашган ҳолда, шу билан бирга лос гуллари ҳам бўлади.

VI. боб. Турли тусдаги(ранг) қорақўл қўйларини завод типлари.

Турли тусдаги (ранг) қорақўл қўйларини завод типлари
(нурота, конимех, кизилқум, гузор, боботог, нишон, ва х.к.)
ва уларни тавсифи.

З а в о д т и п и деганда, кишлок хўжалик ҳайвонларнинг чекланган гуруҳи — наслчилик заводида (наслчилик хўжалигида) ва унинг тармоқ хўжаликларида селекционерлар ҳайвонларни линияли ҳамда завод линияларини бирлаштирувчи кросслар асосида урчитиш борасида фаолияти натижасида яратилган зотнинг бир қисми тушунилади. Бунинг оқибатида қўйларда морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ва бошқа, яъни муайян наслчилик заводи (наслчилик хўжалиги) подасига хос бўлган ва заводнинг янги типини (маркасини) ташкил этадиган, наслдан-наслга ўзгармай ўтадиган хоссалар вужудга келган.

Қора қорақўл қўйларнинг **з а в о д т и п л а р и**: Конимех, Сарибел, Авазчўл, Муборак, Нишон, Ўзбекистон (памук. Жинов) типлари ҳамда аскания-серпушт зот типини мавжуд.

Кўк қорақўл қўйларнинг **з а в о д т и п л а р и** Жанубий Ўзбекистон типини. Нурота, Ғузор, Тамди, Боботоғ типини мавжуд.

Сур қорақўл қўйларнинг **з о т т и п л а р и** : бухоро сури, сурхондарё сури ва қорақолпоқ сури сингари зот типларидан иборат.

Сур қўйларнинг бухоро зот типинида қўйидаги завод типлари вужудга келтирилган: свердлов, қизилқум, қорақум, навойи, нурота, сангзор, сарибел, Ўзбекистон, зармалла, бухорои шариф типлари — ҳаммаси тилла ранг ва кумуш ранг барангли.

Сур рангли қорақўл қўйларнинг Сурхондарё зот типинида броназасимон, платинасимон, қаҳрабон ранг, антрацит ва оч мушти (чарвон ранг) нақшлар вужудга келтирилган.

Сур рангли қорақўл қўйларнинг қорақолпоқ зот типинида шамчиноқгул, ўриқгул, пулати, шабдар, чақир ва қамар сингари нақшлар ҳосил қилинган.



Қора

Конимех

типи

Муборак

типи

Нишон типи

Ўзбекистон

типи

Саржал типи

Аваз чўл

типи

Кўк

Жанубий

Ўзбекистон типи

Нурато типи

Гузор типи


Боботог

типи

Томди типи

Бухоро сури

Қорақум





З а в о д л и н и я с и деганда, ўзига хос сифатга эга бўлган ва асли бир машҳур уруғбош ҳайвондан тарқалган юқори маҳсулдор ҳайвонлар гуруҳи тушунилади. Бундай ҳайвонлар гавда тузилиши типини, биологик ва хўжалик учун фойдали хоссаларни мустаҳкам мерос қилиб олади ва бу хоссалар муайян мақсадга қаратилган наслчилик ишлари ёрдамида уч ва ундан ортиқ авлод давомида яхшилаш бориш йўналишида сақлаб турилади ва ривожлантирилади.

Линия типи (стандарт) талабаларига ҳамда шу линия устида олиб бориладиган, уруғбоши ҳайвонга (уруғбоши ҳайвонларга) таалукли – унинг эркак ва урғочи бўғинлари орқали амалга ошириладиган наслчилик мақсадларига жавоб берадиган ҳамма ҳайвонлар завод линиясига киритилади.

Ҳайвонларнинг қайси линияга мансублиги шажарасининг уруғ боши “қони” билан тўйинганлигига қараб аниқланади ва селекционерлар томонидан белгиланади. Завод линиясининг уруғбошисига қариндош бўлмаган, аммо маҳсулдорлик типи ва наслдорлик хоссаларига кўра унга ўхшаш бўлган ҳайвонлардан, зарурат туғилган тақдирда, линия устида олиб бориладиган ишларда фойдаланиш мумкин.

Завод линияси типи барча наслчилик хўжаликлари учун бир хилда ишлаб чиқилади ва бу хўжаликларда уни уруғбошининг етўқ ёшдаги энг яқин бўғинларининг шу маҳсулдорлик кўрсаткичлари асосида, ўзаро фарқ қиладиган хўжалик ва биологик сифатларини ҳисобга олган ҳолда яратилади. Завод линиясини вужудга келтириш жараёнида (танлаб олинган) типлар

боқиш, асраш шароити яхшиланиши ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг наслчилик иши муносабати умумий ортиши муносабати билан кўрсаткичларни яхшилаш томонига қараб ўзгартила бориши керак. «Қорақум», «Муборак» «Сайхон» ва бошқа наслчилик хўжаликларида машҳур қўчқорлар линиялари вужудга келтирилган.

О и л а деганда. Зот ва зот гуруҳидаги, экологик ёки завод типли, завод линияси ичидаги, муайян зот ичида машҳур бўлган урғочи уруғбошининг бир қатор урғочи бўғинларидан ташкил топган (урғочи 1, 2,3 авлодлари ва ҳоказо) юқори даражада маҳсулдор қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бир гуруҳи тушунилади. Ушбу бўғинлар морфологик, маҳсулдорлик ва бошқа хоссаларининг ўзига хослиги жиҳатидан уруғбошига ўхшаш бўлади.

Қорақўл қўйлар зотининг структураси ранги (қора. қўк, сур, пушти ранг, жигар ранг, оқ, терисининг сифати (жакет типли – ярим доира шаклидаги қалами жингалакли: кавказ типли – бирмунча ўсик, жунли ярим доира шаклидаги қалами калта жингалакли, қовурғасимон тип – қовурғасимон қалами жингалакли ва ясси тип-ясси қалами жингалакли) конституционал хусусиятлари (пишиқ тип – ғузамой; дағал – оқгул, нозик-нозик ва жуда нозиклашган-қирриқ) жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган типларини ўз ичига олади.

Республикамизнинг асосий қорақулчилик туманларида қорақўл қўйларининг юқори маҳсулотли завод типлари барпо қилинди. Завод типларининг вужудга келиши наслчилик ишининг жуда йуқори даражада юритилганлигидан далолат беради.

“Қорақум” завод типли. «Қорақум» завод типли қорақул қўйларини келтириб чиқаришда академик В.М. Юдин “Қорақум” наслчилик хўжалигининг тажрибакор чорвадорларидан Хўжамбобо Қурбонов Норбойбобо Холмуродов, Ботир Боиров , Тошбой Холиқов ва бошқа мутахассислар билан 15 йилдан ортиқ ишлади. Қилинган меҳнат зоя кетмади. Натижада “Қорақум” хўжалиги шароитига жуда мослашган қора рангли сермахсул қорақул қўйларининг завод типли яратилди.

“Қорақум” завод типі күйідағы курсатқичлага эга. Жуни куюқ, , ипаксимон, ялтироқ расми очик ва гўзал.

15-20 кунлигида ранги туқ қора ва қора бўлиб ялтироғи ипаксимонлиги ва гуллари яхши сақланади. Қўзи яхши ўсиб етилган ва семиз бўлган 1,5 йиллигида тирик вазни 40 кг дан кам бўлмаган. Кониституцияси мустахкам бош суяги енгил, суяклари мусахкам, пишиқ оёқлари тўғри қўйилган, экстерьері нуксонсиз, чорвқадорлар классификацияси бўйича “ғўзамой” типига эга.

Жунидаги қилтиқ ўртача йуғонликда ва кунғироқли қоқилчаларга эга. Қора куй қўйларининг “Қорақум” завод типини тобора такомиллаштириш натижасида қўйлар насли ва тери сифати жуда юқори кўтарилди. “Қорақум” наслчилиқ хўжалиги йилдан йилга тери сифатини яхшилади ва биринчи нав териларини 93 % дан юқори оширишга эришилди.

В. М. Юдин илмий иш олиб борган даврда олинган қўзилар жуни куюқ бўлишини ипаксимонлигини яхшилаш, ялтироғини кучайтириш, рангини туқ қора бўлишини тaминлаш соҳасида талай ишлар қилди. Афсус 20 асрнинг охириги йилларида бу хўжалиқ тарқалганлиги туфайли завод типини ҳам юқолган.

“Нишон” завод типі. Қорақўл қўйларининг “Нишон” завод типі ҳам юқори сифатли қора рангли терилар беради. Бу типни келтириб чиқаришда маҳаллий чорвадорлар Билан биргаликда И. Г Семёновнинг хизмати катта бўлган. Янги туғилган қўзиларнинг ўртача тирик вазни 4,8-5,0 кг ранги туқ қора бўлади. Қўзилар яхши ривожланган, конституцияси мустахкам, тери сифати жуда юқори , териси кўпинча ўртача қалинликда ёки қалинлашган, зич . “Нишон” завод типідаги қўйлар териси нав жихатдан жуда юқоридир. Энг юқори нави ҳисобланган жакет 1 ва жакет қалин териларини бу хўжалиқ икки баровар ортиқ берган. “Нишон” типідаги қўзиларнинг бош, оёқ ва қоринларида жингалакли гуллари яхши ривожланган. Қўзилар терисининг мойилиги етарли ,ялтироқлиги яхши терининг сатҳи анчагина катта. Қўйлар вояга ётганда анча, йирик

конституцияси мустаҳкам, жуни қуюқ ва сержундир. Бу типли қўйлар муаллифлари-И.Г.Семёнов, С.А.Асамов, С.Назаров, И.Я.Аверьянов ва бошқалар.

“Муборак” завод тири . “Муборак” наслчилик хўжалиги 1928 ташкил қилинган. 1939-1952 йиллар ичида “Муборак” завод типини келтириб чиқариш учун чуқур наслчилик иши юритилди. Шу йиллар ичида элита ва 1 класс қўйлар сони 10 баробар ошди. Биринчи нав териларнинг чиқиши 63% дан 90,5% гача кутарилди.

Қоракул қўйларининг “Муборак” завод типини келтириб чиқаришда И.Н Дьячков ва тажрибали чўпонлардан Авазов Хақберди, Рахмонов Эшонкул, Шеркул Даминов ва бошқа кишилар кўп меҳнат қилганлар. Бу тип 1952 йилда тасдиқланди.

Қўзиларнинг туғилган вақтидаги тирик вазни 4,5 – 5,0 кг бўлиб улар тетик ва бақувват бўлади. Тана тузилиши соф зот қора қорақўл қўйларига хос кониститутцияси мустаҳкам. Жуни қуюқ, ипаксимон, сермой . Терининг деярли барча қисми ўрта ўлчамли, ярим доирали, бақувват, ўрта ва базан узун қалам гуллари билан қоплангандир. “Муборак” типига кирувчи қўзилар терисида гуллари тўғиз жойлашган, шунинг учун қўзилар устидаги расм унча очик эмас. Бошқа ишлов берилган терилар анчагин ёзилиб тортилиб пардоз берганидан сўнг бу камчилик билинмай кетади.

Қўзилар 15-20 кунлигида гулларининг шакли, рангининг тўқлиги ялтироқлиги ва ипаксимонлиги жуда яхши сақланади.

Завод типига хос қўйлар етўқ ёшида жуссаси катта (45-46 кг), кониститутцияси мустаҳкам, тана тузилиши жуда келишган, танаси нисбий қисқа ва чўқур оёқлари бақувват, ўртача баландликда бўлади. Жуни қуюқ (22,2%), текис (78,2%) , мойиллиги яхши (88,7%) , жун рангининг оқариши ўртача ва кучли , аммо орқа буйнидан думигача оқариши жуда текис, Совлиқлардан ўртача 3,0-3,5 кг қўчқорлардан эса 3,5-4,0 кг жун қирқиб олинади. “Муборак” завод типининг энг фойдали хусусияти тери сифатининг яхшилиги билан сержунлиги мос келишидир.

“Конимех” завод тип. Конимех хўжалиги 1930 йилда ташкил етилган. Бу хўжалик аъзолари хўжалик ташкил қилинганлигидан буён ўз шароитига жуда мослашган юқори маҳсулотли завод типини келтириб чиқариш соҳасида ишламоқда.

Конимех хўжалиги 1939 йилдан 1950 йилгача “Қорақум” ва “Муборак” наслчилик хўжаликларидан наслдор қўчқорлар келтириб, ўз қўйлари сифатини яхшиладилар. “Конимех” завод типининг қузилари , катта туғилганда тирик вазни 4,5-6,0 кг , конституцияси мустахкам, яхши етилган бўлади. Қорақул териси катта , қалинлашган ва зич. “Конимех” завод типига оид етўқ ёшдаги қўйлар анча йирик , яхши ифодаланган мустахкам кониституцияли , кўкрак қафаси кенг ва чуқур танаси кенг ва бўйни нисбий узунлашган, оёқлари балант ва яхши тараққий этган. Совлиқларнинг тирик вазни 50-55 кг қўчқорларники 75-100 кг. Бу завод типли қўйлар муаллифлари-Кузембаев Ш, Баринова Н.В., Нармуратов А ва бошқалар.

“Памук” завод тип. Қора қорақўл қўйларининг “Памцук” завод типини келтириб чиқаришда Косон давлат наслчилик хўжалиги мутахассислари шу қишлоқнинг машхур қорақулчи чўпонлари билан биргаликда 1929 йилдан 1952 йилгача ишлаганлар. Бу типни келтириб чиқаришда қорақулчиликнинг атоқли тажрибакор устаси халқ селекионери мархум Оғаниёз Жумақулов кўп меҳнат қилган.

“Памук” завод типдаги қўйлар яшайдиган жойнинг утлоқлари шувок, ранг ва янтоқлардан иборатдир. Иқлими жуда ўзгарувчан, яъни ёзи жуда иссиқ ва қиши совуқдир. Қўчқорнинг тирик вазни 60-70 кг , совлиқлари эса улардан тахминан 15 кг кам бўлади. Йиллик жун бериши қўчқорларда 3,0- 3,5 кг ни ва совлиқларда эса 2,2-2,5 кг ни ташкил этади. “Памук” завод типига оид қўйлар биринчи нав териларни 82-85 % беради. Кейинги йилларда бу типли қўйлар женов типли қўйлар билан такомиллашиб Ўзбекистон завод типли қўйларга С.М.Будагов, Н.Рустамов ва бошқалар раҳбарлигида айлантирилди.

Кўк (шерози) рангли қўйларнинг юқори махсулдорликга эга завод типлари

Жанубий Ўзбекистон Завод типли кўк рангли қоракўл қўйлари собик Ю.Гагарин. хозирги .”Сайхон” номли насилчилик ширкат хўжалигида Н.С Гигинейшвили, М.Менглиев ва бошқалар рахбарлигида кўк рангли қоракўл қўйларни ранги буйича бир хил жуфтлаш йули билан яратилган. Бу ишни бажариш жараёнида қўзилар ҳаётчанлигини эрта баҳолаш усулуби ҳам ишлаб чиқарилган (РОЖ). Бу типдаги қўзилар териси кўк рангнинг текислиги, асосан ҳаво ва кумуш рангбарангли бўлиши билан фаркланади. Ҳаётчанлиги паст бўлган қўзилар жинсига қарамадан пигментланишига асосланиб туғилган пайтига тери олиш учун суйилади. Ҳаво рангбарангли терилар чикими – 70%, рангбаранглигининг текис тарқалиши -80 - 90% атрофида, республиканинг жанубий гипсли чўл шароитида яхши мослашган боботог завод типли кўк рангли қоракўл қўйлари ранги буйича бир хил жуфтлаш йули билан яратилган. Бу хил қўзиларни яратилишида архар-қоракўл дурагай қўчқорлардан фойдаланган. Булар Сурхондарё вилоятидаги “Сайхон” наслчилик ширкат хўжалигида Гигинейшвили Н.С Менгбаев Х, Минлиев М, Асамов С. ва бошқалар рахбарлигида яратилган. Бу хил қўзилар жун колами туғилганда калинлашган, жингалаклари бакувват, қалами ва ёл симон, ипаксимонлиги яқши, ялтироқлиги кучли, териси зич ва бакувват. Энг муҳими бу хил қўйлар авлодида ҳаётчанлиги паст бўлган қўзилар чикими биринчи бугимда бир мунча камаяди. Қўйлар конституцияси мустаҳкам, қўчқорлар оғирлиги 50-53кг, совлиқлар 40-42кг, қўзилар 4,0-4,5кг, терилар аксарият қисмининг рангбаранглиги ҳаво, кумуш ва оқ тушган симон жакет барра типли , биринчи нав чикими 85- 89 %ни ташкил қилади.

Кўк рангли қоракўл қўйларнинг нурота завод типли. В.И. Стояновская, Фищенко О.П, Эгамов Х, Валиев У.В ва бошқалар томонидан Нурота насилчилик ширкат хўжалигида қора рангли совлиқларни кўк рангли

кўчқорлар билан жуфтлаш оркали яратилган. Қўйлар мустахкам конституцияли, яримдоирали қалами ва дона гулардан иборат, узун ва ўрта узунликда яъни ўртача, тери расми аник. Ранги ва рангбаранглиги аксарият холларда тери сатхи буйича текис тарқалган, хаво ва кумуш рангли кўчқорлар - 60-65 кг, совлиқлар 43-45 кг, қўзилар -4-5кг, тоғ олди экологик худудларда урчитиш учун яхши мослашган.

Гузор завод типли кўк рангли қорақўл қўйлари. Кашкадарё вилояти “Гузор” наслчилик ширкат хўжалигида қора ва кўк рангли қўйларни ранги буйича хар хил жуфтлаш натижасида яратилган. Қўйлар мустахкам конституцияли, кўчқорлар оғирлиги -4.0- 4.5 кг. Кўк қўзилар рангбаранглиги аксарият холларда хаво кумуш ва оқтушган рангбарангли, гуллар яъни ўрта, асосан яримдоирали қалами ва дона шаклида. Биринчи нав териларнинг чикими 88-90%, тери мағзи зич, юпка, жун катлами калта, ипаксимон ва ялтироқ. Қўйлар тоғолди худудларда урчитиш учун мослашган. Бу хил қўйларнинг яратилишига Нуриллаев Я. Маматов С.М., Исматов М. ва бошқалар рахбарлик килганлар.

Кўк рангли қорақўл қўйларнинг Томди завод тип. Навоий вилоятининг “Томди” наслчилик ширкат хўжалигида Исаев А.И., Валиев У.В., Юсупов С.,Рахимов А. ва бошқалар томонидан маҳаллий қора рангли қўйларни “Сайхон” ва “Нурота” наслчилик хўжалигидан келтирилган кўк рангли кўчқорлар билан жуфтлаш натижасида яратилган. Селекциялаш жараёнида қўзиларнинг ҳаётчанлиги ва конституциясига катта эътибор берилган. Устиришга факат яхши пигментланган, мустахкам конституцияли қўзилар танлаб олинган. Янги типдаги қўйлар мустахкам конституцияли, тим хаво ва оқ тушган рангбарангли, кўчқорлар 60-70кг совлиқлар 45-50 кг, қўзилар 4.0-5.5 кг оғирликда бўлади. Териси юпка, зич, жингалаклари яримдоира калам ва дона гуллар яъни ўртача, узун ва ўрта узунликда. Биринчи нав терилар чикими 80-90% . Тери сатхи буйича рангининг таркалиши аксарият холларда текис тарқалган. Қўйлар қизилқум чўллари шароитида урчитиш учун мослашган.

Бухоро зот типдаги сур рангли қўйларнинг юқори махсулдорликга эга завод типлари.

Тилло сур қўйларининг Навоий завод типи. Бу хил сур қўйлари жуда ажойиб тилло сур қўзилар берарди. Тилла сўрнинг гузаллиги, кучли ялтироқлиги ва жунинг ипаксимонлиги, шунингдек жун таг қисмининг кучли даражада пигментлашган бўлиши унинг қимматини яна ҳам оширарди.

Бу қўйлар вояга етганда мустахкам конституцияли, бош, оёк ва қорнида жуни яхши усган. Жуни асосан оқ, гиламбоб. Қўйнинг сур ранги наслдан - наслга яхши ўтади. Бу қўйлар подаси Навоий номли завод типдаги "тилло сур" деб аталарди. Юқорида кайд этилган икки завод типи биринчилар каторида ранги буиича бир хил жуфтлаш асосида, яратилган. Кейинчалик бу хўжаликлар кушилишганлиги туфай икки тип ҳам кушилишиб улар асосида янги завод типи яратилди.

Сур қўйларнинг Свердлов завод типи. Бухоро вилоятидаги собиқ (Свердлов) ҳозирги Жондор тумани қоракўлчилик таянч пунктига қарашли "Ўзбекистон", Навоий вилоятидаги қоракўлчи чорвадор- мутахассислар Р. И. Григорьянц, В. С. Жиякова каби олимлар билан бирликда узоқ йиллар давомида фидоқорона меҳнати натижасида сур қўйларнинг Свердлов завод типини вужудга келтирдилар. Наслдор қўйлар подаси ичида бир хил сур белгисига қараб уруглантириш яхши йулга қўйилиши туфайли бу хўжаликларда кумуш сур терилар етиштириш 90-95% етди. Биринчи нав сур терилар наслдор сур қўйларидан 79-81% гача олинди. Сур кочкорлар билан сур совлиқларни тоза ҳолда урчитиш натижасида сур қўйлар сони таянч пунктда 94% гача етказилди ва булар ичида элита ва 1 класс сур қўйлар сони 33% ни ташкил этди.

Териларни кумуш сур ранги текис, туси терининг ҳамма қисмида бир хил. Сур қўйларнинг бу подаси ярим доирали чиройли калам гуллидир. Бу қўйлар вояга етганда конституцияси мустахкам, жунининг ранги оқ ва очиш

бўлиб гиламбоп хисобланади. Мазкур қўйлар уз қимматли белгиларини наслдан - наслга мунтазам утказадиган хусусиятга ҳам эгадир.

Сур қўйларнинг "Қизилқум" завод тип. "Қизилқум" завод типига хос сур қўйларни келтириб чиқариш учун Бухоро вилоятидаги Оёқотма станциясининг жамоаси узоқ йиллар фидоқорона меҳнат килдилар. Бу завод типини чиқаришда, айниқса, шу станциянинг тажрибакор қорақўлчиларидан зоотехник И. Кизтўқонов, чўпонлардан А. Калмахонов, С. Колмахонов, олимлардан В. С. Жиякова ва Р. И. Григорьянц самарали меҳнат килганлар.

"Қизилқум" завод тип сур қўйларини чиқаришда "сикиб чиқариш" усули жуфтлаш кенг кулланилди.

Қора қорақўл совлиқларга сур қўчқорлар конини иккинчи бугингача ўтказиш ва наслчилик ишини чуқур юритиш йули билан сур қўйларнинг "Қизилқум" завод тип келтириб чиқарилди.

Мазкур териларнинг сурлилиги тери сатҳида текис тарқалган, ипаксимонлиги яхши ва ялтироғи нормалдир. Сур қўчқор - совлиқлардан ва сур қўчқор ва қора совлиқдан олинган қора терилар ҳам сифати жихатидан жуда яхшидир.

"Қизилқум" завод типига хос сур қўйларнинг туси; кумуш сур 46,2%, тилла сур 25,1% ва сирен тусли 21,7% дир.

Сур қўйларнинг "Қорақум" кумуш сур завод тип. Кумуш сур қўйларнинг "Қорақум" завод типини келтириб чиқариш иши 1947 йилда бошланган. Бу завод типини келтириб чиқариш устида Қорақум наслчилик заводининг атоқли тажрибакор чўпонларидан А. Аллаёров, М. Тоғаев, зоотехник - селекциячи А. Кашапова, чўпон Холбой Дустамов, илмий ходим М. И. Котов, ва академик В. М. Юдин самарали меҳнат килганлар. Кейинги йилларда "Қорақум" хўжалиги тарқалганлиги туфайли бу типли қўйлар юқолган.

Нурота завод типигаги сур рангли қўйлар. Стояновская В. И., Фищенко О. П., Эгамов Х., Нурбаев М. ва бошқалар раҳбарлигида қора

рангли совлиқларни Навоий ва Свердлов завод типли сур рангли қўчқорлар билан жуфтлаш натижасида яратилган. Бу типли қўйлар ўрта жуссага эга, мустахкам конституцияли, қўчқорлар оғирлиги 55-60 кг, совлиқлар - 43-48 кг, қўзилар - 3,8-4,5 кг. Қўзилар кумуш, тилло рангбарангли, сур ранги яхши ифодаланган, тери сатхи буйича бир хил тарқалган. Биринчи навли терилар чикими 90-92%, аксарият қисми жакет барра типли. Бу типдаги қўйлар тоғ олди ярим чўл шароитида урчитиш учун мослашган.

Олмос рангбарангли қоракўл қўйларининг Сангузар завод типли Нурота наслчилиқ ширкат хўжалигида сур рангли қўйларни узаро урчитиш асосида Ибрагимов А, Атакурбанов Э. А., Аманов З., Болтаев А. ва бошқалар рахбарлигида яратилган. Янги типдаги қўзилар жун коплами туғилган пайтида остки қисми қора учлари оқиш бўлишидан хосил бўлади. Рангбаранглиги тери сатхи буйича текис тарқалган, сурланиш даражаси 10-30%, биринчи навли терилар чикими 91-93%, аксарият қисми олмос ва кумуш рангбарангли. Катта ешли қўйлар йирик, мустахкам конституцияли, қўйлар тоғ олди ярим чўл шароитида урчитиш учун мослашган.

Кумуш сур рангли қўйларнинг Ўзбекистон завод типли Навоий вилоятининг hozirgi Абай номли ширкат наслчилиқ хўжалигида Юсупов С, Салиев В. Х., Эгамкулов М., Базаров С. Р. ва бошқалар рахбарлигида маҳаллий қўйларни Свердлов, Навоий, Нурота завод типли қўчқорлари билан чаптиштириш натижасида яратилган. Селекциялаш жараёнида қўйлар конституциясига, сур рангнинг ифодаланиши, жингалакларнинг узунлиги ва жун копламининг сифатига катта эътибор берилган. Hozirgi кунда бу хил қўйлар Абай ва Қизилқум наслчилиқ хўжаликларида урчитилади, уларнинг умумий сони 100 минг бошдан ошган. Катта ешли қўчқорлар оғирлиги 60-70 кг, совлиқлар - 45-55 кг, қўзилар 4,0-5,5 кг. Соф холда урчитганда сур рангли қўзилар чикими 96-98%, биринчи навли терилар чикими (92-93%), шу жумладан жакет типлилар -35-40% ташкил қилади.

Бу хил қўйлар кумли чўл шароитида урчитиш учун мослашган.

Кумуш сур ранг барангликдаги ясси гул типли қўйларнинг Сарибел завод тип Навоий вилоятининг Сарибел наслчилик ширкат хўжалигида сур

рангли ясси барра типли кумушсимон рангбарангли қўйларни танлаб, узаро чатиштириш натижасида, янги ясси барра типли тери берадиган қўйлар завод тип

типи яратилган. Бу ишга Рахимов А., Кўкенов У., Маматказин Ф., Юсупов С, Хидиров Н. ва бошқалар рахбарлик килган. Селекциялаш жараёнида қўзилар рангининг текислиги, сур рангнинг ифодаланиши, конституциясининг мустахдамлиги, тери сатхида жойлашган ясси ва ярим доира қалами, ел гуллар микдорига катта аҳамият берилган. Янгидан яратилган қўйлар Қизилқум шароитига яхши мослашган, аксарият қисми кумуш рангбарангли, биринчи нав териларнинг чикими 85-88%, 48-51% ясси барра типли. Гуллар узун, йириклашган, жун коплами кучли ялтироқдикга эга. Марказий Қизилқум шароитида урчитиш учун яхши мослашган.

Ясси барра типли тери берадиган Бухороишариф завод типли кумуш ранг-барангли қоракўл қўйлари Бухоро вилоятининг Жондор тумани А. Темур номли наслчилик хўжалигида олдиндан яратилган. Навоий ва Свердлов завод тип

типи қўйларининг ясси гул типлиларини танлаб ўзаро жуфтлаш асосида яратилган. Бундан ташқари Нурота ва Кумуш сур рангли қўйларнинг Ўзбекистон завод тип

типи қўчқорлардан ҳам фойдаланилган.

Янгидан яратилган қўзилар аксарият қисми кумуш ва тилло рангбарангли, териси юпка, зич. Жингалаклари ясси қалами ва ёл гулли, узун, эъни ўрта ва йириклашган. Жун коплами кучли ялтироқдикга эга, ипаксимон. Сур ранги яхши ифодаланган., қўйлар мустахкам конституцияли, яхши ривожланган, гипсли чўл шароитида урчитиш учун мослашган. Биринчи навли териларнинг чикими 87-90%, шу жумладан ясси типли қўзилар микдори 60-65%. Катта ёшдаги қўйлар йирик, мустахкам конституцияли, қўчқорлар оғирлиги - 60-70 кг, совлиқлар 45-55 кг, қўзилар 4,5-5,0 кг. Бу хил қўйларни яратилишида Юсупов Ш., Саттаров С, Юсупов С,

Мамаризаев Н. ва бошқалар катнашган. Қўйлар гипсли чўл ва кумли чўл шароитида урчитиш учун мослашган.

Сурхондарё зот типдаги сур рангли қўйлар собик Ю. Гагарин номли, хозирги "Сайхон" наслчилиқ ширкат хўжалигида Гигинейшвили Н. С, Шадманов Ю., Рахимкулов М. ва бошқалар рахбарлигида яратилган. Бу завод типдаги қўйлар сур рангининг жуда яхши ифодаланиши билан бухоро зот типли сур қўйлардан фаркланади. Булар таркибида оқ олтин (платина), жез (бронза), кахрабо (янтар), ялтироқ кумир (антрацит) ва бошқа рангбарангликлар учрайди. Бу хил терилар сатхида асосан ярим доира калами ва дона гуллар, кам микдорда ёлсимон гуллар учрайди. Буларни соф холда урчитганда сур рангли қўзилар чикими 90-92%), сурланиш даражаси кучли бўлиши кузатилади. Тог олди худудларда махсус шу хил қўйларни урчитиш учун мулжалланган хўжаликларда урчитиш тавсия қилинади.

Қоракалпоқ зот типли қўйларнинг Турткул завод типли сур рангли қўйлар. Бу хил қўйлар халқ селекцияси натижасида яратилган бўлиб узоқ йиллардан бери Хоразм воҳасида урчитилиб келинмоқда. Буларнинг энг асосий фарқи - бу сур рангининг жуда яхши ифодаланганлиги, шунинг учун ҳам бу хил териларни халқ тилида "антика сури" дейилади. Булар таркибида

шамчироқ - гул, пулати - сур, ўрик гул, камар, чакир, шабдор ва бошқа рангбарангликлар учрайди. Қўйлар жуссаси ўртача, қўчқорлар оғирлиги 60-65%, совлиқлар - 43-45 кг, қўзилар -4,0-4,5 кг. Қўйлар кумли чўл шароитида урчитиш учун яхши мослашган. Турткул завод типли қўйларни шаклланишида Очилов К, Джуманиязов Д., Турганбаев Р. ва бошқаларнинг хизмати катта.

Оқ рангли қорақўл қўйларнинг Гагарин завод типли Сурхондарё вилоятининг "Сайхон" наслчилиқ ширкат хўжалигида Гигинейшвили Н. С, Мингбаев Х., Менглиев М. ва бошқалар оқ олтин рангбарангли қўйларни узаро урчитиб, қўзиларда сурланиш даражасини 100%га етказиш ҳисобидан яратилган. Бу хил қўйларнинг ирсияти сур, лекин ташки куриниши оқ. Бу

рангли териларни истаган, табиатда учрамайдиган, рангларга буяш мумкин. Бу хил қўйларни махсус ажратилган хўжаликларда урчитиш тавсия қилинади.

Оқ қоракўл қўйларнинг Самарканд завод типи Стояновская В. И., Исламов А. ва бопшқалар рахбарлигида қора рангли қоракўл зотли совлиқларни оқ рангли думбали қўчқорлар билан дурагайлаш натижасида яратилган. Қўйлар йирик, қўчқорлар оғирлиги - 70-75 кг. совлиқлар -45-50 кг, қўзилар -4,5-5,5. Қоракўл териларда ясси ва ковургасимон гуллар кўп учрайди, биринчи навли терилар чикими 80-85%. Ранги буйича бир хил жуфтлаганда авлодда 75% оқ ва 25% қора рангли қўзилар тўғилади. Оқ рангли қўчқорларни қора рангли совлиқлар билан жуфтлаганда тенг равишда оқ ва қора рангли қўзилар тугилаши кузатилади.

Бу хил қўйларни махсус холларда, атайлаб белгиланган хўжаликларда урчитилиши тавсия қилинади.

Сайхон завод типидаги **бриллиант рангбарангли гулигаз рангли қоракўл қўйлари** Гигинейшвили Н. С, Мингбаев Х., Менглиев М. ва бопшқалар рахбарлигида "Сайхон" наслчилик хўжалигида гулигаз рангли совлиқларни жез (бронза) рангбарангли сур қўчқорлар билан кочириш натижасида яратилган. Бу хил қўйлар тусига қараб оч, ўрта ва тўқ хилларига булинади. Қўчқорлар оғирлиги 55-58 кг, совлиқлар -42-44 кг, қўзилар -3,9-4,3 кг. Бу хил қўйлар тоғ олди ярим чўл шароитида урчитишга мослашган ва уларни атайлаб белгиланган хўжаликларда урчитиши тавсия қилинади.

Зармалла рангли қўйлар завод типи Ф. Ахмедов, А. Ибрагимов, А. Болтаев ва бопшқалар рахбарлигида Нурота наслчилик ширкат хўжалигида кумуш ва тилло рангбарангли сур қўйларни узаро чатиштиришдан чиккан зармалла рангли қўйларни ажратиб, узаро, соф холда урчитиш асосида яратилган. Бу хил рангбаранглик жун копламини остки қисми оч тилло учлари оқиш бўлиши хисобидан хосил бўлади. Қўйлар ўрта жуссали, қўчқорлар оғирлиги 55-60 кг, совлиқлар -43-45, қўзилар - 4,2-4,5. Қўйлар

сержун, таркибида кўп микдорда тивит ва оралик толалар учрайди. Биринчи нав териларнинг чикими 81-85%).

**VII. боб. Турли тоифадаги қорақўлчилик хўжаликларида
селекция наслчилик ишларини олиб бориш асослари.**

**Қўйларни танлаш, саралаш, қўзиларни бонитировка қилиш
ва эн солиш усуллари ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш.**

Қорақўлчиликда наслчилик иши ва унинг вазифалари.

Қорақўлчиликни ривожлантиришда республикамиз қорақўлчилилари катта ютуқларга эришди. Қорақўл қўйлари сони кўпайиши билан бир қаторда, улардан олинадиган қорақўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотлар ҳам ортмоқда. Буларнинг ҳаммаси наслчилик ишини тўғри юритишнинг натижасидир. Қорақўлчиликда наслчилик ишининг бош вазифаси қорақўл қўйларининг асосий маҳсулоти бўлмиш қорақўл терилар етиштиришни ошириш, тери сифатини тобора яхшилаш ва, айниқса, бозоргир нав териларни кўпроқ берадиган завод типларини яратишни такомиллаштиришдан иборат.

Қора рангли тери етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда кўк, сур, пушти ва бошқа рангли терилар етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳам амалга оширмақ керак. Қорақўл териларининг сифатини яхшилаш билан бирга соф зот, наслдор қўйлар сонини ҳам ошириб боришимиз зарур. Қорақўлчиликда олиб бориладиган наслчилик ишлари қуйидаги бўлимлардан: 1) энг яхши совлиқ ва кўчқорларни насл учун мунтазам танлаб олиш, ёмонларини бракка чиқариш; юқори сифатли қорақўл тери берадиган наслий хусусиятларини мустаҳкамлаш учун энг яхши ота ва она қўйларни тўғри танлаб, бир – бири билан жуфтлашдан; 2) қорақўл қўйларини завод типлари, конституцияси, ёши ва бошқа биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда боқиш, парвариш қилиш ишларини тегишлича йўлга қўйиш, қўзилатиш даврини ҳам унга мослаштириб, организмга таъсир этиш йўли

билан уларни такомиллаштиришдан; 3) яхши етилган, сермахсул ёш қўйларни парвариш қилиш ва бошқалардан иборат.

Наслчилик ишини тўғри йўлга қўйиш ва уни тартибли равишда юритиш учун ўзига хос шароит ва ташкилий системанинг бўлиши талаб этилади. Шунга кўра, қоракўлчилик хўжаликлари уч типга: наслчилик заводлари, наслчилик – репродукциялар тайёрлайдиган – намуна оладиган хўжаликлар ва товар хўжаликларига бўлинади.

Наслчилик заводларининг асосий вазифаси қўйларнинг насл хусусиятларини тубдан ўзгартиш; янги, сермахсул барра тип, шу заводнинг ўзига хос қимматли белгиларига эга бўлган қоракўл қўйларини вужудга келтириш; қоракўл қўйларининг янги линияларини ҳосил қилишдан иборат.

Наслчилик репродуктор хўжаликларининг вазифалари наслчилик заводлари каби наслдор молларни урчитишдир. Булар терисининг сифати яхши бўлиши билан бир қаторда, шу хусусиятни наслдан – наслга яхши ўтказадиган бўлиши керак.

Товар хўжаликларининг вазифалари мумкин қадар кўпроқ миқдорда қоракўл терилари, жун, гўшт ва бошқа қоракўлчилик маҳсулотлари етказиш, маҳсулот таннархини камайтириш, қора қоракўл терилари, айниқса, бозоргир нав тери етказиш, кўк териларни кўпроқ олиш, кумуш, тилла ва бошқа ранг сур териларни кўпайтиришдан иборат. Қоракўлчиликда наслчилик ишини, яъни танлаш ва жуфтлаш ишларни вояга етган қўйларни яхши боқиш, парвариш қилиш, ёш қўзиларни тўғри ўстириш каби вазифаларни чамбарчас боғлаб олиб бориш керак. Наслдор қўчқорларни талабга жавоб берадиган даражада ва етарли миқдорда кўпайтириш зарур. танлаш ишларининг ҳамма усул ва қоидалари, асосан қўзиларни 1 – 2 кунлигида тўғри бонитировка қилиш, 15 – 20 кунлигида эса қўшимча баҳолашдан иборат.

Наслчилик ишларини тўғри ва муваффақиятли юритишнинг асосий шарти қўйларни йил бўйи етарли миқдорда озиқ билан узлуксиз таъминлаш учун мустаҳкам озиқа базаси яратиш ва энг аввал, ўтлоқларни яхшилашдир.

Қорақўл териларида гул ўлчами ўртача, майдалиги, тери зичлиги ва юпкачилигини сақлаш билан бир қаторда унинг сатҳини ошириш наслчилик иши юритишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу иш қўзиларни она корнидаги даврида нормал ва яхши етилтириш, совлиқларни доим семиз сақлаш учун дашт шароитида серҳосил ўтлоқлар барпо қилиш ва селекция ишларини яхши йўлга қўйиш билангина амалга ошади.

Ҳар хил тоифадаги хўжаликларда наслчилик ишини юритиш тартиби.

Наслчилик заводларида наслчилик ишларини ташкил қилиш.

Наслчилик заводларининг энг асосий вазифаси қорақўл қўйларининг насл ва маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Наслчилик заводлари ўз хўжалиги шароитига мослашган завод типини такомиллаштириш билан бир қаторда, шу заводнинг ўтлоқлари ва иқлим шароитига яна ҳам мослашган, энг юқори сифатли, такомиллашган янги линиялар барпо этиш вазифасини бажаради.

Заводларда янги барра тип қўйларни чиқариш, шунингдек, рангли қалам гулли, расми чиройли терилар берадиган қорақўл қўйларининг завод типларини етказиш соҳасида иш юритилади. Баъзи заводларда махсус топшириқларга биноан қорақўлнинг ялпоқ барра типини такомиллаштириш соҳасида, яъни ялтироғи аъло даражали, расми чиройли, ранги бўйича жуда қимматли, ажойиб ранг – баранг кўк ва сур терилар берадиган ёки бутунлай янги рангли қорақўл олиш соҳаларида ҳам наслчилик иши юритилади. Наслчилик заводлари баъзи бир наслчилик фермалари ва илмий муассасаларнинг экспериментал хўжаликларидаги энг яхши қўйлар подалари ҳисобидан ташкил этилади. Наслчилик заводларидаги қорақўл қўйларнинг сони шу хўжаликдаги ўтлоқларнинг мавжудлигига, ташкилий имкониятлар ва, шунингдек, бошқа қўй подаларида фойдаланиш учун зарур қўчқорлар сонига қараб аниқланади. Наслчилик заводларидаги қорақўл қўйлари уч қисмдан иборат бўлади ва алоҳида фермаларга жойлаштирилади: а) завод подаси; б) насл-репродуктор (нусха олиб кўпайтирадиган) сурувлар; в) товар подаси.

Завод подаси қўидаги группалардан иборат; а) танланган элита, элита ва I класс, дастлабки икки туғишдан иккита элита ёки биринчи класс қўзи берган она қўйлар; б) элита тўқлилар, танланган элита ва насл – репродуктор қўй сурувлари; в) биринчи класс тўқлилар тўдасига завод типдаги она қўйлардан олинган мақсадга мувофиқ типга эга ёш хайвонлар киради.

Наслчилик заводларидаги қўчқорлар тўрт группадан: а) линияларга асос солган қўчқорлар, шунингдек, насли бўйича текширилган, завод подаси каторидаги ота – оналардан олинган қўчқорлардан; б) насл сифатини текшириш учун ажратилган, завод типдаги ота – оналардан олинган, туғилган вақтида элитага киритилган ва наслдор қўчқорлар сафини тўлдириш учун ўстирилаётган ёш қўчқорлардан; в) насл – репродуктор хўжаликларида фойдаланиш ва кўпайтириш учун ажратилган, насл сифати юқори бўлган қўчқорлардан; г) сунъий қочириш даврида қўйиккан совлиқларни искаб топувчи қўчқорлар ва сунъий уруғлантиришда уруғланмай қолган совлиқларни қочириш учун белгиланган қўчқорлардан иборат бўлади.

Завод типдаги қўйларнинг сони энг кўпида 18 – 20 минг бошдан, элита ва танланган қўйларнинг сони эса 2,5 – 3,0 минг бошдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Завод подасидаги қўйлар сафини тўлдириш фақат завод типдаги қўйлардан олинган ва завод талабини яхши қондира оладиган қўйлар ҳисобигагина амалга оширилади.

Завод подасини тузишнинг биринчи даврида қўидаги тўдаларга: а) туғилган вақтида элитага ва I классга киритилган, дастлабки икки туғишида 1 – 2 элита қўзи ёки биринчи класс қўзилар берган она қўйлар; б) наслдор қўчқор ва совлиқдан олинган, элита ва I класс тўқлилар; в) насл сифати текширилган ва яхшиловчи деб танланган наслдор қўчқорлар; г) насли яхшиловчи ва наслдор совлиқлардан олинган қўчқорлар қаторини тўлдириш учун қолдирилган элита ва I класс қўчқорлар; д) қочмай қолган совлиқларни қочириш учун фойдаланишга ажратилган наслдор қўчқорлар ва совлиқларни искаб топувчи қўчқорлар киради.

Заводнинг репродуктор подаси элита ва биринчи класс ҳар хил гул ўлчамига ва ҳар хил тусига эга қўйлар тўдасидан иборат бўлади. Ҳар бир завод ўзи учун урчитишга ажратган завод типидан бошқача бўлган қўйларни наслдор қўйлар қаторидан чиқаради ва товар фермасига ўтказди.

Наслдор қўйлардан гул ўлчамига, рангига, жун конституция типига, ёшига, класслари ва келиб чиқишига қараб бир текис сурувлар ташкил қилинади. Наслдор қўйлар фермасида қўйлар сони 8 – 10 минг бошдан ошмаслиги керак. Заводнинг наслдор қўйлари шу хўжаликда наслчилик иши натижаларини текшириш учун асосий база ҳисобланади.

Заводнинг товар берувчи подаси ҳар хил классли барра типи жиҳатдан турлича бўлган ва заводнинг наслдор қўйлари қаторидан яроқсиз қилиб чиқарилган қўйлар сурувидан ташкил топади. Бу хил қўйлар подаси қоракўлчилик хўжаликларидаги сингари қилиб тузилади ва барра типларига, классларига, конституцияси ва ёшга қараб сурувларга ажратилади.

Кўк ва сур қўйлар урчитиладиган заводларда завод типи ва наслдор қўйлар сурувлари элита ва I класс қўйлардан тузилади. Пода кейинчалик танланган элита қўйлар билан тўлдирилади. Кўк қўйларни урчитишда наслчилик заводларининг энг биринчи вазифаси қўзилар ҳаётчанлиги таъминлаш мақсадида уларнинг насл сифатини такомиллаштиришдир. Шу билан бирга, қўзилар терисининг кўк каптар ёки ҳаво ранг ва кумуш рангли, гуллари ярим доирали бўлишини таъминлаш зарур. Заводда кўк қўйларни урчитишнинг асосий усули бир хил кўк белгисига қараб жуфтлашдан иборат. Бу ишни юритишда кўк қўзилар ҳаётчанлигини эрта ёшда аниқлаш усули кенг қўлланилади. Элита ва I класс қўйлар сурувларида якка – якка жуфтлаш қўлланилади. Якка жуфтлашдан фақат насл сифатлари яхши текширилган кўчқорларгина фойдаланилади. Бу кўчқорлар кўк каптар ва кумуш тусли, вояга етганда ташқи тана тузилиши камчиликсиз, конституцияси мустаҳкам ва класс элита бўлмоғи лозим. Бир – бировлари билан қариндош бўлган кўк рангли қўйларни жуфтлаш тавсия қилинмайди.

Бухоро сур қўйларини урчитишда наслчилик заводларининг вазифаси шу қўйларнинг қимматли сур рангини яхшилаш учун наслий кучини мустаҳкамлаш ва бу хусусиятни такомиллаштиришдир. Бухоро сур қўйларини урчитишда рангига кўра бир хил ва ҳар хил белгиларига қараб жуфтланади.

Наслчилик заводларининг асосий вазифаларидан бири, насл – репродуктор хўжаликлари ва қўйчилик хўжаликларига наслдор кўк ва сур қўчқорлари етказиб беришдир. Завод типдаги ва наслдор қўйларнинг ҳар бирига завод учун қабул қилинган белги билан эн солинади. Шунга асосан уларнинг маҳсулдорлигини ва келиб чиқишини ҳисобга олиш учун алоҳида ҳисоб юритилади. Элита қўзиларни кўпроқ берган совлиқлар энг қимматли ҳисобланади. Шундай совлиқлардан наслдор қўчқорлар қолдирилиши лозим, элита қўчқорлари эса завод ишида фойдаланиш мақсадида олиб қолинади. Бошқа хўжаликлардан қўчқор келтириш лозим бўлса, бу иш план бўйича ўтказилади. Бундан ташқари, юқори сифатли линиядаги наслдор қўчқорлар уруғини келтириб фойдаланиш ҳам мумкин. .

Завод қўйлари сурувларида фойдаланиладиган барча наслдор қўчқорларнинг берган қўзилари сифат томонидан текширилади. Булар ичидан энг юқори сифатли қўчқорлар (агар маҳсулотнинг аълолиги билан наслчилик иши талабига яқин йиллар ичида тўлиқ жавоб бера оладиган бўлса) линияларнинг бош оталари сифатида танлаб олинади.

Наслчилик заводларидаги ҳар хил ранг қоракўл қўйлари билан наслчилик иши қўйидагича юритилади:

а) барча наслдор эркак қўзи ва урғочи қузилар 2 кунлик бўлгунча индивидуал бонитировка қилинади;

б) қўзилари ва тери сифатини индивидуал ҳисоблаб бориш, завод типдаги ва наслдор қўзиларининг тирик вазни ва завод подасидан олинган жун маҳсулоти ҳисобга олинади;

в) қўчқорлар насл сифати жиҳатдан текширилади ва линиялар бўйича урчитилади;

г) наслдор кўчқорлар баҳор ва кузги қирқим олдида, совлиқлар эса сунъий қочириш олдида қайта кўрилади;

д) хўжаликда фойдаланиладиган ҳар бир кўчқор насл бериши жиҳатдан ҳисобга олинади;

е) насл учун қолдирилган барча наслдор эркак ва урғочи кўзилар 10 – 15 кунлигида қайтадан якка – якка кўрилади ва 4 ойлигида, яъни онадан ажратишда қайта кўрилади.

ж) наслдор кўчқорлар 1,5 ёшида, яъни кузги қирқим олдида бонитировка қилинади.

з) завод подасидан ҳамма совлиқларга наслдор кўчқорлар якка – якка тайинланади, наслдор совлиқларга эга группаларига қараб кўчқор кўйилади ва ҳар бир она кўй ва кўчқордан олинган кўзилар якка ҳисобга олинади;

и) кўйларни йил бўйи яхши боқиб, яхши асраш билан улардан соғлом ва юқори маҳсулотли кўзилар олиш чоралари кўрилади.

Наслчилик заводларидаги вояга етган ҳамма кўйларни кўрикдан ўтказиб, сифатига, маҳсулдорлигига қараб тегишли завод отарларига бўлиш лозим. Шу билан бирга, ҳамма элита ва I класс совлиқ ҳамда кўчқорларга янги завод исирғалари ташқи, кўчқорларга эса шохига ёки лунжига тамға солиш керак.

Наслчилик заводларининг асосий вазифаси қимматбаҳо наслдор кўйлар ўстириб етказиш соҳасидаги планни муваффақиятли равишда бажаришдан иборатдир. Наслдор кўйлар урчитишни ривожлантириш олдиндан тузилган план асосида олиб борилади.

Наслчилик – репродуктор хўжаликларида наслчилик ишини ташкил қилиш.

Насл – репродуктор хўжаликларининг асосий вазифаси ўз насл хусусиятларини наслдан – наслга яхши ўтказа оладиган, завод типига хос, мустаҳкам конституцияли, маҳсулот сифати юқори бўлган кўчқор ва совлиқларни мумкин қадар кўпайтириш ва товар хўжаликларига сотишдан иборатдир. Мазкур хўжаликлар пешқадам кўзиларнинг наслчилик ҳамда

товар фермалари асосида ташкил этилади. Бу хўжаликларда қўйлар сони ўтлоқ – озиқ шароитига ва ташкилий имкониятларига қараб аниқланади. Наслчилик фермалари қўйлар сони 10 минг бошдан, товар фермаларда эса 15 – 20 минг бошдан ортмаслиги зарур. Наслдор қўйлар подалари бонитировка материаллари ва қўйлар конституцияси типларга қараб бир хил сурувларга ажратилади.

Қора қоракўл қўйлари соф ҳолда урчитиладиган хўжаликларда:

а) элита совлиқ ва тусоқ қўйлар ферманинг алоҳида сурувларида сақланади;

б) биринчи класс, жакет гулли қўйлар конституция типлари, ёши ва классларининг келиб чиқишига қараб сурувларга бўлинади;

в) биринчи класс, гулли қўйлар алоҳида сурувларга ажратилади;

г) биринчи класс, мустаҳкам конституцияли гулли қўйлар алоҳида сурувларга бириктирилади.

Барча биринчи класс, ўта кетган қўпол ёки нозик конституцияли қўйлар наслчилик фермалардан товар фермаларга ўтказилади.

Кўк ва гулигаз қўйларни урчитадиган наслчилик хўжаликларда:

а) элита совлиқ ва тусоқлар наслчилик фермаларнинг бирида алоҳида сурувларга ажратилади;

б) биринчи класс, ўрта кўк қўйлар туси, конституция типлари ва ёшига қараб бир хил сурувларга бириктирилади;

в) биринчи класс, тўқ – кўк қўйлар алоҳида сурувларга бирлаштирилади ва буларнинг бир хил белгиларига қараб жуфтлаш ўтказилади;

г) биринчи класс, оч кўк қўйларни ҳар хил ранг белгиларига қараб жуфтлаш ўтказиш учун алоҳида сурувларга ажратилади. .

Агар қўй подаси ичида кўк наслдор қўйлар кўп учраса, оч кўк қўйларнинг товар фермаларига ўтказилгани маъқул.

Кўк қўйларни урчитиш учун ихтисослаштирилган насл – репродуктор хўжаликларида кўк ва қора қўйлар сони тенг бўлиши керак. Бу тегишли рангдаги қўй подасининг сонини тўлдириб туриш имкониятини беради.

Гулигаз қўйларни урчитиш учун ихтисослаштирилган насл – репродуктор хўжаликларида қўй сурувлари ёки бир бутун ферма ташкил қилинади ва бунда наслдор гулигаз қўйлар урчитилади.

Наслдор сур қўйларни урчитиш учун ҳам насл – репродуктор хўжаликлари ташкил қилинади. Сур қўйларни урчитиш учун энг аввало қора наслдор қўйлар сурувлари ташкил қилинади.

Насл – репродуктор хўжаликларида кўк қўйларни ранги жиҳатдан бир хил ва ҳар хил белгиларига қараб жуфтлаш ўтказилади. Рангидан бир хил белгисига қараб жуфтлаш фақат элита қўйлар ва I класс ўрта ва тўқ – кўк қўйлардагина қўлланилади. Бошқа ҳамма наслдор ва оддий қўйлар рангига кўра ҳар хил белгиларига қараб жуфтланади.

Сур қўйларни урчитиш учун ихтисослашган хўжаликлардаги қўйлар фақат сур қўчқорлар билан жуфтланади. Бунда наслдор сур қўчқорларни тезроқ кўпайтириш имконияти туғилади.

Насл – репродуктор хўжаликларидаги қўйлар сифати яхшиланган сари, бонитировка талаби ҳам ортади ва паст класс қўйлар сони товар хўжаликларга сотиш ва яроқсиз (брак) қилиб чиқариш ҳисобига камайтиради. Насл – репродуктор хўжаликларидаги наслдор қўй подаси шу хўжаликдаги олинган элита ва I класс қўйлар ҳисобидан тўлдирилади.

Насл – репродуктор хўжаликларида юритиладиган наслчилик иши маълум завод типи линияларининг насл хусусиятини мустаҳкамлаш ва уни кенгайтиришга қаратилган бўлади ва бу қўйлар ўз хўжалигида ва товар хўжаликларида фойдаланиш учун кўпайтирилади. Шунинг учун маълум завод типига оид линиялардан олинган қўчқорлар билан насл – репродуктор хўжаликларидаги совлиқлар доимий равишда жуфтланади. Мазкур хўжаликдаги машҳур линиялардан олинган наслдор қўчқорлар кенг миқёсида кўпайтирилади.

Кўк қўйлар урчитиладиган насл – репродуктор хўжаликларида кўк ранг бўйича бир хил белгисига қараб жуфтлаш қўлланиб, қўзилар туғилган чоғида ҳаётчанлигини аниқлаш ишлари олиб борилиши ва тўқ кўк қўйлар ичида ҳам бир хил белгисига қараб жуфтлаш ўтказилиши керак.

Насл – репродуктор хўжалигида қорақўл қўйларини урчитиш ихтисослаштирилган бўлса, яъни қора, кўк ёки сур қўйлар урчитилса, бу хўжаликлар ҳар йили:

а) элитага киритиладиган ҳамма урғочи ва эркак қўзиларни якка бонитировка қилиш ва қўчқорларнинг насл сифати текширилаётган қўйлардан олинган қўзиларни қискартирилган якка бонитировка қилади;

б) барча элита қўйлардан олинган қўзиларнинг тери сифати алоҳида ҳисобга олинади;

в) хўжаликдаги ҳамма наслдор қўчқорлар баҳор ва кузги қирқим олдида (кузда қочириш кампанияси олдида) қайта кўрилади;

г) совлиқ ва тусоқларнинг насли ва товар подалари ташкил қилинади;

д) қўйларни яхши боқади ва асрайди.

Юқорида баён этилган омиллар тўлиқ амалга оширилса, насл – репродуктор хўжалигида наслчилик иши юритиш яхши йўлга қўйилган деб ҳисобланади.

Товар хўжаликларида наслчилик ишини ташкил қилиш. Товар хўжаликларида ва фермаларида наслчилик ишларини юритишда энг асосий вазифа оз куч ва маблағ сарф қилиб, мумкин қадар юқори сифатли қорақўл терилари ва қорақўлчилик хўжаликларида бошқа маҳсулотларни кўпроқ етиштиришдан иборатдир. Товар хўжаликларида сунъий қочириш усулини кенг қўлланиш йўли билан насли яхшиловчи қўчқорлар кучидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиб, улар учун совлиқлар группалари тайинланади ва соф зотни “ўз ичида” тоза урчитиш усули қўлланилади.

Дурагай қорақўл қўйлар подалари соф зот элита ёки I класс қора ёки қўчқорлар қонини сингдириш йўли билан яхшиланади.

Товар фермаларида қўйлар классларига, барра ва жун конституция типларига, шунингдек, ранг турига қараб ажратилади ҳамда бир хил сурувлар ташкил этилади. Элита ёки I класс қўйлар алоҳида отарларга ажратилади ва яхши ўтлоқларда боқилади ҳамда бу қўйлар тажрибали чўпонларга топширилади. Элита ёки I класс мустаҳкам конституцияли қўйларни алоҳида сурувларга ажратишдан асосий мақсад, уларга энг яхши боқиш ва асраш шароити яратилади.

Яхши товар хўжаликларида наслдор совлиқлардан (элита ёки I класс, ўрта гулли қўйлар) олинган қўзиларнинг эркаклари дастлабки даврда насл учун қолдирилади. Бошқа классларга, барра типларга кирувчи қўйлар қўйидаги белгиларига қараб сурувларга ажратилади:

а) II класс, ярим доирали ўрта гулли (жакет II) совлиқ ва тусоқлар бир хил конституция типларига қараб отарларга ажратилади;

б) кавказ барра типли, II класс совлиқлар ва тусоқлар конституция типларига қараб сурувларга бириктирилади;

в) ялпоқ ва қовурға барра типли II класс совлиқлар ва тусоқлар конституция типларига қараб алоҳида сурувларга киритилади.

Энг қўпол конституцияли “оқгул” қўйлар ва энг нозик конституцияли “жуда нозик” қўйлар класслари, гул ўлчамлари ва барра типларидан қатъи назар, жун конституция типларига қараб алоҳида сурувларга ажратилади.

II класс қўйлар фақат жун конституция типларига қараб бир хил сурувларга киради. Совлиқлар сурувларини ташкил қилишда (бунда она қўйларнинг соғлигига ҳам эътибор бериш керак) уларнинг ёши тенгдош бўлишига эътибор бериш зарур, бундан ташқари, наслдор подаларда қўйлар классларига ҳам қараб сурувлар ташкил қилинади. Дурагай совлиқ ва тусоқлар класслари, конституция типлари ва рангларига қараб алоҳида сурувларга ажратилади.

Наслчилик заводлари, насл – репродуктор хўжаликларида келтирилган наслдор қўчқорлардан кенг фойдаланилади ва товар хўжаликларида ҳам совлиқлар группалари қўчқорларга тайинланади.

Наслчилик хўжаликларида келтирилган элита кўчқорлар энг аввал элита ва I класс совлиқларга қўйилади. Насл сифати текширилган энг яхши кўчқорлар сунъий қочириладиган совлиқлар учун қолдирилади. Уруғлантириш натижаси отарлардаги кўчқорларнинг якка хусусиятларига қараб яқунланади. Уруғлантирилганда совлиқларнинг класслари, барра ва конституция типлари ҳамда боқиш шароитлари назарга олинади.

Товар хўжаликларида линиялар бўйича урчитишга ва кўк қўйларни бир хил кўк рангига қараб жуфтлашга йўл қўйилмайди.

Бухоро сур қўйларини тез фурсат ичидда кўпайтириш учун қора кўлиқлар сур кўчқорлардан кўплаб қочирилди. Булардан қора кўзилар вояга етганда яна сур кўчқорлардан қочирилганда 30 – 35 % гача сур кўзи берди. Агар сур кўчқордан сур совлиқ қочирилса 95 % гача сур кўзи туғилади.

Кўк қўйларни урчитиш учун ихтисослаштирилган товар хўжаликларида, одатда, қора кўчқорлардан кўк совлиқлар ва кўк кўчқорлардан қора совлиқлар қочирилади.

Гулигаз ва қамбар қўйлар алоҳида сурувларда тутилади ва булар гулигаз кўчқорларидан қочирилади. Қамбар қўйлар гулигаз ва янги ранг – баранг сур кўзиларни кучайтириш учун фойдаланилади. Гулигаз кўзиларни кўпроқ олиш учун ҳамма элита ёки I класс гулигаз эркак кўзилар насл учун қолдирилади.

Товар хўжаликларида наслчилик иши бўйича ҳар йили қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

а) ҳамма урғочи кўзилар класс бўйича бонитировка қилинса, эркак кўзи қолдиришга ижозати бор товар хўжаликлари буларни якка бонитировка қилади;

б) барча кўчқорлар баҳорда ва кузда қайта кўрилади, хўжаликдаги совлиқларга мос ва наслчилик иши талабига мувофиқ юқори маҳсулотли кўчқорлар сотиб олинади;

в) энг яхши наслдор кўчқорлар кучидан тўлиқ ва максимал фойдаланиш мақсадида, сунъий қочириш усулини кенг қўлланиш ташкил қилинади;

г) совлиқлар сифатига қараб ҳар бир сурув кўчқор қўйларга кўчқорлар тўғри танланади;

д) қўйларни яхши боқиш ва асраш ташкил қилинади.

Юқоридаги кўрсатилган ишлар тўғри ва аниқ бажарилса, наслчилик ишини режали равишда ривожлантириш ҳамда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

VIII. боб. Қоракўл қўйларини кўпайтириш техникаси.

**Кўпайтиришга тайёрланиш ва ўтказиш, қўйларни
сунъий қочириш ва кўпайтириш усуллари
(соф холда, чатиштириш, дурагайлаш) ва
улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш.**

Қоракўл қўйлар бош сонини кўпайтириш, маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш кўп жиҳатдан қочирим мавсумига тўғри тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш савиясига боғлиқдир. Чорвачиликнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби қоракўлчиликда ҳам совлиқларни табиий қочириш ва сунъий уруғлантириш усули қўлланилади.

Сунъий уруғлаш - ҳайвонларни уруғлашнинг энг илғор ва замонавий усулидир. Бу усулни қўллаш юқори насл сифатида эга бўлган наслик кўчқорлардан маълум мақсад йўлида унимли фойдаланиш ва хўжалик подасининг сифатини жадал суръатлар билан яхшилаш имконини беради. Наслик кўчқорлардан бир маротоба олинган шахватдан 20-30 бош, бир мавсум давомида 5-6 минг бошгача совлиқларни уруғлаш мумкин. Хўжаликда сунъий уруғлантириш жорий этиш наслчилик ишларини тўғри ва самарали ташкил қилиш имконини беради, чунки барча наслчилик ишлари аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бўлади.

Сунъий уруғлантириш жараёни тўғри ва маъсулият билан ташкил қилинган жойларда совлиқларнинг қисир қолиш холлари кескин камаяди. Табиий қочиришда тарқалиш эҳтимоли бўлган кассаликлрнинг олди олиниши ҳисобга олинадиган бўлса сунъий уруғлантириш усули муҳим ветеринария таъдбири эканлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади.

Поданинг кўпайиши кўп жиҳатдан сунъий уруғлантиришни ўтказиш савиясига, совлиқлар ва кўчқорларни қочирим мавсумига тайёрлашга, уруғлаш пунктларининг такоминлашганига, янги ускуналар билан жихозланганлигига, иш давомида санитария ва зоогигиеник қоидаларига риоя қилишга боғлиқ бўлади.

Ҳозирча қоракўл қўйларни сунъий уруғлаш кўп кўл меҳнатни талаб қиладиган жараён бўлиб қолмоқда. Қочирим мавсумидаги кўл меҳнати сарфини камайтириш учун иш тартибини ва иш жойларини тўғри ташкил қилиш лозимдир.

Қўйиккан совлиқларни аниқлаб ажратиб олиш учун изловчи кўчқорлардан, шаҳват йўли томирчаси ўзилган ёки этак тақилган кўчқорлардан фойдаланилади. Қўйиккан совлиқларни ажратиб олиш учун сурувдаги қўйлар қўраларга қамалиб, уларнинг орасига жинсий алоқа қилишга ҳалақит берувчи этак боғланган изловчи кўчқорлар юборилади. Шу йўл билан ажратиб олинган совлиқлар уруғлаш пункти ёнидаги қўрачага қамалади. Қўйиккан совлиқлар одатда эрталаб ҳам, куннинг кккинчи ярмида ҳам бир наслик кўчқор шаҳвати билан уруғланиши лозим. Бунинг учун маълум кўчқорнинг шаҳватидан биринчи маротаба уруғланган совлиқларга хоҳлаган тартибда белги қўйилади ва совлиқларнинг ана шу белгииларини ҳисобга олган ҳолда иккинчи маротаба уруғланади.

Қоракўлчиликда табиий қочириш ҳам қўлланилади. Хўжаликнинг аниқ шарт-шароитига қараб табиий қочиришнинг бир неча хили қўлланилиши мумкин.

Ҳарамда қочириш – бунда 30-40 совлиқдан (50 бошгача) ташкил топган гуруҳга 35-40 кун давомида қуёш ботишидан то тонг отгунга қадар 1

бош наслик қўчқор кушиб қўйилади. Бу қўчқорга бўёқ шимдирилган мухр осиб қўйилади. Ҳар куни эрталабга жинсий алоқа натижасида белига тамға босилган совлиқлар гуруҳдан ажратиб олиниб, наслчилик хўжаликларига қочирим куни ва қайси қўчқордан қочирилганлиги белгиланади. Табиий қочиришнинг бошқа усулларга нисбатан ва бу усул қўлланилганда қисир қоладиган совлиқлар салмоғи кескин камаяди. Мазкур усул Африка қитъасининг жанубидаги қоракўлчилик билан шуғулланувчи мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, Афғонистон Республикасида ҳам қисман қўлланилмоқда.

Қўлда қочириш—бу усул қўлланилганда қўйиккан совлиқга махсус дастгоҳга беркитиб, наслик қўчқорлар билан қочирилади. Сунъий уруғлаш усули қўллангунга қадар совлиқларни қўлда қочириш энг илғор усул бўлиб ҳисобланиб келинган эди. Бунда ҳар бир совлиқни кўздан кечириш, қочирилган кунини аниқ белгилаш, наслик қўчқорларнинг қочирим мавсумида бажарган “хизмат” кўлами, қочиримда фойдаланилган ҳар бир наслик қўчқор наслидан олинган авлод сифатини аниқ баҳолаш имконини беради. Қўлда қочириш жорий этилганда ҳам қочирим мавсумининг ўтказилиши муддатлари, уни ташкил қилиш ва ўтказиш, куюккан совлиқларни сурувдан ажратиб олиш жараёнлари худди совлиқларни сунъий уруғлашдаги каби бўлади.

Мазкур усул қўлланилганда совлиқлар анча азият чекади, яъни қўрага қамалган сурувдан қўйиккан совлиқларни қувиб ушлаш, қочирим дастгоҳига судраб келиб беркитиш вақтида анча безовталанади. Бундан ташқари дастгоҳга беркитилган совлиқни қочириш учун юборилган наслик қўчқорга вазиятнинг сунъийлиги, пункт ходимларининг қараб туришлари салбий таъсир қилади, шу сабабли қўчқорлар баъзан жинсий алоқани тўлиғича тамомлай олмайди. Қоракўлчилик хўжаликларида асосан сунъий уруғлаш қўлланилаётганлиги сабабли совлиқларни қўлда қочириш деярлик қўлланилмаётир.

Эркин қочириш – дала шароитига сурувга бир гуруҳ кўчқорлар куштириб куюккан совлиқларни тўғри келган кўчқорлардан уруғлантириши тушинилади. Эркин қочириш ўтказилганда кўйларни мўлжалланган режа бўйича урчитиш, тўл мавсуми муддатларини режалаштириш, қолаверса, наслчилик ишларида танлаш ва жуфтлашни самарали юритиш имкони бўлмайди. Энг асосийси, ҳайвонлар назоратсиз жуфтланганлиги сабабли туғиладиган кўзиларнинг аждодларини аниқлаш деярли мумкин эмаслиги, қочирим мавсумида кеча-кундуз тартибсиз жинсий алоқа қилганлиги сабабли наслик кўчқорлар тез орада чарчаб сафдан чиқиб яроқсизланиб қолиши, юқумли жинсий касалликлар кенг тарқалиши хавфи мавжудлиги кўйларни эркин қочиришни иложи борица кам қўллашни тақозо этади.

Қорақўл кўйларни эркин қочириш кўпроқ қоқоқ паст сифатли маҳсулотлар етиштирувчи қорақўлчилик хўжаликларида қўлланилади. Эркин қочириш қўлланилганда одатда жинсий фаол, жисмонан бақувват йирик гавдали кўчқорлар кўпроқ миқдордаги совлиқни қочириш имконига эга бўлади, ваҳоланки, бу кўчқорларнинг барчаси ҳам юқори сифатли маҳсулот бера олади деб бўлмайди.

Турли мулкчилик асосида ташкил этилган ҳар хил хўжаликларнинг иқтисодий такчиллик даврида фақатгина юқори сифатли, жаҳон бозори рақобатига чидам берадиган териларни кўплаб етиштириш йули билангина ўз ишлаб чиқаришини инқирозга учратмасдан бемалол давом эттирилиши мумкин. Шу боисдан қорақўлчилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти, иқтисодий кўрсаткичларини кўп жиҳатдан қочириш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан сифатли ўтказишга боғлиқдир.

Қочирим мавсумига тайёргарлик ишлари барвақт бошланиб қуйидаги таъдбирларни ўз ичига олади. Тайёргарлик ишлари аввало кўзиларни она кўйлардан ажратиш, совлиқ сурувларини хиллаш ва унга сурувлар ташкил қилиш режасини тузиш ва уни амалга оширишдан бошланади. Ранги, конституцияси, барра типи, гул ўлчами, синфи ва бошқа насл белгиларига

караб сараланиб, тўлдирилган янги ташкил этилган сурувлар аниқ бўлгач хўжаликда қочирим мавсумини ўтказиш режаси тузилади. Мазкур режанинг асосини сунъий уруғлантириш лозим бўлган отарлар ва совлиқлар сони, ҳар бир куй суруви (гурух) учун наслик ва изловчи қўчқорларни белгилаш, сунъий уруғлаш пунктларига қўй сурувларини белгилаш, сунъий уруғлаш пунктини барча керакли асбоб-ускуна ва кимёвий моддалар билан таъминлаш, берилган штатларни эса кадрлар билан тўлдириш ва бошқа шу каби таъдбирларни ташкил қилади. Қочирим даврида совлиқларни уруғланиш даражаси (бола бера олиш қобилияти) энг аввало уларнинг шу давридаги семизлик ҳолатига боғлиқдир. Қўйларнинг талаб даражасидаги семизликда бўлиши-юқори даражада уруғланишни таъминловчи омил ва серпуштлик гаровидир.

ЎзҚЧЭИТИ олимларининг таъкидлашларича, қочирим даврида ўртачадан юқори ва ўртача семизликдаги совлиқларнинг атига 6,4 фоизи қўйиқишга келмаса, ўртачадан паст семизликдаги совлиқларнинг 33 фоизини қуюкга келмайди.

Бир жинсий цикл давомида қочирилган ўртачадан юқори ва ўртача семизликдаги совлиқларнинг 67 фоизи уруғланса, ўртачадан паст семизликдаги совлиқларнинг 44 фоизи, орриқ совлиқларнинг 34 фоизини уруғланади холос.

Қочирим мавсуми арафасида совлиқларнинг умумий ҳолати, айниқса, семизлик даражаси, кўп жиҳтдан қўзи ажратиш палласигача совлиқлар ўз бағрида қўзи ўстирганлиги ёки бўйдоқлигига боғлиқ бўлади, М.Ф.Томми ва Г.И.Балабаларнинг маълумотларига кўра сентябр ва октябр ойлари мобайнида ўз бағрида қўзи ўстирмаган бўйдоқ қўйларга 1 кунда 1,15 озиқа бирлги, 85 г, оқсил ва 94г. ҳазм бўлувчи протеини бўлган ем-хашак бериш лозим бўлади. Бу эҳтиёжни қоплаш учун эса совлиқ яйловдан 2,1кг. қуруқ хашак истеъмол қилиши керак. Қўзи ўстирган эмизикли совлиқ нисбатан пастроқ симизликда бўлганлиги сабабли озиқа моддаларига бўлган, эҳтиёжи кўпроқдир. Ана шу давр мобайнида уларнинг ҳар бири кунига 1,4 озиқа

бирлигига эга бўлган 2,5кг. микдордаги қуруқ яйлов хашагини истеъмол қилишлари керак бўлади.

Бундан ташқари организмда, витаминлар, айниқса, "А" витамини камчилиги сабабли қўйларнинг кунлик рационига оксил ва витаминларни аралаштириб бериш яхши натижа беради.

Қўйларнинг мақбул семизликда бўлиши учун куз мавсуми мобайнида уларни асраш муҳим аҳамият касб этади. Бу вақтга келиб жазирама иссиқ таъсири камаяди ва қўйларнинг иштаҳаси очилиб кўпроқ ўт ея бошлайди, бу эса семизликнинг ошишига сабаб бўлади. Ана шу даврда қўйларни яхши парваришлаш лозим, иложи бўлганича кўпроқ вақт давомида боқиш, айниқса тунда ҳайдаб боқиш яхши самара беради. Сурув туни билан яйловда боқилганда кўпи билан 2-3 соатгина дам берилиши керак. Қўйларни қочирим мавсумига тайёрлаш жараёнида уларни ўз вақтида суғориш муҳим аҳамиятга эга.

Йилнинг иссиқ кунларида сурув қуруқ хасли сомонли яйловда боқилганда бир кеча-кундуз давомида ками билан 2 маротаба суғорилади. Қочирим мавсумига 1,5-2 ой қолганда қўйлар билан ўтказиладиган барча ветеринария-профлактик таъдбирлар бажарилиб бўлиши керак.

Қочирим мавсуми арафасиди қуйидаги мавсум олди таъдбирлари амалга оширилади. Ўртачадан паст семизликдаги совлиқларни сурувдан ажратиб олиб, қўлдан қўшимча озиқа бериладиган махсус гуруҳ ташкил қилинади. Ана шу таъдбирларни қўллаш совлиқларнинг жадал суръатлар билан қўллашини таъминлайди ва қочирим мавсумини қисқа вақт ичида тугаллаш имконини беради. Қочирим мавсуми давомида қўйларнинг семизлигини меъёр даражада сақлаб тура билиш муҳимдир, чунки сурувни кўрада сақлаш ва қўйиккан совлиқларни ажратиб олиш, узоқ вақт давомида кўрага қамаб қўйиш, сурувини майда-майда гуруҳларга бўлиб ташлаш қўйлар семизлигига салбий таъсир қилиб, уларнинг жинсий фаоллигини бўшаштиради. Ана шу аҳвол юз бермаслиги, учун яйлов шароити оғир йилларда ҳар-бир совлиқга қўшимча кунига 0,2-0,3кг. ем берилади.

Қочирим мавсумини юқори савияда ўтказиш кўп жиҳатдан қўчқорларнинг ҳолатига, семизлик даражасига боғлиқдир. Бунинг учун аввало насли кўчқорлар ва бошқа тоифадаги қўчқорлар суруви баҳорги қирқим олдида ёши, жун конституция типи ва физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бирма-бир синчиклаб кўздан кечирилиб апробация ўтказилиб, бўлажак қочирим жараёнида фойдаланиш мумкинми ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилинади. Қочиримга тайёрлаш жараёнида наслик қўчқорларнинг ирсий хусусиятларига жинсий фаоллигига, уруғининг сифатига катта эътибор берилиб, сунъий қинга уруғ беришга ўргатилади. Яхши парвариш қилиш ва қўшимча озиқалар бериш йўли билан уларнинг ўртачадан юқори семизликда бўлишини таъминлаш лозим бўлади. Одатда қорақўлчилик хўжаликлари шароитида қўчқорлар вазни 50-70 кг.ни ташкил қилади.

9 жадвал

Наслик қорақўл қўчқорларнинг озиқа меъёрлари.

№	Тирик вазни кг	Талаб этилади-ган озиқа бирлиги кг	Ҳазм булувчи протеин	Кальций Г.	Фосфор Г.	Каротин, мг, иг,
1	50	1,75	207	8,9	6,1	23
2	60	1,85	217	9,5	6,6	27
3	70	1,95	225	10,0	7,2	31,5

ЎзҚЧЭИТИ олимлари томонидан таклиф этилган тавсияномаларда наслик қўчқорларга қочирим мавсуми арафасида берилиши лозим бўлган қўйидаги озиқа нормалари кўзда тутилган. Олимларининг маълумотларига кўра, дағал хашакнинг ейилиш даражасини 15-30 фоизга ошириш имконини берувчи тўйимли, донатор озиқалар билан наслик қўчқорларни боқиш яхши

самара беради, чунки бунда шахватнинг қуюклиги 33,5. фоизга, яшовчанлиги (резистентлиги) эса 8-14 фоизга ошар экан. Қўчқорларни қочиришга тайёрлаш жараёни мавсум бошланишига ками билин 45 кун қолганда бошланади. Бу даврда қўчқорларга бир кеча-кундуз давомида қўшимча 1,0-1,5 кг. донатор озиқа берилиши лозим.

Умуман олганда наслик қўчқорларнинг мақбул рацион хўжаликнинг имкониятлари, яйлов-иқлим шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Фойдаланиш мақсади ва насл қимматига қараб қўчқорлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1 Асосий (яхшиловчи) наслик қўчқорлар - булардан фақат совлиқларни сунъий уруғлантиришда фойдаланилади. Булар хўжаликдаги қўчқорлар сурувининг энг қимматли қисми ҳисобланиб, подани урчитиш самарасига совлиқларнинг уруғланиш даражаси, серпуштлиги, олинадиган авлодларнинг сифати ана шуларга боғлиқдир. Сунъий уруғлаш жараёнида асосий наслик қўчқорлардан иложи борица кенгроқ фойдаланиш лозим.

2. Ўринбосар наслик қўчқорлар – булар ҳам юқори насл қимматига эга бўлган ҳайвонлардир. Сунъий уруғлаш жараёнида иштироқ этаётган асосий наслик қўчқор бирон сабабга кўра (шахвати сифатсиз ёки ҳажми кам, касалланган ёки жароҳатланган) яроқсизга чиқарилганда, унинг вазифасини бемалол бажара оладиган қўчқор.

3. Насл сифати текширилаётган қўчқорлар - хўжалик учун фойдали белгилари яхши ифодаланган, келажакда яхши авлод бериши кутилаётган ёш қўчқорлар гуруҳи.

Қўйларни сунъий уруғлаш йули билан қочириш мавсумини ўтказиш режаси тузилганда энг муҳими фойдаланиш учун лозим бўладиган қўчқорларнинг миқдори, сунъий уруғлашда ишлатиладиган яхшиловчи ва насл сифати текширилидиган қўчқорлар сунъий уруғлаш пунктида қўйиккан совлиқларни топишда фойдаланиш учун лозим бўлган изловчи қўчқорлар миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.

Қочирим бошланишига 1,5-2 ой қолганда қўчқорларни мавсумга тайёрлаш ишлари бошланади, бунда қўчқорларнинг озиқланишини ва парваришини кескин яхшилаш билан бир қаторда сунъий уруғлаш жараёнида катнашиши мўлжалланган наслик қўчқорлар (яхшиловчи, насли сифати текширилувчи ва ўринбосар қўчқорлар) сунъий қин ёрдамида уруғ беришга ўргатилади. Тайёрлаш даврининг дастлабки ойида қўчқорлардан ҳар 5 кунда бир марта, қочирим арафасида эса ҳар 2 кунда бир мартаба шахват олиб сифати текширилади, Бундан икки мақсад кўзда тутилиди: биринчидан қўчқорлар шахватида сперматозоид хўжайраларининг фаоллиги, ҳаракатчанлиги, қуюқлиги текширилса, иккинчидан йиғилиб қолган нимжон сперматозоид хўжайраларидан уруғдон йўллари тозалашдир. Қочирим бошланиши арафасида қўчқорлар 1-1,5 мл хажмдаги қуюқлиги камида 8,0 ва ундан юқори баҳога лойиқ бўлган шахват беришлари талаб этилади. Ундан паст сифатли шахват берувчи қўчқорлар сунъий уруғлаш жараёнида иштироқ этишдан озод этилади.

Қочирим муддатлари яйлов-озиқа ва иқлим шароитларига қараб белгиланади, чунки яйлов-иқлим шароитлари кўп жиҳатдан хўжаликларнинг жойлашган географик ўрнига боғлиқдир. Қочирим мавсуми арафасида совлиқлар юқори семизликда бўлса, етарли миқдорда ем-ҳашак ғамланган, бинолар тайёр бўлса қочиримни одатдагидан 20-25 кун олдин бошлаган маъқулдир. Лекин қочирим мавсумини эрта бошлаш учун жуда яхши тайёргарлик кўриш лозим, шу сабабли ҳам хўжаликларнинг муайян имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аста-секинлик билан эрта қочиримга ўтиш керак. Изловчи қўчқорлар наслик қўчқорлар билан биргаликда эмас, балки алоҳида асралиши лозим. Уларнинг жинсий фаоллигини ошириш учун ҳар бир бош ҳисобига суткасига 0,8-1,0 кг. ем берилади. Сурув учун белгиланган изловчи қўчқорлар икки гуруҳга бўлиниб, қўйга келганларини ажратиш вақтида совлиқлар орасига улар галма-гал юборилса самарадорлик ошади, яъни қўйикка келиб ажратилган совлиқлар миқдори одатдагига нисбатан 5-10

фоизга ошади, Одатда қочирим мавсумида ҳар 70-80 бош совлиқга бир бошдан излови кўчқор ажратилади. Бажарадиган ишини турли ва оғирлиги турлича бўлганлиги сабабли ҳар бир тоифадаги кўчқорлар қочиримга ўзига хос усулда тайёрланади. Хўжаликларда сунъий уруғлашни кенг қўллашга асосланган қочирим мавсумини ўтказиш режаси; тузилганда керак бўладиган наслик кўчқорлар миқдори пухта ҳисобланган бўлиши керак. Бунда қочирим мавсуми давомида яхшиловчи, насл сифати баҳоланадиган ва сунъий қочиримда фойдаланиладиган наслик кўчқорлардан уруғланиши лозим бўлган совлиқлар бош сони асос бўлади. Сунъий уруғлаш пунктларида қочирилган совлиқлардан уруғланмай қоладиганларининг тахминий миқдори ва уларни табиий қочириш учун лозим бўладиган кўчқорлар миқдори, сунъий пунктларида уруғлаш учун қўйиккан совлиқларни ажратишга лозим бўладиган изловчи кўчқорлар миқдори ҳам ҳисобга олинади. Қочирим давомида совлиқларни ортиқча безовта қилмаслик, қочирим бошланишга 10-12 кун қолгандагини уларни ёзги яйловдан қочирим мавсумида фойдаланишга мўлжалланган, яйловларга ўтказилади.

Қорақўл қўйлари 18 ойлик бўлгандагина тўлиқ жинсий вояга етади, шу боисдан ҳам жинсий воя ёшига етмаган ҳайвонларни қочириш тавсия этилмайди. Қорақўл совлиқлари 3-5 ёшлик даврида маҳсулдорлиги энг юқори кўрсаткичларига эришади. Ёши каттароқ ва орриқ ҳайвонларда қўйиқиш даври қисқароқ бўлиб, белгилари унчалик кўзга ташланмайди, кўпинча уларга такрорий қўйиқишгача бўлган танаффус ўта чўзилиб кетади. Шу боисдан қочирим олдидан катта ёшдаги ҳайвонлар оқсилли ва витаминли озиқалар билан қўшимча тарзда озиқлантирилиши лозим.

Муаян сунъий уруғлаш пунктида қочирма учун мўлжалланган совлиқ миқдори ёки сурув сони кўп жиҳатдан яйловларнинг қўй сифимиға, сув манбаъларининг сув бериш қувватига боғлиқ бўлади.


Одатда 1 сунъий уруғлаш пунктига 1000-2100 бош ва ундан ҳам кўпроқ совлиқ беркитилади.

Қоракўлчиликда намунавий лойиҳалар асосида қурилган турғун сунъий уруғлаш пунктларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Лойиҳа талаблари асосида қурилган пунктларда сатҳи 16 м² бўлган манеж, 6 м² бўлган лаборатория ва кўйни сунъий уруғлаш учун ҳар бири 18 м² дан иборат бўлган икки бўлма ва уларни эшикларига тақаб турли қурилиш материалларидан қуриладиган кўралар, ем-хашакни сақлайдиган омборхона бўлиши назарда тутилган.

Одатда қочирим мавсуми серҳосил яйловлар шароитида ўтказилганда бир жойда ишловчи (стационар) сунъий уруғлаш пунктларидан фойдаланиш яхши самара беради. Қурғоқчилик йилларида, айниқса кам ҳосил яйловлар шароитида (бир жойда ишловчи - стационар) сунъий уруғлаш пунктлари самара бермасдан қолади, чунки у яйловлар ва совлиқлар ҳолатига салбий таъсир қилади. Бундай оғир шароитларда, кўчма қочирим пунктларидан фойдаланиш қўл келади. Шу мақсадларда Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот илмий институтининг олимлари йиғма ва кўчма сунъий уруғлаш пунктларининг лойиҳасини ишлаб чиқиб хўжаликларга тавсия қилганлар.

Қўйида биз йиғма уруғлаш пункти тузилишини таърифини келтириб ўтамиз. Йиғма уруғлаш пункти деворларининг таркибий қисмини бир-бирига бириктирувчи сиртқи юзаси брезент, ички юзаси кигиз билан қопланган ёғоч ромлар ташкил қилади. Пункт биноси уруғлаш хонаси ва уруғланиши лозим бўлган совлиқлар қамаладиган дахлиздан иборатдир.

Йиғма сунъий уруғлаш пунктининг тузилиши




1 расм

1. Асосий дераза: 2.Уруғлаш хонасининг эшиги. 3.Сунъий қинни ишга тайёрлаш столи. 4. Столни ёритиш деразаси. 5 ва 6 Ҳар бири 3 ромдан иборат уруғлаш хонасининг девори. 7. Қўй қамаладиган бўлмани уруғлаш хонасидан ажратувчи девор. 8.Совлиқларни уруғлаш учун олиб кириладиган эшикча, 9.Уруғлаш хонасини иккига ажратувчи ички девор. 10. Микроскоп ва асбоб-ускуналар туришига мўлжалланган кўтариб-туширилувчи стол устини ёритувчи дераза, 11. Уруғланадиган совлиқ олиб кириладиган эшик. 12. Уруғланган совлиқ чиқариладиган эшик. 13. Пункт ҳисобчисининг иш столи. 14. Иш столини ёритиш деразаси. 15. Уруғлайдиган совлиқни тутиб турувчи мослама. 16, Ҳисобчининг иш жойини ажратиб турувчи ёғоч панжара.

Бино даҳлизи уруғлаш хонасидан яхлит девор билан ажратилган бўлиб, унда фақат қўйиккан совлиқни уруғлаш учун маълум ўлчамдаги туйнук қолдирилади. Кўчма сунъий уруғлаш пунктлари йиғиб, тайёрлаб, ишчи ҳолатига келтириш кўпи билан 1 соат вақтни олади, энг асосий бу хил пунктларни хоҳлаган жойга қуриш мумкин.Пункт кўраларини эса тўғри келган жойда қуриш мумкин.ВО-6 вагонига жиҳозланган узунлиги 5,5 м, кенглиги 3м га ва умумий фойдали юзаси 33 м² га тенг бўлган

кўчма сунъий уруғлаш пункти кочиришдан бошқа пайтларда чўпон-чўлиқларга бошпана бўлиб хизмат қилишга ҳам мўлжалланган.

Қуйида ана шу вагоннинг ички тузилишини келтирамиз



2 расм

1. Насллик кўчқорлардан уруғ олинадиган бўлим ($2,6 \times 1,8 \text{ м} = 5 \text{ м}^2$)
2. Насллик кўчқорлардан уруғ олиш дастгоҳи
3. Насллик кўчқорларни киритиб-чиқариш эшиги
4. Лабораторияга кириб-чиқиш йўлакчаси.
5. Олинган уруғни баҳолаш лабораторияси ($1,65 \times 1,38 \text{ м} = 2,28 \text{ м}^2$)
6. Уруғ олиш ва баҳолашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар териб қўйиладиган стол.
7. Олинган уруғни уруғловчи техникга (осменаторга) узатиш учун қўйилган ва парда билан тўсилган туйнук ($15 \times 15 \text{ см}$).
8. Уруғловчи техник ўтирадиган иш жойи ($1,38 \times 1,7 \text{ м} = 2,37 \text{ м}^2$)
9. Уруғлаш жараёнида фойдаланиладиган эритмалар солинган идишлар, уруғ қабул қилувчи ускуналар ва бошқа шу кабилар териб қўйиладиган стол.
10. Уруғловчи техникнинг оёқлари қуйиладиган чуқурча ($40 \times 50 \times 40 \text{ см}$).
11. Қин ойнасини ювиб, тозалаб ишга тайёрлаш мосламаси.

12. Ердан 33 см баландликда қурилган 38 х 44 см. ўлчамдаги совлиқларни уруғлаш дастгоҳи.
13. Уруғланадиган совлиқлар қамаладиган 3,5х1,5 м ўлчамдаги булма.
14. Уруғланайдиган совлиқлар киритиладиган 72-90 см ўлчамдаги эшик.
15. Совлиқларни уруғлаш дастгоҳи.
16. Уруғланган совлиқлар чиқариладиган 72х 90 см ўлчамдаги эшик
17. Ердан 80 см баландликда қурилган 62х98 см ўлчамдаги деразалар.

Пунктнинг ичи газ плитаси ёрдамида қиздирилади. Пункт таркибига кирувчи йиғма қўралар енгил, ихчам, ташиш учун қўлай бўлиши лозим. Қўраларнинг ўлчамлари эҳтиёжга мослаб ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ходимлари пункт қўраларининг деворларини ерга ўрнатилган бетон устунларга тортиладиган сим турлардан ясашни тавсия қилганлар. Назаримизда бу унчалик тўғри эмас, чунки қоракўл қўйлари деярли қўлга ўргатилмаганлиги туфайли бошқа зот қўйларга нисбатан чарс, хуркак бўлади. Шу боисдан қўйиккан совлиқларни ушлаб сурувдан ажратиш пайтида хурккан совлиқлар сим турларни пайқамасдан қочиб чиқиш мақсадида ўзларини сим тўсиққа урадилар, баъзан жароҳатланадилар, кўпларининг қўлоқларидаги рақамли сирғалар синиб кетади, ёки юлиниб тушиши оқибатида қўлоқларини жароҳатлайди. Шу туфайли қўра деворларини 1,2-1,3 м баландликдаги тахта панжаралардан ясашни маслаҳат берамиз. Ўрни келганда кўчма уруғлаш пунктларидан фойдаланиш сезиларли иқтисодий самара беради.

Кўпчилик қоракўлчилик хўжаликларида суъний уруғлаш мавсуми бошланиши биланоқ уруғланган совлиқлар сурувдан ажратилиб алоҳида гуруҳ ташкил қилинади ва бу гуруҳга ҳар куни уруғланган совлиқлар кўшиб борилади.

Қочирим мавсумининг охирига келиб уруғланган совлиқлар гуруҳи сурувнинг асосий қисмини ташкил қилиб, қўйикка келмаган совлиқлар эса бармоқ билан санарли даражада кам қолади, шу боисдан уруғлаш

пунктининг расмий ёпилиши вақтида тузиладиган актда ҳар бир сурувда уруғланмаган совлиқлар сони кўрсатилиб, кейинчалик сурувга қўзиладиган қўчқорлардан табиий уруғланиш учун уларнинг уруғланган совлиқларга қўшиб юборилади.

Қочиримнинг 14-15 кунидан то мавсум охиригача ҳар куни эрталаб уруғланган совлиқлар орасидан такрор қўйиккан совлиқларни ажратиб олиб уруғлаш учун уларнинг орасига этак тутилган изловчи қўчқорлар юборилади ва қўйиккан совлиқлар ажратилиб такрор уруғланади.

Қўйиккан совлиқлар одатда бир кунда икки маротаба уруғланиши мақсадги мувофиқ ҳисобланади. Бу иш илғор қоракўлчилик хўжаликларида кенг йўлга қўйилган, Уруғлаш пунктининг мутасадди ходимлари иложи борица қўйиккан совлиқларни икки маротаба, яъни эрталаб ва куннинг иккинчи ярмида суъний уруғлашлари керак.

Қоракўлчилиكنинг асосий маҳсулоти ҳисобланган қоракўл терилари сифати кўп жиҳатдан жуфтланувчи қўчқор ва совлиқларнинг ирсий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Сунъий уруғлашни ташкил қилиб, маълум микдорда ҳаражатлар ва чиқимга йўл қўйишдан ҳам мақсад шуки, ана шу мавсумда юқори насл сифатига эга бўлган наслик қўчқорлардан юқори самара билан фойдаланиш мақсадида уларнинг шахвати билан иложи борица кўпроқ совлиқни уруғлашдир. Қўйиккан совлиқни икки маротаба уруғлаш жараёнида иложи борица муайян бир қўчқорнинг шахватидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қочирим мавсумининг охиригача маълум қисқа муддатларда уруғланган 700-800 бош совлиқдан ташкил топган янги сурувлар юзага келган турли муддатларда уруғланган совлиқлардан ташкил топган сурувлар тўл олиш жараёнида ҳам ўзгаришсиз қолдирилади. Бунда тўл олиш, яъни қўзилатиш жараёни деярли уруғлаш муддатларига мос равишда боради, яъни турли муддатларда уруғланган совлиқ сурувларида қўзилатиш навбат билан, олдинма-кейин бўлиб ўтади. Ишни шу тартибда ташкил қилиш меҳнатни самарали қилиш, қўзилатишни юксак уюшқоқлик билан ўтказиш,

чорвачилик биноларидан унумли фойдаланиш ва натижада меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради.

Қорақўлчилик амалиётида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида баъзан қўйларни расмий уруғлаш мавсумидан бошқа вақтда ҳам қочирилади. Бунинг учун қўйларда қўйиқиш жараёнини юзага келтириш учун уларни гармонли дорилар билан эмлаш, яъни ҳайвон организмига прогестагон препаратлар ва СЖК киритиш лозим бўлади.

Ҳайвонлар жинсий фаолиятини бошқариб боришнинг эндокрин усуллари турличадир-буларга парэнтераль, орал, интравагинал усуллари, тери остига гармонлар шимдирилган полииер пластинкалари ёпиштириш усуллари киради. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг жинсий фаолиятини бошқариш учун ҳозирги вақтда прогестерон ва бошқа прогестоген препаратларни СЖК (буғоз биялар қонининг зардобини) билан аралаш ҳолда ишлатиш кенг қўлланилмоқда.

Прогестерон оқ рангдаги ялтироқ кўкун бўлиб, у этил спиртида тез, ўсимлик мойларида эса секинлик билан эрийди. Ҳайвон организмига киритилган прогестероннинг 2 % гача қуюқликдаги эритмаси совлиқнинг тухум йулига жинсий тухум хўжайрасининг чиқиб кетишига (овуляцияга) тўсқинлик қилади, бошқа сўз билан айтганда қўйиқишга йўл қўймайди, жинсий органларнинг нерв марказларини тинчлантиради.

Тери остига юборилган прогестероннинг мойдаги эритмаси миқдорига қараб 2 кундаи 5 кунгача муддат давомида организмга сингиб кетади.

Тухум хўжайраси етилишининг олдини олиш учун ками билан 10 мг прогестерон эритмаси лозим бўлади. Шундай қилиб, прогестерон гармонининг мойдаги эритмаси баҳорнинг иккинчи ярми ва ёз фаслида совлиқларни мажбурий қуйикитиш мақсадида СЖК билан эмлаш олдидан организмдаги жинсий жараёнини бошқарувчи нерв марказларини тинчлантириш, жинсий фаоллик мавсуми чегараларида эса қўйларнинг қўйиқишини таъминлаш мақсадларида фойдаланилади. Тери остига ва

мушаклар орасига юбориладиган прогестероннинг мойдаги эритмаси бир бош қўй учун 90 мг дан иборат бўлади.

Буғоз бия қонининг зардоби (СЖК)–таркибида урғочи ҳайвонлар тухумдон-ларида тухум хужайраларини ўсиши, етилиши ва, тухум хўжайраларининг тухум йўлига ажралиб чиқишини тезлаштирувчи гонадотроп гармонлар мавжуддир. Мазкур препаратни олиш ва ундан фойдаланиш технологиясининг ишлаб чиқарилишини биология фанининг катта ютуқларидан бири деб қарамоқ лозим, Лекин кейинги йилларда турли, сабаб ва омиллар таъсирида СЖК препаратидан фойдаланиш инструкцияси талаблари қўпол равишда бузилди ва оқибатда турли тоифа қорақўлчилик хўжаликларида, ҳатто наслчилик заводларида ҳам ёшидан ва насл қийматидан қатъий назар урғочи молларнинг барчаси меёридан 1,5-1,8 барабар ортиқ микдордаги қон зардоби билан эмланиб келинди. Оқибатда совлиқлар серпуштлилигининг мажбурий тарзда сунъий оширилишига, туғиладиган қорақўл қўзиларининг майда, нимжон бўлиб туғилишига, қорақўл териларининг майдалашиб гул сифатининг ўта пасайиб кетишига олиб келди. Натижада қорақўл териларимиз жаҳон мўйна бозорида ўзининг эгаллаб турган мавқеини анча йўқотди, нархи тушиб кетди.

Республикамиз қорақўлчилигидаги аянчли аҳволни жойларда атрофлича ўрганиб 1985 йилдан қорақўл қўйларни урчитувчи барча хўжаликларда СЖК препарати билан совлиқларни эмлаш тақиқланди. Шу боисдан, фақатгина ихтиссослашган хўжаликларда бўрдоқига боқилаётган қорақўл совлиқларидан қўшимча тарзда қорақўлча олиш мақсадида уларни мажбурий қуйиктириш учун СЖК препарати билан эмлашга рухсат берилган.

Бўрдоқига боқилаётган совлиқларнинг ҳар бир боши бир мартадан 1200 МЕ сичқон бирлиги микдоридаги СЖК препарати билан эмланади, эмлашда ишлатиладиган зардобнинг микдорини мёеёридан ошириш қатъиян тақиқланади. Зардоб шприц ёрдамида қўй орқа сонининг ички томонига жун толалари сийрак ёки бутунлай ўсмайдиган жойидан тери остига юборилади.

Одатда эрта тонгда суғоришдан ва ҳаво исиб кетмасидан анча олдин совлиқларни зардоб билан эмлаш тавсия қилинади.

Қоракўл қўйларига прогестероннинг мойдаги 1 фоизлик эритмасини юбориш қабул қилинган. Прогестероннинг 1 фоизлик эритмасини тайёрлаш қўйидаги тартибда амалга ошириладн. Тозаланган ўсимлик мойи солинган шиша идиш (бутилка) сув ҳаммомида 70-60° С ҳароратгача қиздирилади ва унга ҳар 100 г га 1 г ҳисобидан прогестерон кўкуни солинади, сўнгра то йирик кўкун заррачалари эриб кузга кўринмай қолгунча шиша идиш (бутилка) силкитиб чайқалади. Сўнгра прогестерон кўкуни тўлиғича эриб кетиши учун шиша идиши (бутилка) 70-80° С ҳароратдаги сув ҳаммомига такроран 10 дақиқа давомида солиб қуйилади. Ишлатишга тайёр бўлган прогестероннинг мойдаги эритмаси солинган шиша идиш (бутилканинг) оғзи зич қилиб бекитилади ва устидан сурғуч қуйилади.

Прогестероннинг мойдаги эритмаси қўйларнинг мушаклари орасига юборилганда 3 мл, (30 мг. препарат) дан кун оша 3 маротаба эмланади. Прогестерон эритмасидан қилинган охирги эмлашдан 2 кун ўтгач совлиқлар 1 маротаба 1200 МЕ сичқон бирлиги миқдорида СЖК билан эмланади ва бир кун ўтгач улар орасига изловчи қўчқор қўйилиб, қўйга келганлари ажратиб олинади ва уруғлантирилади, қўйикга келмаган совлиқларни яна йиғиб СЖК билан қилинган охирги эмлашдан 13 кун ўтгач 1200 МЕ сичқон бирлиги миқдоридаги СЖК билан прогестеронсиз такрор эмланади.

Мана шу тартибда эмланган совлиқларнинг 60 фоизи қўйикка келса, 40 фоизи уруғланиб қўзи беради. Шу нарсани тан олиш керакки, кўп сонли қўйларни 5-6 маротаба ушлаб, турли-туман гармонлар билан эмлаш кўп ва оғир меҳнатни талаб қилувчи машаққатли жараёндир ва уни амалиётга тадбиқ этилиши анча қийин муаммо бўлганлиги сабабли унн такомиллаштириш лозимдир.

Шу боисдаи ҳам айрим муаллифлар қўйларни эмлаш жараёнини такомиллаштириш учун гармонларни ҳайвонлар организмига киритиш усулини ўзгартиришни таклиф қилдилар. Бу усуллардан бири прогестерон

препаратларини ҳайвонларга едиришдир. Прогестеронни озиқаларга қўшиб қўйга едириш мўлжалдаги самарани бераётганлиги сабабли, унинг ўрнига метилацитат прогестерон (МАП), хлормадион мегистрол ацетати (КОП), амол, диамол каби прогестеронли препаратларини озиқага қўшиб едириш қулай деб топилган.

Қўйларни мажбурий қўйикка келтириш йўлидаги изланишлар прогестоген дориларини жинсий қин (вагина) ичига эмлаш усули яратилишга олиб келди. Бу усул австрия биологи Робинсон (1964 й) томонидан ишлаб чиқилган. Бунда прогестероннинг этанол ёки пропилен-гликол эритмаси сингдирилган майда тешикли гупка совлиқнинг жинсий қинига жойлаб қўйилади. Совлиқларнинг мажбурий қўйикка келиш суръати маълум даражада ишлатилган дорининг турига боғлиқ бўлади. Масалан, Робинсон ва бошқаларнинг (1965) маълумотларига кўра, ҳар бир қўйнинг жинсий қинига 16 кун давомида 500 мг. прогестерон сингдирилган гупка қўйилган 2852 бош совлиқнинг 62,7 фоизи қўйиккан ва уларни бир марта уруғлашдан 40,6 фоизи бола берган. Жинсий қинига шу тартибда 30 мг. дан прогестерон сингдирилган гупка қўйилган 536 бошдан иборат иккинчи гуруҳ совлиқларнинг 76,9 фоизи қўйиккан ва бир марта уруғлашдан уларнинг 48,9 фоизи бола берган. Ҳайвон жинсий қинига қўйилган прогестерон сингдирилган полкурит гупкадан I сутка давомида 14 дан 16 фоизгача, биринчи 4 кун давомида 50 фоиз, 8 кун давомида 75 фоиз ва 16 кун давомида 94 фоиз прогестерон организмга шимилади.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ходимлари ўтказган тажрибаларда 100 мг. Прогестоген ва 30 мг. мегистрол сингдирилган паралон гупкаларини совлиқлар қўлоғи терисининг остига ёпиштириб кўрдилар. Ўтказилган тажриба якунлари 100 мг. прогестерон сингдигилган паролон гупкалардан фойдаланиш юқори самара беришини кўрсатди, яъни шу гуруҳ СЖК билан эмланган совлиқлардан 40 фоизи қўйга келган. Шу тартибда мегистрол ацетати ишлатилган совлиқлар гуруҳидан атиги 10 фоизи қўйикди холос (Степанов Б.М., 1975 й).

Қорақўл қўйларини уруғлаш ва тўл олиш мавсуми муддатларларини ихчамлаштириш ва қисқартириш учун қўйларни кузги уруғлаш пайтида қўйикка келиш суръатини кўпайтириш, яъни сурувдаги қўйларнинг ёппасига қўйикка келишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида қўйларнинг уруғланишини таъминлаш, тўл мавсумида деярли бир хил ёшдаги қўзилар олиш, қатор ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, ва айрим тур маҳсулотларни ишлаб чиқариш хажмини режалаштиришдир.

Қочирим мавсумида қўйлар қўйикишини бир маромга солиш учун уларни прогестоген препаратлари билан эмлаш талаб этилади. Прогестоген препаратларининг таъсир самарасини ошириш учун қўйларни бир жинсли циклга тенг бўлган муддат, яъни 15-16 кун давомида ушбу перепаратлар билан эмлаб, қуй организми прогестоген билан бойитиб борилади. Физиологик нуқтаи-назардан қараганда, бунда совлиқ организми жинсий фоліятида лютеин фазасини 1-2 кундан то 15-16 кунгача чўзилади ва оқибатда барча ҳайвонларда овуляция олди фазаси тенглашиб, овуляция (тухум хужайрасининг етилиши) жараёни деярли бир вақтнинг ўзида бошланади

Қўйларнинг анаънавий қочирим мавсумида ва баҳор-ёзда ёппасига қўйикишига эришиш йўлида эмлаш ишлари бир-биридан фарқ қилади, чунки анъанавий қочирим мавсумида совлиқларнинг гипофиз беи ва тухумдонлар фаолиятини секинлаштириш учун прогестоген препаратларнинг кучли дозаларидан фойдаланиш лозим бўлади, прогестогенлар билан эмлаш тугагач, совлиқларни гонодотроп (СЖК) гармонлар билан эмлашга хожат қолмайди. Лекин қорақўл қўйлари бундан мустасно, чунки ёппасига (синхрон) қуйиктириш йўлидаги прогестогенлар билан эмлашлардан кейин гонодотроп гармонлар (СЖК) билан эмлаш организмда серпуштликни ошишига сабаб бўлувчи гармонлар ишлаб чиқилишига олиб келади.

Қорақўлчиликда ёппасига (синхрон) қўйикка келтиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилмоқда.

1. Синовчи кўчқорлар ёрдамида ажратиб олинган совлиқлар 3 маротаба, яъни ҳар 3 кунни ўтказиб тўртинчи кун 30 мг. дан прогестероннинг мойдаги эритмаси билан эмланади. Охирги эмлаш кунидан 2 кун ўтгач қўйлар 1200 МЕ микдоридаги СЖК билан эмланади. Шу тартиб билан эмланган совлиқларнинг 90 фоиздан кўпроғи уруғлананади. Мазкур усулда эмланган совлиқларнинг кўпчилиги уруғланиб, бола беришини таъминлаганлиги учун ҳам амалиёт нуқтаи-назаридан самарали деб топилган.

2. Ҳар бир бош учун 5 мг, ҳисобидан мўлжалланган мегистрол ацетати озиқаларга аралаштирилиб 10 кун мобайнида қўйларга едириш, 2 кун ўтгач эса совлиқларни бир маротаба 1200 МЕ (сичқон бирлиги) микдоридаги СЖК билан эмлаш лозим. Эмлаш вақтидан 1,5-2 сутка ўтгач мазкур совлиқлар гуруҳига 5-6 кун мобайнида синовчи кўчқорлар юбориб қўйиканлари уруғлантирилади.

3. Жинсий қин ичига прогестоген дорилар сингдирилган губкалар қўйиш йўли билан совлиқларни ёппасига (синхрон) қўйиқинини таъминлаш. Лекин бу усул қўлланган совлиқлар биринчи маротаба қўйиқинида уруғланиб, буғоз бўладиганлари нисбатан кам бўлади,

4. Тери остига прогестоген дорилар сингдирилган паролон губкаларни ёпиштириб қўйиш йўли билан совлиқларни ёппасига (синхрон) қўйиқинини таъминлаш.

Қоракўл совлиқларини ёппасига (синхрон) қўйиқинини таъминлашга қаратилган ҳар бир усулнинг ўзига хос устунликлари ва камчилклари мавжуддир.

Назаримизда, уларнинг орасида прогестерондан фойдаланиш ҳайвонларга истикболлироқдир, шу боисдан бўлса керак қоракўлча ишлаб чиқаришга ихтиссослашган бўрдоқчилик комплексларида мазкур усул кенг қўлланилмоқда.

IX.боб. Қоракўл қўйларни қўзилатиш.

**Қоракўл қўйларни қўзилатиш, унга тайёргарлик қилиш
ва ўтказиш техникаси. Сакмонларни ташкил этиш,
қўзиларни ҳисобга олиш, асраш ва парвариш
қилишни ташкил этиш.**

Қоракўлчиликда қўйларни қўзилатиш тўл мавсуми - сермашаққат ва маъсулиятли даврдир. Деярли 35-40 кун ичида барча қўзилар туғилиб бўлади, шу боисдан ҳам ёш қўзиларни тўлиғича асраб қолиш, яхшилаб парвариш қилиш кўп меҳнат сарфини ва етарлича шароитлар яратилишини талаб этади.

Қоракўлчиликда қўзилатиш қишқи - январ ойида, эрта баҳорги - феврал ойининг охири - март ойининг боши ва анъанавий баҳорги - март ва апрел ойининг биринчи ярми бўлиши мумкин.

Одатда қоракўлчиликда қўзилатиш мавсуми баҳорда, яъни яйловдаги ўт-ўланлар кўклай бошлаган пайтида бошланади.

Эрта баҳорги қўзилатиш - қоракўлчиликда қўлланиладиган илғор усуллардан бири бўлиб, у моллар бош сонини жадал кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш имконини беради. Бу усул қўлланилганда урғочи молларнинг юқори даражада уруғланиб, буғоз бўлиши, қисир моллар миқдорининг камайиши, эгиз қўзилар сонининг ошиши, ўстиришга қолдирилган қўзиларнинг юқори суръатларда ўсиши ва ривожланиши кузатилади. Ўстиришга қолдирилган қўзилар яйловда ўсувчи кўк ўтлардан ейишга улгургани боисдан куз палласида йирик, яхши ривожланган, жун қиқими ҳам нисбатан кўп бўлади. Яхши ривожланганлиги туфайли кўчқорчаларни бемалол гўштга топширавериш мумкин бўлади. Наслчилик ишларида фойдаланиш мақсадида ўстиришга қолдирилган қўзилар қишлоқ мавсумига нисбатан чидамли бўлиб ва улардан камроқ чиқим бўлади.

Эрта баҳорги қўзилатишнинг нисбатан самаралироқ эканлигини Навоий вилояти Томди туманидаги "Оёқ қудук" қоракўлчилик ширкат хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Мазкур хўжаликди қўзилатиш мавсуми

асосан 20-25 мартгача тугатилади. Бу билан бир қаторда эрта баҳорги қўзилатишни етарлича ишчи кучи ва моддий ҳамда озиқа базасига эга бўлмаган хўжаликларда ўтказиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик керак. Эрта муддатларда қўзилатишни ўтказиш учун хўжаликда буғоз ва қўзили совлиқларни асрашга лозим бўладиган етарли миқдорда иссиқхоналар, эҳтиёж яраша тўйимли озиқалар бўлиши шарт, акс ҳолда қўзили совлиқлар сут маҳсулдорлигининг камайиши ёки бутунлай етишмаслиги туфайли қўзилар шамоллаш ва бошқа сабаблар таъсирида кўп миқдорда чиқими юз беради.

Қорақўлчилик тармоғининг самарадорлигини оширишнинг яна бир йули тиғизлашган қўзилатиш мавсумларини ташкил этиш ва ўтказишдир. Тиғизлашган қўзилатиш мавсумлари - дейилганда совлиқлардан икки йил давомида 3 маротаба ёки бир йил ичида 2 маротаба тўл олиш тушунилади, Одатда бу усул пода молларнинг бош сонини жадал суръатлар билан кўпайтириш мақсадида қўлланилади, уни қўллаш учун ҳам етарли миқдорда тўйимли озиқалар ғамланган, иссиқхоналар таиёрланган бўлиши лозим. Тиғизлашган қўзилатишни ўтказиш учун совлиқлар анъанавий муддатларда эмас, балки баҳорнинг охирги ойи ва ёз ойларида қочирилиши лозим. Шу боисдан совлиқларни мажбурий қўйиктириш учун махсус биологик усуллар қўлланилади, яъни қўйикка келтириш учун қўйлар яйловда қулай кун тартиби асосида асралиб, тўлақонли ва тўйимли озиқалар билан боқилади, мажбурий қўйикка келтирувчи дори-дармонлар билан эмланади. Туғиш куни яқин совлиқлар узоқга ҳайдамасдан қўралар атрофида боқилади. Об-ҳаво ноқулай пайтида туғилган қўзини дарҳол онаси билан биргаликда қўрага, аниқроғи иссиқхоналарга олиб кириб қамалади.

Эрта баҳорда ёки қишда тўл олиш учун фойдаланишга мўлжалланган чорвачилик биоларининг ҳолатига катта эътибор бериш талаб этилади, яъни деворлари сувалиб, эшик ва туйнуклари битилган, тоmidан томчи, еридин зах ўтмайдиган, сифатли қилиб юқимсизлантирилган бўлиши керак. Қорни овқатга тўймаган паст семизликдаги совлиқлар орасида ўз қўзисига

карамасдан ташлаб кетадиганлари, биринчи туғум ёш совлиқлар орасида эса оналик меҳри шаклланмаганлари, қитиғи келиш оқибатида кўзисининг эмишига йўл қўймайдиганлари анча топилади. Ана шунақа совлиқларни кўзиси билан қамаб қўйиш учун 0,5-0,8 м² юзасига эга бўлган тўртала томони 1,0 м баландликдаги ёғоч панжаралардан иборат катаклар ёки тахминан шу ўлчамдаги қазилган хандакчалар бўлиши лозим.

Совлиқларнинг туғиш палласини билиш қийин эмас, чунки туғишга 2-3 кун қолган совлиқларнинг елинлари тўлишади, жинсий қинининг ташқи лаблари тўлишиб қизаради, қорни яна ҳам кўпроқ осилади. Тўлғоғи бошланган совлиқлар безовталанади, олд оёқлари билан ерни тирнаб тупроқни ўзига тортади, алоҳида қолиш учун пана жой излайди, тез-тез ётиб туради.

Одатда ўртача семизликдаги совлиқларда туғиш жараёни осон ўтади. Жинсий қин суюқлиги чиққанидан то ҳомиланинг ташқарига чиқишигача 30-40 дақиқа, биринчи туғим совлиқларда эса 50 дақиқалар чамаси вақт ўтади. Кўзининг оёқлари чиққанидан, то тўлиғича туғилганича 4-8 дақиқа вақт кифоя қилади. Кўзи туғилиш жараёнинг бундан ортиқроқ вақтга чўзилиши қандайдир камчилик мавжудлигидан далолат беради ва мазкур совлиқга керакли ёрдам бериш талаб этилади.

Одатда кўзи туғилганда уни ўраб турувчи парда ўз-ўзидан ёрилиб, ҳомила атрофи суюқлиги чиққан бўлади. Агар кўзилар парда билан ўралган ҳолда туғилса дарҳол парда қўл билан йиртилиб, кўзининг оғиз-бўрни ёт нарсалардан тозаланиши керак, акс ҳолда кўзи димиқиб ўлиши мумкин. Лекин тўлғоқ тутган совлиқнинг жинсий йўлларида ташқарига чиқиб бошланган ҳомила суюқлик билан тўлган парда ҳеч қачон мажбурий тарзда ёрилмаслиги лозим, акс ҳолда ҳомиланинг чиқиш йўли қуруқ бўлиши оқибатида кўзининг туғилиши ниҳоятда қийинлашиб кетади.

Агарда биринчи кўзи туғилгандан кейин ҳам совлиқ безовталанаверса, у ҳолда иккинчи кўзи туғилишини кўтиш лозим ва орадан тахминан 10-15 дақиқа вақт ўтгач иккинчи кўзи ҳам туғилади. Одатда, туғилиш жараёнида

кўзиларнинг киндиги ўз-ўзидан узилиб қолади. Агар кўзилар киндиги узилмаса, ёки нисбатан узун бўлиб ўзилган бўлса, у ҳолда уни 6-8 см узунликда ўсимта қолдириб юқимсизлантирилган қайчи билан кесиб ташланади. Киндикнинг кесилган жойига йод, креолин ёки бошқа юқумсизлантирувчи эритмаларидан бирортаси суркаб қўйилади.

Янги туғилган кўзининг оғзи-бўрни ва танасини шилимшиқлардан тозалаб, ялаб қуритиши учун ўз онасининг олдида қолдирилади. Шундай қилинганида кўзи танасининг шилимшиқларини ялаб ютган совлиқлардан йўлдош тушиши тезлашса, иккинчидан кўзилар танасидаги қон айланиш жараёни яхшиланади, учунчидан кўзисини ялаб қуритган совлиқ боласининг хидига ўрганиб шартли рефлекс ҳосил қилади ва кўзисининг эмишига қаршилиқ қилмайди.

Одатда кўзи туғилганидан 1,0-1,5 соатлар вақт ўтгач совлиқнинг жинсий йўлларида йўлдош ажралиб чиқади, мабода 5-6 соатдан кейин ҳам йўлдош тушмаса, у ҳолда совлиқларга малакали ветеринария ёрдами кўрсатиш лозим бўлади. Кўзи туғилганидан 1,5-2 соатлар чамаси вақт ўтгач совлиқларга хоҳлаганича илиқ сув ичирилади.

Соғлом кўзи туғилганидан 15-20 дақиқа вақт ўтгач оёқга туради ва онасининг эмчагини топиб эма бошлайди. Баъзан турли омиллар таъсирида кўзи онасининг эмчагини топиб эма олмайди, бундай пайтларда чўпон кўзининг эмчакни топиб эмишига ёрдам бериши лозим. Қўйининг эмиши учун кўрсатиладиган ёрдам турли кўринишларда бўлиши мумкин.

Чунончи, дастлаб совлиқ елинидаги овуз сути 5-6 бор кўзининг оғзига соғилади ва кейин эмчаги кўзи оғзига солиниб эмиш учун совлиқни ҳаракатсиз ҳолда ушлаб турилади, баъзан совукдан кўзининг жағ мушаклари тортишиб қолиши оқибатида умуман эма олмай қолади, бундай пайтларда кўзилар бироз иситилгач оғзига овуз сути соғилади ва юқори танглайи қўл билан қитиқланади шундан кейин кўзи эма бошлайди.

Наслчилик ишлари олиб бориладиган хўжалик, бўлим, ва сурувларда ҳар бир янги туғилган кўзининг бўйнига онасининг кулоқ рақами ва

туғилиш куни қайд этилган тахта биркалар осиб қўйилади. Қўзилар бонитировка қилинган пайтида ана шу биркалар асосида наслчилик ёзувлари ва хужжатлари тўлдирилиб борилади,

Қоракўлчиликда қўзилашиш мавсуми кетаётган ҳар бир сурувда, бригадада совлиқлар қатор ихтиссослашган гуруҳларга, яъни буғоз совлиқлар, қўзиси сўйимга юборилган “мари” совлиқлар ва қўзили совлиқлар гуруҳларига бўлинади.

Яйловлар ҳосилдорлиги кам бўлган йилларда буғозлигининг охири даврада яйлов озиқаларига қўшимча равишда қоракўл совлиқларига эфемер (эфемер) ўтлар, янтоқ ёки беда пичани едирилади ёки бўлмаса майдаланган пичанга омухта озиқалар, минерал моддалар, витаминлар аралаштирилиб едириладн. Бу эса ўз навбатида совлиқлар ҳолатининг яхши бўлишини, сутдорлигининг юқори даражада бўлишини таъминлайди. Янги туғилган қўзи то 1-1,5 ойлигигача фақат онасининг сутини истеъмол қилади. Шу боисдан буғозликнинг охири даври ва лактациянинг биринчи даврида совлиқлар талаб даражасида, тўла қонли озиқлантириш, қўзиларининг яхши ўсиб, ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари семизлик даражаси яхши бўлган совлиқлар, ориқ ва нимжон совлиқларга нисбатан ўз қўзиларига меҳри кучлироқ бўлади.

Мазкур гуруҳларнинг ҳар бири алоҳида махсус кун тартиби асосида боқилади. Биз қуйида ана шу гуруҳларнинг тахминий кун тартибини келтириб ўтамыз

. 10-жадвал

Буғоз совлиқлар гуруҳининг тахминий кун тартиби (С.И.Кедрова буйича)

Кўрсаткичлар	Муайян таъдбир учун ажратилган вақт		
	Сутканинг	Давом этиш	Суткасига нисбатан

	соатлари	вақти (дақиқа)	фоиз
Яйловда боқиш	6-10	240	16,7
Суғориш	10-11	60	4.2
Кундузги дам бериш	11-16	300	20,6
Яйловда боқиш	16-20	240	16,7
Тунги дам бериш	20-6	600	41,6

11-жадвал

Кичик ва ўрта ёш қўзили сақмонларнинг тахминий кун тартиби

Кўрсаткичлар	Муайян таъдбир учун ажратилган вақт		
	Сутканинг соатлари	Давом этиш вақти (дақиқа)	Суткасига нисбатан фоиз
Яйловда боқиш	6.00-9.00	180	12,4
"Она-бола" ўтказиш	9.00-10.00	60	4.2
Яйловда боқиш	10.00-12 ..00	120	8.4
Суғориш	12.00-13.00	60	4.2
Яйловда боқиш	13.00-14.30	90	6.2
“Она-бола” ўтказиш	14.30-15.00	30	2.1
Яйловда боқиш	15.00-17.00	120	6.4
"Она-бола" ўтказиш	17.00-17.30	30	2.1
Яйловда боқиш	17.30-20.00	150	10.4
Тунги дам бериш	20.00-6.00	600	41.6

12-жадвал

Катта ёшли кўзилар сақмонининг тахминий кун тартиби

Кўрсаткичлар	Муайян таъдбир учун ажратилган вақт		
	Сутканинг соатлари	Давом этиш вақти (дақиқа)	Суткасига нисбатан фоиз
Яйловда боқиш	6.00-10.00	240	16,7
"Она-бола" ўтказиш	10.00-11.00	60	4.2
Яйловда боқиш	11.00-13.00	120	8.4
Суғориш	13.00-14.00	60	4.2
Кундузги дам бериш	14.00-15.30	90	6.2
яйловда боқиш	15.30-17.00	90	6.2
"Она-бола" ўтказиш	17.00-17.30	60	4.2
Яйловда боқиш	17.30-20.00	90	6.2
Тунги дам бериш (қудуқ бошида)	20.00-6.00	600	41.6

С.И.Кедрованинг таъкидлашича, катта ёшли кўзилар сақмони кун тартиби баҳор фаслининг ойларига қараб ўзгаради.

13-жадвал

Катта ёшли кўзилар сақмони кун тартибининг баҳор ойлари бўйича ўзгарувчанлиги

Кўрсаткичлар	Апрел ойи		Май ойи	
	Ажратилган вақти	%	Ажратилган вақти	%
Яйловда боқиш	770	53.5	843	58.4
Яйловга ҳайдаш	80	5.5	-	-
Ҳайдаш	110	7.6	52	3.7
Дем бериш	466	32.5	517	36.1

Суғориш	14	0.9	28	1.8
---------	----	-----	----	-----

Қўзи тирик вазнининг бир килограмм ортиши учун ўртача 5 кг она сути сарф бўлади, бошқа сўз билан айтганда, қўзиси тирик вазнининг 1 суткада 0,2-0,25 кг. ортиши учун совлиқ 1,0-1,3 кг. сут етиштириш қобилятига эга бўлмоғи лозим.

Қоракўлчиликда қўзилар онасининг бағрида ўсади. Янги туғилган қўзилар дастлаб овуз сутидан бош чўпон назорати остида эмади. Қўзилар парвариши кўнгилдагидек бўлиши учун қўзили совлиқдан сақмонлар ташкил этилади. Сақмонларни талаблар асосида, тўғри ташкил этиш тўл мавсумидаги муҳим таъдбирлардан биридир, чунки ёш қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш суръати кўп жиҳатдан тарбиялаш савиясига боғлиқ бўлади. Қўзиларни назорат остида кўнгилдагидек тарбияланиши учун одатда, ёши, тирик вазни ва ўсиши бир хил бўлган қўзилардан сақмонлар ташкил қилинади.

С.Юсупов (1998) қўзилаётган совлиқ сурувларида сақмонларни қўидаги тартибда ташкил қилишни тавсия қилади.

а) кичик ёшли қўзилар сақмонига 1-3 кунлик ёшдаги қўзилари бўлган 10-30 бош совлиқлар киритилади;

б) ўрта ёшли қўзилар сақмонига 3-10 кунлик қўзилари бўлган 30-50 бош совлиқлар киритилади;

в) катта ёшли қўзилар сақмонига 10 кунликдан катта ёшдаги қўзилари бўлган барча совлиқлар киритилади.

Ҳар бир сақмоннинг кун тартиби бир-биридан фарқ қилади. Чўпонлар одатда кичик сақмондаги қўзиларни бонитировка қилинган ўрта сақмонга ўтказишади. Умуман, кичик сақмондан каттароқ сақмонга ўтказиш учун қўзиларнинг ёши ва умумий ривожланиш даражасига катта эътибор берилади, чунки каттароқ ёшли қўзилар сақмони узоқроқ яйловларда боқилади ва ушбу сақмон қўзилари бемалол онасига эргашиб юра олиши лозим, акс ҳолда сақмондаги совлиқлар кўнгилдагидек ўтлай олмайди,

корни ўтга тўймайди ва оқибат талаби ошиб бораётган кўзи организмни тўйимли озиқа моддалари билан таминлай олмайди. Шу боисдан, тажрибали чўпонлар, ёши нисбаттан катта бўлган, лекин ўсишдан орқада қолган, нимжон кўзиларни ривожланиш даражаси меёрига етмагунича кичик ёшли кўзилар сақмонида сақлаб туришади.

Кўзилатиш жараёнида ҳар бир сақмон кўзиларни вақти-вақти билан "она-бола" қилиш чорвадорларимиз азалдан қўллаб келадиган муҳим чорвачилик таъдбири бўлиб, уни қўллаш кўзилар ўсишига катта таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир. Қоракўлчиликда “она-бола” таъдбирини ўтказишдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

а) сақмондаги кўзилар бош сонининг турли сабаблар туфайли кўзиларнинг ухлаб қолиши, сақмондан қолиб кетиши, йиртқич ҳайвон ёки қушларга "емиш" бўлиши йўқолганлигини текшириш;

б) ёш кўзиларнинг онасини, совлиқларнинг ўз боласини турли кўрсаткичлари ҳиди, овози бўйича таниб олиш рефлексини, бир-бирига бўлган меҳрини кучайтириш;

в) кўзиларнинг ўсиш суръатини ошириш яъни янги туғилган ёш кўзилар 8-10 кунлик бўлганича вақти-вақти билан онасини эммасдан, қўп вақтини ухлаб ўтказишади. Шунинг учун ҳам ёш кўзили сақмонлар тез-тез "она-бола" қилиниб кўзғатиб турилиши ва шу йўл билан кўзиларнинг ўз оналарини тез-тез эмиб туришига эришиш;

г) "етим" кўзилар пайдо бўлишининг олдини олиш, мавжуд “етим” кўзиларни ўз вақтида аниқлаб, қисқа вақт ичида уларни бошқа совлиқларга олдириб-ўргатиб тарбиялаш.

Сақмонлар изғирин шамоллардан ҳимоя қилинган текис яйловларда кўзилари оёқланиб, кучга тўлган совлиқлар ўрта сақмонга ўтказилиб, узоқроқ яйловларга (қўрадан 500-900 м гача узоқликда) боқилади, Одатда кичик ва ўрта ёшли кўзилар сақмони кундуз куни эрта тонгдан кечқурунгача яйловда боқилиб, туни билан қўрага қамаб, катта кўзилар сақмони эса махсус

ажратилган сақмончи-чўпон қаромоғига берилиб, кечаю-кундуз серўт яйловларда боқилади.

Сурувдаги совлиқлар тўлиғича қўзилаб бўлгач, ўстиришга қолдирилган тобора ўсиб, кучга тўлиб бориши билан барчаси катта ёшли қўзилар сақмонига ўтказилади.

Қўзили совлиқларни боқиш, асрашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- турли ёшдаги қўзилари бўлган совлиқлар алоҳида, бир-бирига аралаштирилмасдан боқилиши;
- сақмонларни нотекис, катта йўллар, шудгорланган майдонлар яқинида боқмаслик;
- сақмонларни ҳеч бўлмаганда 2-3 маротаба бир жойга йиғиб “она-бола” қилиш;
- қўзиларнинг зах ерларда ётиб қолишига йўл қўймаслик;
- хаво салқин пайтлари сақмонларни иложи борича қўраларга яқинроқ жойларда боқиш, ёмғир, қор ёғиш хавфи туғилиши биланоқ кичик ва ўрта сақмонларни қўраларга томон ҳайдаш лозим бўлса қамаш.

Буғоз совлиқлар яйловда боқилиб, кечга томон қоронғи туша бошлагач отар-“қўш” яқини томон ҳайдаб келинади ва тунги ҳордиқ учун ётқизилади. Шундай қилинганда тунда туғадиган совлиқларга зарур ёрдам кўрсатиш, ноқулай об-ҳаво шароитларида (ёмғир, қор ёғиши, совуқ изғирин эсиши) туғилган қўзиларни онаси билан биргаликда дарҳол иссиқхоналарга олиб кириб жойлаштириш имкони туғилади.

Совлиқлар буғозлик палласи ва қўзилатиш мавсумида фенотиазин-мис кўпороси аралаштирилган туздан хохлаганча истсўмол қилиш имконига эга бўлиши лозим. Совлиқлар қўзилашини нисбатан текис, кўк ўтларга (эфемерларга) бой яйловларда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қўзилатиш мавсуми арафасида ҳар бир қоракўлчилик хўжалиги ўз қаромоғидаги совлиқ сурувлари, бригадалари, бўлимлар ва фермалар бўйича қўзилатиш режасини тузади.

Одатда, туғилган кўзиларнинг ўртача 55-60 (урғочи кўзиларнинг асосий қисми, наслик кўчқорлар ва териси сифатига кўра яроқсизга чиқарилган кўзилар) ўстиришга қолдирилса, 40-45 фоизи қорақўл тери олиш учун сўйилади. Ўстиришга қолдирилган ва қорақўл териси учун сўйиладиган кўзилар нисбати муайян шарт-шароитлар таъсирида, маҳсулот ишлаб чиқариш режалари манфаатлари йўлида ўзгариб туриши ҳам мумкин. Тўл мавсумининг асосий маҳсулотларидан ташқари кўшимча маҳсулотлар барра гўшти ва кўзи ширдончасини ишлаб чиқариш, яъни қорақўл тери олиш учун мўлжалланган жами кўзиларнинг 60-85 фоизидан кўшимча маҳсулотлар олиш режалаштирилади.

Ёш қорақўл кўзиларини кўнгилдагидек меъёрида тарбиялаш учун ўстиришга қолдириладиган ҳар 100-125 кўзи ҳисобига 45 кун муддатда бир сақмончи –чўпон ажратилиши мўлжалланади, ҳар бир кўзили совлиқ учун 1,2-1,5м юза ҳисобидан 80-100 кўзили совлиқ сиғадиган иссиқхона тайёрлаб қўйилиши лозим, чунки кўзили қўйларни яйловда боқиш имконияти бўлмаган ноқулай об-ҳаво шароитида кичик ва ўрта сақмонлар қамалган ҳолда сақланади.

Қорақўл қўйлари кундуз куни яйловда, тунда эса қўш яқинида, кўтонда ёки кўрада кўзилайди. Янги туғилган кўзиларнинг оқшом совуғидан совуққотиб қолмаслиги, кўзилар чиқимиға йўл қуймаслик учун тунда чўпонларнинг 1,5-2 соат орасида бир маротаба сурув ичига совлиқларни кўзгатиб туришлари, янги туғилган кўзиларни онаси билан биргаликда иссиқхоналарга олиб жойлаштиришлари лозимдир.

Кўзилатиш мавсуми бошлангунча сурув, чўпонлари ўзларига мўлжаллаб тузилган қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик шартнома режалари билан батафсил танишишлари, керакли дори-дармонлар билан тўлдирилган тиббий аптечкалар, хўжалик асбоб-ускуналари, халатлар, этаклар, бонитировка асбоблари, наслчилик ишларини юритиш ва ҳисоб-китоб варақалари, яйловда боқилмайдиган кунлари қўйларга бериш учун

эхтиёж озиқалар (сурув учун 10-15 кунга етадиган омухта ва дағал озиқалар) ажратилган бўлиши керак.

Қорақўл қўзилар бонитировкасини сифатли қилиб ўтказиш муҳим аҳамият касб этиди, чунки юритиладиган наслчилик ишларининг, қорақўл сифатининг келажак тақдири кўп жиҳатдан масъулият билан тўғри ўтказилган бонитировкага боғлиқ бўлади. Шу боисдан қўзилатиш олдидан—хафталик ўқув режаси талаблари асосида ўқитиладиган махсус курслар ташкил қилиш ва унда қўзилар бонитировкасини ўтказиш, совлиқ сурувларида қўзилатишга доир ҳисоб-китобини юритиш учун ажратилган кишилар ўқитилиши шарт. Мазкур курслар ихтиссослашган олий ўқув юртлари ҳузурида ёки қорақўлчиликка ихтиссослашган туманларда ташкил қилиш мумкии. Курс тингловчиларини ўқитишга соҳа олимлари, юқори малакали қорақўлчилик мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бир сўз билан айтаганда, хўжалик раҳбарлари қўзилатиш олдидан барча совлиқ сурувларини бонитёрлар, ҳисобчилар билан таъминлаш, имкони борича бонитёрлар учун керакли транспорт воситалари ажратиш чораларини кўриб қўймоқлари лозим.

Қорақўлчиликда тўл мавсуми сермеҳнат жараён эканлиги туфайли меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш чораларини кўриш, чорвадор меҳнатнинг анъанавий қурилишлари янада такомиллаштириш йулларини топиш ва тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қорақўлчилик хўжаликларида қўзилар 3,5-4,0 ойлик пайтида онасидан ажратилади. Қорақўл қўзилари онаси бағрида юқори суръатлар билан ўсади ва унинг мустақил яшашга ўтган пайтидан тирик вазни катта ёш қўйлар вазнининг 60-65 фоизини тишқил қилади. Масалан, онасидан ажратилиши пайтида яхши ривожланиб ўсган қўзилар оғирлиги 28-32кг.ни, ўртача қўзиларники 22-27 кг. ни ташкил қилади, ўсишдан орқада қолганлариники эса 21кг атрофида бўлади.

Қўзи ажратиш жараёни атрофлича тайёргарликдан сўнг ўтказилиши керак. Бунинг учун қўзи ажратилиши мўлжалланган муддатдан 10-15 кун

олдин ҳар тун кўзилар-онасидан ажратилиб, яйловда мустақил ўтлашга ўргатилади ва эрта тонгда яна ўз оналари бағрига қайтарилади. Шу тартибда мустақил ўтлашга ўргатилган кўзилар онасидан ажратилгач кийинчиликларсиз, яйлов-шароитида кўзилар мустақил яшайдилар, организмидаги салбий ўзгаришлар деярли кўзга ташланмайди, тирик вазни сезиларли даражада камаймайди. Қатор хўжаликларда малакали чорвадорлар мустақил ўтлашга яхшироқ ўрганишлари учун онасидан ажратилган кўзилар сурувига 10-15 кун давомида 15-20 бош "етакчи энага" совлиқларни қўшиб қуйишади. Онасидан ажратиш жараёнида барча кўзилар ўсиш ва ривожланиш даражасига қараб кўрикдан ўтказилади.

Ўсишдан орқада қолганлари алоҳида сурувга ажратилиб, сер ўт яйловларда боқилиб, қўшимча ем берилади уларнинг ўсиш ва ривожланишини мъеёрига етказиш учун барча чоралар кўрилади онасидан ажратилган соғлом кўзиларни урғочи кўзилар, наслик кўчқорчалар ва ахта кўчқорчалар сурувлари ташкил қилинади.

Онасидан ажратилган кўзиларни серўт яйловларда боқиб кўпроқ ҳайдаб юргизиш муҳим аҳамият касб этади. Кўзилар сурувини кўп эфемер яйловларда боқиш мақсадга мувофиқ, чунки шундагина кўзилар тез ҳазм булувчи, сервитамин кўк ўтлардан ейиши учун кўп ҳаракат қилишади.

Кўзилар суруви тарбияси тажрибали, маъсулиятини хис этувчи чўпонларга ишониб топширилиши керак, чунки кўзилар ўз вақтида боқилиши, суғорилиши хордиқ чиқариши лозим бўлади. Кўзиларни узоқ яйловларга ўтлатиш, тез ҳайдаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар толиқиб қолади, шўр сувли қудуқлардан суғориб бўлмайди чунки иштахаси пасаяди. Онасидан ажратилган кўзилар дастлабки давр мобайнида яйловнинг ўзида суткасига 2-3 маротаба суғорилиши керак. Совуқ хавода кўрадан кўзиларни эрталаб оч қорнига суғориш мумкин эмас, чунки уларда ич кетиши ёки шамоллаши мумкин. Яйловдан ҳайдалиб келган ва қизиб кетган кўзиларни дарҳол суғориб бўлмайди, суғориш олдидан улар бироз хордиқ чиқариб, совишлари лозим.

Х. боб. Қоракўл қўйларини такрорий ишлаб чиқариш сурувларини ташкил этиш.

**Қоракўл қўйларини такрорий ишлаб чиқариш
сурувларини ташкил этиш, қўзиларни ажратиш
муддатлари ва амалиётда уларни қўллаш.**

Қоракўлчиликда, асосан, қўзиларни онасига эмдириб боқиш усули қўлланилади. Шу муносабат билан қўзилар туғилганидан кейин онаси билан бирга бўлади. Қўзиларнинг онасидан биринчи марта оғиз сутини эмиши ката чўпон назорати остида ўтказилади, шу чўпоннинг ўзи қўйнинг сути бор – йўқлигини ҳам текшириб кўради.

Амалда баъзан қўзиларни бошқа она қўйларга эмдириш зарурияти туғилади. Бундай ҳолларда қўзиларни совлиқлар (қўзилари териси учун сўйилган) ёнига қўйиб қўйилади. Бунда уларни алоҳида катаклар ёки чукурларга битта – биттадан жойлаштирилади ёки махсус мосламаларда парвариш қилиб борилади. Қўзилар ҳаётининг дастлабки 30 – 45 кун мобайнида, асосан, онасининг сути билан озиқланиб боради.

Қўзиларнинг яхши ўсиб, ривожланишини таъминлаш учун уларнинг ёшига қараб қуйидаги миқдорларда сақмонлар тузиш тавсия этилади (С.Ю.Юсупов 2005);

3 кунликкача бўлган қўзилар 10 – 30 бош;

3 – 10 кунлик қўзилар 30 – 50 бош;

10 кунликдан катта қўзилар – 50 – 200 бош.

Ўстириш даврида қўзиларнинг онасини эмиши ва овқат ейишини синчиклаб кузатиб бориш зарур. Эмизикли совлиқларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш қўзиларнинг яхши ўсиб – униб боришини таъминлайди.

Қўзиларни ёш сақмондан каттароқ сақмонга ўтказишда ҳар бир қўзининг ёшидан қатъи назар организмнинг умумий ҳолати ва ривожланиш

даражаси ҳисобга олинади. Сақмонларни «она - бола» га ажратиш жараёнида она қўйлар ва уларнинг қўзилари бор – йўқлиги доимо текшириб турилади.

Заиф қўзилар алоҳида соқмонга ажратилиб, яхши парваришланади ва боқилади. Бу совлиқларга яйлов озиғига қўшимча қилиб концентратлар ёки сервитаминли пичан бериб турилади. Сақмондаги қўзилар парвариши сақмончиларга топширилади.

Сақмонларни ўтлатишда қуйидаги талабларни бажо келтириш зарур:

- Бир сақмондаги қўзиларнинг бошқа сақмондаги қўзилар билан аралашиб кетмаслигига;
- Қўзиларни йўлларда, ҳайдаладиган ерларда ва юмшоқ тупроқли яйловларда ўтлашига (қўзилар тупроқ ейди ва шундан кейин кўпинча ўлиб қолади) йўл қўймасликлари;
- Қўзилар онасини топиб олиши учун сақмонни ҳар куни 2 – 6 мартадан (қўзилар ёшига қараб) тўплашлари;
- Қўзиларнинг зах ерда, айниқса ёмғирдан кейин ётишига йўл қўймасликлари (акс ҳолда, улар шамоллаб касал бўлиб қолиши мумкин);
- Кун ботиши билан қўзиларни ҳайдаб келиш (агар улар оналари билан бирга ўтлаб юрган бўлса) ва эрталаб уларни барвақт ўрнидан турғасмаслик;
- Бир ойли катта сақмонларни кечаси оналарни билан бирга ўтлатиш;
- Заиф қўзиларга ёки наслчиликда фойдаланиш учун мўлжаллаб қўйидаги энг қимматли қўзиларга 1,5 – 2 ойлигидан бошлаб яйлов ўтларига қўшимча равишда ҳар бир бош қўзига кунига 0,2 – 0,4 кг ҳисобидан (яйловларнинг ҳолатига қараб) концентратлар бериб туриш тавсия этилади.

Сақмонларни ўтлатиш учун тупроғи тез қизийдиган, серкум ва совуқ шамолларни тўсувчи табиий ҳимояси бор жойлар танланади. Заиф қўзилар эса кўра атрофида қолдирилади. Улар қувватига кириб, тетиклашган сайин

очик яйловларга ҳайдалади. Барча ёшдаги сақмонларни қўзилатиш ўтказилаётган жойдан очик яйловларга барвақт чиқариш қўзиларнинг яхши ўсиб – униб боришига ҳамиша ёрдам бериши тажрибада исботланган. Ўстиришга қолдириладиган ҳар 100 – 120 бош қўзига 45 кунга 1 та сақмончи ажратилади.

Қоракўлчилик хўжаликларида одатда қўзиларни 3,5 – 4,5 ойлигида онасидан ажратилади. Қоракўл қўзиси онасини эмадиган даврда тез ўсади ва тирик вазни вояга етган қўйлар вазнининг 60 – 65% ига етиб қолади. Масалан, яхши ривожланган қўзининг тирик вазни онасидан ажратиш маҳалида 28 – 32 кг, ўртача ривожланганиники 22 – 27 кг вас уст ривожланган қўзининг тирик вазни 15 – 21 кг бўлади. Жуда заиф, ривожланмай қолган қўзилар, шунингдек танасида бирор шикасти (чикқан, синган жойлари) бўлганлари онасидан ажратишда алоҳида ҳисобга олинади, аммо бажариладиган план ҳисобига киритилмайди ва бу қўзилар маълум бир кондицияга етмагунча ёки батамом соғайиб кетмагунча улар учун чўпонларга қўшимча ҳақ тўланмайди.

Қўзилар ранги, жинси, наслчиликдаги ўрни, бара типии (маҳсулдорлик типии), классии ҳамда жингалагининг йирик – майдалигига қараб ажратилади. Бу ҳақдаги маълумотлар қўзиларни онасидан ажратиш тўғрисидаги чқунловчи актга ёзиб қўйилади. Ёш қўзиларни қабул қилиб олишда манна шу акт асосий ҳужжат ҳисобланди. Ёш қўзилар онасидан бирин – кетин ажратиб борилади. Онасидан ажратишдан 10 – 15 кун аввал ёш қўзилар совлиқлардан алоҳида ўтлатилади, эрталаб эса уларни оналарининг ёнига қўйиб қўйилади. Қўзиларни онасидан ажратиш иши шу тариқа ташкил этилганида қўзилар ўзича ўтлаб юришга ўрганади ва онасидан батамом ажратилганидан кейин ўзини яхши сезиб, организм ҳолатида айтарлик ўзгаришлар бўлмайди. Қўзилар ўргатилмасдан туриб, онасидан бирдан ажратиб қўйилса улар она сутидан маҳрум бўлиб фақат яйлов ўтлари билан озиқланишга мажбур бўлади. Анна шундай кескин ўзгариш айрим ножуя ҳодисаларга сабаб бўлади, чунки қўзилар мустақил ҳаётининг дастлабки кунларида яхши

ўтламайди, уларда моддалар алмашинуви бир қадар бузилади, натижада ёш қўзилар ўсиш ва ривожланишда орқада қолади. Қўзилар онасидан ажратилганидан кейин юқорида айтиб ўтилган ходисалар рўй бермаслиги учун ёш қўзилар отарларига 15 – 20 бош совлиқ қўйларни қўшиб қўйиш тавсия этилади. Зооветеринария талаблари бўйича қўзиларни онасидан ажратгандан кейин урғочиларни алоҳида тўқлилар группасига, зотли эркак қўзиларни қўчқорчалар группасига ажратиб қўйиш керак. Ривожланмай қолган ва сурункасига касал бўлиб юрадиган заиф – қўзилар алоҳида группаларга ажратилади.

Соғлом тўқлилар ранги, баррасининг типии, жингалагининг йирик – майдалиги, класси ҳамда бошқа бонитировка маълумотларига қараб алоҳида отарларга жамланади ва энг серўт яйловларда ўтлатилади.

Қўзиларни онасидан ажратиш ва улардан отарлар тузишда қуйидагиларни ҳисобга олмоқ зарур:

1. қўзиларни онасидан ажратиладиган жой ва муддатларни, булар хўжалик жойлашган экологик зона, яйлов – озиқа шароитлари ва йилнинг иқлим шароитларини;
2. қўзиларни онасидан ажратиш техникасини, яъни қўтонлар ёки ажратиб қўйилган жойлар, йўл бошловчи эчкилар, серкалар ва совлиқлардан фойдаланиш имкониятларини;
3. Отарлар сони, наслдор тўқлилар учун 600 – 620 бош, оддий пода тўқлилар учун 800 – 850 бош, зотли эркак қўзилар учун 300 – 350 бош, бошқа эркак қўзилар учун 750 – 800 бош ҳисобидан тузилади;
4. Отарларнинг дастлабки сифат таркиби (отарларнинг сифат таркиби бонитировка маълумотларига асосан тузилган. Яқунловчи инвентаризация актига қараб аниқланади);
5. Зарур бўладиган чўпонлар ва ёрдамчи ишчилар сонини.

Заиф қўзилар отарини қишлоққа яқин жойда, эски бедазорларга жойлаштириш, учун чучук сув билан таъминлаб тури шва ёш қўзилар

суткасига 100 – 120 г дан ўсиб борадиган қилиб қўшимча озиқ бериб бориш керак. Қолган қўзилар сифатига қараб отарларга жамланади.

Ёш қўзилар отарларини тузиш тартиби. наслчилик хўжаликларида отарлар тузиш. Қора рангли қоракўл қўзилар қуйидагича алоҳида – алоҳида отарларга жамланади:

Барра типи яримдоирасимон қўзилар:

- а) майда жингалакли элита ва 1 класс;
- б) ўртача жингалакли элита ва 1 класс;
- в) йирик жингалакли 1 класс;
- ўртача жингалакли II классю

ҳар бир группа чўйлари етишмайдиган бўлса, майда жингалакли ва ўртача жингалакли элита ҳамда 1 класс қўзиларни битта отарга қўшиш мумкин. Бундан ташқари 1 класс йирик жингалакли қўзиларни II класс ўртача жингалакли қўзиларга қўшиш мумкин.

2. Ясси барра типдаги қўзилар.

- а) элита ва 1 класс;
- б) II класс.

3. Қовурғасимон барра типдаги қўзилар:

- а) элита ва 1 класс;
- б) ўртача жингалакли II класс;
- в) йирик жингалакли II класс.

Хўжаликда ясси ва қовурғасимон барра типдаги қўзилар сони етарли бўлмаган ҳолларда уларни қуйидаги тартибда қўшиб боқилади: ясси барра типдаги элита ва 1 класс қўзилари қовурғасимон барра типдаги элита ва 1 класс қўзилари билан бирга боқилади; ясси барра типнинг II класс қўзилари қовурғасимон барра типнинг II класс қўзилари билан бирга боқилади.

4. Жун қоплами ўсиқ бўладиган кавказ барра типдаги қўзилар:

- а) ўртача жингалакли II класс;
- б) йирик жингалакли II класс;
- в) майда жингалакли II класс.

Жингалаклари бир хил ўлчамдаги қўйлар сони кам бўлганда уларни битта отарга қўшиш мумкин. Шу тариқа тузилган отарлар доимий бўлиб ҳисобланади. Уларни қўйлар хўжалик ишлаб чиқаришида бўладиган вақтнинг бошидан охиригача чўпон бригадаларига топшириб қўйилади. Отарлар тузишнинг ана шундай усули қўй – қўзиларни соғлом ва яхши ривожланган қилиб етиштиришда чўпонлар манфаатдорлигини оширади. Отарлар ҳар йили кузда қўшимча равишда қўздан кечириб чиқилади. Касаллиги, ривожланиш даражаси, конституцияси жиҳатидан талабларга жавоб бермайдиган қўйлар бракка чиқарилади, отарлар ранги, баррасининг типи, класс ва ёши бўйича тегишли бўлган ҳайвонлар билан тўлдирилади.

Кўк қорақўл қўзилар отарларини тузиш тартиби. Кўк қўзилар отарларини тузишда терисининг ранг – тучи, нақши, класс, барра типи (махсулдорлиги) ҳисобга олинади.

1. Ярим доирасимон барра тип қўзилар қуйидаги алоҳида отарларга жамланади:

- а) ўртача кўк рангли, ҳаворанг, кумушсимон нақшли элита ва 1 класс қўзилар;
- б) тўқ рангли, сафид ва садафсимон нақшли элита ва 1 класс қўзилар;
- в) оч кўк рангли, пўлати нақшли 1 класс қўзилар;
- г) барча ранг – тус ва нақшлардаги II класс, кавказ тип қўзилар ҳам шунга қўшилади.

2. Қовурғасимон – ясси барра тип ёш қўзилар қуйидаги отарларга ажратилади:

- а) ўртача кўк рангли, ҳаворанг, кумушсимон нақшли элита ва 1 класс қўзилар;

б) тўқ кўк рангли, сафид ва садафсимон нақшли элита ва 1 класс кўзилар;

в) барча ранг – тус ва нақшлардаги II класс кўзилар.

Қандай бўлмасин бирор барра типи, ранг – тус ва нақшдаги, классдаги зотдор, қимматли ҳайвонлар сони кам бўлса, улар ўзига монанд келадиган қимматли, зотдор ҳайвонларга қўшилади; қиммати пастроғи эса қиммати пастроқ кўйларга қўшиб боқилади.

Сур кўзилар отарларини тузиш. Барча сур кўзилар отарлари Бухоро сури бўйича ихтисослаштирилганда тилларанг, кумушранг, Сурхондарё сури бўйича ихтисослаштирилганда платинасимон, бронзасимон ва қахрабосимон; Қорақалпоқ сури бўйича ихтисослаштирилганида пўлати, ўрик гул, шамчироқгулнақшларга ажратилади. Барра типларини ҳисобга олиб туриб ҳар бир нақш бўйича кўзилар отарларга жамланади. Ҳар бир нақш ва барра типи доирасида кўзилар классларга ажратилади. Битта нақш доирасидаги ёш кўзилар сони ка бўлса, қовурғасимон барра типга мансуб 1 класс ёш кўзиларини ясси барра типга мансуб 1 класс ёш кўзилар билан бирлаштира бўлади. II класс ёш кўзиларини ҳам худди шу принципга мувофиқ бирлаштириш мумкин. Ярим доирасимон ва ўсиқ барра типдаги II класс кўзилари ҳам бирлаштирилади.

Товар хўжаликларда ёш кўзилар отарларини тузиш. Товар хўжаликларида тўқлилар ранг – туси, барра типи ва классларига қараб ажратилади. Жакет, ясси ва қовурғасимон типлар элита класс кўзиларини жингалаклари ҳар хил катталиқда, ранг – туси ва нақши ҳар хил бўлган 1 класс кўзиларини битта отарда асрашга рухсат этилади (тўлдириб комплекташ). Жингалакларининг катталиғи ҳар хил бўлган II класс кўзиларини барра типи, ранг – туси ва нақшини ҳисобга олиб туриб бирлаштиришга рухсат этилади. Отарлар сифати жиҳатидан нечоғлиқ бир жинсли қилиб тузилса, саралаш ҳам шунча самарали бўлиб чиқади. Мана шу кўрсаткичлардан ташқари давлат наслчилик заводларида ҳайвонларнинг насл – насаби ҳисобга олинади, шу сабабли ёш кўзилар отарларини сара элита,

оддий элитадан алоҳида тузиш тавсия этилади. Жуда дағал ёки жуда нозик конституцияли кўзилар классидан қатъи назар завод подасига кўшилмайди.

Давлат наслчилик заводларида кўзилар отарларини тузишда, ушбу хўжаликда ҳайвонлар линияси яратилаётган ёки линиялар бўйлаб урчитиш ишлари олиб борилаётган бўлса, алоҳида зотдор кўчқорлардан туғилган кўзиларни ҳисобга олиб бориш жуда муҳим.

Кўзиларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун онасидан ажратилганидан кейин 10 – 12 ойлик бўлгунича уларни яхши боқиб бориш, тез – тез яйратиб туриш ниҳоятда зарур.

Кўзи отарлари учун яйлов ажратишда жой рельефи, тупроғининг типи ҳисобга олиниши керак. Қум барханлари бўлган ва бута, ўт ўсимликлар ўсиб турган баланд – паст жойлар улар учун ҳаммадан қулай келади (С.И.Кедрова, 1969). Мана шундай яйловларда майда ўтлар етарли миқдорда бўлади (читир, қорамашак, арпағон, сита, куён жун ва бошқалар). Мана шундай жойларда кўзилар яхши ўтлабгина қолмай, балки яйраб сайир ҳам қилади. Бу уларнинг бақувват, чидамли ва маҳсулдор ҳайвонлар бўлиб етишишига ёрдам беради.

14-жадвал

Кўзилар учун тахминий озиқ нормалари

Ёши (ой)	Тирик вазни, кг	Озиқ бирлиги	Ҳазм бўладиган протеин, г	Туз, г	Са, г	Каротин, мг
4–6	23-30	0,95-1,5	140-155	6-10	6,0-7,0	7-10
6–8	31-34	1,05-1,15	145-160	6-10	6,3-7,3	7-10
8–10	34-39	1,15-1,25	150-165	6-10	6,6-7,3	8-13
10–12	41-46	1,20-1,40	155-180	6-10	6,8-7,8	9-13

Бундан ташқари мана шундай яйловларда қиш илиқроқ бўлади.

Ўт қоплами қалин бўлган яйловларда онасидан ажратилган кўзиларнинг вазни суткасига ўртача 150-200 г дан ортиб боради ва йил охирига бориб, уларнинг тирик вазни 38-40 кг га етади. Бу эрта туғилган қоракўл кўчқорчаларни уша йилнинг ўзидаёқ гўштга топшириш мумкинлигини кўрсатади. Мана шу даврда ҳар бир кг кўшимча вазн ҳисобига қилинган харажат энг кам бўлади. Бундай кўзилардан энг арзон ва юқори сифатли гўшт олиш мумкин.

Агар шу ёшда кўзилар озиқа билан яхши таъминланмай қолса, ноқулай ташқи шароитга бардош беролмай, заиф ва кам маҳсул бўлиб, кўпинча ўлиб кетади.

Ёш кўзиларни диққат билан парвариш қилиб бориш, уларни вақтида ўтлатиб, вақтида суғориб туриш ва дам олдириш керак. Кўзилар парваришининг маълум бир режимига жуда тез ўрганади. Улар олис масофаларга ҳайдаб борилганда тез чарчаб қолади, сувсизликка, сувнинг шўр бўлишига чидамсиз бўлади. Кўзилар онасидан ажратилгандан кейин сувдан, ўт, беда экилган жойларда ёки майин ўтли яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда кунига икки марта эрталаб ва кечкурун ҳайдаб келиб суғорилади. Бордию кўзилар ўти қовжираган яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда онасидан ажратилгандан кейин дастлабки 2 ой мобайнида уларни яйловларнинг ўзида суғориб туриш мақсадга мувофиқдир (яйловларга сув алтоцеситерналарда олиб келинади).

Совуқ тушиб қолган кезларда кўзиларни эрталаб наҳорга суғориш ярамайди. Улар ичкетар ва шамоллаш касалликларига учраб қолиши мумкин. Юриб келиб, иссиқлаб турган кўзиларни ҳам суғориш ярамайди. Суғориш олдидан улар дам олиши керак.

XI. Боб. Қоракўлчиликда теришунослик асослари.

**Қоракўлчиликда теришунослик асослари,
эмбрионда жун жингалакларини ҳосил
бўлишини назарий ва амалий асослари
ва унга таъсир этувчи омиллар.**

Қоракўл қўзилар ва териларининг сифатига баҳо бериш келажакда хўжаликда қандай ранг, ранг-баранглик ва ассортиментдаги барра тери етказиш ва уларнинг қийматини аниқлаш демакдир.

Бонитировка қоракўл қўзи тўғилганидан 1-3 кун ўтгач малакали ва тажрибали мутахассис томонидан ўтказилади.

Қоракўл териларнинг рангини ўрганиш учун, жун қоплам томони юқорига қилиб қўйган ҳолда ҳар бир толанинг рангига синчиклаб қараш йўли билан аниқланади. Рангига кўра қоракўл терилар қуйидагиларга бўлинади:

Қора ранг – бутун терида бир хилдаги қора толалар бўлиши билан ажралиб туради. Қора қоракўл териларда пигмент моддасининг оз ёки кўп даражада бўлишлиги жиҳатидан 5 тоифага бўлинади:

а) Тим қора – ҳамма қисми бутунлай қора рангда бўлиб, ялтироқ.

Смоласимон қора ранг, ялтироқ, пигментлашган кучли қора гуруҳга кириб, тим қора рангдаги терилардан кейинги иккинчи ўринда туради.

в) Қора – меъёрли қора, ялтироқсиз, рангдорлиги жиҳатидан смоласимон (сақичсимон) қорадан кейинги ўринда туриб, қора пигментланган гуруҳга киради.

Қора – унча қора бўлмаган антрацит шуълали қора. Бу тусдаги терилар барча қора рангдаги териларга нисбатан сифат жиҳатидан тўртинчи ўринда туради.

д) Зайтуна – пигментланиш даражаси паст, ранги қизғиш эсади.

Кўк ранг терилар – табиатда бир хил кўк рангга эга бўлган терилар бўлмайди. Мавжуд кўк қоракўлнинг ранги оқ ва қора ранглардаги толаларнинг аралашуви натижасида ҳосил бўлади. Кўк ранг терилар оқ ва қора толалар нисбатига, узунлигига ва тери юзасида жойлашишига қараб тусларга, шунингдек буларга қўшимча равишда қора толаларнинг пигментланиш даражасига оқ толаларнинг ялтироқлигига қараб ранг-барангликларга бўлинади. У оқ ва қора жун толаларининг миқдорий нисбати

хамда улар узунликларининг нисбати билан аниқланади. Кўк қорақўл терилар оч, кўк, ўрта кўк ва тўқ кўк тусларига бўлинади.

Оч кўк тусдаги кўк қорақўл териларга ўрта ҳисоб билан 80 % атрофида (70% - 95% гача), ўрта кўк тусдаги териларда ўрта ҳисоб билан 65% (45% - 70% гача) ва тўқ кўк тусдаги териларда ўрта ҳисоб билан 25% (8% - 45% гача) оқ жун толалари бўлади.

Кўк терининг ранги ва туси бутун тери юзасида бир текис бўлиши муҳим белги ҳисобланади.

Кўк тери рангининг текислик даража 3 хил тарзда намоён бўлади: яхши, ўртача, ёмон.

Кўк териларнинг туслари. Бир хил товланиб турувчи кўк қорақўл терилар тусига қараб фарқ қилади.

Ўрта кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: ҳаво ранг, кумуш ранг, марварид ва кўрғошин.

Тўқ кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: оқ тушган, садафсимон ва қора қора кўк рангларга.

Оч кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: пўлати ва сут симон рангларга.

Кўк териларнинг ичида энг чиройли, мақбул ранг-баранглиги ҳаво ранг, кумуш ранг, марварид, оқ тушган терилар ҳисобланади.

Ҳаво ранг оқ толалар 55-65 % ни ташкил қилиб, қора толалар кучли даражада пигментлашган бўлиб, узунлиги оқ тола узунлигининг 85 %га тўғри келади. Бундай ранг-барангликдаги териларнинг жун толалари яхши ялтироқ ва ипаксимон бўлади.

Кумуш ранг оқ жун толалар миқдори 65% - 70%, кучли даражада ялтироқ ва жуда ипаксимон, бунда оқ толалар қора толаларга нисбатан 20-25 % узунроқ бўлади.

Марварид ранг — оқ жун толалари 55-65 % бўлиб, қора толаларга нисбатан 40-50 фоизгача узунроқ бўлади. Бу ранг-барангликдаги териларда ловиясимон гуллар кўпроқ бўлади.

Оқ тушган (кўкиш) – бу ранг-баранглик қора жун толаларининг анча кўпайиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Бунда оқ жун толалари 20-30 % ташкил этади. Оқ толалар қора толалардан 10-15 % узунроқ бўлади. Ҳамма толалар ҳам ипаксимон ва ялтироқ.

Кўрғошин - оқ ва қора толалар нисбати ва узунлиги жиҳатидан тенг, ранг-барангликдаги қора жун толалари пигментациясининг бирмунча кучсизланиши (кўнғирланиши) ва оқ толалар сарғиш тусга кириб, ялтироқлиги хирралашгани билан таснифланади. Бундай кўк териларнинг ранги тиниқ, равшан бўлмай аксинча ифлослангандек бўлиб кўринади.

Садафсимон – оқ толалар қора толаларга нисбатан 45-50 % узун бўлиши натижасида садаф ранг ҳосил бўлади. Бунда қора толаларнинг миқдори 70-80 %ни ташкил қилади. Узунроқ ва сийрақроқ бўлган оқ жун толалари терида устки қаватни ҳосил қилиб, унинг ости қора бўлади. Оқ жун толалари узунроқ ва уларнинг ялтироқлиги яхшироқ бўлса, айниқса, ясси ва қовурғасимон гулли териларда чиройли ранг-баранглик ҳосил бўлади.

Қора кўк – териларда оқ ва қора жун толалари ҳар хил узунликда, оқ толалар қора толалардан 50% узун, терининг кўп қисми қора толалар билан қорежаған, оқ толалар думғазасидан сағригача тасма тарзда жойлашган.

Пўлати - оқ ва қора жун толалари ҳар хил узунликда, ялтироқлиги яхши ва оқ жун толаларининг кўпроқ 70-75 % бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Сутсимон - оқ жун толалар қора толалардан анча ўсиб кетган, ялтироқлиги кучсиз ва миқдори 75% кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Сур ранг – ҳар бир жун толасида пигментланиш даражасининг ҳар хил бўлиши билан тавсифланади. Сур териларнинг қиммати толаларнинг ости ва учларидаги рангининг ифодаланганлиги, толанинг қорамтир, тўқ ости билан оқиш тусдаги учлари нисбатига ҳамда бутун тери сатҳида рангининг бир текисда эканлиги ва остки тўқ қисмидан учки оқ қисмига рангининг ўтиш кескинлигига (контраслиги) қараб аниқланади.

Толанинг қорамтир остидан бирданига унинг оқиш учига ўтилиши рангининг кескинлигини (контраслигини) келтириб чиқаради, уларни жуда қимматли қилади. Сур терилар толасининг қорамтир ости оқиш тусдаги учига ўтиш кескинлигига қараб, рангининг аниқлиги ғоят хилма-хил бўлади. Сур терилар рангининг бутун тери юзасида бир текис бўлиши ҳам асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, рангининг бир текис эмаслиги қорақўл қимматини пасайтиради.

Сур қўйлар келиб чиқишига қараб типи мавжуд. Булар Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхондарё сурлари. Бухоро сури қорақўл хоссалари ва товар сифатлари жиҳатидан қора қорақўлдан деярли фарқ қилмайди; кумуш ранг, тилло ранг, олмос ва бинафша ранг ранг-барангликлари мавжуддир.

Кумуш ранг сур – толаларнинг ости қорамтир, тўқ тутунсимон ёки қора учки қисми оч кулранг ёки кумкшсимон бўлади.

Тилла ранг сур – толасининг остки қисми тўқ жигар ранг бўлиб, учки қисми тилла ранг, яъни пигментланиш даражасининг ҳар хил бўлишидан ости тўқ учлари оч рангда бўлишидан ҳосил бўлади.

Олмос сур - толаларнинг ости қорамтир ёки қора учки қисми олмос рангда.

Қорақалпоқ зот типдаги сур қўйлар – қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: пўлати сур, шамчироқ гул, ўрик гул, қамар, шабдар ва чақир.

Пўлати сур – толаларнинг қора туби, учига қараб аста-секин пўлат рангига кира боради.

Шамчироқ гул – толаларининг ости қора, учи эса оқ.

Ўрик гул – толаларининг ости қора ёки тўқ жигар ранг, ўртаси сарғиш жигарранг, учи оч сариқ рангда.

Қамар - ости тўқ жигарранг, учлари эса тилла ранг қизғиш оқ рангда.

Чақир – толаларнинг ости қорамтир-кул ранг, учлари эса сутсимон – оқ рангда.

Сурхондарё зот типдаги сур қўйлар – жезсимон (бронза) сур, платина сур (оқ олтин) қахрабо сур (янтар) антрацид сур (ялтироқ кўмир ранг), сариқ кум ранг ранг-барангликлар учрайди.

Бронза сур – жун толаси ости ҳар хил тусдаги жигарранг учлари бронзасимон рангда.

Платина сур – остки қисми қорамтир қаҳва ёки қора рангда учлари оқиш ёки оқ рангда.

Қахрабо сур – ости жигарранг учлари сарғиш ёки оч тилласимон.

Антрацит сур – остки қисми қора, учлари оқиш.

Сариқ кум ранг сур – остки қисми оч жигарранг, учлари оқчил сарғиш (кумсимон) рангда.

Қамбар ранг – тери турли тусдаги толаларнинг бир хил, оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача бўлиши билан ифодаланади. Гулўлчаш анча йирик, жун толалари анча сийрак ва дағал. Қамбар ранг терилар оч, ўртача ва тўқ тусларга бўлинади.

Оқ ранг – тери бир хилдаги оқ, анча узун, ингичка, сийрак толалар мавжудлиги билан таснифланади.

Гулигаз (пушти) ранг – оқ ва жигар ранг толаларнинг аралашуви натижасида ҳосил бўлади. Оқ ёки жигар ранг толаларнинг нисбати ва уларнинг узунлигига қараб гулигаз рангнинг оч гулигаз ўрта ва тўқ гулигаз туслари учрайди. Энг қимматлиси ва чиройлиси ўрта тусли гулигаз ҳисобланади. Оч гулигаз ранг иккинчи ўринда туради. Тўқ гулигаз ранг хира, қорамтир ва кўримсизлиги билан бошқа ранг-барангликдаги гулигаз ранг териларидан ажралиб туради.

Гавҳар ранг – ҳам гулигаз ранг қоракўлнинг бир тури ҳисобланади, уни ўзига хослик томони шундаки, ундаги жигар ранг тола ости тўқ учи оқ рангда бўлади.

Гулигаз ранг терилар ғоят хилма-хил, териларнинг айрим қисмлари ва толаларнинг пигментланиши бир хилда эмас. Бундан ташқари четлари оч ёки

тўқ ҳошияли қорамтир ёки «халилий» типдаги оч қисмлари бўлган гулигаз ранг терилар ҳам учраб туради.

Қоракўл тери гулларнинг тури ва шаклига кўра ғоят хилма хилдир. У қалам гул, ловия (дона) гул, ёл гул, ҳалқа гул, нўхат гул, парма гул, силлик гул шаклсиз (деформациялашган) гулларга бўлинади. Қалам гул шакллари эса ўз навбатида ярим доирасимон, қовурғасимон ва ясси типларга бўлинади.

Қалам гул – қоракўл терилардаги жун толалари ҳосил қилган гулларнинг энг қимматли шаклидир. Қалам гуллар тери қоплами сатҳида параллел жойлашган жуда кўп қаторчалар ҳосил қилиб, чизиқли тартибда жойлашган. Қалам гуллар ўзига хос тузилишга ва (синфик) буралмаларга эга бўлиб, ярим доира ёки доиралар ҳосил қилади (15-шакл), уларнинг юзаси тери қоплами сатҳига ёндош ёки параллел ҳлатда ётади.

Қалам гул жун толаларининг учи эса гўшт-пардага параллел ҳолатда ётувчи ялтироқ толалар билан қорежаған бўлиб, бу толаларнинг ҳам учлари кўринмайди.

Қалам гул шаклидаги жингалак ёпиқ доирага яқинлашишга интилади. Уни ёпиб турувчи жун толалари қоплоғич қисм деб аталади. Бир чизиқда жойлашган қоплоғич толалар ҳалқасимон цилиндрик, жингалакли ташқи текис қатламни ташкил қилади. Қоплоғич толаларнинг узунлиги ва майинлиги нечоғлик бир хил бўлса, жингалакнинг буралганлиги шунчалик чиройли ва яққол бўлади.

Жингалакнинг ичига кирувчи жун толалари ўроқсимон шаклда бўлиб, кирувчи толалар деб аталади. Бу хил толалар жингалакнинг тўғри тузилган бўлиши учун асос бўлади.

Ярим доирали қалам гул. Тузилиш шакли жиҳатдан қалам гул жингалаклар қуйидаги турларга бўлинади: ярим юмалоқ бурама шаклда, сербар, баланд (тор қиррали), эгарсимон эгилган, ҳурпайган. Бир теридаги ярим доирасимон жингалаклар шаклининг бундай хилма-хиллиги бошқа хил жингалак шакллари (қовурғасимон қалам гул ва ясси қалам гул билан қўшилиб), чиройли гул ҳосил қилади.

Қовурғасимон қалам гул. Жингалакдаги толаларнинг қоплағич қисми киррали тарзда эгилган, шу туфайли у чала эгилган ва чўзинчоқроқ бўлиб кўринади.

Жун толалари аввал деярли тик ҳолатда кўтарилади, сўнгра эгилиб, биринчи бурчакни ҳосил қилади, шундан кейин тўғри бурчак остида терига параллел ҳолатда давом этади ва жун толаларининг учлари, иккинчи бурчакни ҳосил қилади, шундан кейин улар тери сатҳи томон тушади, аммо жингалакнинг очик томони туташмайди. Ана шу икки буқилиши қовурғасимон қалами гул турини вужудга келтиради.

Қоплағич толаларнинг остига кириб турувчи толалар ҳам эгилган ва қисман тўғри ҳолатда бўлади. Бирозгина чокнинг мавжудлиги тери гулига чирой бахш этади.

Ясси қалам гул. кўпинча қоплағич жун толаларидан вужудга келади, бундай толалар аввал бошданок тери қопламига параллел ҳолатда жойлашади. Салгина эгик бўлган қоплағич толаларнинг учлари кейинги жингалак юзасига тиралиб туради. Шунинг учун жингалаклар ўртасидаги чок унча сезилмайди, ясси қалам гуллар бир оз кабарик бўлади-ю, аммо жингалаклар бўш ва толалар жуда ипаксимон майин бўлгани сабабли қўл билан сийпалаганда деярли сезилмайди.

Ясси қалам гуллар энсиз ёки ясси ёл гуллар ва лослар билан бирга қўшилиб, ниҳоятда чиройли гул ҳосил қилади. Улар ўзининг юқори даражада ипаксимон майинлиги, ялтироқлиги ва толасининг кучли пигментлангани туфайли ясси қалам гуллар мақбул (исталган) жингалак типи деб ҳисобланади.

Буралма (илон изи) қалам гул – тузилиш шаклига кўра ярим доирали гул тоифасига киради, лекин фарқи, унинг эни бошидан охиригача бир хил эмас. Тери юзасида бундай жингалакнинг бир неча қайта торайиб кенгайиши бошқа жингалаклар билан қўшилиб келиши, унга чирой бахш этади. Буралма (илон изи) қаламгуллар жун толаси юқори сифатли, яхши ипаксимон, ялтироқ ва яхши пигментланган бўлганда ҳосил бўлади.

Тор қиррали қалам гул – ярим доирали қалам гул каби тузилишга эга, фарқи фақат шундаки, унинг баландлиги энидан катта ва юқори қисми бир оз торайган бўлади.

Тожсимон қалам гул – чала риволанган ярим доирали қалам гул ёки бир томонлама ёл гулга ўхшаб кетади ва текис кўринишга эга бўлади. Тожсимон жингалак ҳосил қилувчи қоплоғич жун толаси жингалак ўқиға тик ҳолатда эгилган эмас, балки унга қия ҳолатда ётади ва қалам гулнинг бўйига қараб жойлашади. Толаларнинг учлари қалам гулнинг қирраси орқали унинг иккинчи томонига ошиб туради. Жун толалари бирмунча қиррали тарзда эгилган бўлиб, учи баланд бурама ҳосил қилиб тугалланади. Баъзан тола учлари кўтарилиб туради ва шу сабабли бир оз пахмайган кўриниш ҳосил қилади.

Тожсимон қалам гул ипаксимон майин, меъёрли ялтироқ ва пигментли толалардан вужудга келади.

Эгарсимон қалам гул – бир оз яссилашган типдаги ярим доирали қалам гул жингалаклар қаторига киради. Унинг энг устки қисмида эгарсимон ботиқ жойи бор. Эгарсимон қалам гул ниҳоятда ипаксимон ва жуда ялтироқ толалардан ташкил топади.

Илонсимон қалам гул – ясси қалам гул жингалаклар жумласига киради. Жун толалари теридан чиқаверишда ёнма-ён жойлашган, ёнбошига ётиб, терига зич ёпишган ҳолда ярим доира ҳосил қилади. Жун толаларининг шундан кейинги қатори биринчи қатор толаларининг учлари жойлашган ердан терига ёпишиб ўсади, аммо қарама-қарши йўналишда ярим доира ҳосил қилади. Учинчи қатор жун толалари биринчи қатор толалари йўналишини, тўртинчи қатор толалари эса, иккинчи қатор толалари йўналишини такрорлайди. Жун толалари бамисоли синусоид ҳосил қилиб жойлашгандай бўлиб, худди ҳаракатланаётган илоннинг эгри-бугрилигини эслатувчи яхлит чизиқлар ҳосил қилади. Бундай жингалак билан қорежаған жойлари қанча кўп силанса, у тобора тўғри шакл ҳосил этиб, толалар дум томонга қараб осила бошлайди. Бундай жингалак асосан кўк қорақўл

кўзиларда учрайди ва кучли даражада ипаксимон, жуда ялтироқ жун толаларидан вужудга келади. (Н.С.Гигинейшвили томонидан таърифлаб берилган).

Ёлсимон қалам гул – бу ҳар икки томонга ёл гуллар билан тугалланадиган ярим доирали шаклда буралган қалам гулли жингалакдир. Унинг қоплогич жун толалари доирасининг учидан бир қисмини ҳосил қилади, кейин эса қалам гул узунлиги бўйлаб икки томонга ажралиб, ёл гулни эслатиб туради. Бундай жингалаклар кам қимматли, сабаби улар жун толаларининг сифати паст, ипаксимонлиги бирмунча дағаллашган, пигментланганлиги эса суст.

Ҳалқасимон қалам гул – кўк қоракўлда учрайди. Бундай гуллар бирмунча йўғонлашган, нисбатан узун ва сийрак толалардан пайдо бўлиб, уларнинг жингалак ёйлари ҳалқасимон эгилган бўлади. Ҳалқасимон қалам гул гўё бир-бирининг устига тахлаб қўйилган бир қанча ҳалқачалардан ташкил топгандай бўлиб туюлади. У кам бўлиб, қора қоракўл териларда деярли учрамайди.

Ловиясимон гул – камроқ қимматли, турли шакллардаги ловияни эслатувчи жингалак ҳисобланади. Морфологик тузилиши жиҳатидан ярим доирали қалам гулдан деярли фарқ қилмайди, бўйи энига деярли тенглашади. Ловиясимон жингалакдаги қоплогич толалар кўпинча тўла эгилган ёй ҳосил қилмайди ва улар ҳамма йўналишларда эгилгандай бўлиб туюлади. Жингалакнинг иккинчи ёйи жуда яққол кўзга ташланиб турганлиги сабабли шундай бўлади.

Ёл гул – камроқ қимматли жингалаклар гуруҳига киради. Чизиқли тартибда жойлашган барча тола тизимлари ёл гул деб аталади.

Одатда улар ўрта чизиқдан икки томонга осилиб тушадиган ўткир қиррали тож шаклига ёки жун толалари озми-кўпми яққол кўзга ташланувчи арча шаклида таралган тўмтоқлашган ва кенгайган тож шаклига эга бўлади. Чизиқ ўртасида ёл гуллар анча қобарик. Уларда остига кириб турувчи жун толалари бўлмайди. Ёл гулнинг шакли чизиқли жингалак ҳосил бўлиши

кайси босқичда тўхтаганлигига боғлиқ. Агар жингалак қалам гулга яқин босқичда тўхтаб қолган бўлса, баланд ёл гул ҳосил бўлади, башарти, у хомила ривожланишдагига яқин босқичда тўхтаган бўлса, арча шаклидаги таралма келади. Ёл гуллар кенглигига қараб тор, кенг ҳамда калта-узунлиги жиҳатидан узун, ўртача ва калта хилларга бўлинади.

Тор ёл гуллар – шу турдаги жингалакларнинг энг қиматли шакли ҳисобланади, чунки улар кўпинча қалам гул жингалаклар билан биргаликда учрайди. Кенг ёл гул ва калта ёл гуллардан фақат тузилиши жиҳатидангина эмас, балки келиб чиқиши жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Тор ёл гулларнинг эни энсиз тор (3-4 мм) ва узунлиги анча узун эканлиги (30-60 мм) туфайли қалам гул ва бошқа хил тор гуллар билан қулай равишда уйғунлашиб, кирцук, жакет 1, қовурғасимон юпка 1, ясси гулли юпка 1 навларида чиройли гул ҳосил қилади. Тор ёл гуллар кўпинча арча тарзида икки томонга тарқалган бўлади, бир томонга таралган хиллари кам учрайди ва улар чала ривожланган қалам гул кўринишига эга бўлади. Тор ёл гуллар яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади ва терининг сағриси ҳамда орқасининг иккала томонида учрайди, шунингдек, ёллар елкасига ҳам ўтади.

Калта ёл гуллар – ўртача катталиқда бўлиб, узунлиги 10-20 мм дан ошмайди, одатда, уларнинг эни бир текисда бўлмайди: кенгайган қисми 8-9 мм, тор қисми 6-7 мм келади. Калта ёл гуллар асосан етарлича ипаксимон, ялтироқ ва пигментлашган яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади.

Кенг ёл гуллар – камроқ қимматли жингалак шаклидир. Уларнинг кенглиги бошидан охиригача бир текисда эмас: ости кенг (9-12 мм), учи торайган (5-7 мм) бўлиб, понасимон шаклга ўхшаб кетади. Деярли бир хил энлилари ҳам учраб туради. Ёл гули анча йирик бўлганлиги сабабли қимматли жингалаклар билан яхши уйғунлашолмайди.

Кенг ёл гул йўғонлашган, дағал ва бирмунча қуруқ шишасимон ва хира ялтироқ жун толаларидан ташкил топади.

Ёл гуллар - қўзининг қорнига ва гавдасининг олдинги қисмига яқинроқ жойлашади, баъзан қориннинг ўрта чизик йўналишида тарқалган бўлади.

Ҳалқа гуллар – кам қимматли жингалаклар гуруҳига киради. Жун толалари коқилчаларга тўрежаған ҳолда жингалакланиб тўла туташмаган ҳалқани эслатувчи шакл ҳосил қилади. Ҳалқасимон жингалакнинг бурулганлиги иккита ёй ҳосил қилади, уларнинг паст қисми тери юзасига тик ҳолатда, усткиси эса унга ётиқ ҳолатда ётади. Ҳалқасимон жингалак ҳосил қилувчи жун толалари анча узун бўлгани учун бўлгани учун улар кўпинча ўзаро чигаллашиб гулининг аниқ ифодаланганлиги йўқолади.

Ярим ҳалқа – тузилиши жиҳатидан жингалакка ўхшаб кетади ва битта буралма ҳалқаси борлиги билан ундан фарқ қилади.

Нўхатсимон – нуқсонли жингалак шакллари жумласига киради. Бир хилда бўлмаган, асосан ингичкалашган толалардан ташкил топади. Бундай жун толалари коқилчаларга тўрежасиб ва учи буралиб, тери юзасига тик ҳолатда йўналган кўплаб бир хилдаги буралмаларни вужудга келтиради. Бундай буралма устки қисм шакли нўхатчани эслатувчи тугун ҳосил қилади.

Парма гуллар – ҳам нуқсонли жингалаклар жумласига киради.

Шакли нўхатсимон жингалакка бир оз ўхшаб кетади, асосан бир мунча йўғонлашган ўртача майинликдаги жун толаларидан ташкил топади, бундай толалар коқилчаларга тўрежасиб патсимон учли пармани эслатувчи бурилма ҳосил қилади. Ингичкалиги ва узунлиги бир хил бўлмаган, коқилчалар ҳосил қилувчи жун толаларидан ташкил топади. Жингалакнинг туб қисми кенг ва учи торайиб келган бўлиб, бурама ёки чиғаноқни эслатади.

Лос гуллар – булар қоракўл терининг жингалаксиз, силлиқ ёки билинар-билинемас даражада жингалакланган бир хил йўналишдаги, тери юзасига муайян бурчак ҳосил қилиб жойлашган жун толалари билан қорежаған қисмларидир. Лосларнинг икки тури – баланд ва паст лослар учрайди.

Баланд лослар – ясси қалам гул ҳамда яхши ипаксимон толали ва кучли даражада ялтироқ ёл гул билан бирга қўшилиб, терида, айниқса, қоракўлча гуруҳига кирувчи териларда жуда қимматли, ранг-баранг товланиб турадиган, ғоят чиройли нақш ҳосил қилади.

Паст лослар – анча йўғонроқ ва калталашган тўғри толалари қуруқ жун толаси билан аралашган бўлиб, сифатсиз қоплам ҳосил қилади.

Шакли ўзгарган жингалаклар - шаклсиз – кўзга яққол ташланиб турадиган шаклга эга бўлмаган нуқсонли жингалаклар жумласига киради. Шаклсиз жингалаклар «бўшашган» ёки «хурпайган», «босилган» ёки «ялоқган», лоссимон ёки «кигиз» деб аталувчи турларга ажралади.

«Бўшашган» ёки «хурпайган» жингалак терининг бир қисмида ёки бир қанча майда қисмларида жун толалари доғчалар шаклига ёки бутун юзада яхлит равишда бўш буралганлиги билан тавсифланади. Бундай шаклсиз жун толалари унчалик қайишқоқ бўлмаган ва кам жингалакланган териларда энг кўп учрайди.

Шаклсиз «Босилган» жингалак. Жун толалари ҳалқа шаклида жингалакланган ва тери тўқимасига босилган ёки ўзаро чирмашиб кетган. Шу туфайли жингалаклар эзилган ёки ёпишгандек бўлиб туюлади. Бундай жингалаклар кўпинча терининг орқа чизиғи бўйлаб кетган қисмини ёки унинг бутун юзасини қоплайди.

Шаклсиз «Лоссимон» жингалаклар – булар қоракўл терининг жингалаксиз ва тери тўқимасига параллел ҳолда деярли тик турувчи дағал, қуруқ ва ипаксимон толалар билан қорежаған кичик-кичик юзалардан иборат. Бундай участкалар одатда терининг четларида, ўрта қисмида, куракларида ёки ёнбошларида, қорнига яқинроқ қисмида доғ ва оролчалар шаклида жойлашган бўлади.

Кигизпашган - деформациянинг охирги шакли ҳисобланади. Нотекис жингалакланган, қуруқ, калта толали териларга хосдир. Жингалак ҳосил қилувчи жун толалари ўзаро чирмашиб, кигизсимон кўриниш ҳосил қилади.

Қўйган жингалак – «ўлик» жун толасидан иборат бўлиб, номуайян жингалакланган, узунлиги жиҳатидан нотекис ва бир-бири билан чирмашиб кетган бўлади. Ташқи таъсири натижасида осонгина синади, узилади ва тери қопламидан суғурилиб чиқади.

Республикамиз қоракўл терисини бутун дунёга машҳур қилган қаламигул шаклидаги узун жингалаклар энг қимматли ҳисобланади. Қаламигул жингалак қанча узун бўлса, қоракўл тери шунча чиройли, сержило ва жозибали бўлади. Калта қалами гул, ловия ва калта ёл гуллар камроқ қимматли жингалаклар жумласига киради, чунки улар қоракўл терининг сифатини ва қимматини пасайтиради. Ҳалқа, парма, нўхат, кенг ёл гуллар, йирик лосслар ва шакли ўзгарган жингалаклар номатбул шакл ҳисобланади.

Гулларнинг ҳаммаси жингалагининг йирик-майдалигига қараб гуруҳларга бўлинади.

Даставвал жингалакларининг йирик-майдалиги деганда, қоракўл тери жингалакларининг эни, бўйи ва узунлиги тушунилади, жингалаклар энига қараб уч хилга ажратилади: майда – 4 мм гача, ўрта – 8 мм гача, катта – 8 мм дан ортиқ.

Бўйига кўра қуйидаги жингалак турлари фарқ қилинади: паст – 3 мм гача, ўртача – 3 мм дан 5 мм гача, баланд – 5 мм дан ортиқ.

Узунлигига кўра; калта – 20 мм гача, ўртача – 20 мм дан 40 мм гача, узун 40 мм дан узун. Юқоридагилардан ташқари, жингалаклар баланд қалами – бўйи энидан ортиқ, ўртача қалами – эни бўйига деярли тенг, йирик қалами бўйи энидан кичик каби хилларга ҳам бўлинади.

Жун қопламининг қуюқлиги – қоракўл териларнинг жун қоплами қанча майин бўлса, гулларининг маҳкамлиги ва жингалаклик даражаси ҳам шунча юқори бўлиб, улардан тикилган кийимлар жуда чидамли ва чиройли бўлади.

Жун қопламининг қуюқлиги терининг зичлигига ҳам боғлиқдир. Тери бўш бўлганда, ундан ўсиб чиққан толалар сийрак ва узун бўлади. Терининг

турли қисмларида унинг қисмларида унинг зичлиги ҳар хил бўлганлиги сабабли, жун толаларининг қуюқлиги ҳам турличадир. Масалан, қўзиларнинг ёнбоши, айниқса, қорин усти қисмларида терининг зичлиги сағри, орқаларига нисбатан бўш, жуни сийрак (гули бир оз бўшроқ) бўлади. Жун қопламининг қуюқлигига қараб қоракўл терилар уч гуруҳга бўлинади:

1. Жун қоплами жуда қуюқ.
2. Жун қоплами ўртача қуюқ.
3. Жун қоплами сийрак.

Жун қоплами жуда қалин бўлган териларнинг қалам гуллари маҳкам, гул оралиқлари эса тор бўлади.

Жун қоплами ўртача қуюқликда бўлган териларнинг гуллари етарли даражада маҳкам, гул оралиқлари ҳам ўртача кенгликда бўлиб, расми кўпинча аниқ кўринишга эгадир. Биринчи навларга киритилган териларнинг жун қоплами жуда қуюқ ёки ўртача қуюқликда бўлиб, бу қуюқлик терининг бутун майдонида бир хил бўлиши лозим. Жун қоплами етарли даражада қуюқ бўлмаган ёки сийрак жун қопламига эга бўлган териларнинг гуллари бўш, гул оралиқлари анча кенг, баъзан жунлар орасидан териси кўриниб туради.

Сийрак жун қопламига эга бўлган қўзилар паст синфларга, терилари эса, асосан учинчи навларга киритилади. Қоракўл терилар жун қопламининг қалинлиги, қўл билан ушлаб кўриб ўрганишдан ташқари 1 мм^2 ёки 1 см^2 майдонидаги толаларнинг сонини санаш йўли билан ҳам аниқланади.

Қоракўл териларнинг сифати қанча юқори бўлса, 1 см^2 майдондаги толаларнинг сони шунча кўп бўлади.

Гулларнинг мустаҳкамлиги ва қайишқоқлиги. – Қоракўл гуллари ўзининг табиий шакли ва ҳолатини маҳкам тутиб туриш ва шаклига қайтиш хусусиятига, уларнинг мустаҳкамлиги ёки пишиқлиги дейилади. Гулларнинг табиий шакли ва ҳолатини бузиш учун ишлатиладиган механик кучларга, қаршилик кўрсатиш хусусиятига уларнинг қайишқоқлиги дейилади. Гулларнинг қайишқоқлик даражаси ҳам қўл билан ушлаб кўриб аниқланади;

бунда қўл билан гулларни очик томонидан ёпиқ томонига қаратиб сурилганда, етарли даражада қайишқоқ бўлган гуллар ўз шаклини кам ўзгартиради ва ўзгарганда ҳам аввалги шаклини яна тезда тиклаб олади. Қайишқоқлиги кам бўлган гулларни қўл билан силаб кўрилганда, уларнинг шакли бузилиб, тўзғиб кетади. Гулларнинг қайишқоқлиги, уларнинг мустаҳкамлиги билан боғлангандир. Гуллар қанча маҳкам бўлса, уларнинг қайишқоқлиги ҳам шунча юқори бўлади. Гулларнинг мустаҳкамлиги даставвал уларнинг шаклига, турига ва гул ўлчамига боғлиқдир. Қалам ва ловиясимон гуллар ҳалка, парма ва нўхат гулларга нисбатан мустаҳкам бўлади. Калта гуллар ўрта ва майда гулларга нисбатан анча бўшроқдир. Гулларнинг мустаҳкамлиги жун толасининг узунлигига, кўзиларнинг барра типларига қараб ўзгаради. Терилардаги жун толалар қанча узун бўлса, ундаги гуллар ҳам шунча бўш бўлади.

Кавказ барра типидagi кўзиларнинг гули бошқа типларидagi кўзиларнинг гулига нисбатан бўшдир.

Жун қопламининг ипаксимонлиги – Қоракўл терилар жун қопламининг ипаксимонлик даражаси қўл билан ушлаб кўриниб аниқланилади ва бу хусусияти бўйича бирча терилар қуйидагиларга бўлинади.

1. Кучли ипаксимон.
2. Ипаксимон.
3. Ипаксимонлиги етарли эмас.
4. Дағал.
5. Қуруқ.

1. Кучли ипаксимон. Жун қопламини ушлаб кўрганда қўлга яхши шойи атлас матони ушлагандек бўлиб туюлади. Жун қопламининг кучли ипаксимонлиги қоракўл терилар учун энг яхши хусусият бири ҳисобланиб, унинг толалари сифатли ярим доира меъёрли қалам гуллар ҳосил бўлиши учун зарур бўлган яхши эгилувчанликка ҳам эгадир. Кучли ипаксимонлик хусусияти толаларнинг ялтироқлиги, меъёрдаги тезликда ўсиши, гулларнинг

ингичкалиги ва жингалакланиши каби хусусиятлари билан боғлангандир. Кучли ипаксимонлик кўпинча ясси барра гуруҳидаги етакчи нав териларга хосдир.

Ипаксимон – Жун қопламини ушлаб кўрганда қўлга шойи атлас матони ушлагандек майин туюлади.

Одатда ўта ипаксимон толалар, нормал ипаксимон толаларга нисбатан ингичкароқ бўлиб, кучли ялтироқликка ҳам эгадир. Бироқ толаларнинг нормал ҳолатдан майинлик томонига қараб оғиши толаларнинг жингалакланиши ва гулнинг маҳкамлиги учун зарур бўлган эгилувчанлик хусусиятининг пасайишига олиб келади.

Ипаксимонлиги етарли эмас – Жун қопламидаги толалар меъёрли ипаксимонлик даражасидан дағал, қуруқ ёки сўлғин даражага қараб окқан бўлади. Бундай толаларнинг ялтироқлиги одатда бир оз сусайган ёки озгина шишасимондир. Ипаксимонлиги етарли бўлмаган толалардан сифати паст гуллар ҳосил бўлади. Жун қопламининг ипаксимонлиги етарли даражада бўлмаган терилар биринчи навларга киритилмайди. Бундай ипаксимонлик асосан иккинчи навларга ва дурагай қўзиларнинг териларига хосдир.

Ипаксимонлиги дағал. Жун қопламининг таркибидаги толалар ўзларининг йўғонлиги, дағаллиги ва кам эгилувчанлиги билан ажралиб туради. Қўл билан ушлаб кўрганда қўлга худди дағал жундан тўқилган мовитнинг чиқиб турган патларига ўхшаб урилади. Дағал толаларнинг жингалакланиш даражаси ҳам етарли бўлмайди, лекин жунлари қаттиқ бўлганлиги сабабли гуллари ўз шаклини унча ёмон сақламайди. Дағал толаларнинг ялтироқлиги кўпинча шишасимон, баъзан етарли бўлмай, айримларида умуман ялтироқсиз. Дағал толалардан сифати паст гуллар, кўпинча кенг ёл гуллар ва шаклсиз гуллар ҳосил бўлади.

Қуруқ ипаксимон – Жун қопламининг таркибида толалар ингичка ва ўртача йўғонликка эга бўлиб, анча дағал ва кам эгилувчан бўлади.

Қўл билан ушлаб кўрганда куруқлиги сезилиб туради, ундан ўзига хос, жуда паст ва аниқ шитирлаган овоз чиқади. Куруқ толалар хира ёки шишасимон ялтироқ бўлиши мумкин.

Куруқ толаларнинг жингалакланиш даражаси ҳам суст бўлиб, жингалакланганда ҳам тартибсиз равишда бўлади. Толаларнинг куруқ ва каттик бўлганлиги сабабли, нуқсон ҳисобланадиган гуллар ҳам ўз шаклини яхши сақлаб тураолади. Жун қоплами куруқ бўлган кўзилар ва терилар паст синф ва навларга киритилади. Куруқ толалардан кўпинча майда гул, қисман ўрта гул ҳосил бўлади.

Ўта куруқ толаларга қуюқ толалар дейилади. Қуюқ толалар хира кўринишли, деярли жингалаксиз, синувчан ва тез узилувчан бўлади.

Жун қопламининг ялтироқлиги. Қоракўл терилар жун қопламининг ялтироқлик даражаси беш хил бўлади. 1.Меъёрли ялтироқ. 2.Кучли ялтироқ. 3.Ялтироқлиги етарли эмас. 4.Шишасимон ялтироқ. 5.Хира ялтироқли ёки ялтироқсиз.

Меъёрли ялтироқ. Бу хилдаги бошқа ялтироқликлардан кўра кўпроқ қоракўлтериларга хосдир. Ялтираш етарли даражада кучли ва бир текис бўлиб, кўриниши сифатли шойи атласнинг ялтирашига ўхшаб кетади. Меъёрли ялтироқликдаги териларнинг толалари кўпинча меъёрли ипаксимон, қайишқоқ, яхши жингалакланган бўлиб, қимматли гуллар ҳосил қилади.

Кучли ялтироқ. Кўринишидан атласнинг ялтирашига ўхшайди ёки жун қопламига мой суртилгандек бўлиб кўринади. Кучли ялтироқлик терининг чиройига чирой қўшади. Аммо, лекин кучли ялтироқлик кўпинча гулларнинг маҳкамлигини, қайишқоқлигини ва жингалакланиш даражасини сусайтирувчи ўта ипаксимонлик билан боғлиқдир.

Кучли ялтироқ териларнинг жун толалари ҳар доим ҳам ўта ипаксимон ва гулларининг маҳкамлиги суст бўлавермайди. Баъзан кучли ялтироқ терилар ҳам меъёрдаги тузилишига эга бўлган қимматли мустаҳкам гуллар билан қорежаған бўлади. Бундай терилар жуда чиройли бўлиб, юқори баҳоланади.

Ялтироқлиги етарли эмас. Меъёрмаги ялтироқликнинг бир оз сусайиши натижасида вужудга келади, бундай ялтироқлик даражасининг пасайиши ипаксимонлиги етарли бўлмаган жун қоплами билан узвий боғлиқ. Баъзан жун қоплами курукроқ ёки дағалроқ бўлиши ҳам мумкин. Жун қоплами етарсиз даражада ялтироқ бўлмаслиги дурагай қоракўл кўзиларда, шунингдек, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида урчитиладиган соқол, ришетилов, малич ва бошқа кўй зотларининг кўзиларида учрайди.

Шишасимон ялтироқ. Алоҳида турдаги кучли ялтироқлик ҳисобланиб, унинг ялтираши майдаланган шиша бўлакларининг ялтирашига ўхшаб нотекис ва учқунсимон бўлади. Шишасимон ялтироқлик жуда ҳам ўткир ва кўзга ёқимсиз. У терини дағал қилиб кўрсатади ва дағал ипаксимонлик билан алоқадордир. Шишасимон ялтироқлик кўпинча кенг ёл гул, баланд ялоқ гул ва шаклсиз гулларнинг кигизланган турларида учрайди.

Бундай ялтироқлик асосан учинчи навли териларга ва паст синфдаги кўзиларга, шунингдек, кўпол конституцияли йирик гулли кўзиларга хосдир. Жун қоплами бир оз шишасимон ялтироқликка эга бўлган йирик гулли кўзиларни иккинчи синфга, уларнинг терилари эса, иккинчи назарга киритилади.

Шишасимон ялтироқлик кўпинча дурагай кўзиларда ва думбали кўйларнинг кўзиларида учрайди. Бундай ялтироқлик дурагай териларининг ўзига хос белгиларидан биридир.

Хира ялтироқли ёки ялтироқсиз. Жун қоплами ялтироқлик даражасининг сусайишидаги энг сўнгги босқич бўлиб, кўриниши хира ёки умуман ялтироқсиз бўлади. Жун толаларининг ялтироқсизлиги терининг чиройини пасайтиради, хусини бузади. Теридаги расмнинг ҳар қандай кўринишини нурсизлантириб кўрсатади. Қоракўл терилар жун қопламининг хира ялтироқликка эга бўлишлиги кўпинча жун толаларининг куруқлигига олиб келади.

Жун қоплами хира, ялтироқсиз кўрсаткичи майда гулли, нўхат, парма шаклсиз гулли кўзиларда кўп учрайди. Териси бундай ялтироқликка эга бўлган кўзилар яроқсиз фарқсиз қилинади.

Қоракўл терининг топографияси. (юза қисмлари) Қоракўл терининг турли қисмларида, унинг товарлик хусусиятлари ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам қоракўл териларни таърифлаганда, уларни топография қисмларига бўлиб таърифлаш қабул қилинган.

Қоракўл терилар қуйидаги 12 та топографик қисмларга бўлинади:

1. Сағри (думғаза усти). Терининг энг қимматли қисми ҳисобланади. Унинг бу жойида бошқа қисмларидагига нисбатан жун толалари қисқа: қалам гуллари узун, мустаҳкам, гул оралари яхши ифодаланган бўлади.

2. Орқа қирра. Бунга бел, орқа ва елка қирра қисмлари кириб, бу жойларда ҳам терининг барча хусусиятлари яхши ифодаланган.

Аммо, бу гуллар терининг сағри қисмидаги гулларга нисбатан бир оз пастроқ сифатга эга.

Айниқса, терининг елка устидаги гуллар сағрисидаги гуллардан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилади.

3. Ёнбошлари. Сатҳининг кенглиги жиҳатидан терининг асосий қисмини ташкил қилади. Бу жойлардаги гуллар сифати бўйича сағри ва орқа қиррадаги гулларга яқинроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Одатда терининг ёнбошларидаги гуллар сағри, орқа қиррадаги гулларга нисбатан бўшроқ бўлади.

4. Бўйин қисми, жунлари узун бўлганлиги учун гуллари кўпинча бўш ва тарқоқдир.

5. Бош. Ундаги жунлар камдан-кам ҳолларда тўлиқ жингалак ҳосил қилади. Кўпинча кўзининг бош қисми эндигина жингалакланиб келаётган толалардан вужудга келган мухайяр шакллар билан қорежаған бўлади. Баъзи кўзиларнинг, айниқса, дурагай кўзиларнинг боши жингалакланмаган, силлиқ жун толалари билан қорежағандир.

6. Қорин ости. Терининг четлари ҳисобланади. Терининг бу қисмларидаги гулларнинг сифати, унинг ёнбошларидаги гулларга нисбатан паст, аммо қорин остидаги гуллар қанча кўп ва сифатли бўлса, терининг қиммати шунча ошади.

7. Думба усти. Терининг бу қисми, думғаза асосидан, дум устидаги ёғсиз курук ўсимтасигача бўлган жойни ташкил этади. Одатда думба териси сифати пастроқ гуллар билан қорежаған бўлади ва баъзан курук ёни дағал толалар билан аралашиб келади.

8. Думнинг ёғсиз, ўсимта қисми. – Кўпинча дағалроқ ва курук жун толалари билан қорежаған бўлиб, улар деярли гул ҳосил қилмайди. Терининг бу қисми бевосита мўйналик аҳамиятига эга эмас, лекин унинг мавжудлиги қоракўл терининг асл зотлилигини билдирувчи белгидир.

9. Кейинги оёқлар. Жингалакланган ёки мухайяр расмлар ҳосил қилган жун толалари билан қорежаған бўлиши мумкин.

10. Олдинги оёқлари. Жингалакланган ёки мухайяр шакллар ҳосил қилган толалар билан қорежағандир. Баъзан оёқларнинг тиззадан пастки қисми, айрим териларда тиззадан юқори қисми ҳам силлиқ жун билан қорежаған бўлиши мумкин.

11. Қўлтиқ ва чот. Жуда сийрак ва силлиқ жун билан қорежаған бўлади. Баъзан бу қисмларида жун деярли бўлмайди. Терининг бу қисми ҳеч қандай мўйналик аҳамиятга эга эмас.

12. Туёқ олди. Терининг бу қисми олдинги ва кейинги оёқларининг учи ҳисобланади. Бу жойларнинг териси шилиб олиниш вақтида, туёққа тақаб кесилиши лозим.

Қоракўл териларининг расми ва унинг аниқлиги. Қоракўл териларнинг расми деб, тери юзасини қоплаган толалар ва гулларнинг бири-бирига нисбатан маълум тартиб билан жойлашиб, умумий кўринишга эга бўлган бир бутун нақш ҳосил қилишга айтилади. Қоракўл териларнинг расми, асосан, қалам гул ва ёл гулларнинг бири-бирига нисбатан маълум тартиб билан жойлашувидан ҳосил бўлади. Қоракўлча териларда эса, қисқа

жун толаларининг турли томонга қараб жойлашуvidан ҳосил бўлган дастлабки гул шакллариининг ўзаро бирикуvidан муҳайяр расм вужудга келади. Қоракўл териларнинг расми, терилардаги барча ижобий хусусиятларни акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг ҳосил бўлишида гулларнинг тури, шакли, гулларнинг узунлиги ва уларнинг тери юзасида бири-бирига нисбатан жойлашиш тартиби, гуллар оралиғининг кенглиги, гулларнинг мустаҳкамлиги ва жингалакланиш даражаси катта аҳамиятга эга. Айниқса қалам ва ёл гулларининг узунлиги тери расмининг чиройига чирой кўшади.

Эни катта ва узунлиги калта гуллардан айтарлик чиройли расм ҳосил бўлмайди, шунингдек, шаклсиз, ялоқ, парма гуллар, бўш ҳалқа ва нўхат каби гуллардан ҳам расм ҳосил бўлмайди.

Гулларни ҳосил қилган расмининг ёки нақшнинг аниқлиги жуда катта аҳамиятга эга. Чунки терининг умумий расми етарли даражада аниқ бўлгандагина, ундаги гулларнинг қандай тартибда жойлашганлигини билиш мумкин. Аксинча, гуллар ҳосил қилган расм ноаниқ бўлганда, ундаги гулларнинг қандай тартибда жойлашганлиги ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Қоракўл терилар расмининг аниқлигига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Расми аниқ; 2. Расмининг аниқлиги етарли эмас; 3. Расми ноаниқ.

Биринчи навли териларда расми аниқ, кейингиларда эса, ноаниқ бўлади.

Қоракўл терисининг қалинлиги. Қоракўл териларнинг қалинлиги – уларнинг наслчилик ва товар қимматини белгилайди. Юпқа ва катта теридан енгил ва катта ҳажмли кийим-кечаклар тикилса, қалин ва кичик ҳажмли терилардан эса, оз миқдорда оғир ва қўпол буюмлар тикилади.

Қоракўл қўзилар терисининг қалинлиги бонитировка вақтида кўз билан чамалаб, ёки махсус (қалинликни ўлчайдиган) асбоб ёрдамида, ёки қоракўл терининг жун қоплами юзасини ичкарига букиб қатлаш орқали аниқланади. Кейинги усулда хатога йўл қўймаслик учун, терининг икки уч жойидан бош ва кўрсаткич бармоқлар билан қаттиқ қисиш йўли билан тери қалинлиги

аниқланади. Терининг қалин уч гуруҳга бўлиб ўрганилади: 1.Юпқа; 2. Қалинлашган; 3. Қалин.

Қўзилар терисининг қалинлиги ўлчов асбоблари ёрдамида аниқланадиган бўлса, қўзининг устидаги тери икки букилган ҳолда ўлчанади. Ўлчов натижаси миллиметрнинг ўндан бир бўлагига аниқликда ёзилади. Бундан ташқари, қорақўл терининг қалинлиги тирик қўзидан биопсия йўли билан (маълум бир қисмидан) кесиб олинган, тери парчасини микроскоп ёрдамида ўлчаб кўриш йўли билан ҳам аниқланади. Бу усул вақт талаб этувчи аниқ ўлчов бўлиб, терининг қалинлиги микрометрларда ифодаланади.

Қорақўл терилар сатҳининг кенглиги. 1995 йилдан бошлаб амалга оширилган 641 – 95 давлат андозасига мувофиқ, тузлаб қурилган териларнинг сатҳи 1400 см² дан ортиқ бўлганлари катта, 900 см² дан ортиқ 1400 см² гача бўлганлари ўрта ва 500 см² дан 900 см² гача бўлганлари майда терилар гуруҳига киритилиб, улар учун алоҳида харид нархи белгиланган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида терининг сатҳ кенглигига аҳамият берилган ҳолда, уларнинг харид нархи, шартнома асосида белгиланади.

Қорақўл терилар сатҳининг кенглиги икки хил ҳолатда ҳисобга олинади: 1. Терининг умумий (ҳақиқий) майдони.

2. Терининг андоза (стандарт) майдони.

Терининг умумий майдони деб теридаги барча қисмлар терисининг майдони тушунилади.

Терининг андоза майдони деб амалдаги давлат андозасига мувофиқ унинг бўйин асосидан дум асосигача узунлигини терининг ўрта қисми эни ўлчовларнинг кўпайтмасига айтилади.

Терининг андоза майдонига унинг бош, бўйин, оёқ ва дум қисмлари кирмайди. Шунинг учун терининг андоза майдони, унинг ҳақиқий майдонидан 30-35 % кам бўлади. Бу майдонларнинг деярли ҳамма қисми, қўлтиқларнинг терисидан ташқари кийим-кечак тикишда фойдаланилади. Қорақўл терилар сатҳининг майдони янги шилиб олинган, тузлаб

куритилган, тузламасдан куритилган, ошланган, ийланган ва бўялган ҳолатларда ўлчанади.

ХII. боб. Қоракўл қўйларидан олинадиган тери маҳсулотлари.

Тери турлари, хиллари ва табакаланиши.

Териларга бирламчи ишлов бериш.

Хозирги кунда халқимизнинг кенг истеъмол молларига хусусан тери жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларга бўлган талабининг ошиб бораётганлиги, уларга сифатли ишлов бериш жараёнларига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Тери хомашёсини тайёрлаш билан ширкат, фермер ва шахсий дехкон хўжаликлари, акционерлик уюшмалари ва бошқа тоифадаги хўжаликлар шуғулланади.

Тайёрлов стандартлари, олиниш манбаларига ва вазнига қараб барча турдаги тери хомашёси асосий уч гуруҳга бўлинади: майда, йирик ва чўчка терилари.

Майда терилар гуруҳига бузоқ, тойчоқ ва буталоқлардан (агар янги шилинган ҳолдаги вазни 10 кг гача бўлса) олинган шунингдек қўй ва эчкилардан олинган терилар киритилади.

Қўй терилари ўз навбатида тола қопламининг сифатига ва ишлатилиш мақсадига қараб учга яъни мўйнабоп, пўстинбоп ва чармбоп териларга бўлинади. Катта ёшли қоракўл қўйларнинг терилари асосан пўстинбоп дашт қўй терилари жумласига киритилади. Жуни яқинда қирқилган тола узунлиги 2,5 см дан калта бўлган қўй терилари чармбоп тери, жуни 2,5-6,0 см бўлганлари калта жунли ва жунининг узунлиги 6 см дан узун бўлганлари узун жунли тери ҳисобланади.

Пўстинбоп дашт қўйи терилари анча йирик бўлиб сатҳи ўртача 70-80 дм квадратни ташкил қилади. Бу терилар орасида қоракўл қўйларининг

териси энг сифатли ва чидамлиларидан бири ҳисобланади. Улардан олинган тасманинг узилиш чидамлилиги тахминан 12-13 кгс ташкил этади.

Териларнинг сифатига қўйларни сўйиш муддатлари катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун қўйларнинг эрта баҳорги қишлоvdан қийналиб чиққандаги жун қопламида туллаш бошланганлиги учун терилар юпқалашади, нозиклашади, узулишга чидамлилиги пасаяди оқибатда паст сифатли бўлиб қолади. Жун қопламидаги ёғли-тер миқдори энг кўп тивит салмоғи энг юқори бўлади, бу эса пўстинбоп тери бўлишига хос ҳолатдир.

Қўйлар яйлов ўтларидан тўйиб семира бошлагач уларнинг териси ўзилишга анча чидамли, анча қайишқоқ бўлади, сифати яхшиланади. Июл ойида олинган терилар биринчи сўйим терилар деб аталади. Бу терилар анча сифатли бўлишига қарамасдан куз фаслида олинган терилар даражасида бўлмайди.

Сентябр - октябр ойларида олинган терилар иккинчи сўйим терилар деб аталади. Бу терилар энг сифатли бўлиб, кузги қирқимдан кейин олиниб териси анча қалин, дағал шу билан бирга мағзи бироз бўшлиги билан ажралади ундаги ёғ миқдори кўпайган бўлади.

Декабр-феврал ойида олинган терилар учинчи сўйим терилар деб аталади. Тери тўқимаси сийрак ва бўш жун қоплами узун ва сертивитлилиги учун улар пўстин тикиш учун қимматли хомашё бўлиб чарм тайёрлаш учун унчалик яхши эмас.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики сифатли тери хомашёсини тайёрлашда қўйларни суйиш мавсуми муҳим аҳамият касб этар экан.

Амалдаги тайёрлов стандартларининг талабларига жавоб бера оладиган юқори сифатли тери хомашёсини етиштириш, қўйлар сўйимини тери сифати яхши бўлган муддатларда ўтказиш, янги шилинган териларга кўнгилдагидек ишлов бериш, консерваланган териларни ҳаридорга сотилгунича авайлаб сақлаш лозим бўлади.

Қўй терисини шилиб олиш. Бўғизланган қўйнинг қони оқиб бўлгач аввало уларнинг боши танасидан кесиб олинади. Агар сўйилган мол ёшроқ бўлса уларнинг териси осонроқ ажралиш учун орқа оёқ ичкарисидан тери остига компрессорлар ёрдамида 0,2-0,8 атмосфера босимида ҳаво юборилади ва ҳаво тананинг барча қисмларига бориб етгач, яъни бўғизланган жойдан чиқа бошлагач бу жараён тўхтатилади. Катта ёшли қўйлар сўйилганда айниқса бу иш кушхоналарда ёки гўшт комбинатларида амалга оширилганда қўйлар териси остига ҳаво юборилмайди. Сўнгра қўйнинг бўйин ости, тушининг қоқ ўрталиғи қориннинг ўрталиғи бўйлаб то орқа чиқариш тешигигача пичоқ учи билан тилинади, олдинги оёқнинг тизза буғини, орқа оёқнинг сакраш бўғини териси айлантирилиб кесилади ва оёқларнинг ички томони бўйлаб пичоқ учи билан тилиниб териси кесилган жой билан танадаги марказий тилик туташтирилади. Тананинг марказий тилиги пичоқ билан думба остигача давом эттирилиб думбанинг жунсиз остки юзаси айлантириб тилиб чиқилади. Терини шилиб олиш гавдани орқа оёғидан осиб қўйган ёки махсус стол устига ётқизилган ҳолда амалга оширилади. Қўй териси юпқа ва нозик бўлганлиги туфайли эҳтиётлик билан тешиб ёки йиртиб қўймасдан авайлаб шилиб олиш талаб этилади. Кейинги пайтларда қўй терисини механизмлар ёрдамида шилиб олиш кенг қўлланилмоқда. Бунда териси қийин ажраладиган жойлар айниқса думба терилари, марказий тилик атрофлари пичоқ ёрдамида ажратилиб ундан кейин тери шилиш механизми ёрдамида шилиб олишга ўтилади. Тўғри шилиб олинган тери тилинмаган, тешилган бўлмаслиги бир томонга кўпроқ эгри қилиб кесилмаган, мушак ва ёғ қолдиқларисиз бўлиши керак.

Қўй териларини узок муддатли сақлаш технологияси. Терини узок муддатли сақлашга тайёрлаш жараёни териларни бирма-бир кўздан кечириш, жун қоплами ва гўштпарда томонини ёт нарсалардан тозалаш, гўштпарда томонидаги мушак ва ёғ қолдиқларини қириб олиш, баъзан тоза совуқ сув билан ювиб уларни совўтиш каби ишларни ўз ичига олади.

Терини ёт нарсалардан тозалашдан мақсад гўштпарда томонида қолиб кетган йирик мушак ва ёғ қолдиқларини шилиб олиш, тоғай ва пай қолдиқларидан, жун қопламига ёпишиб қолган ахлат ва қон тугунларидан тозалаб терини енгиллаштириш ва сифатли консерваланишга тайёрлашдир. Бу нарсалардан тозаланмаган териларнинг мағз қаватига консервантлар (асосан туз эритмаси) кириши қийинлашади ва ундаги зарарли микроорганизмларнинг ўта кўпайиб кетишига қулай шароит яратилади. Бундан ташқари ёт нарсалар эвазига оғирлигининг сунъий кўпайиши туфайли тери қабул қилиш жараёнида қабул қилувчи билан тери эгаси ўртасида ҳар хил келишилмовчиликлар баҳс мунозаралар келиб чиқади.

Гўшт комбинатларида ёки кушхоналарда териларни ёт нарсалардан, ифлосликлардан тозалаш мақсадида сўйим олдидан ҳайвонларнинг маълум босим остида пуркалувчи сув билан ивитиб ювишдан бошланади. Янги шилинган териларни ифлосликлардан тозалашни қўлда бажариш қийин ва кўп меҳнат талаб қилганлиги учун тозалаш қурилмалари (станоклар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун айланиш тезлиги камайтирилган тозалаш (қирғич) валлари ва ўтмас пичоқлар ўрнатилган ММ-4, ММ-3, ММ-200 маркали қирғич машиналаридан фойдаланилади. Жун қопламада ифлосликлари мавжуд яхши ивитилган терилар қирғич машиналаридан ўтказилгач бутунлай тоза бўлади.

Гўштпарда томонида мушак ва ёғ қолдиқларининг бўлиши янги шилинган қўй терисининг тозаланиши ва кўришини ўта чўзиб юборади. С. А. Каспарьянц ва М.С.Люксембургларнинг (1971) маълумотларига қура гўштпарда томони мушак ва ёғ қолдиқларидан тозаланган ва тузланган териларда 24 соат давомида ажраладиган сув миқдори гўштпарда томони тозаланмасдан тузланган териларда 96 соат давомида ажралар экан. Туздан чиқариб қуритилганда териларнинг майдони текис қуримайди яъни терининг ёғ ва мушак қолдиқлари қолган майдонлари қуримасдан қолади, ёғнинг паст ҳароратда эрийдиган қисми қуритиш жараёнида майда зарраларга айланиб тери тўқимасининг ичига киради ва ретикуляр (тўр)

каватининг қисмларини ўраб олади.Қуритиш жараёни яна ҳам давом эттирилса тўйинмаган ёғ кислоталари ва уларнинг оксидланган ҳосилалари таъсирида тери қатламларида қайта тиклаб бўлмайдиган кўнгилсиз жараёнлар юзага келади. Саноат ишлови беришда бундай териларнинг майдони бир текис ивимайди чунки ёғ ва гўшт қолдиқлари бўлган майдонлар қисман ивимайди.

Йирик гўшт комбинатларида терининг гўштпарда томонини ёғ ва гўшт қолдиқларидан тозалаш ММ-3, ММ-4, ММ маркадаги қирғич машиналарида, ЛСК, АСВ, ЛСВ-47 маркали рандалаш машиналарида амалга оширилади.

Хўжаликлар шароитида терини икки учиди ушлагичи бўлган қирғичлар ёрдамида қўлда тозаланади. Бунда қирғич шундай қияликда ушланиши лозимки у терининг тўр қаватини кесиб жун толалари илдизини очиб ташламасдан факат гўштпарда томони гўшт ва ёғ қолдиқларидан тозаланиши керак.

Қўй териларини тузлаш. Узоқ муддат давомида янги шилинган ҳайвонлар териси ош тузи билан тузланиб (консерваланиб) келинмоқда. Териларни тузлашдан мақсад ош тузи ёрдамида тери тўқимасидаги намликни камайтириш, осмотик босимни ошириш ва зарарли микроорганизмлар яшаб кўпайиши учун ноқулай муҳит яратишдир. Бундан ташқари С. А. Каспарьянц ва М.С.Люксембургларнинг (1971) кўрсатишларича тузланиш жараёнида эрувчи оксил моддаларининг ажралиб ташқарига чиқиши эвазига терининг тола кўринишдаги таркибий қисмлари анча тозаланади, бу эса уларга саноат ишлови беришини енгиллаштиради.

Терини тузлаш учун қуруқ йириклиги 2 даражадаги (2 помоль) ош тузидан фойдаланиш лозим, чунки майда заррали сернам туз ишлитилганда улар сал вақт ичида бирикиб йириклашиб қолади ва эриб тери мағзига сингиб кетиши қийинлашади. Шу туфайли ҳам тузлаш учун фойдаланишга мўлжалланган ош тузининг намлиги кўпи билан 5 % гача бўлиши мумкин, бунинг учун тузлар ҳавонинг нисбий намлиги кўпи билан 75 % гача бўлган қуруқ омборхоналарда сақланиши лозим. Ишлатиладиган туз таркибида

натрий хлор аралашмаси 1,0 фоизгача, кальций ва магний сульфати аралашмаси 1,5 фоизгача бўлишига рухсат этиладн,

Тери бузилмасдан сифатли тузланиши учун антисептик қобилятга эга бўлган моддаларни туз билан биргаликда ишлатиш яхши натижалар бериши амалиётда исботланган. Антисептик қобилятли моддалардан парадихлоробензол, нафталин ва кремнифторли натрийларни ишлатиш яхши самара беради.

Терини тозалаш жараёнида терига сепилган туз вазниинг 2,4 % микдорида парадихлоробензол ва тери вазнининг 0,5-0,7 % микдорида кремнифторли натрий ишатилади. Терини тузлашда 100:3:2 нисбатидагн ош тузи, сода ва парадихлоробензол аралашмасидан фойдаланиш тузланган териларда чириш жараёнининг ҳамда тузланиш доғларининг пайдо бўлмаслигини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг янги шилинган терилари таркибида ўртача 66-67 фоиз сув бўлади ва бундай серсув илиқ муҳит зарарли, тери бузилишга сабаб бўлувчи микроорганизмларнинг жадал суръатлар билан кўпайиши учун жуда қулай шароитдир. Бунинг олдини олиш учун терилар консерваланади яъни узокмуддатли сақлашга тайёрланади. Тери тўқимасига нейтрал тузлар эритмасини сингдириш йўли билан у ердаги осмотик босимнн ошириш ва оксилли элементларнинг физик--кимёвий ҳолатини ўзгартириш имкони туғилади. Тўқимадаги бактериал (қулай ҳарорат +25+30° С) ва парчаланиш (қўлай ҳарорат +37 +40°С) жараёнларига муҳит ҳарорати ҳам катта таъсир қилади. Муҳит ҳароратини ва тери тўқимаси ҳароратини пасайтириш йўли билан бактерия ва микроорганизмларнинг кўпайишини тўқима элементларининг парчаланиш жараёнини секинлаштириш ёки бутунлай тўхтатиш ҳам мумкин.

Териларни тузлаш жараёни кўйидаги хилларда бўлади. Териларни ёзилган ҳолда тузлаб нам ҳолда сақлаш, “тузлик” усулида тузлаш ва тузлаб қуриштиш.

а) Териларни ёзилган ҳолда тузлаб нам ҳолда сақлаш- янги шилиниб гўштпарда томони гўшт, ёғ, пай, тоғай, қолдиқларидан тозаланиб меъёрида совутилган қўй териси махсус пиллапоялар устига гўштпарда томони юқорига қилиниб текислаб ёзилади ва унга ош тузи бир хил калинликда сепиб чнқилади. Тери тўқимаси калин жойларга кўпроқ сепилади. Бир терини тузлаш учун кетадиган туз миқдори янги шилинган тери вазнининг ўртача 50% ни ташкил қилади. Тузланувчи тери остига қўйиладиган ёғоч пиллапоялар ердан тахминан 15-20 см баландликда бўлиб тузланиш жараёнида теридан ажралувчи суюқликнинг пастга оқиб кетиши учун улар икки томонга қаратилган ҳолатда сал қия ҳолатда ясалади.

С.А. Каспарьянцнинг (1971) маълумотиға кўрсатишларича ҳаво ҳарорати +20°C бўлган лаборатория шароитида тузлашнинг дастлабки 24 соатидан кейин теридан суюқлик ажралиши тўхтади. Хўжалик шароитида териларнинг тузланиши 4-7 кун давом этади.

Одатда қўй ва эчки териларининг тузланиши 3-4 кунда тугалланади. Маромида тузланган лекин қуритилмаган терилар улар вазнининг 45-47 % ни сув ва 14-15 % ни ош тузи ташкил қилади. Янги шилинган терилар тузланиш жараёнида таркибидаги намликнинг 40 % ини йўқотади.

б) “Тузлуқ” усулида тузлаш – янги шилинган терилар ёт нарсалардан, гўшт ва ёғ қолдиқларидан тозаланади, тоза сув билан ювилиб, маълум вақт давомида ювишдан қолган сувлар оқизилгач уларнинг вазни аниқланади, Сўнгра бу терилар суюқлик коэффиценти 2,5-4,0 га тенг бўлган, яъни тери вазнидан 2,5-4,0 борабар кўп миқдордаги қуюқ ош тузи эритмасига ташланади.

Тузланиш давомида тузловчи эритманинг ҳар бир литрига 250-270 гр ош тузи тўғри келиши, муҳит ҳарорати эса +15 +18 ° С атрофида бўлиши талаб этилади. “Тузлуқ” усули икки хил тартибда ўтказилиши мумкин, яъни олдин қуруқ туз билан тузлаб, кейин “тузлуқ” усулини қўллаш, олдин “тузлуқ” усулини қўллаб кейин қуруқ туз билан тузлаш.

“Тузлуқ” усули билан териларни тузлашни кичик сунъий хавзаларда, баркасларда, кўтармали барабанларда амалга ошириш мумкин. Тузланиш жараёнида терилар вақти-вақти билан аралаштирилиб турилиши, тери мағзидан ажралувчи шира ҳисобига, суюлган тузловчи эритмага кераклича куруқ туз қўшиб турилиши керак бўлади.

Териларни ёзиб куруқ туз билан тузланганда туз эритмаси тери тўқимасига фақат гўштпарда томонидан сингса, “тузлуқ” усулида эса туз эритмаси гўштпарда ва жун қоплами томонидан сингади. Натижада териниинг бутун майдони текис ва анча тез тузланиб бўлади. Агар “тузлуқ” эритмасининг ҳарорати кўтарилса тузланиш жараёни ҳам тезлашади 6-7 соат давомида 40°C ҳароратли “тузлик” эритмасида тузлаб, ундан кейин 2 кун давомида куруқ туз билан тузланган қорамош териси яхши тузланган.

“Тузлуқ” усулининг асосий камчилиги терини тузлашга кетадиган туз сарфининг тахминан 1,5 баробарга кўплигидир, лекин сарфланадиган туз вазнининг 1 фоизи миқдорида антисептик хусусиятли кремнефторли натрий кўкуни тузлуқ эритмасига қўшилса ва яна куруқ туз қўшиш йўли билан эритма кучи меёрида ушлаб турилса бу эритмадан бир неча маротаба фойдаланиш эвазига туз сарфини кескин камайтириш мумкин. Кремнефторли натрий қўшилган тузлуқ эритмасидан бемалол 5 маротабагача фойдаланиш мумкин. Антисептик моддалар қўшилган тузлуқда тузланган терилар нисбатан узоқ вақт давомида бузулмасдан сақланади, микроорганизмлар ва бактериялар таъсирида пайдо бўлувчи бузулишларнинг олди олинади.

в) Тузлаб қуриштиш – янги шилинган териларнинг гўштпарда томонига туз сепилиб тузланади сўнгра қуриштилади. Қуриштиш олдидан тузлаш бу қуриштиш жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, ундан мақсад тери мағзидаги сув миқдорини камайтириш йўли билан уни секин қуриштишга тайёрлашдир. Бу усулнинг асосий камчилиги сернам муҳитда сақланувчи териларнинг намиқиб қолишидадир.

в) Тузламасдан қуриштиш усули – Тери тўқимасидаги сувни туз ишлатмасдан чиқариш, яъни иссиқ ҳарорат таъсирида қуриштишдир. Бу усул Ўрта Осиё шароитида деярли қўлланилмайди.

Териларни сақлаш. Узоқ муддатли сақлаш учун дастлабки ишлов берилган хом ашёини ҳаридор топилгунича ёки ишлов бериш корхоналарига бир маромда етказиб бериш учун териларни бузилмайдиган ва сифати пасаймайдиган ҳолда сақлаш талаб этилади.

Тузлаб қуритилмаган териларни нисбий намлиги 70-90%, ҳаво ҳарорати 1-12°C бўлган муҳитда сақлаш лозим.

Нисбий намлиги 70 % ундан кам бўлган муҳитда терилар тезда намлигини йўқотиб қолади, 92% ва ундан юқори бўлган намликдаги муҳитда тери намиқади тери тўқимасида бузилиш жараёнлари бошланади. Терилар шамол эсмайдиган, зах бўлмаган ер ости омборларида, ҳарорати +5°C га яқин бўлган муҳитда бузилмасдан узоқ муддатга сақланади. Ҳарорати +18°C гача бўлган муҳитда микроорганизмлар кўпаймайди, уларнинг тери тўқимасига кириши анча қийинлашади, +18°C дан юқори ҳароратда микроорганизмлар фаоллиги кескин ошади. Вақти-вақти билан сақланаётган тери уюмлари кўздан кечирилиб турилиши керак чунки қўй ва эчки терилари катламлари ичидаги ҳарорат кўтарилиб кетиши мумкин. Тери катламлари ичида ҳарорати 45-50°C гача етганда микроорганизмлар тез кўпаяди тери тўқимасида бузилиш бошланади.

Қоракўлчилик минтақаларида қўй ва эчки терилар асосан ёз ва куз фасларида олинади бу пайтларда бино ички ҳарорати 25° С ва ундан ҳам юқори бўлади. Бу шароитда тузлаб қуритилмаган териларни яхши сақлашда антисептик моддалардаи фойдаланишни унутмаслик керак. Шу мақсад йулида кремнефторли натрий, парадихлорбензол, нафталин, натрийнинг хлорфенолли тузларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг учун терига қўшимча сепишга мўлжалланган тузлар 0,5-1 % миқдорида ана шу антисептик моддалардан бирортаси аралаштирилади ва терига сепилади.

Уюмдаги териларни шамоллатиб қайта тахлаш ишлари ҳаво салқин пайтлари бажарилади.

Қуритилган териларни сақлашда атроф муҳитнинг намлиги муҳим аҳамият касб этади. Маромида тузлаб ва тузламасдан қуритилган териларда 15-20 % намлик бўлади. Шу туфайли ҳам муҳитнинг намлиги ўта юқори бўлганда (90 % ва ундан ҳам юқори) терилар намиқиб қолади. Айниқса зах биноларда тузлаб қуритилган териларни сақлаш хавфли чунки теридаги туз зарралари намни ўзига тортиб олиб эрийди натижада тери намиқиб чирий бошлайди. Тузламасдан қуритилган терилар ҳам бундай муҳитда намиқади, моғорлайди ва бузилади. Шу туфайли ҳам қуритилган терилар нисбий намлиги 60 % дан кам бўлмаган тоза ва қуруқ биноларда сақланиши лозим. Нисбий намлиги ўта кам бўлган муҳитда сақланган терилар тезда қовжираб қотади, уларин қайта тахлаш, хиллаш ва бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш пайтида синиб кетади. Қуритилган терилар тахта полда терилган ҳолда сақланади. Териш олдидан териларга ва уларнинг атрофларига парадихлорбензол натрий ва бошқа шу каби препаратлар (ҳар 100 дона тери учун 1-3 кг.дан) сепилади. Бир сўз билан айтганда тери сақланадиган бинода терихўр ҳашаротлар ва кемирувчилар пайдо бўлишининг олдини олиш керак. Қўй терилари тури ва сифатига қараб 8439-57, 6192-57, 1134-51 рақамли тайёрлов стандартлари бўйича хилланади.

Қоракўл териларига бирламчи ишлов бериш. Қоракўл терилари жаҳон мўйна бозорида харидори кўп хомашё бўлганлиги сабабли ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган турли тоифа хўжаликларда қоракўл териларига ишлов беришни намунали ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қоракўл қўзилари терисини сифатли ва нуқсонсиз қилиб етиштириш учун қўзиларни сўйиш ва бирламчи ишлов бериш жараёнларини марказлашган сўйим масканларида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Сўйим масканлари ҳар бир хўжаликда ташкил этилади.

Аксарият қорақўлчилик ширкат хўжаликларида қўзиларни сўйиш марказлашган сўйим масканларида ташкил этилган.

Қизилқум воҳасида жойлашган айрим хўжаликларда совлиқ сурувлари тарқоқ жойлашганлиги, бўлим марказлари хўжаликларнинг марказий сўйим масканидан узоқ бўлганлиги, транспорт харажатларининг, кескин ошиб кетганлиги ва йўлнинг оғирлиги туфайли қўзиларни сўйиш, терисига ишлов бериш даврга бўлиб ўтказилади, яъни қўзиларни сўйиб, терисини туздан чиқаришгача бўлиб ўтадиган жараёнлар ферма марказидаги сўйим масканида, териларни қуриштириш, тозалаш, навларга хиллаб, харидорга сотиш учун тайёрлаш эса хўжаликнинг марказий сўйим масканида ёки хом ашё омборида амалга оширилади.

Қорақўлга бирламчи ишлов бериш қўйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади: сўйимга мўлжалланган қўзиларни ажратиш, сўйимхонага келтирилган қўзиларни қабул қилиб олиш, қўзиларни сўйиш ва терисини шилиб олиш, янги шилинган териларни консервациялаш ва уларни қуриштириш тозалаш, тозаланган териларга дам бериш ва истеъмолчига сотишга тайёрлаш. Қўйида биз ана шу жараёнларни намунали ташкил қилиш тўғрисида сўз юритамиз.

Қорақўлчилик хўжаликларида янги туғилган қўчқорлар асосий сифат кўрсаткичлари бўйича наслчилик ишлари учун яроқсиз топилса, лекин териси нуқсонсиз бўлиб юқори нархларга сотилиш эҳтимоли бўлса улар сўйиш учун ажратилади. Шунингдек сўйиш марказига ўлик ва чала туғилган қўзилар, ўлиб қолган катта ёшдаги қорақўл терили қўзилар ҳам жўнатилади. Қўйида бўйича сурувнинг бош чўпони бонитёр билан биргаликда янги туғилган қўзиларнинг барчасини қўздан кечириб, ўстиришга қолдириладиган ва сўйишга жўнатиладиган қўзиларни аниқлайдилар.

Бунда янги туғилган қўзиларни қўздан кечириб сўйишга ажратувчи шахс ривожланиш даражаси кўнгилдагидек бўлган ва онасининг сутини тўйиб эмган, териси юқори сифатли бўлган қўчқорларни сўйиш учун ажратади. Майда, нимжон ва оч қўзилар 2-3 кун давомида оналари бағрида

колдирилиб, сўнгра сўйишга жўнатилади. Баъзан совлиқлар 2-3, хатто 4-5 кун давомида туға олмаганлиги туфайли она қорнидаги бола ўлиб қолади. Ҳидланади, тери мағзида бузилиш бошланиб, толалари тўкила бошлайди. Бундай ҳомилалар териси сурувнинг ўзида дарҳол шилиб олинади ва қуюқ туз эритмаси (ҳар литр сувга 300-350 г ош тузи эритилган сув) билан тўлдирилган сирли идишга 24-36 соат давомида ботириб қўйилади. Бунда эритмадаги юқори осмотик босим эвазига тери мағзи тезда сувсизланади ҳамда бузилиш жараёнлари ва тола тўкилиши дарҳол тўхтайди.

Чорвачиликда меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ҳисобга олмасдан, унга таянмасдан жорий қилиш мумкин эмас. Қоракўлчиликнинг асосий маҳсулоти қоракўл териси бўлганлиги боисдан ишлаб чиқаришнинг асосий сабабчилари бўлган сурув чўпонлари ўзлари етиштирган маҳсулот сифатидан моддий манфаатдор бўлишларига эришиш давр тақозосидир.

Насллик сурувларидан сўйишга жўнатилган қўзиларнинг қулоғи терисига сурув ва насллик қўчқор белгиси кўрсатилган клёнка парчаси тикилади, оддий совлиқ сурувларидан юборилганда эса қулоғи терисига фақат сурув белгиси кўрсатилган клеёнка парчаси тикилади. Ҳар бир сурув сўйишга жўнатиладиган қўзилари учун 4 нусхада 7-К шаклдаги йўл варақаси тулғазади.

Ҳўжаликларда тайёрланган қоракўл териларнинг нуқсонсиз бўлиш учун иложи борича қўзиларини марказлашган сўйиш масканларида сўйилишини ташкил қилиш, агар сурувларда сўйиладиган бўлса бу ишни малакали махсус тайёргарликка эга бўлган ходимлар бажариши лозим бўлади.

Қоракўл терисини олиш учун олиб келинган қоракўл қўзилари авайлаб сўйилиши талаб этилади чунки салгина эҳтиётсизлик қоракўл териларида нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келади. Шу босидан ҳам қўзиларни сўйишга малакали суйимчиларни жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Сўйимчи кўзини кўлда сўйганда унинг кўкрак қисмидан иккала тиззаси орасига қисиб, кекирдаги бўртиб чиқиши учун чап кўли билан унинг пастки жағи тагидан ушлаб юқорига кўтаради ва ун қўлидаги ўткир пичок ёрдамида бўғизлайди, яъни кўзининг бўйинидан утувчи қон томирлари, қизилунгачи ва нафас йўллари (трахеясини) қирқади, конвейер линияда сўйганда эса бошини пастга босиб бўғизлайди. Яқин йилларга кўзилар бўйинидан кундалангига 5-7 см узунликда сўйилар эди, лекин ҳозир хўжаликларда кўзилар бўйин қисмидан узунасига сўйилмоқда, яъни бунда кўзилар бўйин қисми териси узунасига 5-9 см қилиб тилиниб очилади ва тери остидаги қон томирлари, нафас йўллари ва қизилунгач кундалангига кесилади. Бу йўл билан сўйилганда кўзи терисининг бўйин қисми торайиб кетмайди, баъзи нуксонларнинг олди олинади. Бўғизланган кўзилар қия қилиб ясалган стол устига қони оқиши учун бошини паст томонга қилиб ташлаб қўйилади. Столнинг қон оқадиган қия томони четига қонни йиғнаш учун усти очик металл қувурчалар ўрнатилади. Бу қувурлардан оқувчи қон ердаги бетон ариқчаларга тушади. Агар қонни йиғиб ундан кейинчалик қон уни тайёрлаш мўлжалланган бўлса у ҳолда қон оқувчи қувурча тагига махсус идишлар қўйиш лозим бўлади. Бўғизланган кўзилар ер сатҳидан 1,75-2 м баландликка ўрнатилган илгакларга бошини қилиб орқа оёғидан пастга осиб қўйилади. Бунда ҳам осилган кўзилар қонини йиғнаш учун 45-50 см, кенгликдаги усти очик қувурлар қия қилиб ўрнатилади. Одатда бўғизланган кўзининг қони 15-20 давомида оқиб тамом бўлади. Бўғизланган кўзининг терисини мутаносиб шаклда осон ва тез шилиб олиш учун тери остига ҳаво юборилади. Бунинг учун орқа оёғининг сакраш бўғини ички томонидаги териси 1,5-2 см узунликда тилинади ва шу тешикга ҳаво пуфловчи қурилма (компрессор) резина ичаги учига ўрнатилган металл қувурча тикилиб, тери остидаги 0,2-0,3 атмосфера босимидаги ҳаво юборилади. Ҳаво босимининг бундан ошиб кетиши тери мағзининг ёрилишига олиб келади.

М.Ж.Зокиров ва К.Ғ. Каримовлар (1987) тери остига ҳаво юборишида пуфловчи курилма резина ичагининг учига ўрнатилган юғон ветеринария игнасида фойдаланишини таклиф қилишган.

Тақир тери хомиланинг териси остига ҳаво юборилмайди, чунки уларнинг териси юпқа ва нозик бўлиб, юборилаётган ҳаво босимига чидам бера олмаслиги мумкин, уларнинг терисини осонлик билан шилиб олиш мумкин. Тери остига юбориладиган ҳавонинг қўзи танасининг барча қисмларига текис тарқалишига эриши лозим ва буғизланган жой териси остидан ҳаво пуфаклари ажралиб чиқа бошлагач ҳаво юбориш тўхтатилади.

Қорақўл терисининг мутаносиб шаклда бўлиши, нуксонсизлиги унинг тўғри тилинишига боғлиқ бўлади. Бунинг учун буғизланиб териси остига ҳаво юборилган қўзи стол устида оёқлари осмонга қаратилган ҳолда ётқизилиб пичоқ ёрдамида аввало буғизланган жойидан то орқа чиқарув тешигигача буйин ости, тўш, қорин ва орқа оёқлар ўртасидан асосий тилик ўтказилади орқа ва олд оёқлар туёғи устидан ички томони бўйлаб асосий тиликкача тилинади, думи ост томонидан гуллик тери чегараси бўйлаб айлантериб тилинади, дум ўсимтаси ост томонидан ўрта чизиғи бўйлаб тилинади.

Бу ишлар қилиб бўлингач терисини шилиб олишга киришилади. Бу иш бўғизланиб, тилинган қўзининг қорин қисмидан бошланади ва сўйимчи иложи борича бармоқлари ёрдамида ишлаши лозим бўлади. Пичоқ айрим ҳолатларда, яъни терининг мушаклардан, гўшт пардалардан ажралиши ўта қийинлашган жойлардагина ишлатилади. Қўзи танасининг қорин қисмидан тери ажратилгач, оёқларидан ҳам то туёғи устигача ажратилади. Сўнгра махсус 1,5-1,7 м баландликдаги чангақларга қўзи орқа оёғидан осиб қўйилади ва дум қисми териси авайлаб тоза қилиб (ўсимтадаги дум умуртқалари, пайлар, ёғ қолдиқлари қолдирмасдан) шилинади. Ундан кейин орқа қирра ва бўйин қисми териси ажратилади. Энг охирида бош қисми териси пайларга ёпишганлиги учун кўпроқ пичоқдан фойдаланишига тўғри келади. Бош қисми терисини ажратиш марказий тиликдан бошланади, яъни

аввало пастки жағларнинг ўнг ва чап томонлари териси ажратилади, сўнгра кулоқлари устки териси қолдирилиб, кулоқ супраси тоғайи ички териси билан олиб ташланади. Ишнинг охирида сўйимчи қўзининг энсаси, пешонаси, устки жағи ва тумшуғи терисини шилиб олади.

Янги шилиб олинган қоракўл терилари мағзида 70 фоиздан кўпроқ сув бўлиб улар тез бузулувчан маҳсулотлар қаторига киради. Таркибида сув кўп бўлган тери тўқимаси бузилишига олиб келувчи турли микроорганизмларнинг тез кўпайиши учун қулай муҳитдир. Шу боисдан ҳам янги шилиб олинган тери кечиктирилмасдан, дарҳол узоқ муддат давомида бузилмасдан сақланадиган ҳолатга ўтказилиши керак. Қоракўл терилари ҳам юқорида кўрсатилган қўй териларини тузлаш усулларида тузланади ва қуригилади.

ХIII.боб. Қоракўл қўй ва қўзиларини ёз ва киш ойларида норма асосида озиклантириш.

Озиклантириш учун қулланадиган озикалар, уларни туйимлилиги, озикаларни жамғариш ва уларни едиришга тайерлаш. Қўйларни яйловда боқиш, сугориш техникаси, усуллари ва яйловлардан унумли фойдаланиш. Хўжаликни озикага бўлган талабини аниклаш ва унинг аҳамияти.

Қоракўлчиликда қўйларни боқиш ва асрашни намунали ташкил қилиш жуда муҳимдир. Қишлоқ давомида сурувларни яйловга ҳайдаб боқишдан ташқари қўйларга қўлдан қўшимча ем-хашак ҳам бериш лозим бўлади. Қоракўлчиликда сурувларни эҳтиёж даражасида озикалар билан, айниқса дағал озикалар, яъни пичан билан муттасил тарзда таъминлаш қишлоқдан талофатсиз чиқишнинг ва моллар маҳсулдорлигини оширишнинг калити десак муболаға бўлмайди, чунки ана шу муҳим омилига етарлича эътибор бермаган хўжаликлар катта зарар кўрмоқда.

Ўз вақтида ўрилган, тез ва соз қуритилган, талаб даражасида сақлаш учун йиғилган пичан қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг рациониди

алмаштириб бўлмайдиган биологик тўйимли озиқа бўлиб хизмат қилади. Сифатли тайёрланган пичанда, айниқса барглари ва гулларида ҳайвон организми учун кегак бўладиган барча тўйимли озиқа моддалари сақланиб қолади, шу сабабли ҳам пичанни ташиш ва сақлаш жараёнида ўсимликларнинг ана шу қимматли қисмларини тўкилиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Чўл ва ярим чўл минтақаларида доимо юқори ҳосил берувчи пичанзорлар кам. Бу шароитларда асосан дағал пояли ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, каррак, қўзиқўлоқ, шўр ўтлар ва бошқа шу каби ўтлардан пичан тайёрланади. Каррак кўп усадиган майдонлардан каррак уруғи ва барглари тайёрланади. Қумли чўл шароитида пичан тайёрлаш учун силен, киёк ва бошқа бутасимон ўтлар ўрилади. Баҳори серёғин ва илиқ келган йилларда (эфемер) ўтлардан (арпағон, ялтирбош, ранг, читир ва бошқа кабилар) ҳам пичан тайёрланади. Мана шу ўтларни эрта муддатларда ўриб тайёрланган пичан энг юқори тўйимликда бўлиб, ўрим муддати кечикиши билан пичаннинг тўйимлилиқ сифати пасайиб бошлайди, Яйловлар серҳосил бўлган йиллар ҳар майдондан 6-7ц. (эфемер) ўтлар пичани тайёрлаш мумкин. Майин (эфемер) ўтлардан пичан тайёрлаш учун. Улар апрел ойининг охири май ойининг бошларида урилгани маъқул, одатда ўрим бошланишининг аниқ муддати яйлов ўтларнинг ривожига ва мавжуд об-ҳаво шароитига қараб белгиланади.

Шувоқ қорақўлчилик яйловларида энг кўп тарқалган тез шохловчи ярим бутасимон озиқабоп ўсимликдир. Шувоқ куз ва қиш фаслларда энг яхши озиқа манбаи бўлиб баҳорнинг биринчи ярмида унинг янги усувчи барра новдаларини қўйлар иштаха билан еса, баҳорнинг иккинчи ярми ва ёз фаслида кам истеъмол қилади. Шувоқ пичанини кетмон билан чопиб тайёрлаш мутлақо мумкин эмас, чунки шувоқ тупларининг яйловлардаги сони кескин камайиб кетади. Пахтакор хўжаликлари ипак қуртини бостириш палласида чегарадош қорақўлчилик хўжаликлари яйловлардан шувоқни кетмон билан чопиб тайёрлашни одат тусига айлантирганлар, бу зарарли

одатни ҳам кескин чеклаш лозим, ваҳоланки чопилган шувокнинг ўрнини тўлдириш учун янги уруғ сепиш борасида ҳеч иш қилинаётгани йук. Бундан ташқари бир майдонининг ўзидан йилик шувок пичани тайёрлаш ҳам мумкин эмас, шувокзорларнинг ҳосилдорлиги об-ҳаво шароитига, иқлим ва тупрок шароитига боғлиқ бўлиб, ҳар гектар майдонидан олинadиган ҳосилдорлик 2,2 центнердан то 13 центнергача ўзгариб туради. Шувок ўрминини май, июнь, июль ойларида ўтказиш энг мақбул муддат бўлиб сентябрь ва октябрь ойларида тайёрланган пичаннинг сифати деб бўлмайди. Уроқ машина тушириш мўлжалланган майдонларда шувокнинг буйи кам билан 8 см бўлиши керак. Сидқидилдан ғарамланган шувок пичанини узоқвақт давмида ҳам ўзининг тўйимлилиқ хусусиятларини сақлай олади, айниқса тойланган пичан бўзилмасдан сақланади.

Янтоқ–йирик озиқабоп кўп йиллик ўсимлик бўлиб, апрель ойида барг чиқариб ўса бошлайди. Июн, июл ойларида гуллайди, август сентябрь-октябрь ойларида эса уруғ боғлаб пишади.

Қалин ниҳолли янтоқзорларнинг ҳар гектаридан 30 ц. гача сийрак ниҳолли кам ҳосил майдонларидан эса 2-5 ц. гача пичан тайёрлаш мумкин. Янтоқ пичанини айниқса намланган ҳолида қўйлар иштаҳа билан ейди. Агар янтоқ пичанини молларга майдалаб берилса яна ҳам қурай бўлади. Янтоқни ўриб, пичан тайёрлашнинг энг мақбул муддатлари август-сентябрь ойлари ҳисобланади. Ўрилиб, қуритилган пичанни йиғиш ташиш ва ғарамлаш жараёнларида янтоқнинг нозик пояли, тез ҳазм булувчи тўйимли қисмлари бўлмиш барглари, уруғларининг тўкилиб кетишидан эҳтиёт бўлиш лозим.

Каррак–тиканли озиқабоп ўсимлик, яримчўл минтақасида каррак қалин ўсган майдонлар ҳар бир гектаридан 15 ц. гача пичан ҳосили беради. Каррак апрел ойида униб чиқиб, май ойида гуллайди ва июнь ойида уруғ боғлайди. Яйловда қўклаган карракни ўткир тикалари бўлгани учун қўйлар емайди, қуриган карракни қўйлар қишлов давомида ўртача иштаҳа билан ейди. Қурай муддатларда ўриб тайёрланган каррак пичанини қўйлар иштаҳа билан ейди. Каррак пичанини май ойининг иккинчи ярмида ўриб тайёрлаш

маъкул. Карракни ҳам шувок, янтоқ каби ўроқ машиналари ёрдамида ўриб, бошқа механизмлар ёрдамида йиғиб, ташиб олиш мумкин. Қорақўлчилик яйловларида камроқ, тарқалган қўзиқўлоқ, қамиш, шўра ўтларидан ҳам пичан тайёрлаш мумкин. Умуман олганда чўл ва ярим чўл минтақасининг яйловларидан тайёрланган табиий пичан анча юқори тўйимлиликга эга бўлади, лекин пичанинг тўйимлилигига ўтларни уриш муддати, пичанни тайёрлаш сифати анча таъсир қилади, шу сабабли ҳам 1кг. пичанда 12г.дан 42г.гача ҳазм бўлувчи протеин, 0,17дан 0,50 гача озика бирлиги бўлади. Дағал пояли усимликлар пичанини зинчлаб боғланган ҳолда ёки тойламасдан, сочилган ҳолда саклаш мумкин. Майдаланган дағал хашакни ғарамлаб қуйиш мумкин ёки усти ёпиқ кашарларда, усти беркитилган узун ураларда саклаш мумкин.Зичлаб боғланган пичан тоиларини кўпинча тартиб билан терилган ғарамларда, иложи бўлса айвон тагида сақланади.

Дағал озикаларни тўла-тўқис яхши ҳолда асраш учун аввало уларни тартиб билан териш ва ғарамлаш лозим бўлади. Пичанни яхши саклаш учун ғарам жойини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ғарам учун танланган жой нисбатан баландроқ ва текис бўлиши лозим. Пичан ғарамининг юз томони шимолнинг кўпроқ эсадиган йўналишига каратиладиган бўлади.Ғарамнинг кенглиги ками билан 6-8м. ташлама ўлчами 24-26м. бўлиши лозим, узунлиги эса ғарамланиши лозим бўлган пичан миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариш мумкин.

Ўзбекистон хўжаликларида қишлов учун I бош қуйга –150 кг пичан ғамлаш одат тусига кирган.

Қишлов давомида ғамланган пичаннинг қанча қисми сарф бўлиши асосан йилнинг қиш мавсумида келишига боғлиқ. Барча тамондан қўлай, яйловлар серҳосил бўлган йиллари қишлов учун ғамланган эҳтиёж озикалар сарфланмасдан тўлиғича келаси йил қишловига қолади.

Хўжаликнинг қишловида ем-хашакга бўлган эҳтиёжнини ҳисоблаб чиқиш учун чорванинг ҳар бир тури бўйича сарфланиши мумкин бўлган озикалар миқдори аниқланади.

Қорақўлчиликда аввало ҳар бир қуй сурувининг, бўлим, ферма, хўжаликининг яйлов озиқаларига бўлган умумий эҳтиёжи ҳисобланади, сўнгра яйловларнинг ҳақиқий ҳосилдорлигини эътиборга олиб, қишлоқ учун озиқа фонди ўлчами аниқланади ва шу асосида хўжаликнинг баланси тузилади.

Қиш палласида қўйларга қўшимча озиқа бериш учун ҳар бирининг баландлиги 30см., узунлиги 50м.лик бетон охурлар қурилади. Мазкур охурларнинг ҳар бир метр узунлиги иккала томондан 6 қуй фойдаланишга етади. Охурларнинг узунлиги буйлаб иккала томонга ҳам 80-100 см. кенгликдаги бетон супачалар ясалади. Охурлар қатор-қатор қилиб қурилади, қаторлар орасида эса озиқа тарқатувчи механизмлар юра оладиган йулақлар қолдирилади. Охурлар мазкур қуй сурувига тўлиғича етадиган даражада бўлгани маъқул.

Қиш фаслида ҳайдаб боқилган қўйлар организми ўз эҳтиёжининг атига 50 фоизини яйлов озиқалари эвазига қондиради, шу боисдан табиий шароитда яъни қўшимча озиқаларсиз боқилган қўйлар қишлоқ давомида 15-45 фоизгача семизлигини йўқотади. Шу сабабли ҳам қўйлар яйловга ҳайдаб боқилганда, яйлов ўтларининг ботаниқ таркиби ва сифати, яйловнинг озиқа бойлиги ҳисобга олинган ҳолда лозим топилганда қўшимча озиқалар беришни ташкиллаштириш лозим. Бўғоз қўйлар боқилганда ҳомиладорлик даврининг биринчи ярмида совлиқлар учун нисбатан кам ҳосилдорлик яйловларга ажратилади, чунки бу даврда ҳомиланинг шаклланиши ва таракқиёти учун озиқа моддалар камроқ сарфланади. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ҳомила ўлчами тез йириклашиб, ривожланиши жадаллашади, шу сабабли озиқа моддалар ҳаражати кескин ошади, совлиқларнинг оқсилли моддаларга бўлган эҳтиёжи 30 фоизга, тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи 25 фоизга ошади. Агар совлиқларнинг шу даврдаги озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжи яйлов озиқалари эвазига қондирилса, у ҳолда уларга қўлдан қўшимча ем, сифатли пичан ва силос бериш лозим бўлади. Лекин бунақа ҳолатларда қўйларга кам тўйимли катта

хажмли, ширали озиқалар бермаслик лозим, акс ҳолда озиқага тўлган меда бачадондаги ҳомилани босиб, унинг ривожланиш даражасига салбий таъсир қилади. Бу даврда совлиқларнинг озиқага бўлган эҳтиёжи кам ҳажм, лекин тўйимли озиқалар эвазига қондирилиши лозим. Бу даврда совлиқларга майин (эфмер) ўтлар пичани ёки янтоқ пичани, кучли озиқалар (концентратлар), минерал моддалар ва витаминларни аралаштириб бериш, энг қўлайи турли хил озиқалар қоришмасидан тайёрланган донатор озиқани бериш яхши самара беради.

Буғозликнинг биринчи ярмида совлиқларга берилиш учун мўлжалланган донатор озиқалар таркибининг 20 фоизи кучли озиқалардан, 80 фоизи дағал озиқалардан ташкил топади. Буғозликнинг иккинчи ярмида бериш учун мўлжалланган донатор озиқалар таркибида кучли озиқалар салмоғи 30-35 фоизгача оширилади. Ана шу таркибдаги 1 кг донатор озиқада 0,45-0,60 озиқа бирлигига тенг тўйимлилик ва 55-70г, ҳазм қилувчи протеин бўлади.

Тўқлиларга бериш учун мўлжалланган донатор озиқалар таркибида 30 фоиз кучли озиқа (ем) ва 70 фоиз дағал озиқа бўлиб, 1кг, да 0,65 озиқа бирлигига тенг бўлган тўйимлилик ва 72г. ҳазм булувчи протеин бўлади. Насллик кўчқорлар учун тайёрланган донатор озиқалар таркибининг 40-50 фоизини кучли озиқа (ем) ва 50-60 фоизини дағал озиқа ташкил қилиб, 1 кг. да 0,68 озиқа бирлигига тенг бўлган тўйимлилик ва 90 грамм ҳазм булувчи оксил бўлади. М.Ф.Томми ва Г.И.Балабанларнинг ҳисобларига асооланган ҳолда С.И.Кедрова турли жинс ва ёшга мансуб қоракўл қўйларни озиқлантиришни қўйидаги меъёрларини тавсия қилади.

15-жадвал

Турли жинсга ва ёшга мансуб бўлган қоракўл қўйларини озиқлантириш меъёрлари

№	Қўйларнинг ёш ва жинсига кура	Бир бош қўйга 1 сутка давомида талаб этилади			
		Тўйимлилик озиқа	Ҳазм булувчи	Ҳазм булувчи	Қуриган яйлов

	гурухлари	бирлиги	оксил, г, да	протеин. г.	озиқалари миқдори, кг,
	Совлиқлар				
1	Буйдоқлари (тирик оғирлиги 45 кг)	0.9	69	76	2.34
2	Буғозлиги 3 ой ва ундан кўп бўлган совлиқлар	1.2	9,4	104	3.12
3	Эмизикли ва “мари” қўйлар				
	А) сут бериш даврининг биринчи ярми учун	2.0	162	178	3.40
	Б) сут бериш даврининг иккинчи ярми учун	1.6	128	185	3.52
	Қўчқорлар				
	кочириш мавсумидан бошқа вақтда (тирик оғирлига 60 кг)	1.2	90	99	2.64
	3-4 ойлик қўзи	0.8	90	99	1.76
	Тўқли				
	А) 4-6 ойлигида	0.9	94	104	1.98
	Б) 6-12 ойлигида	1.1	90	99	2.46
	1 – 2.5 ёшлик қўчқор	1.2	80	88	2.70

Қўйларнинг озиқага бўлган эҳтиёжини белгилаганда И.Ф.Томми ва Г.И.Балабанларнинг қуйидаги маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Хўжаликлар худудида асралиши мумкин бўлган қўйлар бош сонини яйловларнинг озиқа бойлигига қараб қўйидагича аниқлаш мумкин. Бунда аввало хўжалик ихтиёрига берилган барча хилдаги яйловларнинг фасллар бўйича ва шу асосда хўжаликнинг умумий озиқа бойлиги аниқланади. Бир йилда мавжуд бўлган кунлар сони 100 фоиз деб олиб шундан баҳор, ёз куз ва қиш фаслларига неча кундан тўғри келиши ва уларнинг салмоғи ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир фасл бўйича аниқланган озиқа бойлигини мазкур фаслнинг йилига нисбатан фоизлардаги нисбатига кўпайтирилади. Шу билан тўрта фасл учун чиқарилган натижаларни бир-бирига қўшиб хўжаликнинг жорий йилда мавжуд бўлган йиллик озиқа бойлиги аниқланади. Озиқаларнинг йиллик умумий миқдори ўртача йиллик I бош қўйнинг озиқага бўлган йиллик эҳтиёжи ва бунга қўшимча 20 фоиз эҳтиёж учун сақлаб қўйиладиган озиқа миқдorigа бўлинади. Бундан ташқари, хўжаликда мавжуд бошқа тур чорва молларининг ҳам боғловда турган пайтидаги озиқага бўлган эҳтиёжи ҳамда эҳтиёж учун сақлаб қўйиладиган озиқа миқдори ҳам албатта ҳисобга олинади.

16-жадвал

Катта ёшдаги бир бош совлиқларнинг озиқага бўлган эҳтиёжи.

Бир кеча-кундузда этилади	кеча-талаб	Баҳор фасли		Ёз фасли	Куз фасли	Қиш фасли	Жами йил учун
		Биринчи ярми	Иккинчи ярми				
Барча катта ёшдаги қўйлар учун							
Очиқ хавода қуритилган озиқалар							
а) миқдор (кг.да)		2.3	1.9	2.2	2.2	2.6	800
б) тўйимлилиги (озиқа бирлигида)		1.1	1.35	1.0	0.8	1.0	377

Наслчилик сурувидаги қўйлар учун						
Очиқ хавода куритилган озиқалар						
а) миқдор (кг.да)	2.7	2.1	2.5	2.5	3.0	900
б) тўйимлилиги (озиқа бирлигида)	1.25	1.55	1.1	0.9	1.15	425

Яқин вақтларгача дағал пояли озиқалар молга майдаланмасдан, табиий ҳолда берилар эди. Бунда қўйлар майдаланмаган дағал пояли озиқалар пичанини тўлиғича емайди, аниқ қилиб айтганда берилган пичаннинг атиги 25-50 фоизи истемол қилиниб, қолган қисми ейилмасдан исрофга чиқарилади, бу эса хўжалик иқтисоди учун сезирарли зарардир. Шу сабабли озиқаларни молга едириш учун тайёрланиши лозим. Озиқаларни едиришга тайёрлашнинг кўплаб самарали усуллари амалиётда қўлланилади. Қоракўлчиликда озиқаларни едиришга тайёрлашнинг қуйидаги усуллари мавжуддир.

- озиқаларни майдалаш (берилган озиқаларнинг 65-70 фоизини истемол қилади)
- майдаланган дағал пояли озиқаларга кучли озиқанинг аралаштирилиб бериш (озиқанинг истемол қилиниш даражаси 80-90 фоиз)
- озиқаларнинг силослаш (камдан-кам қўлланилади)
- озиқаларга кимёвий ишлов бериш
- турли хил озиқалар қоришмасини донатор ҳолга келтириш.

Озиқаларни едиришга тайёрлашнинг энг илғор ва тежамқор усули бу оддий шароитда ва табиий ҳолда кам ейиладиган дағал озиқаларни майдалаб, уларни маълум миқдорда кучли озиқалар билан қориштириб донатор ҳолатига келтиришдир. Донатор ҳолатга келтирилган озиқалар деярли тўлиғича истемол қилинади, бундан ташқари донатор озиқаларни сақлаш ва ташишда, молларга едириш жараёнида исрофгарчилик бўлмайди. Донатор ҳолатига келтириш учун тайёрланган озиқалар қоришмасига деҳқончилик чиқитларидан ташқари баъзи бошқа тур саноат чиқитларини

(помидор, олма, узум тўппаси ва бошқа шу кабилар) меъёрида қўшиш ҳам яхши натижа беради.

Албатта озиқаларни едиришга тайёрлашни талаб даражасида қурилган озиқа цехларсиз тасаввур қилиш қийин. Озиқалар қоришмасидан донатор озиқалар тайёрлаш учун қуриладиган озиқа цехига турлича унумдорлик билан ишловчи қурилмалар ОГМ–0,8 ОГМ–1, 5 маркали ва ДГ сериясида донатор ҳолатга келтирувчи грануляторлар МГК–80, КДУ–2, 0 маркадаги озиқа майдалагичлар, ФИ-1,2 маркадаги озиқани майдалаб–юклагич, ОҚЦ-15, ОҚЦ-30, ОҚЦ-50 маркадаги озиқа цехи ускуналари, АВМ-0,65 витамин уни тайёрловчи қурилма, КТУ-10 маркадаги озиқа таркатгич, ОНК-1,5 ва ОНХ-30 маркадаги донатор бриктирилган озиқаларни йиғиб, сақловчилар ўрнатилади. ОГМ-0,8 ва ОГМ-1,5 маркадаги агрегатлар пичан унини донатор ҳолатга келтирса, ДГ сериясидаги агрегатлар озиқалар аралашмасини донатор ҳолатга келтирди, ОРМ-0,8 агрегати соатига 600-700 кг. донатор озиқа тайёрланса, ОГМ-1,5 агрегати 1200-1300 кг, ДГ сериясидаги агрегатлар 3000-6000 кг. гача тайёрланади.

Қоракўлчиликда озиқанинг қоришмасидан тайёрланган донатор озиқа молларга яйловларда озиқа камлиги юз берган йиллари қишлоқ мавсумида берилади, қурғоқчилик йилларида эса баъзан ёз ва куз фаслларида ҳам берилади. Донатор озиқалар қоришмасининг асосий қисмини хўжалик яйловларидан тайёрланадиган дағал пояли озиқаларни ташкил қилади. Донатор озиқаларнинг тўйимлилигини ошириш, ҳайвонларнинг озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида озиқа қоришмасига беда уни ва омукта ем қўшилади.

Қоракўлчилик амалиётида буғоз совлиқларни асраш, озиқлантиришга алоҳида эътибор берилади, чунки уларнинг организмида модда алмашинувини тезлашади, озиқа моддаларига бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошди. Буғозликнинг биринчи ярмида модда алмашуви бироз тезлашса, иккинчи ярмида анча ошади–бўйдоқ совлиқларга нисбатан уларда

энергия сарфи 15-20 фоизга ошади, хазм бўлувчи протеинга бўлган эҳтиёж кўпаяди.

Буғоз совлиқлар яйловда кун буйи боқилганда кунига кўшимча 0,8-1,0 кг, ярим кун яйловга хайдалиб, ярим кун кўрага қамаб асралганда 1,5-2, кг донатор озиқа бериш мақсадга мувофикдир. Буғозликнинг иккинчи ярмида берилиш учун мўлжалланган донатор озиқалар таркибига қушилган омукта ем салмоғи кўпайтирилиб 30-40 фоизгача етказилади. Одатда наслик кўчқорларнинг озиқа моддаларига бўлган талаби I кунга 1,0-1,2 озиқа бирлигини, 100-120г, хазм булувчи протеини ташкил қилади. Кўчқорлар ўтли яйловларга (баҳор фасли бундан мутасно) хайдалиб боқилганда уларнинг озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжи асосан 40-60 фоизга кондирилади. Шу сабабли ҳам бир кеча кундузга уларнинг ҳар бошига 0,4-0,6 озиқа бирлиги даражасида тўйиклилиги бўлган озиқалар кўшимча тарзда берилади.

17-жадвал

Буғоз совлиқларга бериладиган донатор озиқаларнинг таркиби.

№	Озиқаларнинг турлари	Дондор озиқаларнинг таркиби фоизлари		
		1–Усул	II – Усул	III – Усул
1.	Шувоқ пичани	30,0	40, 0	20,0
2.	Янтоқ пичани	27,0	12,0	17,0
3.	Каррак пичани		12,0	15,0
4.	Арпа сомони	15,0	18,0	12,0
5.	Беда	7,8	10,8	5,8

6.	Омухта ем	20,0	25,0	30,0
7.	Фторсизланган фосфат	0,1	0,1	0,1
8.	Ош тузи	0,1	0,1	0,1
	I кг.да мавжуд			
а)	озика бирлиги	0,43	0,52	0,51
б)	ҳазм булувчи протеин г.да	50.3	60.5	56,8
в)	кальций, г.да	6.4	7,4	5,4
г)	Фосфор г.да	2.2	2,3	2.3

Қочириш мавсумида қўчқорларга бериладиган озиқа микдори анча кўпаяди, ҳар бир бош қўчқор кечаю – кундуз давомида ками билан 1,8 озиқа бирлиги ва 200-250 г, ҳазм булувчи протоеин истеъмол қилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти олимлари насллик қўчқорларга қочирим арафасида ва қочириш мавсумида берилиш учун мўлжалланган донатор озиқалар қоришмаси тайёрлашнинг бир неча усули яратилган.

Шу мақсад йўлида онасидан ажратилганда яйловга ҳайдаб боқиш билан бир қаторда қўзиларга 30-40 кун давомида, қиш фаслида эса декабр ойидан то феврал ойининг охиригача қўшимча озиқа берилади.

18-жадвал

Насллик қўчқорлар учун мўлжалланган озиқаларнинг таркиби.

№	Озиқаларнинг тури	Қочириш мавсуми учун		Қочирим арафаси учун	
		Тайёрлаш тартиби		Тайёрлаш тартиби	
		1–Усул	II –	1–Усул	II – Усул

			Усул		
1	Беда	25,0	30,0	10,0	-
2	Янтоқ пичани	18,0	14,0	30,0	37,0
3	Каррак пичани	12,0	6,0	15,0	22,0
4	Арпа самони		4,8	14,8	9,8
5	Арпа ёрмаси	30,0	25,0	20,0	10,0
6	Омихта ем	19,7	20,0	10,0	20,0
7	Фторсизланган фосфат	0,2	0,1	0,1	0,1
8	Ош тузи	0,1	0,1	0,1	0,1
	1 кг да мавжуд				
	а) озиқа бирлиги	0,74	0,69	0,54	0,49
	б) ҳазм бўлувчи протеин г.да	89,0	87,7	30,3	59,0
	в) кальций г.да	6,9	6,6	4,3	5,3
	г) фосфор г.да	2,8	2,4	2,6	2,4

Тўлиқ кун яйловда боқилишига қарамасдан онасидан ажратилган қўзиларга суткасига қўшимча 0.33-0.38 озиқа бирлиги, қиш фаслида (9-12 ойлик пайтида) 0,40-0,45 озиқа бирлиги даражасида тўйимлиликлга эга бўлган озиқалар берилиши лозим.

Яйлов ҳолатини ҳисобга олган ҳолда онасидан ажратилган қўзиларнинг ҳар бирига дастлабки ойданоқ қўшимча озиқа сифатида суткасига 0,5-0,7 кг донатор озиқа бериш тавсия этилади.

19-жадвал

Қўзилар ва тўқлиларга мўлжалланган донатор озиқаларнинг таркиби.

№	Озиқаларнинг турлари	Донатор озиқаларнинг таркиби		
		1–Усул	II – Усул	III – Усул

I.	Янтоқ пичани	20.0	20.0	30.0
2.	Каррак пичани	20.0	25.0	-
3.	Шувоқ пичани	-	10.0	10.0
4.	Беда	20.0	15.0	20.0
5.	Арпа самони	10.0	-	10.0
6.	Омухта ем	30.0	30.0	30.0
7.	Фторсизланган фосфат	0.07	0.07	0.07
8.	Ош тузи	0.05	0.05	0.05
	I кг.да мавжуд			
а)	Озиқа бирлиги	0.50	0.48	0.49
б)	ҳазм булувчи протеин г.да	70.8	67.9	70.1
в)	кальций, г.да	6.1	5.9	6.3
г)	Фосфор Е.Да	2.3	2.2	2.4

Қиш палласида эса ҳар бир тўқлига бериладиган донатор озиқалар миқдори камайтирилиб 0,8-1,0 кг гача етказилади.

Донадор озиқалар тайёрлашнинг яна бир устунлиги шундаки, озиқалар қоришмасига мўлжалланган миқдорда омухта ем бошқа қўшимчалар ва антибиотик моддалар қўшиш имконияти мавжуддир.

Қўйларни боқиш, озиқлантириш жинси, ёшига кура турли гуруҳларга мансуб ҳайвонларнинг йил фасллари бўйича озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Она қўйларнинг озиқаларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаганда, уларнинг 45-50 фоизи, 4,0-4,5 ой давомида эмизикли бўлиши, яъни кўзисини ўз бағрида ўстириши боисидан озиқа моддаларига, булан эҳтиёжи кўпроқ бўлишини, 50-55 фоизининг тўққан кўзилари қорақўл учун суйилиши оқибатида бўйдоқ бўлиб қолиши ва уларнинг озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжини бир мунча камроқ бўлишини эътиборга олиш лозим. Эмизикли совлиқлар учун лактация даврининг биринчи ярмида кунига 2,0-2,3 озиқа бирлиги ва 200-220 гр ҳазмланувчи протеин бериш талаб этилади, бунинг

учун қўйлар ўртача қуруқ вазнда 2,8кг (2,5-3,0кг) яйлов ўтларидан ейиши лозим. Қўйлар рационининг асосини (80-85) ғоизини қўк эфемер ўтлар ташкил қилиб, уларнинг таркиби ҳайвон организмнинг тўйимли моддаларга бўлган талабини бемалол қондира олади.

Лактация даврининг кккичи ярмида қўзили совлиқлар организми кунига 1,6-1,8 озиқа бирлиги ва 150-160 гр ҳазмланувчи протеин ёки бўлмаса қуруқ вазндаги 3кг яйлов озиқалари берилишини талаб этади. Совлиқларнинг биз кўрсатиб ўтган миқдордаги озиқани истеъмол қилиши лактация даврининг биринчи ярмида қўзилар вазнинг ҳар куни 250г.га ва иккинчи ярмида 150-160г ошиши ва онасиди ажратиш пайтида 28-30кг тирик вазнга эга бўлишини таъминлайди.

Буйдоқ совлиқларнинг озиқа моддаларига бўлган талаби баҳор ойларида 1,1 озиқа бирлигини ёки 1,5кг қуруқ яйлов ўтларини, ёз ва кузда 0,90-0,95 озиқа бирилигини ва 90-95г ҳазмланувчи протеин ёки 1,8-2,0кг қуруқ яйлов ўтларини ейиши эвазига қондирилади.

Бўғозликнинг иккинчи ярмида (январ-март ойлари) совлиқларга ҳар куни 1,20-1,25 озиқа бирлиги ва 100-110г, ҳазмланувчи протеин бериш талаб этилади. Лекин, яйловларда боқиш вазнига совлиқлар ўз эҳтиёжларининг ўртача 40 ғоизинигина (1,7кг ейиладиган яйлов ўтларида 0,2-0,50 озиқа бирлиги ва 40-50г ҳазмланувчи протеин мавжуд бўлади) қондира олади. Шу боисдан қишлоқ давомида совлиқларга қўлдан ем хашак беришни режалаштириш лозим.

Совлиқларнинг озиқа моддаларига бўлган ўртача йиллик талаби 420 озиқа бирлигини, шу жумладан қўзили совлиқларники 440, қўзиси қорақўл, учун сўйилган буйдоқ совлиқларники 375 озиқа бирлигини ташкил қилади.

Катта ёшли совлиқларнинг озиқа моддалари бўлган талаби асосан яйлов ўтлари эвазига (ўртача 87 ғоизи) қондирилиши керак. Озиқа моддаларига бўлган йиллик талабини қондириш учун қўйлар 385 озиқа бирлигига тенг тўйимлилигидаги 753 кг меёрида қуриган яйлов хашагини истеъмол қилиши лозим бўлади. Бу эса қўйларнинг йиллик эҳтиёжини 55

озика бирлигига кам, чунки киш ойларида яйлов ҳосилдорлигининг камайиб кетиши, табиат инжиқликлари туфайли ҳайвонларнинг озиқа моддаларига бўлган талаби яйлов ўтлари ҳисобига қондирилмай қолади. Бу ҳолат айниқса буғозликнинг иккинчи ярмида яққол кўзга ташланади, шу боисдан ҳам совлиқларга 2,5-3 ой давомида (декабр ойининг ўрталаридан март ойининг ўрталаригача) кунига 0,6-0,7 озиқа бирлигига эга бўлган ем-хашак қўлдан берилиб бориши мақсадга мувофиқдир. Табиат инжиқликлари туфайли қўйларни яйловга чиқариб бўлмайдиган ёки қисқа муддат давомида олинадиган кунлари (15-20 кун) қўйларга берилишига мўлжалланган эҳтиёж озиқалар ҳўжаликнинг захирасидан ажратилади. Ана шу давр учун ажратиладиган устама қўшимча озиқалар (асосий қўшимча озиқалардан ташқари) нинг умумий тўйимлилигига ҳар бир бош қўй ҳисобига 9 озиқа бирлигини (ҳар куни 0,45 озиқа бирлигидан) ташкил қилиши лозим.

Эмизикли совлиқлар учун ҳам сут бериш даврининг иккинчи ярмида қўшимча озиқа (ҳар бир бош совлиқга ҳар куни 0,3 озиқа бирлиги 1 ой давомида жами 9,0 озиқа бирлиги) беришни режалаштириш лозим.

Шундай қилиб, ҳар бир бош совлиқ йил бўйи яйловдан оладигани 385 озиқа бирлигини ташкил қилади ва уни қондириш учун 85кг, дағал озиқалар, янчиб ҳамда 30кг, емни аралаштириб бериш керак бўлади. Тўқлиларга қўшимча озиқалар декабрь ойининг ўрталаридан то март ойининг иккинчи ярмигача ҳар куни 0,4-0,6 озиқа бирлиги ҳисобидан бериб борилади. Шу нарсани ҳам таъкидлаш лозимки бериладиган қўшимча озиқалар сарфи, миқдори, ем бериш муддати кўп жихатдан қўйларнинг умумий ҳолатига, семизлик даражасига ва яйлов ҳосилдорлигига, қишловнинг боришига қараб ўзгариш мумкин.

Ҳўжаликлар қарамоғидаги шартли ҳар бир бош қўйнинг озиқа моддаларига бўлган ўртача йиллик талаби 432,5 озиқа бирлигини ташкил қилиб, унинг 379,3 озиқа бирлиги (қуруқ вазндаги 727 кг яйлов ўтлари) яйлов озиқаларга ҳисобига ва 53,2 озиқа бирлиги қўлдан бериладиган қўшимча озиқалар ҳисобига қопланади.

«Яйлов» ларнинг сув таъминоти муҳим ва доимий, қўйлар йил буйича хоҳлаган пайтида сув ича олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим. Нисбатан баландроқда жойлашаган сув манбаъларидан (булоқлар, ўзидан сув чиқарувчи скважинлар ёки қудуқлар) полителин қувурлар ёрдамида «яйлов» ларга сув келтириш арзон ва қулайдир. Умуман олганда «яйлов» худуди бўйлаб суғориш ускуналарини ўрнатиш муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кўп сув чиқариш қувватига (2-5 л/с,) эга бўлган булоқлар, ўзидан сув чиқарувчи қудуқлар (скважинлар) атрофида жойлашаган барча яйловчаларнинг суғориш охурларига бир меёردа сув берилишини назорат қилувчи қурилмалар ёрдамида ишлатилади. Агар кам қувват (0,5-2 л/с) сув манбаъларидан фойдаланиладиган икки қушни «яйловча» оралиғида деворлар бетондан ясалган 6 м^3 , ҳажмдаги усти ёпиқ сув сақловчи ҳовузчалар қурилади.

Турли сабабларга кура яйловчаларга сув қувурлари ёрдамида сув чиқиши имконияти бўлмаган жойларда шахтали қудуқлар қазиш мақсадга мувофиқдир. Шахтали қудуқлар сони, қазиш жойи, яйловчаларнинг ва унда боқиладиган қўйларнинг сувга бўлган эҳтиёжига боғлиқдир. Бунда ҳар бир қудуқ ёнига темир бетондан ясалган ҳовузча қурилиб иккала яйловчага ўрнатилган 20 м узунликдаги охурга сув йўли қурилади. Охурларнинг иккала томонига ҳам 80-100 см, кенгликдаги бетон супачалар ясалади. Қўйларнинг сувга бўлган эҳтиёжи йил фасллари бўйлаб ўзгариб туради.

Об-ҳаво яхши бўлган пайтларда кундуз куни совлиқлар яйловда қўзилайди. Тунда эса совлиқлар усти очик қўраларга қамалади, чунки кура деворлари янги туғилган қўзиларни, совлиқларни шамолдан ҳимоя қилади. Тунда туғилган қўзилар эрталабгача оналари бағрида қолдирилади, сўйишга мўлжалланган қўчқорчалар оналаридан ажратиб олинади, ўстиришга мўлжалланган қўзилар оналари билан биргаликда яйловга хайдалади.

**Йил фасллари буйлаб қўйларнинг сувга бўлган кунлик эҳтиёжи
(л.да)**

Йил фасллари	Катта ёшли қўйлар	Тўқлилар
Баҳор	3	2,5
Ёз	7	6,0
Куз	4	4,0
Қиш	3,5	3,0

Совуқ ва шамолли ҳавода буғоз совлиқлар кечаси усти ёпилган қўтонларга қамалади. Қўтон ичи ёғоч панжаралар билан бир неча бўлмаларга бўлинади: буғоз совлиқлар турадиган, қўзилаётган совлиқлар (туғруқхона) қамаладиган, 1-2 кунлик қўзили совлиқлар қамаладиган, «етим» қўзиларни она қўйларга олдириладигани, иккинчи сақмондаги қўзили совлиқлар (2-7 кунлик қўзилар) қамаладиган бўлмалар.

**XIV. боб. Қоракўл қўйларини касалликлари, турли технология
жараенларини механизациялаштириш.**

**Қоракўл қўйларини касалликларини билиш, уларни даволаш ва олдини олиш
борасида зооветеринария тадбирлари. Қўй ва қўзиларини суйиш, терисини шилиш,
сугориш, озика жамгариш, едиришга тайерлаш ва турар жойларини тозалаш каби
технологик жараенларини механизациялаштириш.**

Қоракўл қўйлари асосан қўйидаги касалликлар билан касалланади.

Юқумли агалактия - қўй ва эчкиларга хос тез тарқалувчи контагиоз касаллик бўлиб, ҳайвонларда елин, буғин ва кўзнинг яллиғланиши, соғиладиган қўй ва эчкиларда эса сут ажратилишининг тўхташи билан намоён бўлади. Касаллик кўпроқ Муғилистон, Хитой, Америка ва

Ўзбекистанда учрайди. 50 % дан кўпроқ қўй эчкилар касалланади. Кўпинча буғоз совлиқ ва эчкилар бола ташлайди. Касалланган қўзи - улоқларнинг деярли 60% ўлади. Касалланган қўй ва эчкиларнинг 25 % дан кўпроғи пучак қилинади.

Қўзғатувчиси - микоплазма агалактия полиморф, ҳаракатсиз микроб. Сунъий озик муҳитда ўсади ва оддий микроскоп остида кўринади. Юқори ҳароратга чидамсиз. Лекин совуққа жуда чидамли. Тупроқда 25, ғўнгда - 10 кун яшайди. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тезда ҳалок бўлади.

Эпизоотологияси - ёши, зоти, жинсидан катъий ҳамма қўй ва эчкилар касалланади. Сут берувчи қўйлар, 1 ойликкача бўлган қўзи ва улоқлар кўпроқ касалланади. Касалликнинг манбаи касал ва касалликдан тузалган қўйлар ҳисобланади. Улар бола ташлагандан сўнг сути, тезаги, қўз ёши билан 5-8 ойгача қўзғатувчини ташқи ажратиб, яйлов, қўтон, охур, ем - хашакларни зарарлайди. Касаллик баҳорда қўй ва эчкилар туғиши тугаши ва сут бериш бошланиши билан пайдо бўлади. Ёз ойлари максимал даражада тарқалади ва куз фаслига келиб кескин камаяди. Юқумли агалактия алиментар йул билан юқади.

Патогенези - етарлиги ўрганилмаган. Қўзғатувчи қонга ўтиб, иситма пайдо қилади. Қон билан органларга ўтиб ҳар хил патологик жараёнларни ривожлантиради. Патологик жараён асосан елинда, қўз ва буғинларда пайдо бўлади.

Клиник белгилари - касалликнинг яширин даври 2-60 кун. Олимларнинг фикрига юқумли агалактия узоқ вақт яширин давом этади. Фақатгина қаттиқ зарба таъсиридан сўнг клиник белгилари пайдо бўлади. Касаллик сурункали, ярим ўткир ва ўткир ўтиши мумкин. Шартли ҳолда маститли, артритли ва конъюнктивитли шакллари учрайди. Қўзи ва улоқларда кўпроқ қўз, катта ёшдаги ҳайвонларда буғинлари зарарланади.

Қўйларнинг юқумли мастити - ўткир утувчи касаллик бўлиб, соғиладиган қўйларнинг елинида паренхиматоз яллиғланишнинг ривожланиши билан намоён бўлади. Дунёдаги кўп мамлакатларда учрайди.

Касал қўйлар ориқлайди, жунлари тўқилади, 80 % га яқини ўлади, соғайганлари пучак қилинади.

Қўзғатувчиси - *бацилус маститидас овис* қисқа, граммусбат, томонлари эгилган, ҳаракатсиз, анаэроб таёқча. Микроб + 60°C гача киздирилганда 10 минутда ўлади. Дезинфекцияловчи эритмаларда тезда ўлади.

Эпизоотологияси - касалликка табиий шароитда соғиладиган қўйлар билан онасини эмадиган қўзилар мойил. Касаллик биринчи марта туғадиган тусоқларда кўп учрайди. Инфекция қўзғатувчисини манбаи касалланган қўй ва қўзилардир. Соғлом қўйларга қўзғатувчи елин-сурғич каналлари, айрим ҳолларда елиннинг жароҳатланган териси орқали киради, қўзилар эса эмганларида зараланади. Касаллик мавсумийдир. Кўпинча совлиқларнинг сут бериш даврида учрайди. Касал қўй сути билан, қўзилар эса оғиз - бўрнидан оқадиган шилимшиқ суюқлик билан патоген бактерияларни ташқи муҳитга ажратиб қўйхона, охур, тўшамаларни зарарлайди.

Патогенези - қўзғатувчи елиннинг сут цистернасига тушгандан кейин у ерда ривожланиб кўпаяди ва лимфа томирлари буйлаб елин паренхимасига тарқалиб яллиғлантиради, сут ажратиш жараёнини издан чиқаради. Кейинчалик бактерия қонга ўтиб, иситманинг кўтарилиши, умумий заҳарланиш, метастик пневмониянинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Клиник белгилари - касалликнинг яширин даври жуда қисқа 10-14 соат. Касаллик ўткир ва сурункали ўтади. Ўткир шаклда касалланган қўй ҳолсизланади, кавш қайтармайди, тана ҳарорати +41°C га кўтарилади. Нафас олиш, пульс тезлашади, ринит ва конъюнктивитлар пайдо бўлади. Елиннинг иккала томонида яллиғланиши белгилари пайдо бўлади, елин шишиб таранглашади, оғрийди. Касал қўй орқа оёқларини кенг ташлаб елинга тегмасдан юришга ҳаракат қилади. Елиннинг касалланган бўлагидан қуюқ, чўзилувчан, оқиш ёки яшил - кўкиш рангли қон аралаш экссудат ажрала бошлайди. Касалланган қўй 2-6 кун ичида септицемиядан ўлади. Сут берувчи

қўй ва эчкилар 50 - 80% маститли, 20 - 57% артритли ва 10 - 18% ҳолларда конъюнктивитли шаклда касалланади.

Ярим ўткир шаклда қўйнинг тана ҳарорати + 41,5 - 42⁰С гача кўтарилади, бўшашади, озиқа емайди, бир томонлама мастит пайдо бўлади. Сут безлари аста-секин атрофияга учраб, сут бериш мутлако тухтайди. Буғинлар яллиғланганда қўйлар оқсайди. кўпроқ тушов ва сакровчи буғинлар, камроқ тирсак, тизза ва кафт буғинлари яллиғланиб катталашади, оғрийди, билкиллайди, маҳаллий иситма пайдо бўлади.

Патологоанатомик ўзгаришлар - ўлган қўйнинг зарарланган елин бўлаги катталашиб қорамтир кўкарган, тери ости тўқималарида геморрагик инфильтратлар бўлади. Елин паренхимаси кесиб кўрилганда бўшашиб, тўқ - қизил рангда бўлиб газ пуфаклари ажралиб туради.

Диагнози - ўзига хос клиник белгиларига ва патологоанатомик ўзгаришларига қараб қўйилади. Уни тасдиқлаш учун касалликнинг биринчи - иккинчи кунлари соғиб олинган сутидан намуна олиб лабораторияга юборилади.

Даволаш - даволаш учун сульфаниламид препаратлари билан антибиотиклар ишлатилади. Касалланиб тузалган қўйларда иммунитет ҳосил бўлиб қайта касалланмайди.

Олдини олиш чоралари - буғоз совлиқларни тўлиққийматли озиқалар билан таъминлаб, яхши шароитда асраб-боқиш катта аҳамиятга эга. Лактация даврида совлиқларнинг елини мунтазам равишда юқумли маститга клиник текшириб турилиши лозим, касал қўй аниқланса дарҳол қўй - қўзилари билан изоляторга ажратиб даволанади. Касал қўйларнинг қўзилари оналаридан ажратилади ва уларнинг оғиз бўшлиқлари этакридин, кальций перманганат каби дезинфекцияловчи эритма билан ювилади. Касалланиб тузалган ҳайвон организмида қўзғатувчи 8-10 ойгача сақланиши мумкин. Шунинг учун улар отардан алоҳида ажратилиб, соғлом қўйлардан алоҳида яйловда боқилади ёки пучак (брак) қилинади.

Брадзот - қўйларга хос тез, ўткир ўтадиган токсикоинфекция бўлиб, хайвоннинг умумий захарланиши, ширдон, ун икки бармоқли ичак шилимшиқ пардаларининг геморрагик яллиғланиши, хазм органларида газларнинг тўпланиши ва ўликнинг жуда тез чириши билан намоён бўлади. Алоҳида касаллик сифатида брадзотни 1888 йили Нильсон аниқланган. Россияда 1929 йилда К. П. Андреев топган. Касалланган қўйлар 2 - 50% ни ташкил этиб, деярли 100 % ўлади.

Қўзғатувчиси - касалликни ингичка, ҳаракатчан, томонлари эгилган, спора ҳосил қилувчи, ўзидан кучли захар ажратувчи, граммусбат анаэроблардан *кlostридиум септикум*, *кlostридиум перфринглис* ва бошқалар қўзғайди. Қўзғатувчини фақат янги ўлган ҳайвон танасидан ажратиш мумкин. Бу микроблар анаэроб шароитда кўпаяди. Ташқи муҳит ва ҳайвон организмида (қорин, ичакда) кўп бўлади. Микроблар спорага ўралиб ташқи муҳит ва кимёвий моддалар таъсирига чидамли бўлади. Тупроқ, сув ва тезакда узоқ вақтгача яшаб кўпайиш хусусиятига эга. Бундай микробларни ўлдириш учун кучли кимёвий моддалар (5 % ли хлорли оҳак, 5% ли ишкор, 5% формальдегид ва карбон кислоталар аралашмасидан тайёрланган эритмалар) ишлатилади.

Эпизоотологияси - соғлом молга касаллик тупроқ, дағал хашак, сув ва бошқалардан юқади. Инфекция кўпинча куз, қиш ёки эрта баҳорда авж олади. Бу касаллик билан ҳамма ёшдаги қўйлар касалланади. Касалликнинг келиб чиқишига ошқозон - ичаклар ишининг сустлашиши, майса ўтларни кўп ейиши ва қўйларни шудринг тушган пайтда боқиш каби омиллар сабаб бўлади.

Клиник белгилари - касал қўй тўсатдан безовталанади, тутқаноқ тўтади, йиқилади ва ўлиб қолади. Баъзан касаллик бир неча соат давом этиши мумкин. Сурувдан қолиб кетади, юрак уриши тезлашади, кавш қайтармайди, оғиз - бўрнидан кўпик, қон аралаш суюқлик оқади.

Патологоанатомик ўзгаришлар - ўлган қўйнинг танаси тез чирийди, шишиб кетади, орқа чиқарув органларидан қон аралаш кўпикли суюқлик

оқади. Овқат ҳазм қилиш органларининг шилимшиқ пардалари деворига қон қўйилган бўлади.

Диагнози - касалликни эпизоотологик, клиник, патологанатомик белгиларига қараб аниқлаш мумкин ва микробиологик текширишлар утказилади.

Олдини олиш ва кураш чоралари - ҳамиша касаллик чиқиб турадиган хўжаликларда қўйларни яйловга ҳайдашдан 1-1,5 ой аввал касаллари ажратилади ва соғломлари вакцина билан эмланади. Ўлган моллар териси билан йуқотилиши керак.

Юқумли энтеротоқсемия - Бу қўйларга хос паренхиматоз органлар ҳамда марказий нерв системаси тўқималарига ичакдан клостридиум перфрингес тоқсинларининг шимилишидан пайдо бўладиган, жуда оғир ва тез утиб, қўйларни фавкулотда ҳалоқ қиладиган касаллик.

Тарқалиши. Касаллик ҳамма зона ва улкаларда кенг тарқалган. кўпроқ қўйчилик яхши ривожланган районларда учрайди.

Иқтисодий зарари - касаллик ўткир утганда касалланган қўйлар 100% ўлади, шунингдек хўжаликда унинг олдини олиш ва у билан кураш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади.

Қўзғатувчиси. Касалликни клостридиум перфрингенс гурухига мансуб микроблар қўзғайди. Улар калта, бирмунча йугон, ҳаракатсиз 4-8 мкн ўзунликдаги, спора ва капсула ҳосил қилувчи анаэробдир. Микроб кимёвий моддалар таъсирига анча чидамлидир. У қайнатилганда ва кучли кимевий моддалар (5% хлорли охак, 5% - ли формальдегид ва х.к.) эритмалари кулланилганда улиши мумкин.

Эпизоотологияси. Касалликни қўзғатувчиси микроб соғлом организмда ҳам бўлгани учун унинг ташқи муҳитдан кириши шарт эмас. Лекин мол организмга микроб асосан ем-хашак ва тупроқ орқали киради. Касаллик кўпинча эрта баҳорда учрайди. Чунки кўкариб чиққан май сони эрталаб шудринг босганини еган молнинг ошказон-ичак фаолияти сусаяди.

Ундан ташқари, майса ут ҳазм қилиш органларида тез ачийди, натижада органзмни заҳарлайди.

Касаллик белгилари. Касал бўлган қўй тусатдан ўлади ёки кўп ётади, тутканок тутгандай типирчалайди, бир неча минут ёки соат ичида ўлади. Баъзан қўй 1-2 кун касал бўлади. Бундай қўй утламайди, отардан колади, ҳолсизланади ёки аксинча, безовталанади. Ичи қон аралаш утиб, тезаги хаддан ташқари сассик бўлади.

Патологоанатомик ўзгаришлар. Ўлган қўй тезда шишади, огиз-бўрнидан қон аралаш суюқлик оқиб туради, баъзан органларидан қон қўйилиш аломатлари куринади. Касалликнинг ўзига хос белгиси буйраги юмшаб кетади. Худди халтага солинган буткага ухшайди.

Диагнози. Касаллик пайдо булиш шароитларига унинг белгиларига ва ичак органларидаги ўзгаришларга қараб аниқланади. Лабораторияда биопроба қўйиш йули билан аниқланади.

Олдини олиш ва кураш чоралари. Касаллик тез утгани сабабли ветеринария ёрдами кечикади ва даволаш натижа бермайди. Касалликнинг олдини олиш учун, аввало қўйларни баҳорда бирданига майса утга қўймаслик керак. Кечаси ва эрталаб шудринг кутарилгунча уларга қаттиқ, хашак бериш керак. Касаллик учраб турадиган хўжаликларда қўйларни энтеротокемияга қарши эмлаб туриш керак.

Колибактериоз - Барча турдаги қишлоқ хўжалик ёш ҳайвонларига хос ўткир утувчи юқумли касаллик бўлиб, ичак тайёкчалари (эшерихиа коли) - нинг патогенли штаммлари томонидан кўзгалади. Касаллик ошқозон - ичак йуллариининг яллиғланиши, кучли ичкетиши, септицемия, энтеротокемия, колиэнтеритнинг ривожланиши билан номоён бўлади.

Тарқалиши. Касаллик ҳамма жойда тарқалган. Айниқса зоогигиеник шароити яхши булмаган молхонлари тозаланиб дезинфекция ўз вақтида утказилмайдиган, ёш моллар туғилган кунидан тўлиқсифатли озиқалар билан

рационга биноан ўз вақтида боқилмайдиган, моллари бугозлик даврида зооветеринария асосида боқилмайдиган хўжаликларда учрайди.

Иқтисодий зарари. Касалланган моллар кўплаб ўлади. Соғайганларининг ўсиши ва ривожланиши пасаяди. Касал ҳайвонларни, даволашга, профилактик тадбир чорларга жуда кўп маблағ сарфланади.

Касаллик қўзғатувчиси. - асосий қўзғатувчи ичак тайёкчаларидан экзо ва эндотоксин ажратадиган, энтеропатогенли *Ешерихиа колишдир*. У аэроб ёки факультатив анаэроб, одатдаги озика муҳитида яхши ўсади, ҳаракатчан, аммо ҳаракатсиз штамплари ҳам учрайди. Спора ҳосил қилмайди. Ташқи муҳит таъсирига бирмунча чидамли. Юқори ҳарактда, дезинфекторларга жуда чидамсиз, +100⁰С га иситилганда шу захоти, + 60⁰С да 15 минутда ўлади. Сув билан тупроқда бир неча ойгача сақланади.

Эпизоотологияси. Колибактериозга бузоқ, қўзи, улоқ, чўчка болалари, кулунлар ва жужалар мойил бўлади. Ўзбекистон шароитида колибактериоз билан бузоқлар 3-5 кунлигида, баъзан бир мунча кейинроқ, чўчка болалари ҳаётининг биринчи кунлари, 2-3 ҳафталигида, шунингдек онасидан ажратилган 2-3 ойликлари касалланади. Қўзилар ҳам ҳаётининг биринчи кунлари ва оилаларидан 5-6 ойликгача, жужалар бир йиллик булгунча касалланади. Ичак тайёклари 3-10 кунлик нимжон ёш молларни зарарлайди, чунки бундай моллар ичак тайёкчаларининг таъсирига қарши кураша олмайди ва бу микроблар уларнинг организмида тез кўпайиб, касаликка олиб келади. Касалликнинг асосий манбаи касал ва касалликдан тузалган моллар ҳисобланади. Ёш моллар асосан овқат ҳазм қилиш органлари орқали зарарланади.

Патогенези. Организмга алимент усулида кирган ичак тайёкчалари, ичакнинг олдинги қисмида тез кўпаяди. Ичак яллиғланиб ич кетиш бошланади. Организм сувсизланади. Бундан ташқари микробларни қон, лимфа томирларга ўтишидан септицемия ва тоқсемия ривожланиб, ҳайвонни тезда улишига олиб келади.

Клиник белгилари. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 1-2 кунгача касаллик белгилари тез ривожланади. Касалланган мол ҳолсизланади ҳаракати камаяди, кўп ётади. Оғиз сутини ёки сутини ичмай кўяди. Тана ҳарорати 1-1,5⁰га кутарилиб пульс ва нафас олиши тезлашади. Кўпинча касалларда энтерит ривожланиб, ич кетиши бошланади, тезак сувдек суюк, оқ-сарик рангда, пуфакланиб, ёмон хидли, қон аралаш ҳазм булмаган сут тугунлари бўлади. Суюк тезак билан танасининг орқа томони ифлосланади. Касал тез ариқлайди, ахлати суюлиб, тухтамай чикиб туради. Касалликнинг охирида тана ҳарорати пасайиб кетади, мол заифлашади ва даволанмаса 2-3 кун ичида ўлади, улмай қолганлари секинлик билан тузалади ва усишдан қолади.

Патологоанатомик ўзгаришлар - Ўлган мол орик, шилимшиқ пардалари консиз, ёриб қурилганда, ширдон ва йуғон ичагининг шилимшиқ пардаси яллиғланганлигини ва майда қон қўйилганлигини қуриш мумкин. Ичак лимфа тугунлари катталашиб баъзан қон қўйилади, жигар, буйруқ, қорин пардасига қон қўйилган ҳоллар учрайди.

Диагнози - Колибактериоз эпизоотологик текшириш, касаллик белгилари ва ёриб қуриш натижаларига қараб аниқланади. Лабораторияда молнинг қони ва ички органларидан микроб ажратиб олиб аниқланади.

Даволаш, олдини ва қарши қураш чорлари. Касалланган мол тезда ажратилиб даволанади. Уларга махсус пархез белгиланади. Катик, қора чой, тухум ва ошказон ичакнинг ишлаш яхшилайдиган ҳамда дезинфекция қилинадиган дорилар белгилаш керак. Касал молга биомицитни, синтомицин, террамицин, левомоцитни антибиотиклари, сульфаниламид препаратлари берилади. Организм сувсизланганлиги учун физиологик эритма билан клизма қилиш ёки тери остига юбориш мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун хўжаликдаги бўғоз молларни яхши парвариш қилиш, сифатли озиқа билан таъминлаш ва махсус ажратилган гуғрикхонларда туғдириш зарур. Янги туғилган бузоқларни тоза ҳавога чиқариш. Озиқасига антибиотиклар қушиб бериш яхши натижа беради. Бугоз

сигирлар вакцина билан эмланиши, бузоқларга иммуноглобун юборилиши лозим.

Салмонеллэз (паратиф) - Бу касаллик 7-10 кунликдан 1-2 ойликкача бўлган бузоқларнинг юқумли касаллиги бўлиб, ич кетиши, ўпка яллиғланиши билан характерланади. Одамлар ҳам касалланади. Отлар ва кўйларда бола ташлаш кузатилади.

Касаллик қўзғатувчиси - Касалликни салмонелло ёки паратиф бактерияси кўзгайди. Паратиф бактерияси табиатда кенг тарқалган бўлиб, соғлом молларнинг ичагида яшайдиган шартли патоген микроб ҳисобланади. Бу микроб заифлашган организмда ўзидан захар ажратади. Касал молнинг гўшти яхши зарарсизлантирилмаса, уни еган одам захарланиб касал бўлади. паратифлар микроби ташқи муҳит шароитига чидамли молхонада, гунгда, тупроқда, сувда ва ем-хашакда бир неча ойдан 1-2 йилгача яшайди.

Касалликни эпизоотологияси. Бузоқлар асосан 7-30 кунлигида ва баъзан 2 ойлигида паратиф билан касалланади. Паратиф микроблари табиатда кенг тарқалган, кўпинча соғлом молларнинг ичагида яшайдиган шартли патоген микроб ҳисобланади ва улар заифлашган организмда касаллик кўзгайди. Касалликнинг асосий манбаи касал моллар ва касалликдан тузалган ва бактерия тушувчи моллардир. Касалликдан тузалган моллар бир йилгача паратиф микробларини ахлати, сийдиги билан ташқарига чиқаради. Микроб тупроқ, сув, ем-хашак асбоб-ускуналар сут ва бошқаларни зарарлайди. Ёш бузоқлар элементар йул билан зарарланади.

Касаллик белгилари. Касалликни яширин даври бир неча соатдан 5-7 кунгача давом этади. Касаллик ўткир ва сурункали кечади. Касал бузоқнинг тана ҳарорати кутарилади, калтирайди, ҳолати сустлашади, иштаҳаси пасаяди, юрак уруши ва нафас олиши тезлашади. Қўзидан ёш оқади. Касалликнинг 2-3 кун ичи кетади. Ахлати кул ранг, сарик, газли қон аралаш бўлади. Касал бузоқ заифлашади ва ўз вақтида даволанмаси 4-7 кундан кейин ўлади.

Патологоанатомик ўзгаришлар - ёриб кўрганда, шилимшиқ ва сероз пардаларда қон қўйилганлиги, ичак шилимшиқ пардасининг яллигланганлиги ва қон қўйилганлиги кўзга ташланади.

Касалликни аниқлаш. Касалик эпизоотологик маълумотларга, клиник белгиларига ва ичак органларидаги ўзгаришларига асосланиб аниқланади. Ички органлар лабораторияга юборилиб касаллик аниқланади.

Даволаш ва кураш чоралари. Касал моллар ажратилади иссик, тоза, ёруғ жойда, боқилади ва даволанади. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари билан даволаш тавсия этилади. Ошказон ичакларнинг ишини яхшилаш учун каломель, висмут, таннальбин ва бошқалар берилади. Касалликнинг олдини олиш учун бугоз моллар ва бузоқлар боқиладиган жой тоза бўлиши, юмшоқ ва тоза тушамалар солиш ҳамда кўпроқ тоза хавога чиқариб туриш керак. Молхоналарни вақти-вақти билан тозалаб, дезинфекция қилиш зарур. Касалдан тузалган бузоқлар 3-4 ойгача соғлом бузоқлардан алоҳида боқилади. Янги туғилган бузоқлар гипериммунли қон зардобини ва вакцина билан эмланади, уларга 4-5 кун давомида касалликнинг олдини олиш учун озик ва сув билан биомицин берилади.

Кўзиларнинг дизентерия касаллиги - Дизентерия - янги туғилган кўзиларининг ўткир кечадиган юқумли касаллиги бўлиб, ичакларнинг геморрагик яллиғланиши билан характерланади.

Касаллик қўзғатувчиси. - касалликнинг "В" турдаги бациллус перфрингес дизентерия тайёкчаси қўзғатади. Бу микроб спора ҳосил қилувчиси, ҳаракатланмайдиган анаэроб таёкчадир. Дизентерия тайёкчаси спора ҳосил қилади. 1 соат қайнатилганда ҳам улмайди. Хул тупроқда 220 кунгача яшайди. Дезинфекторлар таъсирида тез ўлади.

Касаллик эпизоотологияси. Бациллус перфрингенс микроблари табиатда кенг тарқалган. Дизентерия касали билан 1-5 кунлик қўзичоқлар касалланади. Бугоз қўйлар нам ва совуқ биноларда, озик рационини витамин ва минерал моддалар кам бўлган ем-хашак билан боқилса, улардан туғилган қўзичоқлар нимжон ва касалликка чидамсиз бўлиб, кўп касал бўлади.

Касалликнинг асосий манбаи касал молдир. Бундан ташқари ичагида микроблар бўлган қўйлар ҳам касаллик манбаи ҳисобланади. Микроб асосан молнинг ахлати билан ташқарига чикиб тупроқ, сув, совлиқларнинг зарарлайди. Микроб ҳазм қилиш органларига кириб жуда тез кўпаяди ҳамда кучли токсин ажратади. Захар организмга сурилиб уни заҳарлайди ва ичак тўқималарнинг зарарлайди.

Касаллик белгилари - Касалликнинг яширин даври бир неча соат давом этади, касаллик ўткир кечади. Касал қўзичоқлар сустлашади, таъсиротларга парво қилмайди, онасини эммайди, кўпинча ётади, ҳарорати кутарилади. Характерли белгиси ичи кетади, тезаги олдин суюк, сарик бўлиб кейинчалик куюклашади ва қон аралаш чиқади. Қўзилар дармонсизланиб, ҳарорати тушиб нобуд бўлади.

Патологанатомик ўзгаришлар - Ўлган қўзи орик, танасининг орқа қисми суюк тезак билан ифлосланган бўлади. Ёриб қурилганда ичагида шилимшиқ парадалар қалинлашганлигини, яралганлигини, некроз, геморрагик яллигланганлигини ичак бушлигида қон аралаш моддалар борлиги куринади.

Диагнози. Касаллик белгилари, эпизоотологияси, патологанатомик ўзгаришларга асосланиб аниқланади, аниқ диагноз қўйиш учун бактериологик текшириш натижасига қараб қўйилади. Ўлган қўзи бутунлигича лабораторияга жунатилади.

Даволаш. - энг яхши натижа гиперимунли зардоб ҳамда антибиотиклар ишлатилади. Симптоматик даволаш мақсадида сурги, юрак диетик дорилар ишлатилади.

Иммунитети. Дезинтериядан тузалган қўзларда мустаҳкам иммунитет пайдо бўлади. Қўзилар туғилган 1-2 соатдан кейин уларга гиперимунли зардобдан 5 млдан юборилиб, пассив иммунитет ҳосил қилиш керак.

Олдини олиш чоралари. Биринчи навбатда бугоз қўйларни яхши парвариш қилиш керак, сифатли озик билан таъминлаш, биноларини тоза сақлаш, вақти-вақти билан дезинфекция қилиб туриш керак.

Дезинтерия ҳар йили пайдо бўлиб турадиган хўжаликларда бугоз кўйлар унга қарши вакцина билан, янги туғилган кўзилар зардоб билан эмланади.

Қоракўл кўзиларни сўйиш ва терисига бирламчи ишлов бериш машиналари ва қурилмалари.

Қоракўл кўзиларни сўйиш ва унга бирламчи ишлов бериш жараёнларини махсус замонавий техника воситалари билан жихозланган, наъмунавий лойиҳалар асосида қурилган пунктларда потокли усулда ташкил этиш меҳнат унумдорлигини оширади, териларнинг сифатли бўлишини таъминлайди ва улардаги турли хил нуқсонларни камайтиради, мавсумни қисқа, белгиланган вақтда бажарилишини таъминлайди. Мавсумни марказлашган кўзи сўйиш пунктларида ташкил этиш айниқса, йирик фермаларда ва хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш самаралорлигини оширади, меҳнатни замонавий илмий асосда ташкил этишни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда қоракўл кўзиларини сўйиш ва унга бирламчи ишлов бериш пунктлари мавсумда 10,20 ва 40 минг кўзи учун мўлжалланган махсус лойиҳалар асосида ишлаб чиқилган. Бу пунктлар учун техника воситалари тизими мавжуд.

21 Жадвал

Қоракўл кўзиларини сўйиш ва терисига бирламчи ишлов бериш машина ва қурилмалар тизими

Машина ёки қурилма номи	Машина ёки қурилма русуми	Унумдорлиги, бош/смена	Хизмат кўрсатувчи ишчилар сони, одам	Ўрнатилган қувват, кВт	Машина ёки қурилманинг массаси, кг
Кўзиларни сўйиш ва	УЗКЯ-2500	750...2000	5...10	2,2	1700

терисини ажратиш қурилмаси					
Қорақўл терисини ёғлар қатлами ва гўшт қолдиқларида н тозаловчи станок	-	750..2000	1...2	4,8	-
Қорақўл териларини тузлаш қурилмаси	-	750...2000	2...4	1,7	-
Қорақўл териларни қуритишг қурилмаси	-	750...2000	2	20	-
Қорақўл терисини тозаловчи станок	СЧС-2 АОҚ	400...900	1...2	1,2	200
Қўзиларнинг оч қоринига бирламчи ишлов бериш қурилмалари тизими	-	500..1000	1...2	1,2	-

Қорақўл қўзиларнинг қолдиқ маҳсулотлари га танасига ишлов берувчи қурилмалар тизими	-	500...1000	1...2	1,2	-
---	---	------------	-------	-----	---

Пунктда технологик жараёнлар қўйидаги тартибда амалга оширилади. Келтирилган қўзилар транспортёр-кўтонга туширилади ва ундан сўйиш ва қонини оқизиш учун УЗКЯ транспортёрига осилади. У ерда териси ажратилади, териси тозаланади ва тузлаш бўлимига юборилади. Тузлаш муддати тугундан кейин қуритиш бўлимига ўтказилади. Қуритилган терилар тозаланиб текис тахланади ва маълум муддатга сақланади. Кейин терилар сараланади, маркаланиб гуруҳли ҳолда тойланади ва қайта ишлаш цехига ёки заводга жўнатилади. Қўзининг танаси ветеринария-санитария назоратидан ўтказилади ва унинг ҳолати аниқланиб ширдони ва танасини қайта ишлаш мумкинлиги аниқланади. Кейин қўзиларнинг танасидан унинг ширдони ажратиб олиниб махсус қурилмадан тозаланади, ҳаво пуфлаб шу ҳолда қуритилади. Қуритилган қўзи ширдончаси тозаланиб тахланади, тўда ҳолда ўраб тойланади.

УЗКЯ-2500 қурилмаси. Бу қурилма қорақўл қўзиларини сўйиш ва терисини ажратиш учун хизмат қилади. Қурилма конвейерли бўлиб, ҳар бир ишлаб чиқариш жойида ишчилар қўйидаги операцияларни бажаради: узатиш; қўзиларни сўйиш ва қонини оқизиш; қонини йиғиштириш; қўзиларнинг тери остига ҳаво билан дамлаш, қўзиларнинг терисини стандарт шаклда кесиш, терисини ажратиш, қўзиларнинг танасини қайта ишлаш бўлимига узатиш, қўзиларнинг оч қорнига ҳаво пуфлаш ва бошқалар киради.

Қўрилма таркибидаги транспортёр-қутон сўйилган қўзиларнинг қонини оқишиш конвейери, қон тўплаш ваннаси, қўзиларни ҳаво билан дамлаш ва уларни стандарт шаклда кесиш столи, компрессор станцияси, қўзиларнинг терсини ажратиш конвейери, қўзиларнинг танасини ташувчи қирғичли транспортёр ҳаракат узатиш механизмларидан тузилган. Транспортёр қўтон ўз навбатида рама. Планкали транспортёр, олди, орқа , ички ва ён томонларидаги деворли тўсиқлар ҳаракат узатиш механизмидан тузилган. Ички деворли тўсиқлар, ҳаракат ҳар бир отар ёки фермаданг келаётган қўзиларни алоҳида ажратиш учун хизмат қилади. Транспортёр-қўтоннинг ҳаракат узатиш механизми электр двигатели, редуктор, тасмали узатмалардан тузилган.

Қон оқувчи конвейер втулкали-роликли занжирли транспортёрдан иборат бўлиб горизонтал текислик бўйича 0,05 м/с тезликда ҳаракатланади. Занжирга ҳар 750 мм оралиғида қўзиларни осийш учун илгак маҳкамланади. Занжирнинг умумий узунлиги 15200 мм ни ташкил этади. Конвейер тагига қўзилардан оқиб тушган қонни йиғиш учун узун тунукали ванна урнатилган.

Қўзиларнинг терсини ажратувчи конвейер ҳам қон оқизувчи конвейерга ўхшаш бўлиб, унинг узунлиги 5228 мм ни ташкил этади, занжирнинг умумий узунлиги 10640 мм ни, илгаклар сони 7 та бўлиб, улар орасидаги масофа 1500 мм ни ташкил этади. Конвейерда терини ажратиш учун 4 киши ишлайди. Конвейернинг тезлиги 0,1 м/с га тенг.

УЗКЯ-2500 қурилмасида сўйилган қўзиларнинг тери остини ҳаво билан дамлаш учун ресивер билан жиҳозланган автомобил компрессори ишлатилади. Бу компрессор тери остига 0,2...0,3 атм босим билан ҳаво юборади ва қўзи танасини дамлайди. Компрессор электр двигатели қуввати 1,0 кВт, ресивер ҳажми 11,9 л, максимал ҳаво босими 4 атм.

Қурилма таркибида сўйилган қўзиларнинг танасини ташиш учун узунлиги 4300 мм бўлган қирғичли транспортёр мавжуд. Транспортернинг тезлиги 0,15 м/с, бўлиб ҳаракат занжирли узатма орқали қурилманинг ҳаракат узатувчи станциясидан олинади.

Қоракўл териларидаги ёғ қатламларни тозаловчи станок. Бу станок ёрдамида тери ёғ қатламлари, гўшт ва томир парчаларидан тозаланади. Станок игнали барабан 2, қисувчи мослама 1, қопқоқли бурилувчи корпус 3, ричакли-шарнирли механизм, 5, ҳаракат узатиш механизми 4, сув бериш тизими ва терини ушлаб турувчи механизмлардан тузилган. Игнаלי барабан асосий иш органи бўлиб теридаги ёғ гўшт парчаларини сидириб олиш, қисувчи уни терига бир текисда қисиб туриш учун хизмат қилади.

Сув билан таъминлаш тизими намлаб ундаги ёғ ва гўшт парчаларини олишни енгиллаштиради. Терини ушлаб турувчи механизм терининг игнали барабанга ўралиб қолмаслигини таъминлайди. Станок тери тозалаш жараёнида меҳнатни енгиллаштиради, унинг унумдорлигини оширади, сифатини, меҳнат шароитининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайдди.

Қоракўл териларини тузлаш қурилмаси. Бу қурилма таркибига бункер 1, тузни берилган миқдорда узатиш механизми. Ҳаракатланувчи контейнер 2, платформали чуқур 3, кўтарувчи ва тушурувчи механизм, тери сақловчи сават 4 лар киради.

Транспорт воситаси ёрдамида туз омборхонадан олиб келиниб чуқур устидаги бункерларга жойлаштирилади. Контейнер териларни тузлаш, уларни устама-уст жойлаштириш, сақлаш жойига ташиш ва шу ҳолда сақлаш учун хизмат қилади. Платформали чуқур, платформани пастга тушириш ёки кўтариш, яъни платформада турган тери тузлайдиган контейнерни керакли ҳолатда бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида тери тузлайдиган операторнинг (ишчининг) ўтирган ҳолда ишлашига шароит яратади. Пунктда тузлаш қурилмасинеи ишлатиш меҳнат унумдорлигини 1,5...2,0 марта оширади, кам жой талаб этади, тузнинг исроф бўлишини камайтиради ва меҳнат шароитини яхшилайдди.

Терини тузлаш жараёни қўйидаги тартибда амалга оширилади. Платформали шахта устига тузлаш контейнери жойлаштирилади ва унинг энг пастки ярусига терилар жойлаштирилиб тузланади. Биринчи тери тепага

қараб унинг устига иккинчи тери пастга қараб ва х.к. Бир ярусга 50 та тери жойлаштирилиб платформа контейнер билан пастга туширилади ва иккинчи ярусдаги терилар тузланади. Барча ярусларда тузланган терилар контейнер ярусларига жойлаштирилгандан кейин кўтариш механизми орқали платформа контейнери билан бирга кўтарилади. Контейнер платформадан чиқариб тузланган териларни сақлаш жойига олиб боради.

СЧС-2 дастгоҳи. Бу дастгоҳ қорақўл териларини турли ифлосликлардан тозалаш учун хизмат қилади. Дастгоҳ ташқи қатлами корпусдан унинг ичига параллел ҳолда горизонтал ўрнатилган иккита бир бирига тескари айланадиган барабандан тузилган. Пастки барабан бутун узунлиги бўйича ўёткали, юқори барабан узундиги бўйича икки қисмдан тузилган. Бир қисми болғачали, қолган қисми ўёткали. Уларга ҳаракат электр двигателидан тасмали узатма орқали узатилади. Пастки барабан, юқориги барабанга махсус елкали посанги, юк орқали қисилади ва улар орасидаги тирқиш 1 мм дан кичик ўлчамда ростланади.

Дастгоҳ корпусининг патсги орқа қисмига сўрувчи марказдан қочма вентилятор ўрнатилган. Вентиляция тизими сўриш қисмидан ва ифлосликларни йиғувчи филтрли қисмидан иборат.

Дастгоҳнинг асосий техник тавсифномалари жадвалда қайд этилган.

Дастгоҳ ёрдамида қорақўл териларини тозалаш қўйидаги тартибда бажарилади. Тозаланган тери айланаётган барабанлар орасига узатилади ва у хар икки томондан бир вақтнинг ўзида тозаланади. Ишчи терини барабанлар орасида ҳаракатлантириб унинг барча қисмини тозалаш зонасидан ўтказди.

Ифлослиги кўп бўлган терилар барабанларнинг болғачали қисми ёрдамида тозаланади. Ифлосликлар вентиляция тизими орқали сўрилиб филтрли тўплагичга йиғилади.

22 Жадвал

СЧС-2 дастгоҳининг техник тавсифномаси

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	миқдори
Дастгоҳининг ишлаш схемаси	-	2-фазали

Унумдорлиги	тери/соат	90...100
Ўрнатилган электродвигателнинг куввати	кВт	1,7
Барабанларнинг айланиш частотаси	мин	900...1400
Вентиляция тизими		мажбурий
Ўлчамлари:	мм	
Узунлиги		2119
Кенглиги		1510
Баландлиги		1070
Дастгоҳда ишлайдиганлар сони	киши	1
Ишчи органларнинг материаллари тозалаш қисми бирламчи барабанда иккинчи тозалашда		диаметри 2 мм ли пўлат болғачалар капронли ўёткалар
Массаси	кг	206

Қоракўлчилик хўжаликларини механизациялаштириш.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда мустаҳкам ем-хашак яратиш ҳамда чорвачилик ишларини комплекс механизациялаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чорвачиликдаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларининг кўпчилигини механизациялаш учун етарли миқдорда янги машиналар ишлаб чиқарилмоқда.

Пичан тайёрлаш машиналари. Пичан ўриб-йиғиш ишлари комплекс механизациялаштирилгандагина кўп миқдорда сифатли пичан тайёрлаш мумкин. Энг асосий пичанзорлар ўтлоқлар, чўл ва чўл-дашт зоналарга жойлашган. Бу зоналар иқлим шароитлари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади, шу сабабли бир зонада яхши ишлайдиган машиналарни бошқа зонада мутлақо ишлатиб бўлмаслиги мумкин.

Чўл-дашт зоналари, юқори хароратли бўлади; бу эса кам ҳосилли табиий ўтлоқлардаги ўтларни оз-оздан уриб ва бира тўла йиғиб олишга

имкон беради. Пичанларни бу усулда йиғиш, пичан тўдалашда нобудгарчиликка йўл қўймасликка ва пичаннинг тўйимли моддаларини сақлаб қолишга имкон беради. Чўл-дашт зоналарида экилиб суғориладиган ўтлардан ташқари, кўпчилик табиий ўтлоқлар кенг майдондан иборат бўлиб, машиналаридан фойдаланилади.

Пичан ўришда тракторга тиркаб ёки ўрнатиб ва от қўшиб ишлатиладиган ўроқ машиналаридан фойдаланилади.

Тракторга тиркаб ишлатиладиган ўроқ машиналара энг қўлай ҳисобланади. Масалана, 6 м кенгликдаги пичанни ўрадиган, тиркаб ишлатиладиган учта К-2,1 маркали ўроқ машинадаги тузилган агрегатда тўрт киши ишласа, шундай кенгликни ўрадиган КНУ-6 маркали ўрнатма ўроқ машинани фақат битта тракторчининг ўзи бошқаради.

Мамлакатимиз заводларида ҳозирги вақтда КНУ-6, КСХ-2,1, КСП-2,1, КН-14 маркали ўрнатма ўроқ машиналара ишлаб чиқарилмоқда.


КН-14 маркали ўроқ машина чўл ва ярим чўл зоналарда табиий ўтларни ўришга мўлжалланган. Бу ўроқ машина махсус гидравлик механизм билан ускуналанган. ДТ-54 А маркали трактор билан бир агрегатда ишлайди. Бу етти брусли ўрнатма ўроқ машинадир.

Ўроқ машинанинг еттита ўриш аппарати бор. 14 м кенгликдаги пичанни ўради. Энг кўпи 6 см юқоридан ўради. Ўроқ машинани ГП-14 ёки ГП-14,5 маркали ёнланма хаскашлар бимлан биргаликда ишлатиш ҳам мумкин. Бу хаскашлар ўрилган пичанни тўплаб кетади. Трактор соатига 5,45 км тезликда юрганда, ўроқ машина соатига 7 гектарча ернинг пичанни ўради. Тракторга тиркаб ишлатиладиган к-6Б, К-2,1 маркали ўроқ машиналар табиий ва экилган ўтларни ўриш учун ишлатилади.


КИП-1,4 маркали майдалагич ўроқ машинадан дашт жойларга экилган кўкат пичанларни тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу машина пичанни ўради, қирқиб майдалайди ва майдаланган массани тиркалган аравача ёки келаётган автомашинага ортиб беради. Ўроқ машина махсус ўрнатиш кронштейин маҳкамланган МТЗ ва ТТЗ маркали трактор билан ишлатилади.



Талабга мувофик кўк рангли кўчқорча.




Кўзили кўйларни гипсли чўл шароитида боқилиши.



Қоракўл қўйларни кушимча озиклантириш




Мустахкам конституцияли кўк рангли насли кўчқор.



Хар хил рангли талабга мувофик қоракўл терилари.



Сур рангли насли қўқорча.



Энг қимматли қоракўл териларга хос бўлган қалами гуллар.

Изоҳли луғат

1. Қоракўл тери – маълум даражада жингалакланган қалам гуллар билан қопланган қоракўл кўзилар териси
2. Барра тери – жингалакланиб гул ҳосил қилган толалар билан қопланган кўзилар териси
3. Тақир тери – қоракўл кўзисининг 125-128 кунлик ҳомилалик даврида олинган тери
4. Қоракўл тери– қоракўл кўзининг 130-135 кунлик ҳомиласидан олинадиган тери.
5. Қоракўл- қоракўлча – қоракўл кўзисининг 138-145 кунлик ҳомиласидан олинадиган тери
6. Қалам гуллар – қоракўл зотига хос гул бўлиб, гулнинг энидан узунлиги доимо узун бўлган қалами жингалакланган жун толалари
7. Ясси қалам гуллар – эни баландлигидан анча ортиқ қалам гуллар
8. Қовурғасимон қалам гуллар –қалам гулларнинг сиртида қовирға ўхшаш иккита қиррали гуллар
9. Ловиясимонг гуллар –узунлиги 12 мм келадиган қалам гуллар
- 10.Барра типи – Қоракўл кўзилар гулларининг шакли ва турига қараб бўлинади
- 11.Жакет барра типи – терининг асосий қисмини ярим доира қалам гуллар қопланган
- 12.Ясси барра типи – терининг асосий қисмини ясси қалоам гуллар қопланган
- 13.Қовурғасимон барра типи – терининг асосий қисмсини қовурғасимон ёки ёл гуллар қопланган
- 14.Кавказ барра типи – гулнинг тури ва шаклидан қатъий назар жун қолплами ўсинқираган терилар
- 15.Дурагай терилар – қоракўл зотига мансуб ва бошқа зотга мансуб кўйлар кўзитсидан олинган тери

16. Яхабоб тери – жун қоплами 3-5 см бўлган қорақўл қўзисининг териси
17. Қорақўл қўй зоти – қадимда халқ селекцияси билан Ўзбекистонда яратилган қорақўл тери берувчи зот
18. Конституция типи – ҳайвон организмнинг ташқи муҳит таъсирига жавоб реакцияси
19. Бонитировка – 1-3 кунлик қўзилардан келажакда фойдаланишмақсадила баҳолаш
20. Барра типи – гулининг шакли ва турига қараб бўлинадиган қорақўл қўзилар териси
21. Экологик тип – маълум бир экологик муҳитга мослашган қорақўл қўйларнинг гуруҳи
22. Завод типи – ўзининг маҳсулдорлик ва биологик хусусиятлари билан ажралиб турадиган ва ушбу кўрсаткични авлодга мустаҳкам равишда бера оладиган ҳайвонлар гуруҳи.
23. Кўк рангли терилар – оқ ва қора жун толалар аралашмасида ҳосил бўлган терилар
24. Сур ранги – жун толасининг узунлиги бўйлаб ҳар хил пигментланишдан ҳосил бўлади.
25. Гулигаз ранги – оқ ва қамбар рангли толалар аралашмасидаги ҳосил бўлган терилар
26. Қамбар ранги – тери юзасида жигар ранг бўлган терилар
27. Оч кўк туси – тери юзасида 70-75% оқ жун толалари бўлган кўк терилар
28. Ўрта кўк туси – тери юзасида 45-70% оқ жун толалари бўлган кўк терилар
29. Тўқ кўк туси – тери юзасида 8-45% оқ жун толалари бўлган кўк терилар
30. Кумуш сур – жун толасининг остки қисми қора ёки тўқ кулранг уч қисми оч кулранг ёки кумуш ранг
31. Шамчироқ гул – жун толасининг остки қисми қора уч қисми оқ рангда

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству.
2. Гигинейшвили Н.С. Племенная работа в цветном каракулеводстве. М.1976 г.
3. Дьячков И.Н. Племенная работа в каракульском овцеводстве. Т.1976.
4. Зоқиров ва бошқалар. Қоракўлчилик. Тошкент 1983.
5. Кошевой . Селекция и условия содержания каракульских овец. Т. 1975.
6. Кедрова С.И. Кормление и содержание каракульских овец. М. 1967
7. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент 1998 йил. –I-II жилд.
8. Рахимов А.А. Қоракулчилик Тошкент. 1967.
9. Юсупов С.Ю. Каракулеводство. Тошкент 1991.
- 10.Юсупов С.Ю. Биология каракульской овцы. Тошкент 1992
- 11.Юсупов С.Ю. ва бошқалар. Қоракўлчилик. Амалий машғулотлар. Тошкент 1987.
- 12.Юсупов С.Ю. Селекция и племенные ресурсы в каракульском овцеводстве. Т. 2010.